Ислоҳот бошлангандан кейинги уч йил (1984-87 йй.) ичида мактабларга 4806 нафар ёш мутахассислар йўлланма олди. 1990 йили республикада 20,5 минг ўқитувчи меҳнат қилиб, уларнинг 82 фоизи олий маълумотга эга эди. 1981-1985 йилларда мактабни ислоҳ этиш бошланиши билан мактаб қурилиши ишларига эътибор кучайтирилди. 1981-1990 йилларда 117,4 минг ўринлик 225 та мактаб қурилиб фойдаланишга топширилган бўлса, улардан 83,7 минг ўринлик 160 та мактаб ислоҳотлар жараёнида қурилди [8:352].

Давлатимиз мустақиллиги арафасида Қорақалпоғистон Республикасида 691 та умумий ўрта таълим мактаблари фаолият кўрсатиб, уларда 315103 ўқувчи таълим олди. Бу мактабларда 28053 ўқитувчи фаолият олиб борди (1.2-жадвал) [10,3].

Ушбу даврга келиб сиёсий ва иқтисодий вазият мураккаблиги туфайли таълим тизимида бир қатор муаммолар кузатилар эди. Асосан мактабларнинг ўқувчилар сонига нисбатан кам эканлиги жиддий муаммолардан бўлди. Шу боисдан мамлакат бюджетидан ажратилган маблағлар эвазига жами 41328 ўқувчи ўрнига мўлжалланган 75 та мактабда қурилиш ишлари олиб борилиб, 1991 йил охиригача 20449 ўқувчи ўрнига мўлжалланган 36 та мактабни ишга тушириш кўзда тутилди [9:174]. Лекин 120 та мактабда жорий таъмирлаш тугалланмаган, капитал таъмирлаш лозим бўлган 114 та мактабнинг фақат 23 тасида таъмирлаш ишлари бажарилган. Айнан иш бошлаган мактабларнинг барчасини ўқув инвентарлари билан таъминлаш борасида ҳам муаммолар мавжуд эди. Ажратилган 254,4 минг сўмдан фақат 65 фоизи, яъни 167,4 минг сўм мактаблар учун ишлатилган эди [9:175]. Айникса, ўқувчиларни ўқув жиҳозлари билан таъминлашда жиддий муаммолар кузатилди. Шунингдек, барча мактаблардан фақат 492 та мактаб кутубхона, 448 та мактаб устахона, 362 та мактаб ошхона ва буфет, 151 та мактаб тиббий хоналар билан таъминланган эди [9:194].

Юқоридаги маълумотлар минтақадаги халқларнинг саводхонлик даражасини ошириш учун халқ таълими соҳасида асосий вазифа этиб белгиланганлиги албатта ижобий ҳодиса эди. Лекин таълим соҳаси халқимизнинг миллий маънавияти, қадриятларидан, улуғ аждодларимиз меросларидан бутунлай ажралиб, юқоридан бошқарилар эди. Умумий ўрта таълим мактабларида ўсиб келаётган ёш авлодга халқимизнинг миллий тарбия негизлари, тарихий мероси, аксиологик билимларини ўргатадиган ахлоқшунослик, одобнома ва ижтимоий-иқтисодий, хуқуқий билимлар асосларини ўргатадиган фанларнинг етарли даражада ўқитилмаслиги, мавжуд ёки мазмунан яқин фанларда эса юқоридаги мавзулар умуман ўргатилмаганлиги ушбу соҳадаги асосий муаммолардан бўлди.

Шу боис, мустақиллик йилларида мактаб таълими мазмунини модернизация қилишга, айникса, бошланғич таълим сифатини яхшилашга, ўқитувчилар билим савиясини юқорилатишга, мактаб битирувчиларининг келажакдаги ҳаёти билан боғлиқ масалаларга, мактабларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлашга, жумладан ўқувчиларнинг спорт билан мунтазам шуғулланишлари учун имкониятлар яратиш каби қатор муаммоларга алоҳида эътибор қаратилди.

**Адабиётлар**

1. Алеуов У. Қарақалпақстанда талим-тарбиялық ойлардын қәлиплесиўи ҳәм раўажланыўы. (Қарақалпақ халқынын педагогикасы тарийхы). -Нөкис: “Билим”, 1993. 504-б.
2. Алеуов У. Каракалпакия. // Российская педагогическая энциклопедия. Т-1. -М.: Большая Российская энциклопедия. 1993.
3. Карлибаев М. История народного образование в Каракалпакии XIX-XX веков: - Автореф. дисс...кан.ист.наук. - Н.: 1995.
4. Сейтимбетова Р.Й. Развитие дошкольного образование в Каракалпакстане: Дис. ...канд. пед. наук. – Т.: 1997. -С. 157.
5. Уразбаева Р.Дж. История образования в Каракалпакстане. - Т.: «Yangi nashr», 2011. –С. 272.
6. Урумбаев Ж. Очерки истори школы в Каракалпакстана (1810-1970 гг.). Н.: “Каракалпакстан”, 1974. -С.583.
7. Народное хозяйство Каракалпакстана. -Н.: “Каракалпакстан”, 1981. –С.181.
8. Қорақалпоғистон XIX асрнинг 2-ярмидан XXI асргача. –Н.: “Қарақалпақстан, 2003. 556-б.
9. Қорақалпоғистон Республикаси Жоқарғи Кенгеси архиви. Фонд. 35, оп.1, д.79, 169,174-175, 194-б.
10. Ўзбекистон Республикаси Марказий Давлат архиви. Фонд, м-26, оп.1, ед.хр. 107, 3-б.

**РЕЗЮМЕ**

Мақолада Қорқалпоғистон умумий ўрта таълим мактабларининг мустақиллик йилларига қадар ривожланиши илмий педагогик, тарихий нуқтаи назардан ўрганилиб, ушбу йиллардаги таълим ислоҳотлари бўйича маълумотлар умумлаштирилган.

**РЕЗЮМЕ**

В статье рассматривается развитие общеобразовательных школ в Каракалпакстане до обретения независимости с научно-педагогической и исторической точки зрения, а также обобщаются данные о реформах в системе образования в эти годы.

**SUMMARY**

The article discusses the development of secondary educational schools in Karakalpakstan until independence from a scientific, pedagogical and historical points of view and also summarizes data on educational reforms these years.

## МУСТАҚИЛЛИК ЙИЛЛАРИДА ТАЪЛИМ ИСЛОҲОТЛАРИ: МУАММОЛАР ВА ТАЖРИБА (ТАРИХИЙ ТАҲЛИЛ)

**Т.А.Хатамов** – *тарих фанлари номзоди, доцент*
*Ўзбекистон халқаро ислом академияси*

**Таянч сўзлар:** таълим, ёшлар, ислоҳотлар, ўқитувчилар, моддий-техник база, дарсликлар.
**Ключевые слова:** образование, молодёжь, реформы, учителя, материально-техническая база, учебники.
**Key words:**education, youth, reforms, teachers, material technical base, textbooks.

Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг узвий ва мантиқий давоми сифатида эътироф этилувчи Мактаб таълимини ривожлантириш давлат умуммиллий дастури доирасида амалга оширилган ислоҳотларни илмий-тарихий жиҳатдан таҳлил қилиш ва кенг жамоатчиликка етказиш тарихчилар олдида турган муҳим вазифалардан бири ҳисобланади.

Таълим ислоҳотлари жараёнида энг муҳим босқич-мактаб таълими узлуксиз таълим тизимида бўш бўғинга айланиб қолганлиги билан бирга кўплаб камчиликлар ва муаммолар ҳам бу даврда йиғилиб қолганлиги маълум бўлди. Бу айниқса, мактаблар моддий-техника базасининг ночорлигида яққол кўзга ташланди, қишлоқ жойларда бу борадаги аҳвол жуда танг даражага келиб қолганди. Шу боис мактаб таълимидаги муаммолар, уларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва узлуксиз таълимнинг яхлит-ягона тизимини шакллантириш билан боғлиқ жиддий масалаларни бартараф этиш ва Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг истиқболдаги босқичларини муваффақиятли амалга ошириш мақсадида 2004 йил 19 февралда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2004-2009 йилларда мактаб таълимини ривожлантириш давлат умуммиллий дастурини тайёрлаш чоратадбирлари тўғрисида” [1] махсус фармойиши эълон қилинди.

Умуммиллий дастурни тайёрлаш ва унинг амалга оширилишида қуйидаги 5 та устувор вазифа белгилаб олинди. Булар:

- умумтаълим мактаблари биноларини ва муҳандислик-коммуникация инфратузилмасини тубдан янгилаш ва реконструкция қилиш;
- мактабларни замонавий ўқув-лаборатория ускуналари, компьютер техникаси, дарсликлар ва ўқув-услубий материаллар билан жиҳозлаш;
- таълим стандартлари ва ўқув дастурларини такомиллаштириш;
- умумтаълим мактабларини малакали педагог кадрлар билан таъминлаш, ўқитувчиларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишнинг самарали тизимини яратиш, улар меҳнатини рағбатлантиришни кучайтириш;
- умумтаълим мактаблари спорт базасини мустаҳкамлаш ва уларда спортни ривожлантиришдан иборат эди.

Ушбу Умуммиллий дастур асосида қисқа фурсатда республикамизнинг 6 та йирик лойиҳалаш институтлари: АО "ЎЗЛИТТИ", "Тошаҳарлойиҳа", "Ўзшаҳарсозлик", "Ўздавлаттиблойиҳа", АООТ "Ўзқишлоқлойиҳа", "Ўзсувқурилишлойиҳа" томонидан умумтаълим мактаблар учун 2418 та намунавий лойиҳалар, техник-иқтисодий ҳисоблар ва лойиҳа макетлари ишлаб чиқилди. Шунингдек, умумтаълим мактабларини жиҳозлаш меъёрларини ишлаб чиқиш юзасидан "Ўздаврхитектқурилиш" қўмитаси ва лойиҳалаш институтлари ҳамкорлигида 2004-2009 йилларда капитал реконструкция қилинадиган ва янги қуриладиган мактаблар учун лойиҳа-смета ҳужжатлари тайёрланди [2].

Фармойиш асосида умумтаълим мактабларидаги аҳволни ўрганиш ва таҳлил қилиш жараёнида 9727 та умумтаълим мактабларининг 684 таси авария ҳолатида эканлиги, мавжуд мактаб биноларининг 40 % эса мослаштирилган бўлиб, ўқувчиларнинг 28 % дан кўпроғи икки-уч сменада ўқиётганлиги маълум бўлди, шу сабабли капитал ва жорий таъмирланиши зарур мактаблар ва қурилиши тугалланмаган объектларнинг номма-ном рўйхати ҳам тузилди.

Мамлакат раҳбарияти мактаб таълимини ривожлантириш йўлида узоқни ўйлаб қилиниши лозим бўлган, миллат, жамият ва давлат манфаатлари нуқтаи назаридан ғоят масъулиятли вазифалар олдимизда турганига, бу ишларнинг барчаси ҳар томонлама пухта, аниқ ва режали асосда ташкил этилиши зарурлигига[3] муҳим эътибор қаратдилар.

2004 йил 21 майдаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг "2004-2009 йилларда Мактаб таълимини ривожлантириш давлат умуммиллий дастури тўғрисида"ги фармони [4:230-236] ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 9 июлдаги қабул қилинган "2004-2009 йилларда Мактаб таълимини ривожлантириш давлат умуммиллий дастурини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори [5:85-112] айнан ана шу мақсад-муддаоларни ўзида мужассам этди.

Беш йиллик режага мувофиқ, мавжуд 9 минг 727 та мактабнинг 8 минг 476 тасида эски мактаб бинолари ўрнига янгиларини қуриш, капитал реконструкция қилиш, капитал ва жорий таъмирлаш ишлари белгиланди ва ислоҳотлар натижасида 3 млн ортиқ ўқувчиларнинг таълим олиши учун шарт-шароитларни яхшилаш режалаштирилди[6].

Республика ҳукуматининг Умуммиллий дастур асосида таълим ислоҳотларини янада чуқурлаштириш борасида амалга оширган тадбирлари натижасида, дастлабки йилларданоқ ижобий ютуқларга эришилди. Жумладан, 2004 йил якунига келиб республикада 430 та мактаб капитал таъмирланди. Бу ишлар бўйича давлат бюджетидан 13,6 млрд. сўм маблағ ўзлаштирилди. 142 та мактаб мебеллари янгиланди, ичимлик суви билан таъминланган мактаблар сони 70 % дан 80 % га, газлаштирилган мактаблар 52,8 % дан 59,7 % га, телефон тармоғига уланган мактаблар 48 % дан 59 % га, оқова қувурлар тизимига уланган мактаблар 43 % дан 49 % га кўпайди [7].

Шу йили Вазирлар Маҳкамаси қошида махсус "Давлат қабул комиссияси" ташкил этилиб, янгидан қурилган ва капитал реконструкция қилинган таълим объектларининг сифатлилиги доимий назорат қилиб борилди.

Умуммиллий дастур ижросининг хронологиясига назар солсак, 2005 йил якунларига кўра 524319 ўқувчига мўлжалланган 1099 та мактабда қурилиш-таъмирлаш ишлари бажарилган бўлиб, улардан 55 таси янгидан қурилган бўлса, 284 таси капитал реконструкция қилинди, 438 таси капитал ва 322 таси жорий таъмирланди. Ушбу ишларни амалга ошириш учун "Мактаб таълими жамғармаси" томонидан жами 104,1 млрд. сўм маблағ сарфланди. Шунингдек, 311 та касбга йўналтириш, 380 та чизмачилик, 388 та кимё ва биология, 638 та физика, 693 та лингафон, 986 та компьютер синфлари, 128 та кимё ва 194 та биология лабораториялари, 219 та ошхона, 613 та спорт ва 238 та кийим алмаштириш хоналари ўқув-техник воситалари ва бошқа зарур ашёлар билан таъминланди. 11804 та маъмурий-методик ва синф хоналарини жиҳозлаш учун 99915 комплект ўқувчилар партаси, 7849 дона синф доскаси, 7589 дона ўқитувчилар столи ва 9365 дона стули, 21105 дона китоб жавони, 15364 дона кийим жавони ва 2017 та бошқа зарур мебеллар ҳарид қилинди. Буларнинг барчасига давлат томонидан 41 млрд. 910 млн. сўм маблағ ажратилди [8].

Умуммиллий дастур вазифаларини амалга ошириш жараёнлари республика вилоятларида ҳам ўз натижаларини бера бошлади. Жумладан, Қашқадарё вилоятида биргина 2005 йилда 22 та мактаб биноси янгидан қурилди, 25 та мактаб биноси капитал реконструкция қилинди ва 39 та мактабда капитал ва жорий таъмирлаш ишлари олиб борилди. Ушбу хайрли ишларга "Шўртангазкимё", "Газкимёчи" ташкилотлари томонидан 478 млн. сўмлик ҳомийлик маблағлари ҳам ажратилди [9].

Наманган вилоятида эса 2005 йилнинг ўзида 16 та мактаб капитал таъмирдан чиқарилди. Бунинг учун Осиё Тараққиёт Банкининг UZB лойиҳаси бўйича 619 млн. сўм маблағ ажратилди, ўқув жиҳозлари учун 298 млн. сўм, компьютер техникаларига эса 156 млн. сўм маблағ давлатимиз томонидан ажратилди. Ҳомий ташкилотлар эса мактаблар таъмири ва жиҳозлаш учун жами 817 млн. сўм маблағ ажратдилар [10].

Тошкент вилоятида ҳам 2005 йилда 5 та янги мактаб қурилиб ушбу мақсадлар учун 1 млрд. 364 млн. сўм сарфланди. 39 та мактабни капитал реконструкция қилиш учун 7 млрд. 139 млн. сўм, 37 та мактабни капитал таъмирлаш учун 2 млрд. 437 млн. сўм, 11 та мактабни жорий таъмирлаш учун эса 202 млн. 650 минг сўм маблағ ўзлаштирилди. Бундан ташқари Тошкент вилояти ҳокими ташаббуси билан ҳомийлик сифатида мактабларни жорий таъмирлаш учун қўшимча 233 млн. 264 минг сўм ажратилди [11].

Республика ҳукумати ўқувчиларни ижтимоий ҳимоя қилиш мақсадида 2004-2005 ўқув йилида мактабларнинг 1-синфига келган 590087 нафар ўқувчилар учун 10 млрд. 988 млн. сўм маблағ ажратиб, уларга 12 номдаги ўқув қуроллари ва кам таъминланган оилаларнинг 1-9 синфларида ўқийдиган фарзандларига 709546 тўплам қишги иссиқ кийим-бош жойларга етказиб берилган бўлса, 2005-2006 ўқув йилида эса 713832 тўплам кийим-бошлар ижтимоий ҳимояга муҳтож ўқувчиларга берилди. Шунингдек, 2005 йилда хайрия ташкилотлар томонидан меҳрибонлик уйларида 596 млн. сўмлик қу-

рилиш-таъмирлаш ишлари бажарилди. Ушбу муассасалар тарбияланувчилари учун 2005-2007 йиллар мобайнида ҳомийлар томонидан жами 37 млрд. 670 млн. сўмлик спорт жиҳозлари, юмшоқ ва қаттиқ мебеллар етказиб берилди [12].

Қорақалпоғистон Республикасида ҳам 2006 йилда режадаги 100 та мактабдан 7 таси янгидан қурилди, 36 та мактаб капитал реконструкция, 32 та мактаб капитал, 25 та мактаб эса жорий таъмирланди бу ишларга жами 17,1 млрд. сўм маблағ сарфланди [13].

Таҳлилларга кўра мамлакатда 2006 йилда 2005 йилга нисбатан янгидан қурилган мактаблар сони 7 тага, капитал реконструкция қилинган мактаблар сони 102 тага, капитал таъмирдан чиқарилган мактаблар сони эса 92 тага кўпайган. Умуммиллий дастур асосида 2004-2006 йиллар мобайнида мактаблар учун зарур ҳисобланган 350 турдан ортиқ жиҳозларга жами 54,1 млрд. сўм маблағ сарфланди.

2007 йил якунига келиб Умуммиллий дастурда белгиланган вазифаларнинг 50 % дан кўпроғи амалга ошириб бўлинган эди. Жумладан, 2004-2007 йилларда жами 4669 та умумтаълим мактабларида қурилиш-таъмирлаш ишлари амалга оширилди, 215 та янги мактаб бинолари барпо этилди, 1174 та мактаб капитал реконструкция қилинди, 2074 та мактаб капитал ва 1216 та мактаб жорий таъмирланди. Мазкур ишларга “Мактаб таълими жамғармаси” томонидан жами 600,7 млрд. сўм маблағ сарфланди. Эътиборлиси шундаки, фойдаланишга топширилган жами 4669 та таълим муассасаларидан 3768 таси (80,6 %) қишлоқ ҳудудларида, 120 таси (2,6 %) бориш қийин бўлган тоғли ҳудудларда, қолган 781 таси (16,8 %) эса шаҳарларда эди. Ушбу ислоҳотлар натижасида қишлоқ ва шаҳар мактаблари ўртасидаги тафовут қисқариб борди. Шунингдек, 2007 йилгача 1606 та мактаб замонавий ўқув компьютер синфлари билан жиҳозланди. Компьютерлаштириш учун бюджет маблағлари ҳисобидан жами 8,4 млрд. сўм ва кредит маблағлари ҳисобидан 23,6 млн. АҚШ доллари сарфланди.

2008 йилда ҳам Умуммиллий дастур вазифалари изчиллик билан давом эттирилганини кўрамиз. Хусусан, 70 та янги мактаб бинолари барпо этилди, 583 таси капитал реконструкция қилинди, 792 та мактаб бино ва иншоотлари капитал 416 таси эса жорий таъмирланди. 1881 та умумтаълим мактабларини жиҳозлаш учун “Мактаб таълими жамғармаси” томонидан 138 млрд. сўм етказиб берилди.

Умуммиллий дастур ижросининг сўнгги 2009 йилги режасига 1957 та умумтаълим мактаблар киритилган бўлиб, улардан 66 таси янгидан қурилди, 710 таси капитал реконструкция, 754 таси капитал ва 427 таси жорий таъмирланди. Ушбу мақсадларга 437,2 млрд. сўм, шунингдек, 28 та янги мактаб қурилиши учун хорижий инвестиция (Саудия тараққиёт жамғармаси ва ОПЕК) ҳисобидан 19,8 млн. АҚШ долларида кредит ажратилди. 2009 йил “Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили” муносабати билан қишлоқ ҳудудларида мактабларни қуриш ва таъмирлаш ишларига алоҳида эътибор қаратилди. Умуммиллий дастур асосида таъмирланган ва янгидан қурилган 1957 та мактабнинг 1606 таси (82,2 %) қишлоқларда ва 89 таси (4,5 %) борилиши қийин бўлган ҳудудларда эди.

Миллий дастур вазифалари асосида амалга оширилаётган туб ислоҳотлар ривожида таълим соҳасига чет эл инвестицияларини кенг жалб этиш ҳам муҳим ўрин тутди. ЎзР Вазирлар Маҳкамаси томонидан 2004 йил 7 июнда “Бюджетдан ташқари мактаб таълими жамғармасини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги [14] қарорининг қабул қилиниши бу борадаги ишларга янада кенг йўл очиб берди.

Ислом тараққиёт банкининг имтиёзли кредити асосида “Ўзбекистон Республикасида умумтаълим мактабларини қуриш ва жиҳозлаш” лойиҳасига кўра 2004-2009 йилларда 5355 ўқувчи ўрнига эга бўлган 15 та янги умумтаълим мактаблари қурилди.

Халқ таълим вазирлигининг истиқболли инвестиция дастурида Осиё Тараққиёт Банки билан ҳамкорликда “Таълим тизимини ривожлантириш” (2003-2007 йиллар, 39 млн. АҚШ доллари) [15] лойиҳасига кўра, 15 та масофадан ўқитиш ресурс таълим марказлари ва 70 та масофадан ўқитиш таълим марказларини жиҳозлаш ишлари ҳамда лойиҳа доирасида таъмирланадиган ва жиҳозланадиган 150 га яқин моддий-техника базаси ночор мактабларда кўзда тутилган таъмирлаш ва жиҳозлаш ишлари бажарилди [16].

Шунингдек, Хитой Халқ Республикаси билан ҳамкорликда “Умумтаълим мактабларини қуриш ва жиҳозлаш” (2005-2006 йиллар, 28 млн АҚШ доллари), “Умумтаълим мактабларини замонавий компьютер синфлари билан жиҳозлаш” (2005-2007 йиллар, 19 млн. АҚШ доллари кредит, 1 млн. грант) лойиҳаси, Жаҳон Банки билан ҳамкорликда “Умумтаълим мактабларини ахборотлаштириш ва компьютерлаштириш” (2006-2007 йиллар 7 млн. АҚШ доллари) ҳамда Осиё Тараққиёт Банкининг “Умумтаълим мактабларини лаборатория ва компьютер жиҳозлари билан таъминлаш” (2006-2009 йиллар 12 млн. АҚШ доллари) каби лойиҳалари ижроси натижасида жами 2004-2009 йилларда 5278 та мактаб тўлиқ ва қисман замонавий компьютерлар билан таъминланди [17].

Бундан ташқари Жаҳон Банки ёрдамида 1000 га яқин мактабларда “Мактаб таълимини ривожлантириш” лойиҳаси иккинчи босқичини амалга ошириш (2007-2010 йиллар 40 млн АҚШ доллари) йўлга қўйилди ҳамда кичик грант маблағлари ҳам ажратилди. 2004 йилда Япония ҳукуматининг “Ижтимоий соҳага беғараз ёрдам дастури” доирасида умумий қиймати 1 млн. АҚШ долларига тенг 14 та кичик грант шартномалари имзоланиб, маблағлар мактабларда қурилиш-таъмирлаш ва замонавий ўқув-техника воситалари билан таъминлаш ишларига сарфланди. Шунингдек, Австрия элчихонаси томонидан Тошкент вилоятининг Пискент туманидаги мактаб-интернатнинг моддий-техника базасини ривожлантириш учун 2,5 минг АҚШ доллари ажратилди, Германия элчихонаси томонидан 2008 йилда 200 дона замонавий компьютерлар умумтаълим мактаблари учун тақдим этилди. Ўзбекистон ва Жанубий Корея республикаларининг таълим муассасаларининг ўзаро ҳамкорликлари натижасида 2007-2008 ўқув йилида Сеул таълим департаменти томонидан Тошкент шаҳридаги 30 та умумтаълим мактабларига 600 та компьютер техникалари келтирилди [18]. Бундай ижобий ўзгаришлар Миллий дастур ва Умуммиллий дастур вазифалари асо сида амалга ошаётган ислоҳотларнинг самараси эди.

Дастур қабул қилингунга қадар мамлакатда 9727 умумтаълим мактаблари мавжуд бўлган бўлса, 2009 йил якунига келиб юртимиздаги умумтаълим мактаблари сони 9773 тага етди. Умуммиллий дастурда белгиланган режадан ташқари қўшимча равишда 14997 ўқувчига мўлжалланган 47 та янги мактаб бинолари қурилди, 14424 ўқувчига мўлжалланган 30 та мактаб бинолари капитал реконструкция қилинди, 58532 ўқувчига мўлжалланган 95 та мавжуд мактаб бино ва иншоотлари капитал ва 132620 ўқувчига мўлжалланган 230 та мактаблар эса жорий таъмирланди. Жами 220573 ўқувчига мўлжалланган 402 та мактаб янгидан қурилди ва таъмирланди.

Умумтаълим мактаблари спорт базасини мустаҳкамлаш ва уларда спортни ривожлантириш учун 2004-2009 йиллар давомида “Мактаб таълими жамғармаси” ва Халқ таълими вазирлиги ҳузуридаги “Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси” томонидан жами 6626 та (2004 йилга нисбатан 45,1 % ёки 4386 тага кўп) умумтаълим муассасаларида спорт зал-

лари янгидан қурилди ва мавжудлари таъмирланди.

Ўрганилаётган даврда Мактаб таълимини ривожлантириш давлат умуммиллий дастури асосида юртимизда амалга оширилган ишлар сарҳисобини қиладиган бўлсак, умумтаълим мактабларининг моддий-техника базасининг мустаҳкамланишида дастурда белгиланган асосий устувор йўналишларнинг тўлиқ амалга оширилганини кўрамиз.

Жумладан, умумтаълим мактаблари бинолари ва муҳандислик-коммуникация инфратузилмасини тубдан янгилаш ва реконструкция қилиш борасида 3 млндан ортиқ ўқувчи ўринли 8501 та мактабларда қурилиш-таъмирлаш ишлари амалга оширилди. Шу жумладан, 1.166.40 ўқувчи ўринли 351 та янги мактаб бинолари қурилди, 850.951 ўқувчи ўринли 2470 та мактаб бинолари ва муҳандислик-коммуникация инфратузилмаси мукаммал реконструкция қилинди, 2.044.582 ўқувчи ўринли 3607 та мактабларнинг бино ва иншоотлари капитал ва 2072 та мактаб эса жорий таъмирлашдан чиқарилди. Ушбу таъмирланган мактабларнинг 1326 таси (16 %) шаҳарларда, 6887 таси (81 %) қишлоқ ҳудудларида, 287 таси эса (3 %) борилиши қийин бўлган ҳудудларда жойлашгандир.

Тадқиқот натижалари асосида хулоса қилиб шуни таъкидлаш лозимки, давлатимизнинг умумтаълим мактабларига эътибори туфайли юртимизда янги мактаблар қурилди, мавжудлари таъмирланди, уларнинг моддий-техника базаси мустаҳкамланиб борди. Хусусан, 2004-2009 йилларда Мактаб таълимини ривожлантириш давлат умуммиллий дастури учун эса қарийб 1,5 триллион сўм маблағлар сарфланди[19]. Ушбу дастурда белгиланган устувор вазифалар юртимизда таълим ислоҳотларининг чуқурлашувида улкан аҳамият касб этди. Энг муҳими, мамлакат ёшларининг аксар қисмини қамраб олган республика умумтаълим мактаблари шарт-шароитлари янада яхшиланди ва умумтаълим мактаблар тараққий этган дунё таълим муассасалари даражасига яқинлашди.

**Адабиётлар**


1. ЎзР Халқ таълимига оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўплами. -Т.: 2008. Т.1. 48-56-б.
2. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги (бундан буён: ЎзР ХТВ) жорий архиви. 4374-фонд. 64-рўйхат. 42-иш. 82-83-б.
3. Маърифат. 2004, 25 февраль.
4. ЎзР Халқ таълимига оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўплами. -Т.: 2008. Т.1. 230-236-б.
5. Ўша жойда. –Т.2. 85-112-б.
6. ЎзР ХТВ жорий архиви. 3845-фонд. 46-рўйхат. 90-иш. 51-б.
7. ЎзР ХТВ жорий архиви. 2435-фонд. 48-рўйхат. 31-иш. 40-44-б.
8. ЎзР ХТВ жорий архиви. Умумтаълим мактаблари бош бошқармаси. “2004-2009 йилларда Мактаб таълимини ривожлантириш давлат умуммиллий дастури”нинг 2005 йилдаги ижроси юзасидан бажарилган ишлар бўйича ҳисоботи. 3245-фонд. 51-рўйхат. 14-иш. 10-27-б.
9. ЎзР ХТВ жорий архиви. Умумтаълим мактаблари бош бошқармасининг умум ўрта таълим мактабларидаги 2005 йилда Умуммиллий дастур режалари асосида қурилиш-таъмирлаш ишлари ҳақида маълумот. 4946-фонд. 13-рўйхат. 2-иш. 7-12-б.
10. ЎзР ХТВ жорий архиви. Инвестицияларни жалб этиш ва халқаро ҳамкорлик бўлимининг ҳисоботлари. 4623-фонд. 21-рўйхат. 86-иш. 14-30-б.
11. ЎзР ХТВ жорий архиви Тошкент вилояти халқ таълими бўлимининг ҳисоботлари. 3621-фонд. 54-рўйхат. 42-иш. 76-83-б.
12. Ўша жойда. 3984-фонд. 27-рўйхат. 8-иш. 53-54-б.
13. ЎзР ХТВ жорий архиви Умумтаълим мактаблари бош бошқармасининг ҳисоботлари. 3251-фонд. 67-рўйхат. 47-иш. 19-33-б.
14. ЎзР Халқ таълимига оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўплами. -Т.: 2008. Т.2. - 72-83-б.
15. ЎзР ХТВ жорий архиви Дарсликлар ва ўқув методик адабиётларнинг янги авлодини яратиш бўлимининг “Таълим тизимини ривожлантириш” (2003-2007 йиллар) дастури ижроси юзасидан тайёрланган ҳисоботи. 3291-фонд. 40-рўйхат. 56-иш. 9-27-б.
16. ЎзР ХТВ жорий архиви Инвестицияларни жалб этиш ва халқаро ҳамкорлик бўлимининг Халқаро ҳамкорлик режа ва дастурларининг 2006-2009 йиллардаги бажарилган ишлар юзасидан тайёрланган ҳисоботи. 3291-фонд. 8-рўйхат. 72-иш. 5-12-вароқлар. 93-иш. 7-20-б.
17. Ўша жойда. 43-иш. 23-28-б.
18. ЎзР ХТВ жорий архиви Тошкент вилояти халқ таълими бўлимининг ҳисоботлари. 6137-фонд. 24-рўйхат. 83-иш. 20-21-б.
19. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон ўқитувчи ва мураббийларига” байрам табриги. “Халқ сўзи”. 2009. 30 сентябрь.



**РЕЗЮМЕ**

Мақолада 2004-2009 йилларда Мактаб таълимини ривожлантириш давлат умуммиллий дастури асосида Ўзбекистон халқ таълими тизимидаги мавжуд муаммолар ва уларнинг ечими юзасидан олиб борилган ислоҳотлар ва амалга оширилган чора-тадбирлар архив ҳужжатлари ва илмий манбалардан фойдаланилган ҳолда илмий-тарихий жиҳатдан таҳлил этилди

**РЕЗЮМЕ**

В статье с исторической и научной точки зрения анализируются проблемы и реформы, а также конкретные меры по их решению в системе народного образования Узбекистана в рамках государственной общенациональной программы развития школьного образования на 2004-2009 гг.

**SUMMARY**

The article from a historical and scientific points of view analyzes the problems and reforms, as well as the concrete measures implemented to solve them in the public education system of Uzbekistan in the framework of the state National program for the development of school education in 2004–2009.


## J.BAZARBAEVTÍŃ DÁSTÚRLER, RUWXÍYLÍQ HÁM ÁDEP – IKRAMLÍLÍQ HAQQÍNDAǴÍ TÁRBIYALÍQ KÓZQARASLARÍ


**P.M.Joldasbaev -** *doktorant*

*Ájiniyaz atındaǵı Nókis mámleketlik pedagogikalıq institutı*



**Tayanch so'zlar:** dasturlar, manaviyat, odob-axloq, yoshlar, tarbia, jamiyat, milliylik, pedagogika,

**Ключевые слова:** обычаи, духовность, этика и эстетика, молодёжь, воспитание, общество, национальность, педагогика.

**Key words:** customs, spirituality, ethics and aesthetics, youth, education, society, nationality, pedagogica.


Ázel-ázelden bizge belgili, qaysı elde yaki mámlektte bolsın ilimge, mánáwiyatqa hám tárbiyaǵa itibar kúshli bolsa sol eldiń rawajlanıw jolı júda joqarı dárejede bolǵan bunı bir qansha tarıyxıy mısallarda kórsekte boladı. Mine usınday danalıq pikirlerden kelip shıǵıp elimizdiń húrmetli Prezidenti Shavkat Miramanovich Mirziyoyev 2020-jılı 24-yanvar sánesinde Oliy májliske jollaǵan múrajatinde, «Ilim joq jerde artqa qalıwshılıq, jawızlıq hám álbette durıs joldan adasıw boladı. Shıǵıs danıshpanları aytqanınday: “Eń úlken baylıq-bul aqıl-oy hám ilim, eń úlken miyras-bul jaqsı tárbiya, eń úlken kambaǵalshılıq-bul sawatsızlıq bolıp esaplanadı!”. Sol sebepli, hámmemiz ushın zamanagóy

bilimlerdi ózlestiriw shın mánide máripat hám joqarı mádeniyat iyesi bolıwımız úzliksiz turmıslıq talapqa aylanıwı kerek»- degen edi [1:1].

Húrmetli Birinshi Prezidentimiz I.A.Karimov "Joqarı mánawiyat-jeńilmes kúsh" kitabında Jaslarımız erteńgi kúnde qanday insanlar bolıp jámiyetke kirip barıw bugingi bergen tárbiyamızǵa baylanıslı degen edi [2:3].

Birinshi Prezidentimizdiń bul pikirlerinen kelip shıǵıp házirgi tez pát penen rawajlanıp baratırǵan bul dawirde jaslarımızdı ullı babalarımızdıń múnásip awladları etip tárbiyalaw búgingi kúnniń juwapkershilikli wazıypası hám ahmiyetli mashqalsı bolıp tabıladı.

Usı pikirlerden kelip shıǵıp ullı oyshıllarımızdıń qaldırǵam ilimiy miynetleri tálim tárbiyalıq oy-pikirleri negizinde jaslarımızdı mánawiy barkamal hám kámil insanlar etip tárbiyalawımız aldımızdaǵı úlken wazıypalardı belgilep beredı. Elimizdiń usınday pidayı alımlarınan biri Ózbekstan Ilimler Akademiyasınıń haqıyqıy aǵzası akademik Jumanazar Bazarbaevtıń jaslar tárbiyasında, qala berse xalqımızdıń ádep-ikramlılıq tárbiyasında aytqan qimbat bahalı pikirleri hám pedagogikalıq miynetleri birqanshanı quraydı. Ilimpazdıń miynetlerine názer salatuǵın bolsaq, bul ilimiy miynetler túp negizinde jaslarǵa tálim tárbiya beriwdiń negizi shańaraq ekenligi hám xalqımızdıń jillar, ásırler dawamında saqlap kiyatırǵan milliy salt dástúrlerimizge tereńirek urǵı berılgen. Buǵan misal retinde tómendegi qatarlardı keltirip ótsek boladı. Dástúrler, úrp-ádetler, salt-saneler jámiyettegi sociallıq qatnasıqlardıń túrlerin, mádeniyattıń dárejesin kórsetiw menen birge, tárbiyanıńda tiykarǵı quralların adamlardı jámiyetlik qadaǵalawdıń hám biriktiriwdiń ahmiyetlı formasında kórsetedi.

"Bilmedik elińniń sırın, jedik alaqshınnıń qırın" degen gáplerde usınday úrp-adetlerdi elemewdiń nátiyjesi. Dástúrler xalıq mádeniyatınıń kúta ahmiyetli bólegi bolıp, onda adamlardıń tuwxıy baylıǵınıń dárejesi, basqalardan ayırmashılıǵınıń barlıq belgileri kórinedi [3:13] degen qımbat bahalı pikirlerin aytıp ótken. Haqıyqatında da, dástúrlerimiz, úrip adetlerımız xalqımızdıń jıllar dawamında qaliplesken tıykarǵı mádeniy baylıǵımız bolıp tabıladı. Áne sol tıykarında, jaslarǵa tálim-tárbiya beriw watanǵa súyispenshilik ruwxında tárbiyalaw búgingi kúnniń ahmiyetli mashqalası bolıp esaplanadı. Ilımpazdıń aytqan pikirlerinen kelip shıǵıp manawiy tárbiya negizinde jaslarımızdı tárbiyanıń basqa da túrleri menen baylanıstırıp olarǵa aqllıy, estetikalıq, miynet hámde ádep-ikramlılıq tárbiyasında alıp barıwımızǵa boladı. Xosh dástur degenimiz ne ózi hám onıń jaslar tárbiyasında ornı qanday? Dástúr degenimiz, haslında latınsha "Jetkeriw" degendi ańlatıp awladdan awladqa jetkeriletuǵın hám táriyxıy rawajlanıw tiykarında qáliplesetuǵın úrip ádet, uluwmalıq tártip, ádep- ikramlılıq norması bolıp esaplanadı. Jaqsı dástúr ómir jarasıǵı hám sonıń menen birge, adamzat mádeniyatına hár bir xalıqtıń qosatuǵın úlesi de bolıp tabıladı. Dástúrdiń eń ahmiyetlı uluwma xizmeti adamlar arasındaǵı rawajlanıwshı hám ózgeriwshi turaqlılıqtıń ózin támiynlew bolıp tabıladı.

Bunda dástúr sociallıq birlikti qaliplestiriwdiń quralı hám tiykarı nızamı sıyaqlı bolıp kórinedı. Bunıń anıq mısallarınıń biri-ruwlıq birigiwler olardıń awizbirshiligin hám jámleniwin saqlawǵa urınıwshılıq. "Kimniń jerin jaylasań sonıń jırın jırlaysań" degen naqilda usıǵan baylanıslı. Shınında da, dástúr jámlestıredı, aralastıradı, qáliplestiredi. Sonıń menen, qatar, dástúrdiń jamiyetshiligi geyde tikkeley emes al qıyalıy sırtınan qosıp qoyıw jaǵdayındada bolıwı múmkin.

Dásturdiń informaciyalıq xizmeti de bolıp olar sociallıq informaciyanıń jıynalıw, saqlanıw hám ekinshi birewlerge beriliwiniń ózgeshe quralı retinde xizmet atqaradı. Dásturlerde informaciyalar nıǵızlanıp, jámiyettiń esinde saqlanadı hám ásirlerge ketedı. Usıgan baylanıslı adamlar ózleriniń tuwılıwınan baslap qatnasıqların hár sapar qayta dúzey beriw zarúrliginen azat boladı bul maǵluwmatlar arqalı olar ata-babadan qalǵan materyallıq hám ruwxiy mádeniyatlardı boyına sińiredi. Sonlıqtan qaraqalpaqlarda: "Ata salǵan jol bar, ene pishken ton bar" degen naqıl maqaldı jas awladlardıń ata - anadan miyras etip alıwınıń ózi dásturlık ekenligin kórsetedı. Jaslardıń dástúrge iqtiyatlıq penen qatnası yaǵnıy onı túsiniwi dásturdi buzıp adamlardıń kewline tiyip alamawı aytarlıqtay qadir qımbatlılıqqa iye bolıp onday jaslardı "Kórgenli" dep bahalap, al dásturge sıymaytuǵın islerdi islegen adamlardı "Kórgensiz" dep esaplap jámaáttiń pikirinshe awır ayıptı taǵadı [3:15].

Ilimpazdıń joqarıda aytqan pikirlerinen kelip shıǵıp házirgi kúnde jámiyetimizde ushrasıp atırǵan zamanagóy dásturler, atap aytqanda, toy-merekelerdegi unamsız dásturler jámiyette xalıq arasında óziniń tárbiyalıq hám ádep-ikramlılıq wazıypalarına iye bolmaǵan dástúrler kóplep ushırasıp atırǵanlıǵı jaslarımızdıń ádep-ikramlılıq normaların bilmewiniń, qalaberse, shańaraqlarda ata-analarımız ózleriniń tárbiya procesindegi juwapkershilikli wazıypasın tolıq atqarmawshılıǵınıń nátiyjesi bolıp tabıladı. Sonlıqtan, házirgi waqıtta bilimlendiriw tarawında ruwxıylıq tádbirlerin kóplep shólkemlestirilse, bilimlendiriw orınlarında salt-dástúrlerimizdi ózinde sawlelendirgen ilajlar, jazıwshı hám alımlar menen dóngelek stol átrapinda sáwbetlesiwler sholkemlestirilse, joqarı oqıw orınlarında manawiyat kúnlerin turaqlı túrde ótkerilip talabalardıń bos waqıtların ruwxıy-aǵartıwshılıq tádbirleri menen qamtıp alsaq, jaslarda mentalitetimizge, ruwxıylıǵımızǵa bolǵan kózqarasları unamlı tárepke qaray baǵdarlawǵa boladı.

Sonıń menen birge, ilimpazdıń jaslar tárbiyasında ruwxıylıq hám ádep-ikaramlılıqtı teńdey alıp barıw kerekligi hám sonıń negizinde jaslardı qorshaǵan ortalıqta belgilengen normalar, jámiyettiń talap hám nızamları tiykarında tárbiyalawdıń tiykarǵı quralların biri dep aytadı. Jáne de ádep-ikramlılıqti rawajlandırıwdı mámleketlik kólemde aktual mashqalaǵa aylandırmay turıp mámlekttiń rawajlanıw jolında joqarı nátiyjelerge erisiwimiz qıyın degen pikirin aytadı. Buǵan mısal retinde ilimpazdıń tómendegi qatarların keltirip ótsek boladı.

Adamzat jámiyeti rawajlanǵan sayın ádep ikramlılıq qatnaslarǵa itibardı kúsheytiw iqtiyajı tuwılıp baradı. Sebebi, hesh bir mámleket yaki jámiyet ádeplilikke baylanıslı ruwxıy aǵartıwshılıq imkaniyatların rawajlandırmay hám bekkemlemey turıp, óz keleshegin kóz aldına keltire almaydı. Sebebi, jámiyettiń rawajlanıwı insanlardıń ádebi axılı hadal miyneti mámleket baylıǵı tiykarında esaplanıp onıń alǵa qarap barıwınıń negizi boladı. Demek, ádep-ikramlılıq normaların rawajlandırmay mámleket rawajlanıwın joqarılatıw qıyın boladı,

Ádep-ikramlılıq tárbiyasına itibarsız qaraǵan jámiyet ekonokimalıq siyasiy, mádeniy, texnikalıq jeńislerge erıspeydi, kerısınshe, kriziske ushraydı. Sebebi, jámiyettegi barshe jeńis hám kemshilikler insannıń ruwxıy kamalatına barıp taqaladı. Ruwxıy kamalatqa erıspegen jámiyettiń materyallıq tárepten de keleshegi jarqın bola almaydı. Sol sebeplı de jámiyet keleshegin táminlew ushın ádep tárbiyasın jaqsılaw talap etiledı. Xalqı ruwxıy tárepten jarlı bolǵan mámlekettiń tábiyiy baylıqları, materyallıq baylıqları esapsız bolsa da, hár qashan abroy itibarǵa ılayıq ullı mámleket bolıwı qıyın boladı.

Ruwxıyat-ózlikti ańlaw. Ózligin ańlap jetken insan-ruwxıyatı jetik insan. Onıń hámme ádeplilik pazıyletleri qalbindegi ruwxıyat nurınıń sawleleniwinde kórinedi.

Ádep-ikramlılıqtıń iyman, insap, halal, haram máseleleri tiykarǵılardan bolıp, olar tikkeley insan ruwxıylıǵına baylanıslı. Ruwxıyat-anıq mánide ádepliliktiń ishki kórinisi.

Sonıń ishinde, jalǵan sóylew, ǵiybat, dóhmet, kisiniń haqısına qiyanet, dámegóylik túrli ruwxıy buzılıwlar ádep-ikramlılıqtıń hám milliy ruwxıyatımızdıń dástúrlerinde keskin qaralanıp keliwi de olardıń tikkeley baylanısın

kórsetedi [4:34].

Bul aytılǵan pikirlerden elımız óz mintalitetinen, úrip-ádetlerinen, dininen hám salt dástúrlerinen kelip shıǵıp ózlerımızdiń ruwxıylıq hám ádep ikramlılıq tárbiyamızdı ámelıyatqa engiziwimiz kerekligin ańlawǵa boladı. Bul aytılǵan pikir hám usınıslarǵa 2019-jıl 31-dekabr sánesinde qabıl etilgen Ministrler kabinetiniń 1059-sanlı "Úzliksiz ruwxıy tárbiya koncepciyasın tastıqlaw hám onı ámelge asırıw is-ilajları haqqındaǵı" qararı [5:1] tiykarǵı metodalogiyalıq qural sıpatında paydalansaq boladı.

**Ádebiyatlar**


1. Ózbekstan Respublıkası Prezidentiniń Oliy májliske Múrajáti. / «Erkin Qaraqalpaqstan» №12, 28-yanvar, 2020.
2. Karimov I.A. Joqarı manawiyat jeńilmes kúsh. -T.: 2008.
3. Bazarbaev J. Ádeptanıw. –Nókis: 1992. 13-b.
4. Bazarbaev J. Ruwxıylıq tiykarları. –Nokis: 2016, 34-b.
5. 2019-jil 31-dekabr sánesinde qabıl etilgen Ministrler kabinetiniń 1059-sanlı "Úzliksiz ruwxıy tárbiya koncepciyasın tastıyıqlaw hám onı ámelge asırıw is-ilajları haqqındaǵı" qararı.



**REZYUME**

Bu ilmiy maqolada akademik Jumanazar Bazarbaevning yoshlar tarbiyasida dasturlar, ma'naviyat va odob-axloqning o'rni haqida, qolaversa, ularning jamiyat rivojlanishidagi ahamiyati bo'yicha fikrlar aytilgan.

**РЕЗЮМЕ**

В статье приводятся мысли академика Жуманазара Базарбаева о роли обычаев, духовности, этики и эстетики в воспитании молодёжи, а также их роль в развитии общества.

**SUMMARY**

The article presents the ideas and opinions of Academician Jumanazar Bazarbaev about the role of customs, spirituality, ethics and aesthetics in education of the youth and their role in the development of society.


# ХАЛЫҚ ПЕДАГОГИКАСЫНДА ЖАСЛАРҒА ӘДИРАСПАН ӨСИМЛИГИНИҢ ЕМЛИК ҚӘСИЙЕТИН ҮЙРЕТИЎ ДӘСТҮРЛЕРИ


**А.Ж.Курбанбаева –** *ассистент оқытыўшы*

*Әжинияз атындағы Нөкис мәмлекетлик педагогикалық институты*



**Таянч сўзлар:** таълим-тарбия, халқ педагогикаси, даво хусусияти, алколоид, исириқ.

**Ключевые слова:** образование и воспитание, народная педагогика, целебное свойства, алколоид, гармала.

**Key words:** education and upbringing, folk pedagogy, medicinal properties, alcoloid, Peganum harmala.


Әдираспанда басқа өсимликлерде ушраспайтуғын өзине тән емлик қәсийети бар екенлигин адамлар түрлише тәжирийбесинен жақсы байқаған. Нәтийжеде, оны ем сыпатында пайдалана баслаған. Халқымыз тикеллей әдираспанның қурамына биологиялық таллаў жасап билмеген болса да оның қурамында инсан организими ушын дәрилик шыпалы қәсийети бар екенлигин түрлише тәжирийбесинен билген. Шынында да халқымыз жасларға берген тәрбия ислеринде әдираспаннан таярланған суйықлылықларды ем сыпатында пайдаланыўды жасларға үйретип бад ҳәм тери кеселиликлерин емлеген [1].

Халық педагогикасы жаслардың денсаўлығы жақсы беккем болыўы ушын көп ғана изленислер алып барған. Халық тәбиятқа жақын жасағанлықтан тәбият ҳәм адам машқаласын белгили дәрежеде бул екеўин уйғынлықта түсиниўге ерискен. Усы көзқарастан келип шыққан халық өз тәжирийбелеринде емлик өсимликлердиң инсан организимине пайдалы тәрепин байқап, буны мудамы инабатқа алып жасаған. Усылардың бири халқымызға кеңнен мәлим болған шөп әдираспан есапланады.

Әдираспан тұқымында көп муғдарда алкалоидлар болып олардың тийкарын гармин, гармалин, гармалол ҳәм пеганин қурайды. Олар дезинфикция қылыў қәсийетине ийе болғанлығы себепли ҳәр түрли дәнлер сақлайтуғын ғәллехана сыяқлыларда зыянлы қумырысқалардан тазалаўда ислетиледи. Гармин алкалоиды медицинада қалтыратпа ҳәм безгек кеселиликлерин емлеўде қолланылады. Адамзат әдираспан өсимлигиниң пайдалы қәсийетлерин яғный тийкарғы қурамын билмеген халатта әдираспан өсимлигине илаҳий түс берген. Ески заманларда халқ педагогикасындағы дереклерде айтылыўына қарағанда, үйде адраспан түтетилсе ол барлық жин-жыпырлерди қуўып шығарады ҳәм инсанның дәртине даўа болады деп түсинилген. Сол себепли әдираспан балаларға қызылша шыққанда яки болмаса бала жаңа туўылған гезде тағы басқа көп орынларда ҳаўаны орталықты тазалаў мақсетинде түтетип түтини арқалы зыянлы микробларды жоқ қылған. Олардан тысқары, әдираспан көзиккен гезде түтетилген. Көз тийиўдиң алдын алыў ушын оны есиктиң төбесине яки болмаса басқа орынларға илдирип қойған. Әдираспанда илаҳый сыр бар деп түсинген. Ондағы барлық сыр әдираспан түтетилгенде ондағы қурам бөлеклер жандырылғанда пайда болатуғын түтин дизенфекция қылыў қәсийетине ийе. Ҳақыйқаттан да әдираспан түтини ҳаўаны түрлише зыянлы микроблардан тазалайды ҳәм өзине тийисли жағымлы ийиси менен унамсыз ийислерди жоқ етеди. Әдираспандағы шыпалы сыпатларды нәзерде тутып, оны ўақты-ўақты менен үйлерде түтетип турыў усыныс етиледи. Халық буларды илимий түрде дәлиллеп түсинбесе де, әмелий турмыс тәжирийбелеринде жақсы байқаған. Халықымыз медицинасында ески заманлардан берли әдираспан өсимлигин пайдаланылып келмекте. Әдираспанның жер үстки бөлимин ийип буўынлар аўрығанында ҳәм буўын нерв системалары аязлаған жерлерге байлама қойып байлаўды халық тәжирийбесинде белгили еди [2].

Халқымыз бул мағлыўматларға тийкарланған ҳалда әдираспаннан сүйек-буўынлар аўырғанда, нерв тамырлар аязлағанда, ишек ҳәм бабасыр сыяқлы көплеген киселликлерди емлеўде пайдалана алғанлығы ҳаққында мағлыўматлар бар. Сол заманларда да халқымыз әдираспанның аўырыў қалдырыў қәсийети ескише тәўиплерге белгили болған ҳәм халық арасына емлеў сырларын ен жайдырған. Халық педагогикасында жасларға медициналық билим-тәжирийбелерин қәлиплестириўде, емлеўде әдраспанның жер үсти бөлиминен таярланған қайнатпа халқымыз арасында ушырасатуғын қалтыратпа, тутқанақ, уйқысызлық, аязлаў ҳәм басқа да көплеген киселликлерде тынышландырыўшы, уйықлатыўшы ҳәм аўырыў қалдырыўшы сыпатында қолланылған. Және әдираспаннан қайнатылған қайнатпа ҳәр түрли тери киселликлерине ем сыпатында да ислетиледи, әдраспанның пақалынан таярланған қайнатпа терлетиўша ҳәм бүйрек шамаллағанда сидик бөлип шығарыўшы қәсийетке де ийе [3].

Сондай ақ, халық тәжирийбесинде демқыспа ҳәм дем алыў жоллары кеслликлеринде яғный дем алыў қыйынласқан ўақытларда әдраспанның тухымынан бир ас қасық ҳәм зығыр тухымынан бир ас қасық алып қайнатпа таярлаған ҳәм киселлике шалынған хылқымыз халық медицинасында шыпа ретинде пайдаланып келген.

Халық медицинасында әдраспанның қурғатылған

бөлимлеринен шербет таярланып ишилсе неврастения, тутқанақ келлеликлери, асқазан ишек келлеликлери, бауыр кеселликлерин емленген. Әдираспан өсимлигиниң бул шыпалы қәсийетлери бойынша мағлыўматлар «Авесто» китабында да жазып қалдырылған. Халқымыз ерте заманлардан берли арнаўлы жол менен алынған әдираспан смоласының емлик қәсийети бар екенлигин билип келген ҳәм көплеген кеселликлерди тәбийий жол менен емлей алған. Адамлар өсирилип атырған өсимлик үстине тесикшелери бар болған табақ ямаса қазан жаўып қойылады. Өсимлик өсиўин даўам еттирип, жабылған ыдысқа смолалар отырады. Қырып алынған смолалар ҳәр түрли кеселликлерди емлеўде жүдә күшли тәсирге ийе деген мағлыўматлар бар.

Халық тәжрийбесинде шама менен 100 гр әдраспан 10 литр сууда жабық ыдыста 15-20 минут қайнатылып, 2 саат тындырып қойып сүзиледи. Күн ара 20 күн даўамында 10-15 минуттан 30-40$^0$C суўға әдраспан суйықлығы қосылып шомылса тери кеселликлери, ревматизм, зат алмасыў бузылған ҳалатларды емлеўде халық педагогикасында халқымыз арасында туўры нәтийже берген. Халқымыз әдираспан өсимлигин түтетиў арқалы ләң, қызамық, безгек кеселликлерин емлеўде дурыс пайдалана алған. Кесел адамлар жатқан ханаларға дезинфекциялаў мақсетиндеде әдираспан түтетилген ҳәм ҳәзирги ўақытта да халқымыз арасында кең тарқалған усыллардан бири сыпатында қолланылып келинбекте. Халқымыз арасында ески заманлардан берли және де әдираспанның ҳәзирге шекем сақланып келинген емлик қәсийетлеринен бири ҳәмледар ҳаялдың туўыў алдыннан әдираспан түтетиў қәсийети буның тийкарғы себеби әдираспанның қурамындағы алкалоидлардың емлик шыпасы есапланады [2].

Айырым ҳалатларда кең жайлаўларда әдираспанның көбейиўи нәтийжесинде жайлаўдағы өсимликлердиң кемейип кетиўи гүзетиледи, буның тийкарғы себеби бул жерлерде адраспанның өсиўи нәтийжесинде топырақтағы қурамы өзгерип барыўы әдираспанның сол жерде қалып жаўын қар суўлары менен топыраққа сиңип барыўы нәтийжесинде болыўы мүмкин. Булар толық түрде әдираспанда қандай да бир тәсир етиўши күшлер бар екенлигин көрсетеди. Усы күшлерди халық педагогикасында жаслардың емлик билимлерди ийелеўинде тәсири мол екенлигин дәлиллеп туратуғын қубылыслардың бири есапланады.

Абу Али Ибн Сино әдираспанды буўынлар аўырыганында ҳәм нерв системасы аязлағанда аўрыўды қалдырыўшы дәри сыпатында пайдаланған. Буның ушын аўырған жерге әдрсапанның жер үсти бөлимин езип байлаўға усыныс еткен. Халық медицинасында әдраспанның жер үсти бөлиминен таярланған қайнатпа қотыр ҳәм басқа тери кеселликлерин емлеўде, және де безгек, тутқанақ, уйқысызлық, шамаллаў ҳәм тағы басқа кеселиликлерди емлеўде ислетиледи. Туқымынан таярланған қайнатпа зығыр туқымының қайнатпасы менен бирге демқыспа, дем алыўдың қыйынласқанларында, қызыл бурыш тухымы менен қайнатпасы зыянланған ҳалларды емлеўде пайдаланылған. Әдираспан күйдирилип бас аўырғанда ийискелетилген. Ҳәзирги ўақытта медицина илиминде әдираспанның дәрилик препараты дезоксипеганин гидрохлорид ислетиледи. Мононеврит, неврит, полиневрит кеселиликлерин емлеўде шыпалы қәсийети бар.

**Әдебиятлар**

1. Алдашев А., Әлимханов Ж. «Қазақтың халық медицинасының қупиясы». –Алмата: «Қазақстан», 1992.
2. Курмуков А.Г., Белолипов И.В. Дикорастущие лекарственные растения Узбекистана. -Т.: “EXTREMUM PRESS”, 2012.
3. Холматов Х.Х., Қосимов А.И. Русча-латинча-ўзбекча доривор ўсимликлар луғати. -Т.: ИбнСино, 1992.

**РЕЗЮМЕ**

Мақолада ёшларга исириқ ўсимлигининг даво хусусиятларини ўргатиш ва эмлаш тажрибалари хусусида сўз боради.

**РЕЗЮМЕ**

В статье даётся подробная информация о лечебных свойствах растения- гармолы, издавна применяемой в народной медицине Гармола широко применяется для лечения различных заболеваний.

**SUMMARY**

The article contains thorough information about medicinal properties of plant-Peganum harmala that has been used in folk medicine for a long time Harmola is widely used for treating different diseases.

## ПРОФЕССИОНАЛ ТӘЛИМНИҢ АБЗАЛЛЫҚЛАРЫ ҲӘМ ЭКОНОМИКАЛЫҚ ТӘРЕПЛЕРИ

**Қ.Д.Қанглибеков -** *Қарақалпақстан Республикасы кәсиплик билимлендириўди раўажландырыў ҳәм муўапықластырыў басқармасы баслығы*

**Таянч сўзлар:** профессионал таълим, касб-ҳунар, қизиқиш, қобилият, экономика, ишсизлик муаммоси, иш берувчи.

**Ключевые слова:** профессиональное образование, профессия, интерес, способности, экономика, проблема безработицы, работодатель.

**Key words:** professional education, profession, interest, ability, economics, unemployment problem, employer.

Жәҳәнниң раўажланған мәмлекетлеринде тәлим-тәрбия жумыслары жолға қойылыўы, мектеплерде әмелге асырылатуғынын үйрениў арқалы биз ғәрезсиз республикамыздың миллий тәлим системаларын жаңадан шөлкемлестириўди, тәлим-тәрбияда мектеп жумысын шөлкемлестириўде ескирип, гөнерип қалған, өз әҳмийетин жоғалтып баратырған искерлик формалары ҳәм усылларынан тезирек ўаз кешиў, оны мүнәсип тәризде жаңалаўда қосымша бай дәреклерге де ийе болыўымыз шәрт. Атап өтсек, ҳәзирги заман билимлендириў системасында мәмлекет ҳәм жәмийет талабы ҳәм мәплерин сәўлелендирип турыўы зәрүр.

Илим ҳәм техниканың раўажланыўы жаңа технологиялық революция шараятында жетискенликлерге ийе искерлик көрсете алатуғындай жәмийет ағзаларын жетилистирип бериў, жас аўладты кәсип-өнерге бағдарлаў ҳәм де орта тәлимниң көп вариантлы үшинши басқышын ен жайдырыў тәлим-тәрбия бериўде ең алдыңғы педагогикалық қуралларды қолланыў, тәлимде жаңа идеяларды алға сүриўши ҳәм дөретиўшиликке кең жол ашыў оның ең мақул системаларын жаратыў киби жәҳән тәжирийбелерин үйрениў мақсетке муўапық болады.

Бүгинги күнде кең көлемдеги реформаларды өз басынан кеширип атырған бизиң системамыз ушын бул үлкен әхмийетке ийе. Кейинги жылларда жәҳән тәлими бойынша бир қанша илимий мақалалар, семинарлар, ушырасыўлар өткерилди. Буны бизиң тәлим системамыз да шет еллерде оқыў-тәрбия жумысларының жолға қойылыўына итибар ҳәм қызығыўшылықтың артып баратырғанлығы менен дәлиллеймиз.

Билимлендириў системасын раўажландырыўдың «Миллий дәстүри» билимлендириўдеги кризис жағдайын жоқ етиў ушын ҳәм де раўажланыўға, жәҳән цвилизациясында адамгершиликли болыўға гуманистлик идеяларды терең сиңдириўге бағдарланған Өзбекстанның жаңа тәлим идеясын қәлиплестириў ҳәм әмелге асырыўдағы жетекшилигине қаратылған.

Президентимиз бунда билимлендириў системасының узақ мүддетли келешегин ойлаған ҳалда төмендеги элементлерге де итибар қаратыў лазым екенлигин атап көрсетти:

• Өзбекстан халқы санының жас өзгешелигине итибар бериў;

• Инновациялық-технологиялық бурылыс ҳәм экономиканың қурамындағы өзгерислер шараятында ислеўши хызметкерлердиң кәсиплик искерлигиниң артыўы;

• Ҳәзирги ҳәм жаңа аўладлар тәрепинен индустриаллық илимий идеяларды илажы барынша толық масштабта ҳәм қысқа мүддетлерде өзлестириў зәрүрлиги, бул болса адамлардың қайта ислеп шығарыўға ҳәм өмир искерлигинде жаңа шараятларға тез үйлесе алыў имканиятын береди;

• Постиндустриал илимий идеяларды тез өзлестириў, жас аўладқа инновациялық руўхты жүзеге келтириў ушын информация жолларынан пайдаланыў зәрурлигин келтирип шығарады;

• Үзликсиз билимлендириў системасы ҳәм аралықтан оқытыўды раўажаландырыў зәрүрлиги артпақта.

Жоқары мәмлекетлик дәрежедеги билимлендириў системасын раўажландырыў стратегиясында экономикалық зәрүрликлерди есапқа алып тәлим системасын өзгертиўдиң мақсети ҳәм бағдарлары төмендегише белгиленген болыўы керек: оны узақ мүддетли келешекте раўажландырыўдың тийкарғы көрсеткишлери мазмуны ҳәм информациялық-технологиялық тийкарын инновациялық жаңалаў принциплери, оқытыўшылар қурамын таярлаў ҳәм қайта таярлаў бағдарлары; билимлендириўдиң шөлкемлестирилген формалары пән ҳәм билимлендириўдиң интеграциялаў усыллары.

Билимлендириў системасында сапаны асырыў ушын интернет ҳәм ғалаба хабар қуралларынан жедел пайдаланыў, милий тәлим ҳәм информация тармағын қәлиплестириў, усы тийкарда аралықтан оқытыўды раўажландырыў жаңа идея, жаңа билим көнликпелерин дәреклерден таңлаў жолы арқалы өзлестириў имканиятын береди.

Профессионал тәлим системасын алдыңғы шет ел тәжирийбелери тийкарында қәлиплестириў басланғыш, орта ҳәм орта арнаўлы профессионал тәлим басқышларын ендириў арқалы мийнет базары ушын тәжирийбели ҳәм бәсекиге шыдамлы кадрлаў таярлаў ҳәм де усы процеске ис бериўшилерди кең түрде қамтып алыў мақсетинде бир қанша тәлим мәкемелери тармақлары шөлкемлестирилди.

Профессионал тәлимди кең ен жайдырыў мақсетинде кәсипке оқытыў орайларын шөлкемлестириў ушын бир қатар ис-иләжлар ислеп шығылды.

Ҳәзирги күнде тәлим процесинде инновациялық технологияларды, педагогикалық ҳәм ахборот технологияларын оқыў процеслеринде қолланыў менен бирге-ликте инсан психикасының турақлылығы ҳәм шыдамлылығын асырыў мақсетинде интерактив методларды қолланыў итибарды талап етпекте. Интерактив методлардан пайдаланыў орта арнаўлы оқыў орынларында оқыўшыларды тек ғана оқытыўшылар тәрепинен берилген таяр билимлерди ийелеўге емес, ал өзлери де өзбетинше үйрениўге, излениўге ийтермелейди. Буннан тийкарғы мақсет көнликпе ҳәм тәжирийбелер тийкарында шахстың билиў ҳәм жеке қәбилетин, ақылый кәмалатын, мийнет хызметине болған мүнәсибетин және өмирге болған көзқарасын жетилистириўден ибарат.

Педагогика, психологияда инсан өзиндеги кемшиликлерди сапластыра алатуғынлығы, өзин-өзи жетилистиретуғынлығы, өз билимлерин беккемлей алатуғын қәбилетлерге ийе екенлиги илимий жақтан тастыйықланған. Бирақ, оқыўшы жасларымыз өз қәбилетлерин жоқары дәрежеде көрсете алмайды. Себеби, оқыўшы тәбияттағы өз микродүньясын анықлық пенен сүўретлеп берсе де, өзин-өзи билиўде ҳәр қыйлы социаллық жағдайларда өзин-өзи нәтийжели басқара алыўда айырым машқалаларға дус келмекте.

Болажақ қәнигениң өз бетинше ислеўи даўамында еркин пикирге ийе болыўы оқытыўшы-устазлар тәрепинен билдирилген мүнәсибетлерге де байланыслы болады. Оқытыўшы-устазлар оқыўшыларға туўры мәсләҳәт берип, илимий-дөретиўшилик излениў методлары, quраллары, нызамлылық қағыйдалары менен таныстырып барыўы лазым. Соның менен бирге, оқыўшыларға еркин пикир жүритиў ушын имканият бериў, олардың ҳәр қыйлы пикирлерин қабыл етиў, талабалардың оқыў процесиндеги жеделлигин тәмийинлеў, талабаларды өз бетинше пикирлерин баян етиў процесинде күлкиге қалмаўға исендириў, ҳәр бир болажақ қәнигениң өзбетинше пикир жүрите алатуғынлығына өзлеринде исеним сезимин оятыў керек. Болажақ қәнигениң өзбетинше пикирлеўинде ҳәр қыйлы пикирлер пайда болады. Егер болажақ қәнигелер оқыў процеслерине белсенди қатнасса ҳәм айрықша өзлестириўине өзлериниң жуўапкер екенлигин сезе алса бул күтилген нәтийжени береди.

Бүгинги күнде барлық тараў ҳәм бағдарларда үлкен ислер әмелге асырылмақта. Аймақларда жаңа кәрханалар иске түсип, жәмийетлик инфрасистемасын раўажлантырмақда. Алдында және үлкен режелер ҳәм мақсетлер бар. Булардың бәршеси тәжирийбели болған қәнигелерге болған талапты асырмақта. Соның ушын ҳәр тараўдың раўажланыўы, проектлердиң орынланыўы жетик қәнигелерге байланыслы.

Сонлықтан, кейинги жылларда билимлендириў системасын модернизациялаў, оқытыўдың заманагөй форма ҳәм технологиялары енгизилмекте. Аймақларда жаңа тәлим бериўши мәкемелер пайда етилип, талап жоқары болған қәнигелер таярлаўға шараят жаратылмақта.

Колледжлер тийкарында профессионал тәлим мәкемелериниң жаңа тармағын қәлиплестириў ўазыйпасы қойылды. Усы мәкемелерде басланғыш орта ҳәм орта арнаўлы профессионал тәлим дәстүрлери тийкарында кадрлар таярланады. Оқытыў мүддетлери зәрүр билим, тәжирийбе ҳәм көпликпелердиң қурамалығына қарап ҳәр түрли болады. Бул системаны енгизиўден алдын олардың методологиясын жаратыў, тәлим дәстүрлерин халық аралық талаплар тийкарында жаңадан ислеп шығыў, оқытыўшы ҳәм ислеп шығарыўшы усталарды таярлаў ҳәм қайта таярлаў, қәнигелигин асырыў зәрүрлигин атап көрсетеди. Жасларды кәсип-өнерге қызықтырыў бойынша профессионал тәлим системасын алдыңғы раўажланған мәмлекетлер тәжирийбелери тийкарында қәлиплестириў басланғыш, орта ҳәм орта арнаўлы профессионал тәлим басқышларын раўажландырыў арқалы мийнет базары ушын бәсекиге шыдамлы кадрларды таярлаў ҳәм бул процесске кадрлар таярлаў улыўма билим бериў мәкемелериниң 9-класс питкериўшилери есабынан қәлиплестирилген топарларда еки жыллық улыўма тәлим ҳәм қәнигелик пәнлердиң интеграцияланған дәстүрлери тийкарында күндизги тәлим формасында әмелге асырылады.

Билим алып атырған болажақ қәнигелер Өзбекстан Республикасы мәмлекет бюджети есабынан базалық есаплаў муғдарының бир есе муғдарында бир айлық стипендия ҳәм де үш мәҳәл аўқат пенен тәмийинленеди. Бунда кәсип-өнер мектеплери болажақ қәнигелерин үш мәҳәл аўқат пенен тәмийинлеў ямаса усы үш мәҳәл аўқат пулларын оларға төлеп бериў ҳуқықына ийе. Бул дегени, финанслық техникалық базаны беккемлеў ҳәм кадрлаў таярлаў қәрежетлерин Өзбекстан Республикасы мәмлекетлик бюджети қаржысы есабынан әмелге асырып отырады.

Ал, жумыс бериўшилерди бул мәселеге тартыў мақсетинде Президентимиз жаңа профессионал тәлим системасын мийнет базары талаплары менен байланыстырыў керек екенлигин айрықша ескертип өтти. Көпшилик орынларда жумыссызлық жүзеге келип атырған бир ўақытта исши кәсиплер бойынша қәнигелерге үлкен зәрүрлик бар екенлиги атап өтилди. Мәсе-

лен, жеңил санаатта 46 мың, қурылыста 104 мың, металл ислеп шығарыўда 71 мың, хызмет көрсетиў тараўында 67 мың қәнигелер жетиспей атырғанлығы анықланды. Бул тәлим ҳәм ислеп шығарыў ортасында байланыстың ҳәм жақын бирге ислесиўдиң жоқ екенлигинен жүз берип атырғанлығы ҳеш кимге сыр емес.

Сол себепли питкериўшилерди жумысқа жайластырыў ямаса өз бизнесин жолға қойыўда билимлендириў мәкемелериниң тийкарғы өлшемлери болыў керек екенлиги атап көрсетилди. 2017-жылда қайта тикленген 10-11-класс болажақ қәнигелер ушын оқыў ислеп шығарыў комплекслери тоқтатылды. Буның есабынан артып қалған қаржылар жаңа профессионал тәлим системасын қаржылардырыўға бағдарланды.

**Әдебиятлар**

1. Мирзиёев Ш.М. "Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш – юрт тараққиёти ва халқ фаровонлиги гарови" темасындағы Өзбекстан Республикасы Конституциясы қабылланған күниниң 24 жыллығына бағышланған баянаты. –Т.: "Ўзбекистон", 2017. 48-б.
2. Өзбекстан Республикасы Президентиниң 2017-жыл 7-февралдағы пәрманы менен тастыйықланған «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича Ҳаракатлар стратегияси».
3. Өзбекстан Республикасы Нызамы «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида (янги таҳрири)». 2016-жыл 13-апрель.
4. Инновацион таълим технологиялари / Муслимов Н.А., Усмонбоева М.Ҳ., Сайфуров Д.М., Тўраев А.Б. – Т.: "Сано стандарт" нашриёти, 2015.
5. Ишмухамедов Р. ва б. Таълимда инновацион технологиялар. -Т.: «Истеъдод», 2008.
6. Палий В.Ф. «Теория бухгалтерского учета»: современные проблемы. - М: «Бухгалтерский учет», 2007, -С.11.
7. Данилов А.С., Юлдашев З.Ю. Национальная экономика. – Т.: «Янги аср авлоди», 2003.

**РЕЗЮМЕ**

Мақолада касб-ҳунарга йўналтирилган таълимнинг афзалликлари ҳақида маълумот берилади. Профессионал таълимнинг мутахассис ҳаётида катта аҳамиятга эга эканлиги, ундаги қизиқиш ва қобилият билан чамбарчас боғлиқ. Жамиятимиздаги ишсизлик муаммоси иш берувчи билан ўрта ва ўрта махсус муассасаларининг биргаликда иш олиб бормаслиги оқибатида вужудга келганлиги такидлаб ўтилди.

**РЕЗЮМЕ**

В статье дается обзор преимуществ профессионального образования. Важность профессионального образования в жизни специалиста тесно связана с его интересами и способностями. Было отмечено, что проблема безработицы в нашем обществе является результатом отсутствия сотрудничества между работодателем и учреждениями среднего и среднего специального образования.

**SUMMARY**

The article provides an overview of the benefits of vocational education. The importance of professional education in the life of a specialist is closely related to his interests and abilities. It was noted that the problem of unemployment in our society is the result of a lack of cooperation between the employer and institutions of secondary specialized education.

# ЁШЛАР ТАРБИЯСИДА ТАСВИРИЙ САНЪАТ АСАРЛАРИНИ БАДИИЙ ТАҲЛИЛ ҚИЛИШ АСОСЛАРИНИНГ ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАРИ

**Б.Ж.Қоржовов –** *катта ўқитувчи*
*Қарши давлат университети*

**Таянч сўзлар:** бадиий таҳлил, ижод, илҳомланиш ҳодисаси, ижодий услуб, истеъдод, тасвирий санъат, илмийлик.
**Ключевые слова:** художественный анализ, креативность, вдохновение, креативный стиль, талант, изобразительное искусство, научность.
**Key words:** literary artistic analysis, creativity, inspiration, creative style, talent, art, scientific, character.

Санъат миллат маданиятининг энг олий ифодаларидан ҳисобланади. Халқимиз (Аждодларимиз) томонидан яратилган маданий ёдгорликлар, номоддий маданий мерос объектлари, урф одат анъана ва қадриятлар санъат воситасида ўсиб келаётган ёш авлод қалбига, онгу шуурига сингдирилади. Шундай санъат турларидан бири бу тасвирий санъатдир. Унинг ифода воситалари ва қамров имкониятлари шу даражада кенгки, мусаввирлар тасвирий санъатнинг турли оқим ва йўналишларида ижод қилиб бетакрор санъат асарларини яратиб келишмоқдалар. Мўъжизавий тасвирий санъат асарларининг сеҳри, жозибаси, сири, ғоявий ва мантиқий асосидаги бадиий ҳамда ҳаётий мазмунини англаш учун уларни илмий жиҳатдан ҳаққоний ва малакали таҳлил қилиниши зарурдир. Санъат асарида юксак мазмун, моҳият ва мантиқийлик ўз ифодасини топмаса у инсон қалбини жунбушга келтирувчи санъат даражасидаги асар ҳисобланмайди. Бу ҳақда Арасту бундай дейди. "Мусаввирликда ҳам шундай (қонуният бор), рассом ўз ишига моҳир бўлиши мумкин, аммо уни ҳар қандай тасвири учун эмас, балки гўзал намуналардан қолишмайдиган тасвирлари учун мақтайдилар" [1:20].

Бугунги кунда тасвирий санъат машғулотларида асарларни бадиий, илмий ўрганишга эътибор ғоятда суст бўлганлиги сабабли, ўқувчиларнинг санъат асарлари ҳақидаги фикрлари қарашларида катта бўшлиқ пайдо бўлиб қолмоқда. Бу ҳолатни бир неча авлод вакилларида ҳам кузатиш мумкин. Бунинг асосий сабабларидан бири асарларни таҳлил қилиш йўллари, бу борадаги билимлар мажмуи ва ўқитишнинг илғор педагогик ва ахборот технологияларидан фойдаланишнинг самарали йўллари етарли даражада ишлаб чиқилмаганлигидир. Зеро, бугунги глобаллашув жараёнида барча фанлар қатори тасвирий санъат дарсларида асарларни бадиий таҳлил қилишни замонавий асосда ўқитиш ўқувчиларнинг мантиқий фикрлаши ва илмий дунёқарашини ўстиришда муҳим ҳисобланади. Ўқувчилар асарларни бадиий таҳлил қилиш йўлларини ўзлаштиришмаса, ҳақиқий санъат асарлари, уларнинг мазмун моҳиятини тушиниб ета олишмайди, шунингдек, мукаммал санъат асарлари ярата олиш имконига ҳам эга бўлмайдилар. Маълумки, барча санъат турлари қаторида тасвирий санъат ҳам инсоннинг эстетик диди, эзгу фазилатларининг шаклланишида ва гўзал орзу истакларининг яралишида муҳим ўрин тутади.

Ўқувчилар санъат асарларини моҳиятини англаб етмаса, ундан маънавий қувват ҳам олаолмайди ва натижада санъатга, маданиятга эътибор мутлоқа бўлмайди. Санъат асарларини тушуниш, англаш, уни ўқий олиш ўқувчининг нафақат маданиятига балки унинг онги-тафаккурига ижобий таъсир этиб, ҳаёт ҳақида таасуротларини жамлашга ёрдам беради.

Таълим муассасаларида тасвирий санъат тарихи ва назарияси фанлари орқали, ўқувчиларга асарларининг бадиий таҳлили қисқача ўргатилиб кетилади. Бироқ бадиий таҳлил асосларини ўргатадиган фанларнинг мазмуни, ўқитиш шакли ва методларининг замон талабларига мос тарзда ишлаб чиқилмаганлиги сабабли санъатни тушуниб таҳлил қила оладиган педагог кадрлар тайёрлаш масаласида камчиликлар мавжуд. Оқибатда эса умумий ўрта таълим мактабларида тасвирий санъат машғулотларининг ҳам сифат

даражаси жуда паст. Бадиий асар моҳиятини тўла англамаган педагог, ўқувчилар маънавиятининг шаклланишида яхши натижага эриша олмаслиги айни ҳақиқатдир. Умумий ўрта таълим мактаблари тасвирий санъат машғулотларида санъат асарларини бадиий идрок этиш дарсларида санъат асарларининг моҳияти ўқувчиларга ўргатилмасдан қолиб кетмоқда. Умумий ўрта таълим мактабларида ҳафтасига бир соатлик дарс машғулотларида керакли даражада билимларни етказиб бера олинмаяпти. Санъат мактаблари фаолият юритаётган бўлсада, бироқ санъат асарларининг мазмун моҳиятини англайдиган ва ўқувчиларга маҳорат билан ўргата оладиган малакали мутахассислар озлиги ва методик қўлланмаларнинг мавжуд эмаслиги сабабли кутилган натижаларга эришилмаяпти. Мактабгача таълим муассасаларида ўқувчилар кўплаб бошланғич тушунчаларни яъни шакл, тасвир ва мазмун уйғунлигини тасвирий санъатдан ўрганишади. Ўқувчилар чизишган оддий тасвирларда характерлари мужассам бўлади, бундан келиб чиқган ҳолда тарбиясига эътибор берилса яхши самара беради. Бироқ ҳали аниқ кўрсатма ва тавсиялар ишлаб чиқилмаган. Демак мактабгача таълим муассасалари учун ҳам ўқув услубий қўлланмалар ишлаб чиқилиши зарурдир.

Ривожланган мамлакатлар тажрибасига эътибор қаратадиган бўлсак мактабларда ҳафтасига тўрт соатгача тасвирий санъат дарслари ўтилади, бу бежиз эмас албатта. Бунинг натижасида ўқувчиларнинг санъат ҳақидаги қарашларида, эстетик дидининг ўсиши ва ҳаётга бўлган муносабатларида ҳам сезиларли даражада янгича ёндашувларга эришилади.

Демак бадиий таҳлил асосларининг илмий, назарий ва амалий асосларини ишлаб чиқилиши зарурдир. “Бадиий таҳлил асосларнинг” ўзига хос тадқиқот методлари ҳам мавжуд. Чунончи, кузатиш, таҳлил қилиш, далиллаш, умумлаштириш, илмийлик, мантиқийлик, шартлилик, психологик асосланганлик сингари методлар мазкур фанга доир хулосаларни чиқаришда қўлланиладиган илмий- тадқиқот усулларидир.

Бизга маълумки, тасвирий санъат анча мураккаб фаолият турларидан ҳисобланади, айниқса санъат асари яратилиши юқори даражадаги фаол ақлий меҳнат ва ижодий жараёндир. Яратилган санъат асарларининг барчасини ҳам бирдек санъат асари даражасига олиб чиқилавермаслигининг сабаби ҳам эҳтимол шундадир. Юқорида таъкидлаб ўтганимиздек, санъат асарларини бадиий идрок этиш жуда мушкулдир. Айрим санъат асарларидаги символлар, тимсоллар шу даражада ўз ўрнида ифодаланиладики, бу кишини ҳайратлантирмай қолмайди. Бази санъат асарларидаги теран маънони, моҳиятни бошқа санъат турлари билан ёки бошқача тарзда тасвирлаб беришнинг имкони бўлмайди. Санъат асарларининг яратилиши билан боғлиқ мана шундай қарашларни биз К.П. Брюллов, М.А. Врубел, В.А. Серов, К.А. Коровин, А. Абдуллаев, Ў. Тансиқбоев, З. Иноғамов, М. Набиев, Р. Аҳмедов, Б. Жалолов, А. Мирзаев, каби кўплаб мусаввирларнинг ижодида, уларнинг яратган асарларида кўришимиз мумкин. Уларнинг яратган асарлари бутун дунё халқлари томонидан катта қизиқиш билан қарши олиниб келинган. Санъатшунос олимлар томонидан кўплаб илмий тадқиқот ишлари олиб борилиб, санъатнинг тарихийлик асослари, образлар таркиби, инсон оламининг руҳий ҳолатларига таъсири масалалари кўрсатиб берилган.

Бунда оддий томошабин кўра олмайдиган жиҳатларни мусаввир кузатувчанлиги, маҳорати, фазовий тасаввури ва истеъдоди туфайли мана шу тасвирий санъат асарларида акс эттириб, намоён қилиб бера олишади.

Санъатнинг яна энг муҳим жиҳатларидан бири барча миллат вакиллари тушуниб, уларга бирдек завқ бера олиш имконига эгалигидадир. Шуни ҳам айтиб ўтиш керакки, санъат асарлари орқали миллатлар ўртасида рамзий сўзлашиш, фикр алмашишга ҳам катта эътибор қаратиб келинмоқда.

Рахим Ахмедовнинг “Она ўйлари” номли асарини бадиий, фалсафий ва илмий, таҳлил қилиш орқали, шакл, тасвир ва мазмун уйғунлигини, шунингдек, ижод жараёнида илҳомланиш ҳодисасининг намоён бўлишини кўришимиз мумкин. Бунда рассомнинг санъат атрибутларини асар мазмунига мос ҳолатда ўз ўрнида қўллай олиш маҳорати, рангларнинг рамзий маъноларидан унимли фойдаланилганлиги алоҳида эътиборга молек жиҳатлари ҳисобланади. Шу билан бирга асарда ажойиб топилмалар ҳам борки бу асарнинг яратилиши жараёнида рассомнинг илҳомланиш лаҳзаларини бошдан кечирганлиги ҳақида таъминот беради. Буларни биз қуйида айрим санъат атрибутларининг қўлланилишида яққол кўришимиз мумкин бўлади.




Мусаввир Р.Ахмедовнинг “Она ўйлари” асаридаги асосий элементлар. 1. Она образи. 2. Ҳовлига экилган гул. 3. Уй. 4. Болиш (ёстиқ). 5. Тоғлар. 6. Дарахт танаси.

Инсоният, унинг кечмиши, хоҳиш истаклари, орзу умидлари, зоҳирий ва ботиний олами мусаввирлар асарларида ҳам ранг, шакл, тасвирлар орқали кашф этилади.

Раҳим Аҳмедов ушбу асарида она образини акс эттириш орқали унинг ички ва ташқи оламини кашф қилишга ҳаракат қилади ва бунга ҳақли равишда эришади.

Раҳим Ахмедовнинг “Она ўйлари” асари 1956 йилда яратилган бўлиб, бу асар шу даражада мукаммал ишланганки, унда тасвирий ва бадиий ечим, уйғун ҳолатда моҳирона ёзилган. Асарга эътибор қилсак ҳовлида ёлғиз онанинг азим дарахтга, болишга суяниб, қўлларини тиззаларига қўйиб мунгли бир қиёфада кўзларини бир нуқтага тикканча ўтиргани тасвирланган.

Бу она нималарни ўйлаб ўтирган экан, ўй хаёлларида нималар кечмоқда экан?, деган фикр томошабиннинг хаёлига келиши табиий. Чиндан ҳам Р.Ахмедовнинг “Она ўйлари” асари ўзининг ички кечинмаларга бойлиги билан характерланади. Эҳтимол рассом бу асарни онанинг ўтирган ҳолатида шу жойнинг ўзида барча элементлари билан биргаликда тасвирлагандир. Бироқ асарни композицион таҳлил қилиб фалсафий психологик жиҳатдан ўрганадиган бўлсак, асардан бир қатор бадиий мазмун ва мантиқий хулосалар келиб чиқади.

Асарни кузатар эканмиз, авволомбор, бош қаҳрамон она образига эътибор қаратиш керак бўлади. Бунда онанинг ўз ўтмишини-кўрган кечирганларини ҳаёт

фалсафасини чуқур мушоҳада қилиб ўтиргандек таассурот уйғотади. Юзидаги ажинлар эса умри мобайнида минг бир машаққатларни кўрган кечирганлигидан далолат бериб турибди.

Бир қарашда асар композицияси оддий тасвирий ечимга эгадек, унда олис тоғ қишлоқларидаги ҳовлилардан бири тасвирланган. Асарнинг биринчи планида она образи, кейинги планларда эса дарахт, ҳовли, тоғлар ва осмон тасвирланганини кўришимиз мумкин. Лекин асарнинг бадиий ечимида шу даражада юксак ифодаларни кўришимиз мумкунки бундан ҳайратланмасликнинг иложи йўқ. Асарда она образининг (персонаж)нинг ички олами, ўй фикрлари, кечинмалари билан бирга санъат атрибутлари ўртасида яхлит композицион уйғунлик мавжуд. Санъат атрибутлари ёрдамида бадиий, мантиқий жиҳатлари она образига (персонаж) мос равишда таъсирчан, тўлақонли акс эттирилган.

Ҳовли ичида кўкариб турган гулга эътибор берадиган бўлсак. Бу гул фарзандларининг йўлига интизор ёлғиз онанинг қалбидаги илинж, ишонч, умид сифатида намоён бўлади. Онанинг иккита фарзанди уришга кетган ва қайтиб келмаган эди. Бироқ она фарзандларини ҳали ҳануз умид билан кутаётгани тасвирланган. Онахон елкалари билан суяниб ўтирган иккита болишни иккита фарзандига рамзий манода қиёслаш ҳам мумкин, зеро улар онанинг ишонганлари суянчлари эди. Мана шундай қайғу ичида онахоннинг кўнглига сиғдириб ҳовлига гул экиб уни парвариш қилиши бу мушкул бўлган бир ҳолат деб қараш мумкин. Шундай бўлсада, мусаввирнинг гулни тасвирлаши, бу асардаги бадиий моҳиятни янада ошириб юборади. Мусаввир онанинг бошидан кечган воқеаларни яхши билган албатта. Азим дарахт тимсолида онахоннинг ҳаёти, ўтмиши, бугуни ва келажаги инсонийлик фазилатлари буюкликка, мангуликка даҳилдор эканлигини ифодалайди. Сувоқталаб эски уй ва тоғларнинг рангларидаги рамзий маъноларда ҳам, нур ва соя ўйинида ҳам онанинг мунгли қиёфасига дарду қайғусига мос ҳолатни гул билан бирга уйғун маъноларни ўқиш мумкин.

Бир сўз билан айтганда бу асарда шарқона бир қиёфа, матонатли, сабр бардошли, қўллари қадоқ, меҳнаткаш донишманд аёлни кўрамиз. Асарнинг бу даражада тасирчан чиқишига, рассомнинг ўзи ҳам уруш даҳшатларининг гувоҳи бўлганлигидадир.

Санъатшунос Зилола Носирова бу асар ҳақида бундай фикрларни айтиб ўтади. Бу асарни Леанордо да Винчининг "Монализа" асарига, Рафел ва Микеланджелонинг "Мадонналари" қаторига қўйиш ҳам мумкин. Чунки ҳақиқатдан ҳам, агар бу ерда Европа рассомларида аёлларини ўша мадонналари гўзал ишланган бўлса. Аммо Рахим Ахмедов айнан шарқ аёлининг донишмандлигини юқори қўйган ва шу асосида шарқ аёлларининг гўзаллигини етказиб бера олган.

Бу асардаги ранг, шакл, тасвир ва мазмун уйғунлиги Рахим Ахмедовнинг ижодий услубигагина хос деб бемалол айта олишимиз мумкин.

Демак Раҳим Аҳмедовнинг маҳорати, малакаси, ва истедоди мана шу "Она ўйлари" асарида яққол намоён бўлган.

Бундай санъат асарларининг яратилиш жараёни, рассомнинг ижодий фаолияти, ва асарларни бу даржада моҳирона тасвирланишидан хулоса қилиб шу нарсани ҳам айтишимиз мумкинки. Санъат асарларининг яратилиши, унда ижодкор услуби илоҳий илҳомланиш лаҳзаларини таҳлил ва тадқиқ қилиш муҳимдир.

Бадиий таҳлил асосларини олий ва ўртамахсус таълим муассасалари тасвирий санъат машғулотларида аниқ тизим асосида чуқурлаштириб ўтилса ёшларнинг маънавий тарбиясида ижобий натижаларга эришилади. Умумий ўрта таълим мактаблари учун ҳам тасвирий санъат асарлари жамланмасини яратиб альбом тарзда қўшимча адабиётлар ҳам тақдим этилиши зарурдир. Демак бошқа фанлар қатори тасвирий санъатда ҳам янги авлод адабиётини яратиш бугунги кунда энг долзарб масалалардан ҳисобланади.

**Адабиётлар**


1. Арасту. Поэтика. Ахлоқи кабир. Риторика. -Т.: «Янги аср авлоди», 2011, 154-б.
2. Булатов С., Толипов Н. Гўзаллик фалсафаси. –Т.: Фан ва технология, 2008.



**РЕЗЮМЕ**

Ушбу мақолада тасвирий санъат асарларининг ёшлар тарбиясидаги ўрни ва аҳамияти, асарларни бадиий, илмий таҳлил қилиш асосларининг долзарблиги ҳақида сўз боради. Шунингдек, Раҳим Аҳмедовнинг "Она ўйлари" асари таҳлил қилиниб, булар ҳақида бадиий, фалсафий, мантиқий хулосалар, асослар келтирилган.

**РЕЗЮМЕ**

В статье рассматриваются вопросы актуальности художественного и научного анализа произведений изобразительного искусства в воспитании молодёжи. Также проанализировано произведение «Материнские мысли» Рахима Ахмедова и даны художественные, философские, логические выводы и основания.

**SUMMARY**

The article discusses the importance of the literary-artistic and scientific analysis of works of art in the education of the youth. The author also analyzed the work "Maternal Thoughts" by Rakhim Akhmedov and gave artistic, philosophical, logical conclusions and foundations.


## ТАЪЛИМНИ АХБОРОТЛАШТИРИШ ШАРОИТИДА РАҲБАР КАДРЛАР БОШҚАРУВ КОМПЕТЕНЛИГИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ НАЗАРИЙ-МЕТОДИК АСОСЛАРИ


**Ғ.Р.Отамуродов –** *педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори*

**Ё.С.Эргашев –** *физика-математика фанлари буйича фалсафа доктори*

*Олий таълим вазирлиги ҳузуридаги Бош илмий-методик маркази*



**Таянч сўзлар:** ахборот, технология, раҳбар, компетентлик, интеграция.

**Ключевые слова:** информация, технология, лидер, компетентность, интеграция.

**Key words:** information, technology, leader, competency, integration.


Таълимни ахборотлаштириш ҳозирги кунда жамият тараққиётининг энг муҳим ва долзарб вазифаларидан бири ҳисобланади. Ахборот технологияларининг тараққий этиши ва ривожланиши таълимни ривожлантиришнинг замонавий ва уни ташкил этишдаги кўп сонли ёндашувларда муҳим аҳамиятга эга. Биринчи навбатда у таълим муассасаларининг инфраструктурасини, яъни таълим муассасасининг ахборот муҳитини ривожлантиришга қаратилади. Бунда замонавий ахборот сервисларини татбиқ этиш ва улардан самарали фойдаланиш назарда тутилади. Замонавий ахборот технологияларининг таълимдаги муҳим вазифаларидан бири шундаки, у алоҳида педагогик масалаларни ечишда ишлатиладиган инструмент вазифасини бажариш билан биргаликда таълим беришнинг инновацион имкониятларини таъминлайди, дидактика ва методикани ривожлантиришга ҳамда ўқитиш ва таълимнинг замонавий шаклларини яратишда муҳим аҳамият касб этади. Ахборот технологияларининг ривожланиши ва унинг таълим жараёнига кенг татбиқ

этилиши таълим иштирокчиларига янги имкониятлар яратади, янгича ёндашувларни вужудга келтиради.

Олий таълим тизимида ўқув сифатини таъминлаш ва унинг самарадорлигини оширишда ахборот технологияларидан фойдаланиш, олий ўқув юртларида уни кенг жорий этишнинг аҳамияти катта. Таъкидлаш ўринлики, ҳозирги шароитда олий таълим тизимининг ривожланиб бораётганлиги, олий ўқув юртлари ўртасидаги интеграциянинг мавжудлиги ҳам ахборот технологиялари туфайлидир.

Олий таълим тизимини тубдан такомиллаштириш, мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор вазифаларидан келиб чиққан ҳолда, кадрлар тайёрлаш мазмунини тубдан қайта кўриш, халқаро стандартлар даражасига мос олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш учун зарур шароитлар яратилиши ҳозирги замон талаби бўлиб келмоқда.

Маълумки, таълимни ахборотлаштириш бу таълим ва тарбия жараёнларига ахборот маҳсулотлари, восита ва технологияларини жорий этиш асосида педагогик жараёнлар методологиясини такомиллаштиришга қаратилган чора-тадбирлар мажмуи ҳисобланади. Таълимни ахборотлаштиришнинг назарий асосларини биринчи навбатда, информатика, кибернетика, тизим назарияси ва албатта дидактика ташкил этади.

Республикамиз олимларидан У.Бегимқуловнинг фикрича, таълимни ахборотлаштириш деганда таълим-тарбиянинг психологик-педагогик мақсадларини амалга оширишда замонавий ахборот технологияларидан фойдаланиш, таълим тизимида электрон ахборот-таълим муҳитини ташкил этиш, таълим соҳасининг электрон ахборот-таълим ресурсларини яратиш, компьютер технологияларини жорий қилиш амалиёти ва методологияси билан таъминлаш назарда тутилади [1:52-56].

Таълимни ахборотлашуви шароитида бошқарув компетенциясини ривожлантириш учун жараённи бошқарувнинг кўп даражали тизимидан фойдаланишга тўғри келади. Бунда, ахборот оқими, сон кўрсаткичидан сифат кўрсаткичига ўтиб, вужудга келган вазиятни тўлиқ тасвирлаш учун етарлича маълумотни етказиб беради. Аммо, улардан мақсадли фойдаланиш раҳбар шахсига, аниқроғи касбий компетенцияларни эгалланганлик даражасига боғлиқ бўлади [2:84-88].

Бизнинг фикримизча, замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш нафақат бошқарув соҳасидаги касбий билим, кўникма ва малакаларни ривожлантиришда, балким, бошқарув фаолиятида ахборот-коммуникация технологияларидан самарали фойдаланиш, бошқарув вазифаларини ҳал этиш, жараёнларни лойиҳалаштириш, моделлаштириш, прогнозлаштириш, шунингдек, мустақил ўзини-ўзи шахсий ва касбий ривожлантириш жараёнларида ҳам самарали механизмлардан бири сифатида хизмат қилади.

Электрон педагогика йўналишида илмий изланишлар олиб борган тадқиқотчи Т.Шоймардонов эса, ахборот-коммуникация технологиялари муҳитида қайта тайёрлаш ва малака ошириш жараёнларида таълим олувчиларнинг ўқувчанлик, мустақил таълим ва ўзини-ўзи ривожлантириш қобилияти ортади, ижодий қобилиятлар, ахборотни мустақил излаш ва янги билим олиш, олинган билимларни амалиётда қўллаш қобилиятлари ривожланади [3:11].

Бизнинг фикримизча ҳам, ахборот-коммуникация технологияларига асосланган таълим муҳити ва касбий ривожланиш жараёнларини раҳбар кадрлардаги бошқарув компетентлигини ривожлантиришга қаратилган таълим мазмуни ва технологияларини индивидуаллаштириш ҳамда шахс эҳтиёжларига йўналганлигини таъминлайди.

Ўрганилган манбаларнинг контент таҳлили ҳамда ўтказилган эмпирик тадқиқотларнинг натижаси сифатида таъкидлаш лозимки, олий таълим муассасалари раҳбар кадрлари бошқарув компетенциясининг муҳимлигини англаш учун уларнинг бошқарув вазифалари доирасида:

-таълим муассасасининг ривожланиш стратегиясини ишлаб чиқиш жараёнини;

-педагогик ва академик гуруҳларнинг жамоа шаклига келтириш жараёнини;

-таълим тизимининг иқтисодий ривожланиш жараёнини;

-илмий-услубий, ҳалқаро ҳамкорлик фаолият жараёнини;

-таълим соҳасидаги ахборот ва таълимнинг компьютерлаштириш жараёнини;

-фуқаролик институтлари билан ҳамкорликни таъминлаш жараёнини бошқариш каби ўзига хос фаолият йўналишларини кўрсатиб ўтишмимз мумкин бўлади.

Бу ўз навбатида, олий таълим муассасалари раҳбар кадрлари ўз фаолиятида ахборот таълим муҳитидан бошқарувнинг мақсади ва предметини ажратиб олишлари, шунингдек, касбий компетенцияларни ривожлантириш ва такомиллаштириш механизмларини белгилаб олиши лозим.

Педагог-психолог олим В.Мариконинг фикрича, муайян бир шахснинг компетентлиги унинг касбий шаклланишига қараганда кўпроқ учрайдиган тавсифномасидир. Бунга кўра, касбий компетентликнинг хилма-хил турларини ажратиш мумкин: махсус (меҳнат жараёнини амалга оширишда), ижтимоий (ҳамкорликдаги фаолиятни амалга оширишда), шахсий (ўзини-ўзи бошқариш ва такомиллаштириш малакаларига эгалик) ва бошқалар. Айрим муаллифлар касбий мулоқотдаги, мутахассис шахсининг ривожланишидаги компетентликни ҳам ажратиб кўрсатадилар[5:42-47].

Бизнингча компетентликнинг компонентлари қаторига когнитив, эмоционал, иродавий сифатлардан ташқари ўзига ишонч (ўзининг касбий билимларига, лидерлик қобилиятига ва б...); қарор қабул қилиш ва унинг ижросини бошқариш малакасига эга бўлиш; қизиқарли умумий мақсадларни қидириш, англаш ва қайтарма алоқани қўллашдаги самарали фаолият; ўзини-ўзи бошқариш, ўзини-ўзи такомиллаштириш қобилиятларига эга бўлиш; ўзини-ўзи назорат қилиш, мослашганлик, мураккаб муаммоларни ҳал қилишга тайёрлик ва таваккалчиликка мойиллик, қатъиятлилик, касбий масъулиятлилик ва бошқаларни киритишимиз мумкин.

Э.Ф.Зеернинг таъкидлашича, касбий компетентликнинг функционал тараққиётини тадқиқ қилиш касбий камолотга эришиш чоғида компетентликнинг турли кўринишлари интеграциялашиб боришини ва уларнинг касбий муҳим шахс сифатлари билан алоқаси кучайиб боришини кўрсатди [6:12-14]. Айтиш жоизки, компетентликнинг асосий даражалари касбий тайёргарлик ва тажриба, ўзини-ўзи англаш, ўз кучига ишониш, ўзга инсонлар томонидан кўрсатилган камчиликларни тўғри қабул қилиш ва шу каби бошқа касбий камолотни белгилаб берувчи шахс хусусиятлари киради. Шу билан бирга, компетентлик таркибида кишининг билим, кўникма ва малакаларига боғлиқ ҳолда бу қобилиятлардан фойдалана олиш имконияти мавжуд бўлади.

Сўнгги йилларда замонавий педагогик тадқиқотларнинг муҳим йўналишларидан бири бўлган компетентли ёндашув масаласи узлуксиз ривожланиб борувчи таълим жараёнларида босқичма-босқич шаклланган эди.

Таҳлилларга таяндиган бўлсак, бизнинг фикримизча, олий таълим муассасалари раҳбар

кадрларини бошқарув компетентлигини ривожлантиришда акмеологик, тизимли ва функционал-структуравий ёндашув интеграциясига асосланган компетентли ёндашув самарали ёндашувлардан эканлигини таъкилаш мумкин бўлади.

Бошқарув компетентлиги муаммосига Н.В.Гришина ижтимоий-психологик нуқтаи назаридан ёндашиб у раҳбар компетентлигини "қарама-қаршиликлар табиатини тушуниш муаммоларга нисбатан конструктив қарашнинг шаклланиши юзага келаётган вазиятларни таҳлил қилиш, уларнинг келиб чиқиш сабабларини аниқлаш ҳамда уларни бошқаришда деб тушунади [7:67-73].

Бизнинг фикримизча, раҳбарнинг бошқарув компетентлиги, яъни унинг бошқарув жараёнидаги вазифаларни ҳал этишга бўлган конструктив-яъни жараёнлар самарадорлигини оширишга, вазиятни яхшилашга хизмат қилувчи ёндашуви деструктив (низоли, зиддиятли) жараёнларнинг ривожланишига тўсқинлик қилади, низонинг кўпайишини тўхтатади. Бу эса, низони ҳал қилиш усулини белгилайди яъни, бошқарувчи деструктив жараёнларнинг (зиддиятни) индивидуал ва жамоавий фаолиятга салбий таъсирини тўхтатиб, уларнинг ўзаро ҳамкорлигини таъминлайди.

А.Магрупов ўзининг олий таълим тизимида стратегик ва функционал менежменти интеграциялаш механизмларини такомиллаштиришга оид тадқиқотида раҳбар кадрларнинг бошқарув компетентлигини ривожлантиришнинг муҳим компонентлари сифатида раҳбарнинг иш жараёнида юзага келадиган хатолар, шунингдек уларнинг оқибатларини аниқлаш, камчиликларни бартараф этиш йўлларини излаш билан боғлиқ прогнозлаштириш тушунчаларини ажратиб кўрсатади [8:22-26].

М.Мирсолиева олий таълим муассасалари раҳбар кадрларининг касбий компетентлигини таҳлил қилар экан, бу тушунчани бошқарув соҳасида самарали фаолият олиб бориш учун зарур бўладиган билим, кўникма ва малакаларга, шахсий-ижтимоий аҳамиятли сифатларга эга бўлиш, аниқ ва ностандарт вазиятларда мустақил қарор қабул қила олиш, ўзини ўзи бошқариш ва ҳар бир хатти-ҳаракати учун масъулиятни ҳис этиш билан боғлиқ тайёргарлик даражаси, деб тушунтиради [9:15-17].

Дарҳақиқат, метакомпетенциялар бу раҳбар кадрларнинг ўзини ўзи касбий ва шахсий ривожлантиришида муҳим амалий аҳамият касб этади. Чунки уларни бошқарув компетентлигини ривожлантиришнинг акмеологик кўрсаткичларини белгилаб беради.

Замонавий жамиятда таълим тизимини ривожлантиришнинг стратегик йўналиши – бу бошқарув кадрларининг турли соҳаларда мақсадли мустақил фаолияти асосида унинг интеллектуал, маънавий-аҳлоқий, ижтимоий-сиёсий ҳамда шахсий ривожланишидир.

Юқоридаги ёндашувлардан фаркли равишда, бизнинг илмий изланишларимиз, олий таълим муассасалари раҳбар кадрлари томонидан лавозим функцияларини бажаришлари учун уларнинг шахсида ифодаланиши шарт бўлган тажриба, билим ва кўникмалар, бошқарув компетентлигини ривожлантиришнинг таркибий тузилмаси, шунингдек, олий таълим муассасалари раҳбар кадрлари бошқарув компетентлигини ривожлантиришнинг замонавий ахборот-коммуникация технологияларига асосланган интеграциялашган ахборот-методик таъминотини такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратиш белгилаб олинди.

Илмий изланишлар ва таҳлиллар давомида, шундай хулосага келиндики, олий таълим муассасалари раҳбар кадрларининг бошқарув компетентлиги - раҳбар шахсининг интегратив сифатлари йиғиндиси тарзида, олий таълим муассасаси фаолиятини режалаштириш, бошқариш ва такомиллаштириш учун зарур ҳисобланган билим, кўникма ва малакалар мажмуаси ҳисобланади. Мазкур жиҳатлар олий таълим муассасалари раҳбар кадрларини шахсий тажрибасида ижтимоий, маданий, лингвистик, таълимий, АКТ, медиа, сиёсий, методик ва метакомпетенциялар тарзида, алоҳида фаолият тури кўринишида ифодаланади.

**Адабиётлар**


1. Бегимкулов У.Ш. Педагогик таълим жараёнларини ахборотлаштиришни ташкил этиш ва бошқариш назарияси ва амалиёти. // Педагогика фанлари доктори илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. –Тошкент: 2007. 267-б.
2. Otamurodov G‘.R. Improving methods of the administrator’s motivation in management of high education institutions. // ISSN 2056-5852. European Journal of Research and Reflection in Educational Sciences. - United Kingdom, 2016. №8. – P. 84-88.
3. Шоймардонов Т.Т. Педагог кадрлар малакасини ошириши ва касбий фаолияти мониторингини ташкил этишнинг электрон тизими // Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (Doctor of Philosophy) илмий даражасини олиш учун тайёрланган диссертация. –Тошкент: 2017. 158-б.
4. Boyatzis Richard E. "The Competent Manager: A Model for Effective Performance". "Hippo Publishing Ltd.", 2008.
5. Марико В.В. Условия для развитие профессиональной компетентности педагога ВУЗа в рамках повышения квалификации. Электронное методическое пособие. Нижний Новгород. 2011.- 56 с.
6. Зимняя И.А. Ключевые компетенции - новая парадигма результата образования//Экперимент и инновации в школе. 2009. №2.
7. Гришина Н.В. Г85 Психология конфликта. 2-е изд. СПб. –Питер: 2008. –С. 544. ил. (Серия «Мастера психологии»).
8. Магрупов А.М. Олий таълим тизимида стратегик ва функционал менежментни интеграциялаш механизмларини такомиллаштириш: Пед.фан.док. (DcS). ….дисс. автореф. -Т.: 2017. 31-б.
9. Мирсолиева М. Т. Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг касбий компетентлигини ривожлантириш механизмларини такомиллаштириш. Пед.фан.док. (DcS). ….Дисс. -Т.: 2019. 225-б.



**РЕЗЮМЕ**

Мазкур мақолада олий таълим тизимида ўқув сифатини таъминлаш ва унинг самарадорлигини оширишда ахборот технологияларидан фойдаланиш, олий ўқув юртлари ўртасидаги интеграциянинг тизимини функционал моделлаштириш, раҳбар кадрларда бошқарув компетентлигини шакллантириш ва ривожлантириш, шунингдек, таълимни ахборотлаштириш шароитида тизимли ишларни ташкил этиш бўйича кўрсатмалар берилган.

**РЕЗЮМЕ**

В статье даны указания по использованию информационных технологий в обеспечении качества образования в системе высшего образования и повышении его эффективности, функциональному моделированию системы интеграции между высшими учебными заведениями, формированию и развитию управленческих компетенций у руководящих кадров, а также организации системной работы в условиях образовательной информатизации.

**SUMMARY**

The article gives guidance on the use of information technologies in assurance of education quality in higher education and improve ment of its efficiency, functional simulation of the integration system between higher education institutions, the formation and development of managerial competencies of the personnel, and organization of the system work in the conditions of educational Informatization.

# ГЛОБАЛЛАШУВ ДАВРИДА ЁШЛАРНИНГ ВАТАНПАРВАРЛИК ТУЙҒУСИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШДА ХАЛҚ ПЕДАГОГИКАСИНИНГ АҲАМИЯТИ

**Е.К.Оразымбетов** –*стажёр тадқиқотчи*
*Ажиниёз номидаги Нукус давлат педагогика институти*

**Таянч сўзлар:** глобаллашув, халқ педагогикаси, тарихий анъана, маданият, урф-одатлар, инсонпарварлик, Ватанпарварлик.
**Ключевые слова:** глобализация, воспитание молодёжи, народная педагогика, исторические традиции, культура, обычаи, гуманизм, патриотизм.
**Key words:** globalization, youth education, folk pedagogy, historical traditions, culture, customs, humanism, patriotism.

Инсоният XXI асрда бошқа даврларга қараганда кескин фарқ қиладиган воқеаларни бошдан кечирмоқда. Бугунги кун олимлари шиддат билан «ахборот техналогиялари» ривожланаётган ва беқиёс даражада тезлашиб бораётган бу даврни «Глобаллашув жараёнлари» деб аташмоқда. Илм-фан ютуқлари тезлик билан илгарилаб бораётган давр ўзининг ижобий томонлари билан бирга салбий томонларини ҳам кўрсатмоқда.

Глобаллашув объектив жараён бўлиб бутун дунё мамлакатлари ўртасида ўзаро алоқадорлик ва ўзаро ҳамкорликнинг кенгайиб бориши натижасида пайдо бўлган, янги халқаро ташкилотлар ҳамда улар фаолиятининг тараққий этиб бориши натижасида вужудга келган халқаро ҳамжамиятнинг пайдо бўлишидир.

Глобаллашув тушунчасини кенг маънода олсак бу миллий ва худудий муаммоларни бутун жахон миқёсидаги янги ижтимоий-иқтисодий ва табиий биологик муҳитга таъсир этиб бориши ҳиссобланади. Тор маънода эса, иқтисодий тизимининг ўзгариши оқибатида ягона умумдунё геоиқтисодий жараённинг пайдо бўлиши тушунилади.

Глобаллашув ҳозирги даврда инсон ва давлат ҳаётининг деярли барча соҳаларига жумладан, ишлаб чиқариш, экспорт, иқтисод, ҳаттоки, маънавият ва маданият соҳаларига ҳам кириб келди. Бунинг натижасида ёшларда маънавий қашшоқлик юзага келмоқда.

Айрим ёшлар ўз тарихий анъана ва бой маданий урф-одатларини ўрганиш ўрнига бошқа давлатларнинг урф-одатлари ва маданиятларига қизиқиб, уларнинг енгил елпи ҳаётларини орзу қилмоқдалар. Қайсидир маънода ёшлар европаликларнинг маданий ҳаётларини ўрганиш орқали уларга яқинлашиб бормоқдалар. Хаттоки, улар ўша юртларга нима қилиб бўлсада кетиш ҳаракатларини қилмоқдалар.

Бундан фойдаланган сиёсатшунослар глобаллашув даврига хос бўлган ўз фойдалари учун турли хил ёт бегона ғояларни ўйлаб топмоқдалар. Бу ғоялар сиртдан қараганда инсонлар учун фойдалидек туюлсада аслида уларда яширин бир ғоя мавжуд. Шундай ғоялардан бири Космополитизм ибораси билан аталган ғоядир. Космополитизм (*юнонча.космополитес-дунё фуқароси*) - дунё фуқаролигини даъво қилиш, шу билан бирга давлат суверенитетини рад этиш, қолаверса, турли миллий анъана, маданият хамда ватанпарварлик туйғусидан воз кечиш ғоясини илгари сурадиган ғоя ҳисобланади. Қайсидир маънода космополистларнинг илгари сурган ғояси инсон учун қаерда яхши бўлса, ўша жой Ватан деган ғоя келиб чиқади. Бу эса инсонларда нотўғри дунёқарашни шакллантирмоқда. Яъни улар тирикчилик қилиш мақсадида, қаерда яшашни яхши ҳисобласалар ўша юртларга кетиб қолмоқдалар. Бойлик кетидан қувиш оқибатида она ватанга бўлган муҳаббат ва ватанпарварлик туйғуларини унутиб қўймоқдалар, бунинг оқибатида уларда ватанпарварлик туйғулари сўниб бормоқда.

Сир эмас фаолият кўрсатаётган халқаро ташкилотларнинг барчаси хам доим олижаноб мақсадларни кўзлайвермайди. Айрим халқаро ташкилотлар томонидан ташкил этиладиган тадбирларда улар иқтидорли ёшларни танлашда ҳокимиятга ёрдам беради, бироқ бунда улар, энг аввало, ўз манфаатларини кўзлашади. Сўнгра чет элга мунтазам сафарлар уюштирилади, уларда турли тадбирлар давомида бу одамларнинг онгига ғоят усталик билан таъсир ўтказилади. Шу тариқа ўзларини “Дунё фуқаролари” деб атайдиган кишилар тоифаси тайёрланади. Бундай ғоялар қандай мақсад ва воситалар билан тарғиб қилинмасин, инсон учун энг азиз ва қадрли бўлган ватан туйғусига раҳна солишни кўзда тутади.

Шунинг учун ҳам ҳозирги глобаллашув даврида ёшларнинг ватанпарварлик туйғусини халқ педагогикасининг анъаналари асосида тарбиявий мазмунини такомиллаштириш ғоят зарурдир.

“Ватанпарварлик ғояларини сингдириш авваламбор, оиладан бошланади. Бу жараён боболар ўгити, ота ибрати, она меҳри орқали амалга ошади. Инсон ўзлигини англагани, насл-насабини билгани сари юрагида Ватанга муҳаббат туйғуси илдиз отиб, юксала боради” [1].

Юртига, Ватанига муҳаббат, инсонпарварлик туйғулари халқимизнинг қон-қонига сингиб кетган азалий хусусиятидир. Ана шу ноёб инсоний фазилатларни асраб, абайлаш ва янада такомиллаштириш, фарзандларимизни озод ва демократик Ўзбекистоннинг муносиб ўғил-қизлари этиб тарбиялаш масаласи маънавият соҳасидаги ишларимизнинг асосий йўналишини ташкил этмоғи керак [2].

Халқимизнинг маънавиятида миллатимиз ўтмиши, тарихи ва ҳозирги куни ўз ифодасини топган. Аждодларимиз ёш авлод тарбиясига, уларнинг баркамол бўлиб шаклланишига ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшиб келди. Шунинг учун ҳам жамиятимизда соғлом авлодни тарбиялаш умумхалқлик шарофли вазифа даражасига кўтарилди. Ана шундай вазифани ҳаётга тадбиқ қилишда халқ педагогикасининг ўрни алоҳида. Қорақалпоқ халқ педагогикаси кичкиналар учун ҳам, катталар учун ҳам тарбиянинг, қайта тарбиялаш билан ўз-ўзини тарбиялашнинг хос тенги йўқ амалий тарбия мактаби бўлди. У дунёга энди келган чақолақларни ҳам ҳар томонлома камолга келтиришда йўл кўрсатувчи амалий педагогик қўлланма бўлиб хизмат қилади [3].

Хақиқатдан ҳам, халқ педагогикасида ёшларни ҳар томонлома соғлом камолга келтиришнинг энг ажойиб, ҳайратомуз намуналари мавжуд. Илм ўргатиш, касбга йўналтириш, ақл, ахлоқ, ҳуқуқ, меҳнат, тежамкорлик, гўзаллик, инсонийлик, жисмоний, ҳарбий ва ватанпарварлик тарбия бўйича бебаҳо тажрибалари тўпланган. Халқимиз тарихи, маданияти, оғзаки адабиёти, миллий дастурлари, анъаналари, байрам сайиллари, миллий ўйинлари, саънати ва бошқалар таълим-тарбия тизимида кудратли тарбия қуроли вазифасини бажаради.

Ота-боболаримиз фарзандларини ёш давридан киндик қони томган Она ватанини севишга, туғилган ерини асрашга, ҳалол меҳнат қилишга, ота-оналарни, ёши улуғларни ҳурмат қилишга, кичикларга меҳрибон бўлишга тарбиялаб, уларда «Мард йигит эл учун туғилади, эли учун ўлади», «Бошқа элда султон бўлганча, ўз элингда ултон бўл», «Эл қадрини мард билар» деб ватанпарварлик ғояларини шакллантирган.

Ҳадиси шарифда ҳам «Ватанни севмоқ иймондандур», «Ота маконим», «Ота юртим», «Киндик қоним томган макон», каби тарихий тушинчалар ҳаётда

ўз ўрнини эгаллаб, аҳамиятини тикламакда. Бироқ Ватаннинг ҳақиқий фарзанди бўлиш учун уни севишинг, қадирлашинг ва шу билан мақтанишнинг ўзи етмайди. Ўзини Ватан фарзанди деб ҳисоблаган ҳар бир инсон унинг иқтисодий, маънавий бойликларини авайлаб-асраши, янада кўпайттириши, Ватан қудратини мустаҳкамлаш, унинг халқлар орасида обрў-эътиборини ошириш ишига муносиб ҳисса қўшиши даркор [4].

Ватан одамнинг фақри, суянчи, она каби паноҳидир. Шу туфайли биз уни онага таққослаб, Она-Ватан деймиз ва у бизга она каби азиздир.

Қадимги заман донишманди Цицерон «Меҳр-мухаббат тўғрисидаги барча тушунчаларимиз «Ватан» деган битта сўзга бириккан» деса, буюк шоир Шиллер «Ватандан севимли ҳеч нарса бўлиши мумкин эмас» деб Ватаннинг буюклигини улуғлайди. Таниқли Венгер шоири Ш.Бетефи «Умр мен учун баридан қиммат, мухаббат умрдан ҳам қиммат, лекин юртнинг эркинлиги ва озодлиги учун иккисини қурбон этишга тайёр тураман» [5] – деб айтган фикри Ватаннинг жуда муқаддас эканлигини тасдиқлайди.

Ватанпарварлик туйғусини болаликдан сингдириб бориш лозим. Бунинг учун эса халқимиз ўтмишига назар солиб, инсон қалбида ватанпарварлик туйғуларини мужассам қилувчи халқимизнинг “Широқ” ҳақидаги ривоятини мисол этсак бўлади. Душман сарҳадлардан ўтиб келаётган бир пайтда Широқ қулоқ ва бурнини кесган ҳолда бир неча минглаб ёв қўшинларини ўз ҳийласига ишонтириб муқаррар ўлим сари сахро томон бошлаб кетади. Босқинчилар Широқнинг мақсадини англаб етганида эса аллақачон кеч бўлган эди. Шунда бу чексиз сахродан эсон-омон қутулиб чиқиб кетиш учун унинг жонини омон қолдириб, озодлик, бойлик таклиф этишади, аммо Широқ: “Жонимни олсанг ол, ватанимни ёвга сотишдан кўра ўлганим яхши” деган эди. Улар Широқнинг жонини олишади, аммо унинг Ватанга садоқатлик туйғусини ўлдира олишмайди.

Ватан озодлиги, юрт ободлиги йўлида оддийгина бир чўпоннинг шу қадар жасорати, душманларни ҳам ҳайратга солади.

Тарихнинг ўзи гувоҳлик беришича халқимиз қадим-қадимдан чет эл босқинларининг ҳужумларига қарши курашиб келган. Бундай жангларда Спитамен, Широқ, Тўмарис, Жалолиддин Мангуберди, Маман бий, Айдос бий, Ерназар бий (Алакўз) каби ботирлар босқинчи душманларга қарши курашиб, мардлик намуналарини кўрсатиб, Ватан озодлиги, халқ тинчлиги йўлида жонларини фидо қилишган.

Юқорида айтиб ўтилган фикрлар ёшларда ватанпарварлик туйғусини оширишда муҳим илдиз вазифасини бажаради. Тарихий анъана ва бой маданий-маънавий қадриятлар асосида тарбияланган инсонларда ватанпарварлик туйғуси кучли бўлади. Ёшларда ватанпарварлик туйғусини оширишда, биринчидан, халқимизнинг тарихини мукаммал ўрганиш, иккинчидан, халқимизнинг шон-шарафли ўтмиши, қадриятлари, аҳлоқ-одоб ва фазилатларини билиш; учинчидан, Ватан равнақи учун фаол бўлишга ундайдиган маънавий тадбирларни ташкил этиш; тўртинчидан, ватанпарварликка ундовчи кинофильмлар ва мультфильмлар яратиш ва қадимда яшаб ўтган буюк шахсларни, ватан учун жонини фидо қилган инсонларни тарғиб қилиш зарур ҳисобланади.

Чунки ўтмишда яшаб ўтган халқимизнинг буюк фарзандларида ватанпарварлик туйғуси, она ватанга бўлган муҳаббатиси кучли ва беқиёсдир. Улар қандай шароитда бўлмасин ўз туғилиб ўсган ватанини севган ва уни кўз-қорачиғидек асраган. Шу сабабдан, «Кирккиз», «Алпомиш», «Қоблан» сингари достонларда ўз Ватанининг озодлиги ва мустакиллиги учун кахрамонлик намуналарини кўрсатган халкимиз фидойи фарзандлари хакида хикоя килинган. Ана шу асарлардаги Ватанпарварлик хакидаги нафакат миллий, балки умумбашарий ахамиятга хам эга булган фалсафий гоялар, миллий истиклол мафкураси учун таг замин, асос булиб хизмат килиш имкони бор. Умуман, достонлар, халк огзаки ижодининг йирик тури булиб, уларда халкнинг истак ва интилишлари, маънавий, маърифий ва маиший турмуш тарзи, урф-одат ва анъаналари, ахлокий-тарбиявий, сиёсий-хукукий, иктисодий ва эстетик карашлари уз ифодасини топади. Адолат, ҳаққоният, тенглик, озодлик, ва хур фикрлилик, ботирлик, мардлик, халкни, Ватанни севиш, химоя килишдаги жасорат ва кахрамонликларни инсоннинг ахлок-одобга доир юксак фазилатлари деб улугланади ва шу ибратли таргиботи оркали ёшлар шаҳсини шакллантиради.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев илгари сурган бешта муҳим ташаббус юксак маънавиятли, мустақил фикрловчи, кенг дунёқарашга эга бўлган ёшларни турли мафкуравий таҳдидларга қарши иммунитетини шакллантириш; ёшларни ижтимоий ҳимоя қилиш, касб-ҳунар эгаллашга, тадбиркорликка жалб қилиш каби амалий ишларга асос бўлиб хизмат қилмоқда. Иқтидорли ёшларни қўллаб-қувватлаш, интеллектуал салоҳиятини рўёбга чиқариш; жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланиб, соғлом турмуш тарзига эришишга жалб этиш; ёшлар ўртасида ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликнинг олдини олиш билан боғлиқ қатор муҳим вазифалар белгилаб берилдики, бу ўз навбатида бизнинг халқ педагогикаси негизида ёшларни ватанпарварлик туйғусида тарбиялашга аҳамият қаратишимиз муҳимлигидан далолат беради.

**Адабиётлар**

1. Назаров Қ. ва бошқ(муаллифлар жамоаси). Миллий ғоя: тарғибот технологиялари ва атамалар луғати. -Т.: 2007, 109-б.
2. Каримов И.А. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. 3 жилд. Т., 1996 й. (юксак маънавият - келажак пойдевори)
3. Қарақалпақ этнопедагогикасы. Муаллифлар жамоаси. (академик Ж.Базарбаев раҳбар). -Н.: «Билим», 2010, 3-б.
4. Насрхужаев Ш., Лафасов М., Зарипов М. Маънавият асослари. -Т.: 2006, 233-б.
5. Руўхыйлық тийкарлары./ академик Ж.Базарбаев илмий раҳбарлигида. -Н.: 2009, 140-б.

**РЕЗЮМЕ**

Мақолада глобаллашув жараёнларининг ижтимоий-иқтисодий ва табиий биологик муҳитга таъсири, оқибати ва унинг ёшлар тарбиясига таъсири, халқимизнинг маънавияти, ўтмиши ва тарихи акс этган халқ педагогикасининг ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашдаги аҳамияти, унинг инсонни ҳар томонлама камолга келтиришда йўл кўрсатувчи тенги йўқ амалий тарбия мактаби эканлиги, унда ёшларга илм ўргатиш, касбга йўналтириш, ақл, ахлоқ, ҳуқуқ, меҳнат, тежамкорлик, гўзаллик, инсонийлик, жисмоний ва ватанпарварликка тарбиялаш бўйича бебаҳо тажрибалари тўпланганлиги тўғрисида фикрлар ёритилган.

**РЕЗЮМЕ**

В статье даются мнения о влиянии глобализации на социально - экономическую и природно - биологическую среду, её влияние на воспитание молодёжи, значение народной педагогики в патриотическом воспитании нашего народа, его беспримерная школа практического образования. Накоплен бесценный опыт в обучении молодёжи в сферах образования, профориентации, интеллекта, этики, права, труда, экономики, красоты, гуманизма, физического и патриотического воспитания.

**SUMMARY**

The article gives opinions on the impact of globalization on the socio-economic and natural-biological environment, its impact on youth education, the importance of public education in the patriotic education of our people, its unparalleled school of practical educa-

tion. Invaluable experience has been accumulated in teaching young people in the fields of education, career guidance, intelligence, ethics, law, labor, economics, beauty, humanism, physical and patriotic education.

## ЗАМАХШАРИЙ АСАРЛАРИДА САБР ВА ҚАНОАТ ТУШУНЧАЛАРИ ТАЛҚИНИ

**Н.Сулаймонова -** *филология фанлари номзоди, доцент*

*Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети*

**Таянч сўзлар**: Маҳмуд Замахшарий, Атвоқу-з-заҳаб" ("Олтин шодалар"), панд-насиҳат, ҳикматли сўз, сабр, қаноат, тоқат, сабрли инсон.

**Ключевые слова**: Махмуд Замахшари, "Атваку-з-захаб" ("Золотые ожерелья"), нравственный взгляд, афоризм, терпение, терпеливость, выдержанность, терпеливый человек.

**Key words**: Mahmud Zamakhshariy, "Atwoqu-z-zahab" ("Golden Necklaces"), moral outlook, aphorism, patience, patience, endurance, patient person.

Барча замонларда сабр ва қаноат инсоний фазилатларнинг энг қадрлиси сифатида эъзозланиб келинган. Шунинг учун ҳам кўплаб алломалар инсонларда тарбияланадиган бу фазилат ҳақида классик мақомдаги асарлар яратганлар. Кайковус, Форобий, Саъдий, Авлонийлар томонидан яратилган асарлар шулар жумласидандир. Айниқса, тарихий аждодимиз, буюк олим Маҳмуд Замахшарийнинг сабр ва қаноат ҳақидаги қарашлари бугунги кунда ҳам ўзининг маънавий-маърифий аҳамиятини йўқотган эмас. Зеро Замахшарийнинг таъбирича, ***рутбаларнинг юксаги қаноатдир***.

Дарҳақиқат, "Сабрнинг таги сариқ олтин", "Сабр қилсанг, ғўрадан ҳалво битади" каби ўзбек халқ мақоллари асрлар давомида сабр ва қаноатнинг нафақат у ёки бу кишининг шахсиятида, бутун инсониятнинг тарихий қадрияти сифатида шаклланган. Шунинг учун ҳам Маҳмуд Замахшарий ўзининг дидактик аҳамият касб этувчи "Атвоқу-з-заҳаб" ("Олтин шодалар") номли асарида "***Қаноат юксак чўққига кўтарилишнинг сабаби***" [3; 104] эканлигини таъкидлайди.

Инсоннинг моддий ҳолати қандай бўлишидан қатъий назар Маҳмуд Замахшарийнинг айтишича, "***Қашшоқнинг қаноати, гарчи унинг (қашшоқнинг) юзлари тупроққа беланиб, йиртиқ-ямоқ кийимда бўлса ҳам, уни сенинг кўзингга шоҳона либосда кўрсатади. Бойнинг ўлгудай очкўзлиги эса, гарчи у олдингда зар кийимларда турган бўлса ҳам, уни сенинг кўзингга бечора, увадаси чиққан ҳолда кўрсатади***" [3:104]. Бу фикрлар билан Замахшарий, аввало, меҳнатни, меҳнат кишисини қадрлаш ғоясини илгари сурган бўлса, иккинчи навбатда, бойлик орттиришга нисбатан нопок ҳаракатлар туфайли бой кишининг "зар кийимлар"и "увадаси чиққан"дек кўринишига ишора қилиб, одамларни сабр-қаноатли бўлишга чақиради.

Замахшарий томонидан тавсифланган сабр ва қаноат фазилатлари кейинчалик ҳам фозилу алломалар томонидан кўп бора тилга олинган. Жумладан, Махтумқули ҳам ўз шеъриятида шу масалага оид қарашларини баён этган. Унинг

*Ўз ризқига ҳеч қаноат этмаган,*
*Термулар, киши ошига зор бўлар...*

каби мисралари фикримизнинг далилидир.

Замахшарий ўзининг дидактик қарашларида инсон руҳиятида мавжуд бўлиб, унинг фаолиятини "бошқарадиган", турли хатти-ҳаракатларга йўналтирувчи иллатлар айнан сабр қаноати заиф кимсалардагина содир бўлиши мумкинлигини уқтиради. Шундай иллатлардан бири енгил-елпи ҳаёт кечирувчиларга нисбатан унинг "***Ўйин-кулгуни улфат тутадиган кимса ҳеч қачон машаққатларга сабр қилувчи кишидек бўлмас***" [3:91], – деган фикри ғоят ибратлидир.

Маҳмуд Замахшарий сабр-қаноат ҳақида фикр билдирар экан, бу фазилатнинг мазмуни ва моҳиятига, сифатига ҳам алоҳида эътибор қаратади. Зеро, фақат сабр ёки қаноат билангина инсон ҳаёти фаровон бўлиб қолмайди, сабрли киши фақат шу фазилати учунгина комил бўлиб қолмайди. Маҳмуд Замахшарий ҳақли равишда "***Зийрак, мулоҳазали, сабрли киши дунё ва охиратда фойдаси бор ишда ҳеч тўхтамас***"лигини [3:91] уқтириб ўтади.

Ҳақиқатан ҳам сабрли киши атрофдаги воқеа ва ҳодисаларни диққат билан кузатиб, жараёнларга зийраклик билан баҳо бериб, мантиқий мулоҳаза юритибгина, нафақат ўз манфаати, аввало, ўз оиласи, қолаверса, жамият учун нафи тегиши мумкин бўлган хулосага келиши, қарор қабул қилиши мумкин.

Барча замонларда инсонлар бир-бирлари билан, кенг маънода миллатлар, мамлакатлар, диний эътиқодларга кўра бир-биридан фарқланувчилар дўстона муносабатда бўлишларига катта эътибор қаратилган. Зеро, мамлакатлар, минтақалар ўртасида дўстлик ва ҳамкорлик ришталарини мустаҳкамлаш тараққиётнинг муҳим шартларидан биридир. Шунинг учун ҳам ўсиб келаётган ёш авлоднинг баркамол шахс сифатида шаклланиши учун бир қатор ижобий сифатлар қатори сабр ва қаноат ҳам унинг маънавиятининг муҳим компоненти саналади. Шу маънода ЮНИСЕФнинг мамлакатимиздаги умумий ўрта таълим муассасасаларида дўстона муҳитни яратишга йўналтирилган дастурлари диққатга сазовордир.

Бугунги глобаллашув ва интеграциялашув жараёнида сабр ва қаноатга асосланган дўстлик ва дўстона муносабат тараққиётнинг муҳим омилларидан бирига айланди. Айрим ҳолларда дўстининг душмани билан мулоқотини кўрган кишилар душманлари сафига яна бир душманни, яъни ўша дўстини ҳам қўшилишига сабрсизлиги, вазиятни мулоҳаза билан баҳолашга қодир эмаслиги билан сабабчи бўладилар. Бу борада Маҳмуд Замахшарий шундай дейди: "***Душмани ҳам дўстининг ёнидан жой олган киши одамларнинг энг тоқатлисидир. Энг тоқатли инсон душманини сўкмайди, маломат қилмайди, балки унинг жазосини гуноҳига ҳавола қилиб қўяди, озорларини елкасида кўтаради. У шундай кишики, Оллоҳ унинг қалбини кек-гинадан сақлаган, балки соғлом аҳду паймонни унга жойлаган***" [3:38]. Айтилганлардан англаш мумкинки, маънавиятли кишилар сабр-тоқатли, кечиримли бўладилар. Ўзаро гина-кудуратларни авж олишига, уни ёру биродарлар, қўни-қўшнилар, қариндош-уруғлар ўртасида газак олишига йўл қўймайдилар, сабр ва қаноат билан муроса чораларини излайдилар.

Дунёнинг айрим ҳудудларида содир бўлаётган баъзи нохуш воқеликлар, урушларнинг сабаби ҳам, аввало, инсонлар, миллатлар ва мамлакатларнинг ўзаро дўстона муҳит тенденцияларига амал қилмаслик, бошқаларда кузатилаётган, аслида ўткинчи ҳамда маълум вақт ўтгач ижобий ечим топадиган айрим жиҳатларга нисбатан сабр ва тоқатли бўла олмаслик оқибатида содир бўлмоқда.

Мамлакатимизда олиб борилаётган ички ва ташқи сиёсат биз тилга олган концепция асосига қурилганлигини, бу борада тарихий тажриба ва қадриятларга, аждодларимиз томонидан баён этилган, жумладан, Маҳмуд Замахшарий илгари сурган ғоялар

асосида олиб борилаётганлигини эътироф этиш алломанинг нақадар донишманд бўлганлигидан далолат беради.

Маҳмуд Замахшарийнинг сабр ва қаноат борасидаги қарашлари, айниқса, аҳмоқ ва тоқатсиз кишиларга ибратлидир. Аллома айтадики, "***Табиати тоза ва тўғри, қадри баланд ва беозор бўлган оқил ҳар қандай ҳолатда балога сабр қилади, аҳмоқ эса балога тоқатсизлигини турли баҳоналар билан оқламоқ истайди***" [3:76], яъни қадри баланд инсонларнинг сабру қаноат борасидаги ибратли хатти-ҳаракатлари сабрсизларга намуна бўлишини эътироф этади.

Маҳмуд Замахшарийнинг сабр ва қаноат ҳақидаги қарашларига ҳамоҳанг тарзда бошқа алломаларнинг битиклари ҳам диққатга сазовордир. Хусусан, бу ғоя Мир Алишер Навоий ҳазратлари томонидан ҳам гўзал мисраларда ривожлантирилган. Навоий бобомиз айтадики:

*Сабр била боғлиғ иш очилур,*
*Ишда ошуққон кўп тойилур,*
*Кўп тойилгон кўп йиқилур.*

Ўзбек адабиёти тарихида ўзининг масалчилик асарлари билан ўчмас из қолдирган Гулханий ҳам сабр ва қаноат ҳақида кўплаб асарлар битган. Ўз асарларининг бирида Гулханий шундай дейди:

*Сабр била баста эшикдир кушод,*
*Сабр била топди эронлар мурод,*
*Сабр сенинг дардингга дармон бўлур,*
*Шўра замин боғила бўстон бўлур.*

Сабр ва қаноат инсонларнинг ҳаёт тарзига айланиши бу ҳақда турли ривоятлар ва мақоллар тўқилишига сабаб бўлган. Зеро, ривоятлар ва мақолларнинг асл мақсади инсонларни эзгуликка чорлаш, маънавиятни тарғибот қилишдан иборат. Шу маънода

*Тоқатлиға тоғлар эгар бошини,*
*Тоқатсизнинг итлар еяр ошини*

тарзидаги ўзбек халқ мақоли Маҳмуд Замахшарийнинг сабр ва қаноат ҳақидаги панд-насиҳатлари асосида юзага келган бўлиши мумкин.

Ислом дини тарихида, унинг фалсафасида диний ва дунёвий билимларни муштаракликда эгаллаш комилликка етакловчи энг ишончли йўл сифатида кўрсатилади. Шу маънода Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф ҳазратларидан ҳам сабр ва қаноатнинг мазмуни, моҳияти, таърифи, талқини ва тавсифларига оид ноёб мерос қолди. Олим ўзининг 36 жуз(жилд)лик "Ҳадис ва ҳаёт" асарида ислом динида илгари сурилган, буюк муҳаддис имом Исмоил Бухорий томонидан тизимлаштирилган ҳадисларга янгича талқин ва тавсиф бериб, унда сабр ва қаноатга алоҳида тўхталиб ўтган. Шайх ҳазратлари кишилар томонидан сабр талабларига амал қилиш учун инсон ўзини тутиши лозим бўлган ҳолатлар ҳақида ўз мулоҳазаларини баён этиб, сабрнинг таърифида айтилган қуйидаги фикрларни келтириб ўтади:

*Сабр нафсни қайғу ва аччиқланишдан, тилни шикоятдан, аъзоларни ташвишдан тутиб туришдир.*

*Сабр нафснинг фозил ахлоқларидан бири бўлиб, қилиниши яхши ва гўзал бўлмаган нарсалардан сақланишдан иборатдир.*

*Сабр бало етганда гўзал одоб ила туришдир.*

*Сабр изтироб пайтида қалбнинг собит туришидир* [1:280].

Кези келганда алоҳида таъкидлаш жоизки, айримлар сабр ва қаноат фақат йўқчиликда, ночорликда, ташвишли кунлардагина керак бўлади, деган фикрда бўладилар. Юзаки қараганда шундай туюлади ҳам. Бироқ сабр ва қаноат инсониятнинг барча қатламлари учун керак бўлган фазилатдир. Бунга ҳаётда кўплаб мисоллар келтириш мумкин. Биргина мисол, бой-бадавлат оилада вояга етган ҳамма фарзандлар ҳам оқил бўлавермайди. Бунга, аввало, бевосита ота-оналарнинг, болаларнинг зийраклиги, мулоҳазалилиги, кенг маънода уларнинг педагогик компетентлилиги пастлиги, ўзига хос қунт, сабр билан бу борадаги билимларини оширишга ҳаракат қилмаслиги, натижада уларнинг болалари борига сабр, шукр қилиш ҳиссидан бебаҳра бўлиб, ортиқча ҳаваслар оқибатида ёмон йўлга кириб кетиш ҳолатлари кузатилади. Демак, "*сабр доим керак. Яхшилик етганида ҳам, ёмонлик етганида ҳам, зарар-камчилик пайтида ҳам, фойда-борчилик пайтида ҳам. Йўқчиликка сабр қилиш осон. Аммо борчилик, тўқчиликка ҳамма ҳам сабр қила олмайди. Аслида эса банда оғир пайтда бардош билан, неъмат етганида эса шукр ва яхшилик билан сабр қилиши керак*" [1:284]. Шунинг учун ҳам халқимиз "Сабрнинг таги сариқ олтин" деган нақлга амал қилади.

Яна бир мулоҳаза: сабрни фақат ижобий фазилат тариқасида талқин этиш билан кифояланиб бўлмайди. Сабрнинг замирида муайян мақсадларга интилиш, ҳаёт тарзини яхшилашга ҳаракат қилиш каби маъно мавжудлигини англамоқ лозим, яъни "*сабр ҳам, кўпчилик хаёл қилганидек, салбий маънода, яъни нима бўлса ҳам сабр қиляпман, деб жим, ҳаракатсиз туриш эмас, балки Аллоҳнинг айтганини бажариш жараёнида дуч келадиган машаққатларни енгишдаги сабрдир*" [1: 285]. Айримлар "Куним ўтаяптику", – деб, билаги кучга тўлган йигитлар эса "Отам топгани етиб турибдику", – деб юришлари асло сабрга кирмайди. Буни танбаллик, ишёқмаслик, дангасалик каби таърифлар билан талқин қилинса тўғри бўлади.

Маҳмуд Замахшарийнинг сабр ва қаноат ҳақидаги қарашларини таҳлил қилар эканмиз, аллома ўз ғояларида шу йўсиндаги мазмунни илгари сурганини гувоҳи бўламиз. Шу маънода замонавий таълим тизимида баркамол авлод тарбиясида Маҳмуд Замахшарийнинг илмий меросини комилликка етакловчи тизимнинг концептуал асосининг таркибий қисмларидан бири сифатида эътироф этиш ўринли. Қолаверса, бу асос шу йўналишда амал қилиниши лозим бўлган ишончли ёндашув ҳисобланади.

Тарихдан маълумки, Маҳмуд Замахшарий Қуръони карим тафсирини мукаммал талқин этган муфассирлар учлигидан ўрин олган ҳамда буюк муфассир сифатида бой илмий-маънавий мерос қолдирган. Шунинг учун ҳам унинг қарашлари ислом таълимотида илгари сурилган ғоялар билан муштаракдир. Зеро, "*Қуръони каримда сабрга даъват кўп такрорланади. Чунки Аллоҳга тоатда ҳам, гуноҳдан сақланиш, йўлдаги тўсиқларни енгиш учун ҳам, заифлик келиб қолганда ҳам, ҳавои нафсни жиловлаш учун ҳам сабр керак*"лиги [1:286] ислом таълимотининг ҳеч эскирмайдиган, инсоният, жамият борки барча замонларда, шу жумладан, бугунги кунда ҳам ўзининг тарбиявий аҳамиятини йўқотмайдиган қадрият сифатида эътиборлидир.

Қуръони каримдаги даъватларга муштарак тарзда ҳадиси шарифларда ҳам сабр ва қаноат хусусида ибратли фикрлар баён этилган, уларда айтилишича, "*Ҳеч кимга сабрдан кўра яхшироқ ва кенгроқ ато берилмаган*".

"*Сабр Аллоҳ таоло томонидан бандага инъом этилган энг катта ва кенг ато ҳисобланади. Сабрли киши ризқнинг озига ҳам, йўқчиликка ҳам чидаб, ўзини хор қилмай, бошини тик тутиб кун кўради. Сабр неъматидан бебаҳра банда эса дунёнинг ярмига эга бўлса ҳам, тийиннинг устида ўмбалоқ ошиб, ўзини хор қилади, очкўзлигини билдириб қўяди. Мусулмон одам унга Аллоҳ томонидан берилган етарли ризққа сабр қилиб, қаноатли бўлиб ўтса, дунёдаги энг катта нажотга эришган шахс бўлади. Ҳақиқий бойлик молу дунёнинг кўплигида эмас, нафснинг тўқлигида*" [1:286].

Бу сифат баркамол шахс тарбиясининг энг эътиборли жиҳатларидан биридир. Зеро, сабрсиз инсон ҳаётда бир нарсага эришиши жуда қийин. Шу сабаб ҳам сабр инсон ҳаётида улкан зарурият ҳисобланади.

Юқорида таъкидлаб ўтилган фикрларнинг таҳлиллари асосида қуйидаги хулосаларни илгари суриш мумкин.

Сабр ва қаноат кишилик жамиятининг барча даврларида эъзозланиб келинган ҳамда фақат ҳақиқий инсонларгагина хос фазилат ҳисобланади. Сабр ва қаноат маънавияти юксак инсонларнинг шахсиятини тавсифловчи, уларни кўркам кишилар қилиб танитувчи ноёб фазилат бўлгани учун тарихий аждодларимиз, шу жумладан, буюк аллома Маҳмуд Замахшарий ҳам ўз асарларида одамларни сабрли ва қаноатли бўлишга даъват этган. Бу борада ўзининг мушоҳадаси, ҳаётий тажрибасига асосланган ҳолда бугунги кунда ҳам ўзининг дидактик аҳамиятини йўқотмаган панд-насиҳатлардан иборат ўлмас илмий-маънавий мерос қолдирган. Улардан жамиятнинг замонавий таълим-тарбия талаб ва эҳтиёжлари асосида янгича ёндашув ва талқинларда оқилона фойдаланиш баркамол авлод тарбиясининг тарихий-миллий негизини мустахкамлашга хизмат қилади.

Сабр ва қаноат тушунчаларига баркамол шахс тарбиясининг ҳам диний, ҳам дунёвий илмларига асосланган манбаи сифатида қаралиши лозим. Зеро, Қуръони каримда, ҳадисларда ҳамда бошқа тарихий манбаларда инсонларни сабр ва қаноатга даъват этувчи ғоялар бисёрлигини эътироф этиш жоиз. Сабр ва қаноатни фақат ижобий сифат тариқасида қабул қилиб, уни дангасалик, танбалликни оқловчи чорлов, йўқчиликка қарши иродани ишга солган ҳолда ҳаракат қилишга интилмасликни биз илгари сураётган сабр ва қаноат ҳақидаги ғоялар билан бир хил маъно ва моҳият касб этишини англамоқ керак эмас. Кўп бора таъкидлаганимиздек, сабр ва қаноатни кенг маънода қабул қилмоқ лозим.

**Адабиётлар**


1. Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф. Ҳадис ва ҳаёт. 34-жуз. Яхшилик ва ахлоқ китоби. – Т.: Шарқ, 2012. – 448 б.
2. Фаридиддин Аттор. Ҳикматлар. Нашрга тайёрловчи ва сўзбоши муаллифи Эргаш Очилов. – Т.: Ўзбекистон, 2012. 256-б.
3. Фозил Зоҳид. Замахшар тасбеҳи. – Т.: Муҳаррир, 2011. – 144 б.



**РЕЗЮМЕ**

Мазкур мақолада аллома Маҳмуд Замахшарийнинг "Атвоқу-з-заҳаб" ("Олтин шодалар") номли дидактик асаридаги сабр ва қаноат тушунчалари талқинига бағишланган қарашлари, панд-насиҳатлари ажратиб олиниб, таҳлил этилган.

**РЕЗЮМЕ**

В статье анализируются взгляды мыслителя Махмуда Замахшари, приводятся афоризмы из его дидактического произведения "Атваку-з-захаб" ("Золотые ожерелья"), посвящённые описанию таких челевеческих качеств как терпеливость, выдержанность.

**SUMMARY**

The article analyzes the views of the thinker Mahmoud Zamakhshari, some aphorisms from his didactic work "Atvaku-z-zabab" ("Golden Necklaces"), devoted to the interpretation of such human qualities as patience, endurance are quoted.


## ИНГЛИЗ ТИЛИ ДАРСЛАРИДА МУТАХАССИСЛИККА ОИД МАТЕРИАЛЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ ТАЖРИБАСИДАН


**А.У.Тажиева** – *педогогика фанлари номзоди, доцент*
*Ажиниёз номидаги Нукус давлат педагогика институти*
**Н.А.Бекмуратова** - *ассистент-ўқитувчи*
*Бердак номидаги Қорақалпақ давлат университети*



**Таянч сўзлар:** фан мазмуни ва тилни интеграллаштириб ўқитиш, мутахассислик матни, дастлабки билим, ахборот бериш ва олиш, хамкорликда ишлаш, фикрлаш қобилиятини ўстириш, ёндашув, мазмун, билиш, алоқа.

Ключевые слова: интегрированное обучение и содержания языка, профессиональный текст, предыдущие знания, давать и получать информацию, работать в сотрудничестве, развитие навыков мышления, подход, содержание, знание, коммуникация.

Key words: content and language integrated learning, professional texts, prior knowledge, input and output, collaborative tasks, developing thinking skills, approach, content, knowledge, communication.


Ҳозирги кунда ёшларнинг мушоҳада қобилияти, иродаси, ижодий салоҳияти, мослашувчанлигини ривожлантиришга имкон берадиган "CLIL" (Content and Language Integrated Learning – Фан мазмуни ва тилни интеграллаштириб ўқитиш) технологияларни, етакчилик кўникмаларини шакллантиришда муҳим аҳамият касб этадиган "STEAM–таълим" (Science, Technology, Engineering, Arts, Mathematics – Табиий фанлар, технология, мухандислик, санъат, математика) дастурларини қўллаб, таълим олувчиларда давр талабига мос кўникмаларни шакллантириш, рақобатбардош кадрларни тайёрлаш мақсадида мамлакатимизда ҳам бир канча ижобий ишлар амалга оширилмоқда.

Мамлакатимизда қабул қилинган қарор ва буйруқлар сўзимизнинг исботи бўла олади, жумладан, 2017 йил 11 августдаги Вазирлар Маҳкамасининг «Таълим муассасаларида чет тилларини ўқитишнинг сифатини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 610-сонли қарорида "Олий таълим муассасаларининг чет тили кафедралари базасида профессор-ўқитувчилар учун дарсдан ташқари вақтда тегишли мутахассислик фанларини чет тилида ўқитиш бўйича хизмат кўрсатадиган курслар ташкил қилиш, мутахассислик бўйича атамалар луғатларини яратиш, чет тилларида турли кўрик-танловлар ўтказиш, мутахассислик фанлари бўйича чет тилларида маърузалар ташкил этиш" [1] ишларига эътибор қаратилагани бўлажак мутахассисларнинг чет тилини билишини йўлга қўйишимиз зарурлигини англатади.

Юқоридаги ишлар шундан далолат берадики, мамлакатимизда мутахассисларнинг чет тилини билишига алоҳида эътибор берилаётгани, таълим сифати тубдан ислоҳ қилинаётганлиги, янгича ёндашувларнинг таълим тизимига жорий қилинаётганлиги бунинг ёркин далилидир. Аммо мамлакатимиз олий таълим муассасаларида мутахассисликка оид материаллардан фойдаланиб, чет тилини ўқитиш технологияси, соҳага оид материаллардан ўқув воситаси сифатида фойдаланиш етарлича ўрганилмаганлиги ва бу соҳада ечимини кутаётган муаммолар етарлича эканлигини қайд этиш зарур.

Чет тилларига дунё миқёсида юз бераётган глобаллашув ва интеграция жараёнларини тезлаштириш нуқтаи назаридан маданиятлараро мулоқотни амалга оширувчи восита, шунингдек, ҳар бир мутахассис касбий лаёқатининг етакчи компонентларидан бири сифатида қаралаётган бир пайтда чет тили сунъий муҳитда ўрганилишини ҳисобга олиб, география таълим йўналиши талабаларини чет тили дарсларида ўқитувчи раҳбарлигида мулоқот қилиш, гапириб бериш ва қайта идрок қилиш каби умумий маълумотлар билан чегараланиб қолмасдан, ўқувчиларнинг тафаккурини она тили ва чет тилида шакллантиришда, мутахассислик фанларидан чет тилида тайёрланган

материаллар асосида CLIL технологиясидан фойдаланиб ўқитиш катта аҳамиятга эга. Патси Лайтбоун “бу ёндашувнинг дунёда кенг тарқалганлигининг сабаби, унда талабалар ўрганилаётган чет тили ва мутахассислик фани бўйича билимларини бир пайтда кўп вакт сарфламасдан ўзлаштиришга имкон” беришини таъкидлаган [2:13].

CLIL технологияси таълим олувчининг мутахассислик фанларини чет тилида ўрганишда бир қанча ижобий натижаларга эришиш мумкинлиги ҳақида маълумотлар бизга маълум. CLIL мутахассислик фани ва чет тилини – иккаласини ҳам биргаликда ўргатиш имконини берувчи ягона технология сифатида фанда тан олинган ва у қуйидаги тўртта босқичда ривожланиши кўрсатилган.




Фан хусусиятларидан келиб чиқиб география дарсларида жамият билан табиат, инсон билан табиат ўртасидаги мураккаб алоқадорликни ўрганиш асосий масала ҳисобланилса, юқори малакали кадрлар тайёрлаш жараёнини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш, таълим сифатини кафолатлаш учун нихоятда муҳим саналган фаннинг мазмунини чет тилида ўргатиш хозирги кунда энг долзарб муаммо сифатида ўрганилмоқда.

География фанининг асосий тушунчаларини, фан маданиятини талабаларда шакллантириш, мавзуларни чуқурлаштириб ўқитиш ва уларни синфларга бўлиш олий таълим муассаларида амалга оширилади.

CLIL технологияси асосида география фанини ўқитишда нималарга эътибор қаратишимиз керак:

Content: What is the geography topic? (Location, Population, Mountains and etc.);

Cognition: Which skills do the geography learners need for the topic? (analyzing maps, identifying differences, finding causes or relations, etc.);

Communication: What geography language do the learners use in this topic? (location terms, cause and effect phrases, descriptions, explanations, etc);

Culture: Is there a cultural focus in the topic? Can the learners compare or contrast his native and other countries geographical features? What is similar and what is different? Can they explain their reasons? [3:5].

Кўриниб турганидек, чет тилида географияни ўргониш талабаларнинг билимини бойитишга, уларнинг ўзлари яшаётган худудлари, одамлари ва яшаш жойлари, одамлар ва табият ўртасидаги муносабатлар, шахарлар жойлашувининг аҳамиятлилиги, атроф-муҳит ўзгаришларининг сабаб ва оқибатлари, географик жараёнларни билиш ва тушинишга қаратилган, чунки мазмун (content) бу CLIL технологиясининг биринчи сўзи ва унинг асосий мақсади мутахассисликка оид мазмун асосида тилни ўргатиш бўлиб ҳисобланади.

CLIL дастурида ўқитувчилар талабаларни ўз фикрини баён эта оладиган, савол-жавоб жараёнига қатнаша оладиган, воқеаларни таҳлил қилиб, унга баҳо бера оладиган, ҳулоса чиқариб, уни ҳимоя қила оладиган даражага етказиш учун керакли тил воситалари (сўзлар, терминлар, лексик ва грамматик структуралар ва ҳоказолар) билан таъминлаши зарур. Географияни ўрганаётган талаба “How and why is this coastal landscape changing?” каби саволлар бериши ва унга “It is changing because of the hydraulic action of the waves. They crash against the base of the cliffs and undercut them. The overhanging cliff therefore collapses” деб жавоб қайтара олиши керак, бу дегани талабалар тилни қўллаб география бўйича билимини бошқалар билан бўлиша олиши ва мулоқат қила олишини таъминлайди.

CLIL дастуридаги дарсларни режалаштиришда нималарга эътибор беришимиз керак.

1. **Activating prior knowledge**. Талабаларнинг дастлабки билимларига таяниш.

Дарсни талабаларнинг ўрганилаётган мавзу бўйича нималарни билишини аниклашдан бошлаш керак, чунки талабалар ўз она тилида мавзу бўйича кўп билимга эга бўлиши мумкин, муаммо фақат уни чет тилида етказиб беришда бўлиши мумкин [3:7]. Бу жараёнда (Warm up stage) талабаларга она тилидан фойдаланишга рухсат бериш керак, фикрларни олгандан кейин таржима орқали чет тилига ўтказамиз.

2. **Input and output**. Ахборотни бериш ва олиш.

CLIL дарсларида бу жараённи яхшилаб режалаштириш керак. Ахборот оғзаки бериладими ёки ёзма тарздами?: қоғоздами ёки электрон шаклдами?: талабалар қандай қилиб ўрганади?: жуфтликдами, гуруҳдами ёки ҳаммаси бир вақтдами?: берилган ахборотни амалда қўллашни қандай қилиб ташкил этамиз?: талабалар олган ахбороти орқали тескари алоқани қандай қилиб ўрнатади, коммуникацияга қандай қилиб тушади? каби саволларга жавоб топиш керак.

3. **Collaborative tasks**. Ҳамкорликда ишлашни ташкил қилиш.

Талабалар ўрганган фанга доир асосий сўзлар, грамматик ва лексик тузилишлардан фойдаланиб, жуфт ёки гуруҳларда ишлашга қаратилган топшириқлар ишлаб чиқиш керак. Топшириқлар сўз даражасида (labeling river activity), гап даражасида (pairs asking and answering questions about environment) ёки матн даражасида (presentations about cities’ location) бўлиши мумкин, асосийси унда мазмун ва тил интеграцияси сақланиши керак.

4. **Developing thinking skills**. Фикрлаш қобилиятини ўстириш.

Дарсларда талабаларнинг одатий фикрлаш қобилиятини оширишга қаратилган саволлар (what, when, who, how many, how long?) билан бир қаторда, тезкор фикрлаш қобилиятига қаратилган саволларни (Why, how?) тез-тез бериб туриш керак. Мазмунга эътибор берганда кўпинча юқори фикрлаш қобилиятини ривожлантирадиган “не учун?” ва “қандай қилиб?” саволлари берилиши мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.

CLIL дарсларида қандай топшириқлардан фойдаланиш мумкин, деган саволга жавоб борасида топшириқлар жадвалини келтириб ўтамиз.

| Knowledge | Application | Transformation | Analysis | Evaluation |
|---|---|---|---|---|
| Underline the sentence which is true | Collect and organize information | Information transfer from text to diagram | Classify types of environment | Describe the place |
| Multiple choice | Complete the table | Jigsaw map | Compare and contrast two cities | Identification keys |
| True/false | Gap-fill | Interpreting the Map | Find the mistakes of people in ecosystem | Labeling |
| Explaining a process | Domino games | | Sequence stages | |
| Giving examples | Fieldwork activities | | | |

Умуман, инглиз тили фанини ўқитиш жараёнида ушбу тилда мутахассислик фанларидан тайёрланган материаллардан фойдаланиб ўқитиш талабаларда яратувчанлик, уларнинг янги қирраларини кашф этиш, янгича фикрлаш кўникмаларини ривожлантиради.

**Адабиётлар**

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Таълим муассасаларида чет тилларини ўқитишнинг сифатини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 610-сонли қарори. -Т.: 2017 йил. 11 август.
2. Patsy M. Lightbown. Focus on Content-Based Language Teaching. Oxford University Press. Oxford. 2014.
3. Teaching Geography through English-a CLIL approach. University of Cambridge. Cambridge. 2011.

**РЕЗЮМЕ**

Мақола олий таълим муассасаларида мутахассисликка оид материаллардан фойдаланиб, чет тилини ўқитиш технологияси, соҳага оид материаллардан ўқув материали сифатида фойдаланиш масалаларига қаратилган. Автор “CLIL” (Content and Language Integrated Learning – Фан мазмуни ва тилни интеграллаштириб ўқитиш) ёндашувидан фойдаланиб, география мутахассислиги талабаларининг билим ва кўникмаларини ривожлантириш йўлларини кўрсатган.

**РЕЗЮМЕ**

Статья посвящена изучению технологии профессионально-ориентированного обучения иностранным языкам в высших учебных заведениях с использованием материалов по специальности как средство обучения. Автор подробно описывает пути развития знаний и навыков студентов-географов с использованием подхода “CLIL” (Content and Language Integrated Learning – Интегрированное обучение содержанию и языку).

SUMMARY

The article deals with the issues of using the technology of content-based learning at English classes of higher educational establishments, ways of using professional texts as tools of learning. The author depicts the ways of developing geography students’ knowledge and skills by using “CLIL” (Content and Language Integrated Learning) approach.

## Tálim - tárbiya teoriyası hám metodikası

**ДК:371.036:17.02**

# ОИЛАДА БОЛАЛАРДА ГЎЗАЛЛИК ФАЗИЛАТЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ

**Ж.П.Абдимуратов –** *ассистент ўқитувчи*

*Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат университети*

**Таянч сўзлар:** психология, оила , таълим-тарбия, нафосат, баркамол авлод, буюк аждодлар.
**Ключевые слова**: психология, эстетика,семья, воспитание, гармонично-развитое поколение, наши предки.
**Key words:** Psychology, aesthetics, family, education, harmonically, developed generation, our ancestors.

Оила билан боғлиқ муаммолар дунё ҳамжамиятининг ҳамма ерида мавжуд. Ота-она вазифасини аъло даражада бажариши учун, ота-оналарга йўл кўрсатадиган “Ота-оналар мактаби” ҳозирги кунда дунёнинг ривожланган давлатлари АҚШ, Франция, Туркияда ташкил этилган бўлиб, улардан ёш ота-оналар фарзандларини тарбиялашда ўз ота-оналаридан ўрнак олиш ва улардан кўрган миллий тарбия усулларини амалиётга татбиқ этиш йўлларини ўрганадилар [4:16]. Дунё педагогикасининг кўрсатишича, 0-6 ёш инсон шахсининг шаклланадиган даври саналиб, кейин олинадиган билим ва кўникмалар шу даврда қурилган пойдевор устига бунёд этиладиганлиги, шунинг учун, илк ривожланиш даврида болаларни эътиборсиз қолдирмаслик кераклиги илмий томондан тастиқланган.

Жамият тараққиётида янги-янги авлодларнинг пайдо бўлиши- оила қуриш ижтимоий-табиий зарурат эканлигини, шахсни таркиб топтиришда оила ибрати яхши натийжалар берадигани ҳаётий ва амалий далиллар асосида изоҳланган. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 1993 йил 20-сентябрдаги ялпи йиғилишида 1994 йилдан бошлаб 15-май «Халқаро оила куни» деб эълон қилинди.

Ҳар бир миллат оиласи ўзига хослиги, миллий маданияти, миллий адабиёти, миллий тили ва руҳий тарзининг мажмуасида ўз ифодасини топади. Бугунги куни мамлакатимиз ҳаётининг барча жабҳаларида кечаётган янгиланиш ва ўзгаришлар ичидаги энг муҳими Оила хақида, оила институтига давлат сиёсатининг устувор йўналиши сифатида эътибор бераётганлигида кўринади. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 64, 66-моддаларда: «Оила жамиятининг асосий бўғинидир ҳамда у жамият ва давлат муҳофазасида туриш ҳуқуқига эга» деб таъкидланиши билан бирга ота-оналар ўз фарзандларини вояга етганларига қадар боқиш ва тарбиялашга, вояга етган, меҳнатга лаёқатли фарзандлар ўз ота-оналари ҳақида ғамхўрлик қилишга мажбур эканликлари кўрсатилган.

Ҳозирги вақтда мамлакатимизда оила институтини мустаҳкамлаш Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида белгилаб берилган «Соғлом оила-соғлом жамият» концептуал ғояси ҳамда «Оила жамият ва давлат ҳимоясида» конституциявий принципи миллий, илмий ва амалий тажрибалар асосида ёритиб берилган.

Инсоният ўз авлодини меҳнатга, касбга ва ҳаётга мос камол топтириши қадимдан таркиб топган тарихий жараёндир. Ўқиш, ёзиш, фан ва маданият шаклланмаган даврда ўз фарзандларини тарбиялаш оилада энг олий эзгулик, қадрият хисобланиб, ўсиб келаётган авлодга, унинг инсоний фазилатларига, маънавий тарбиясига катта жавобгарлик ҳисси билан ёндашган ва ота-она ўз орзу истакларини фарзандларида кўришни истаган. Инсоннинг баркамоллик ва зийраклик саодатига эришиши, орзу-умидларини руёбга чиқаришида оиладаги маънавий муҳит ва тарбия туфайли эканлигини барчамиз яхши тушунамиз [1: 44].

Йирик маърифатпарвар олим Ризоуддин Ибн Фахруддин «Оила» номли асарида оила тузишни мамлакат ташкил қилиш билан тенглаштиради. Оила ҳақидаги низомларнинг аҳамиятини таъкидлайди, ахлоқ одоб, таълим -тарбия масалаларини кенг ёритиб беради. У шундай ёзади; «Зеро оила аҳволи тузук булмагани ва тарбия усули бино этилмагани ҳолда нақадар буюк бўлса ҳам, ҳеч бир миллат дунёда яшамас. Миллатлар шарафини юқори мартабага кўтарадиган нарса миллионлар ила саналмоқда бўлган аскарлару, дуньяда энг буюк ва зўр булган кемалар эмас, балки энг оз эътибор берадиганимиз, ё булмаса ҳеч бир замон эътибор бермасдан, келадиганимиз бўлмиш оиладир. Оила низомсиз бўлса, унинг ёмон оқибати бутун миллатга таъсир этар ва шу сабабдан фазилат ўрнига разолат, тараққиёт ўрнига тубанлик негиз қурар. Худонинг ўзи асрасин -ку, агарда бир миллатга бундай ҳол рўбарў келса, у миллат китобининг сўнги вараги очилғусидир» [3:62].

Оилада ҳар бир нарса гўзалликка интилиш билан мустаҳкам боғланган бўлиб, болалар эстетик гўзалликни ҳис этиш, тушуниш, қадрлашга, энг муҳими, уни яратишга ўргатилади. Бола гўзалликни ҳис этиб ва у билан завқланиб, қалбида ва хотирасида оила, Ватан ифодаси жамулжам бўлган образлар абадий сақланиб қолади. Нафосат бу олий инсонийлик, ҳар бир одамнинг олижаноб туйғуларининг, самимий муносабатларининг жони ва тани ҳисобланади. Оилада

болаларнинг эстетик таассуротларининг тўпланиши тўғрисида ўйлаймиз, уларнинг ювиниши, кийиниши, китобга, мусиқага, радио, телевидениега муносабатларини кузатамиз, демак эстетиклик тўғрисидаги ғамхўрликнинг ўзи ана шундан бошланади. Вазиятнинг эстетиклигига табиий ва инсон қўли билан яратилган гўзаллик орқали эришилади. Болалик йилларида қўлдан бой берилган нарсанинг ўрнини кейин ёки йигитлик йилларида, ёши бир жойга бориб қолганда асло тўлдириб бўлмайди. Бу боланинг, айниқса, эстетик тарбиясига таъаллуқлидир. Оилада, болалик йилларида сезгирлик, гўзалликни идрок этиш шахс ривожланишининг кейинги даврларига нисбатан беқиёс даражада чуқур бўлади.

Гўзаллик -бола маънавиятининг, ҳаётининг бутун таркибини, унинг оила аъзолари, кўча-куй, маҳалла, мактаб жамоалари билан ўзаро муносабатларини белгилайди. Эстетиклик эҳтиёж маънавий гўзалликни барқарор қилади, ҳар қандай қабиҳлик, бемаъниликка нисбатан муросасизлик ва нафратни юзага келтиради. Боланинг маънавий дунёсига ҳар бир таъсир унинг ёнгинасида қандайдир бошқа таъсир этиш кучлари турганлигига боғлиқдир.

Болалик ва ўсмирлик йилларида инсон ўзида инсоний гўзалликни ҳис этиши, англаши, гўзалликдан ўзидаги инсонийликдан завқланиш туйғусини бошдан кечириши жуда муҳимдир [2:33]. Гўзалликдан-инсонийликка бу-тарбия қонунияти ва ахлоқий ғоялар асоси. Тарбияланувчилар гўзаллик, олижанобликни фақат ташқи кўринишнинг мукамаллигидагина эмас, балки инсон ақл-заковатининг яратувчанлигида, айниқса, юксак аҳлоқий хатти-ҳаракатларида, ғояларида ва ўз ҳаётларида миллий истиқлол нормаларига амал қилиб келаётган кишиларнинг ички дунёсида, Ватанимиз келажагини яратувчи ота-она ва устозлар томонидан яралган минг-минглаб қаҳрамонликларда ҳам уйғунлашиб кетгандир ва мавжуд деб тушунадилар. Ота-она ва тарбиячилар олдида ёш авлодни аввало, баркамол инсон, соғлом келажак кишиси қилиб тарбиялаш вазифаси туради. Шу туфайли эстетик идеал аҳлоқий идеал билан уйғунлашиб гўзаллик тўғрисидаги орзу марказида инсон туради. Бу вазифаларни ҳал қилиш муқаррар суръатда болаларда воқеликка эстетик муносабатни тарбиялашни тақозо қилади. Болаларнинг ақлий тарбиясини ўрганилаётган воқеа ҳодисаларнинг гўзаллигини очиб бермасдан туриб, меҳнат тарбиясини, меҳнат жараёнидаги гўзалликни билмасдан туриб, аҳлоқни таркиб топтиришни, хатти-ҳаракатнинг гўзаллигини кўра билмасдан туриб, жисмоний ривожланишни инсон гавдасининг такомиллашуви тўғрисидаги тушунчаларсиз тасаввур қилиб бўлмайди. Шу билан бирга ҳаётдан, фаол ижодий фаолиятдан ва идеалларга эришиш учун курашдан ажратиб олинган эстетик тарбияни ҳам тасаввур қилиб бўлмайди. Биз эстетик тарбияни ҳаёт билан мустаҳкам боғлиқ равишда амалга оширар эканмиз, болаларга ўқув меҳнати билан жисмоний меҳнатнинг, аҳлоқий камолот билан жисмоний камолотнинг гўзаллигини кўрсатиб берар эканмиз, ақлий тарбия билан аҳлоқий тарбиянинг меҳнат тарбияси билан жисмоний тарбиянинг анча самарали ҳал этилишига ёрдам берамиз.

Бугунги замон кишиси доимо гўзалликка интилади, уларнинг гўзаллик идеаллари ҳаётдаги ғоят хилма-хил ҳодисалар, муносабатлар ва турли санъат асарлари таъсирида қарор топади. Шахснинг гўзаллик билан ўзаро муносабати эстетик идеални қамраб олади. Эстетик ҳиссиёт кишилар ҳаётида катта роль ўйнайди. Гўзалликни кўра билиш, уни тушуниш ва ярата олиш кишининг маънавий ҳаётини бой, қизиқарли қилади. Унга энг юксак маънавий завқ олиш имконини беради.

Оилада болаларда гўзаллик фазилатини тарбиялаш, маълум натижаларни олдиндан кўра билиш, уларга интилиш, орзу қила билиш каби сифатларни шакллантириш билан узвий боғлангандир. Гўзалликка тарбиялашнинг ўзаро боғланиб кетиши бизни ўраб турган дунёнинг хилма-хил турлари билан боғлиқ эканини тақозо қилади. Инсоният жамиятнинг олға ҳаракат қилишига гўзаллик ва ҳалоликка тарбиялашга, боланинг маънавий ҳаётини йўлга солиб туришга эстетик гўзалликнинг уйғунлаштирилиши орқали эришади. Мактаб болаларни фақат санъатдаги, кишиларнинг хатти-ҳаракатларидаги, меҳнат фаолиятидаги, меҳнат натижаларидаги гўзалликни кўриш ва ундан завқланишга ўргатиб қўя қолмайди, балки уларда бундай гўзалликни кундалик ҳаётда вужудга келтиришга интилишни ва вужудга келтира олишни ҳам тарбиялайди [5:161].

Боланинг қалб сезгисини ривожлантириш, виждонини қўзғатиш, руҳини кўтаришда биринчи ўринда гўзаллик тарбияси туради. Болага олдин табиат гўзаллигини, сўнгра санъат гўзаллигини ҳис этишни ўргатиш олий нафосат инсон муомаласи ва ҳаетининг гўзаллигини тушунишга етаклайди.

Бола кишилар, нарсалар ва табиат билан турли-туман ҳаётий муносабатларда бўлиб, умуман ижтимоий ҳаёт ҳодисаларига ва хусусан, санъат асарларига, ҳодисаларга дуч келар экан, катталарнинг етакчи таъсири остида уларнинг эстетик қарашлари ўсиб боради. Эстетик тарбия болалар билан санъат тўғрисида суҳбатлар ўтказиш ёки уларнинг шеър ва қўшиқларни ёд олиши билан бошланади ва амалга оширилади, деб ўйлаш нотўғри бўлар эди, ваҳоланки, бундай тасаввур ўқитувчилар орасида учрайди. Бола ҳаётида санъат билан бир қаторда уй-рўзғор меҳнати ҳам катта ўрин тутади.

Кичик ёшдаги болаларни психологик-эстетик жиҳатдан бугунги ҳаётимиз, одамларимиз гўзаллигини ва олижаноблиги тушунчасини ҳар бир боланинг онгига етказиш хулқ-атвор эстетика маънавий софликнинг ифодаси бўлиб кўринади. Кичик ёшда боланинг эстетик ривожланиши болаларнинг асар мазмуни ва унинг ифодали-тасвирий воситалар ўртасидаги алоқасини сезиши, асарларни қиёслашга интилиш, ҳозиргина танланган нарсани ўзига таниш бўлган нарса билан солиштириш иштиёқи пайдо бўлади.

Хулоса шуки, болалар кичик мактаб ёшларида асосий эстетик категория-гўзаллик тўғрисидаги билимларни, ўзларини ўраб турган теварак атрофдаги турмуш кўринишларини, табиат ҳодисаларини баҳолаб берадилар. Ота-она, ўқитувчи болаларга кичик ёшдан санъат турлари ҳақидаги билимларни бериш билан уларнинг эстетик ҳиссиётини бир жойга тўплайди, ҳамда мазмунли эстетик мулоҳаза юритишга ўргатади. Болалар эстетик тарбия жараёнида эстетик малака ва кўникмаларни ҳам эгаллаб боради.

**Адабиётлар**

1. Абдурауф Фитрат. Оила ёки оила бошқариш тартиблари. -Т.: «Маънавият», 2000.
2. Кайковус. Қовуснома. –Тошкент: 2015.
3. Гозиев Э. Оила этикаси ва психологияси. –Т.: 1999.
4. Сулаймон Доған. Бахтли оила-Бахтли фарзанд. –Тошкент: 2010, 136- б.
5. Исҳоқжон Муҳаммаджон ўғли. Таълим ва тарбия. -Тошкент: 2018, 568-б.

**РЕЗЮМЕ**

Мазкур мақолада оилада болаларнинг гўзалликни қадрлай олиш, оиладаги маънавий муҳит, шахсни ижтимоий қадрият сифатида ўрганиш, авлод-аждодлар меросини бойитиш ва риаожлантириш ҳақидаги қобилиятларини ўстириш масалалари қараб чиқилган.

**РЕЗЮМЕ**

В статье рассматриваются вопросы развития в семье у детей способности ценить красату, о духовной среде в семье, изучении личности в качестве общественной ценности и способы обогащения и развития наследия предков.

**SUMMARY**

The article deals with the issues of development in the family children's ability to value beauty, spiritual environment, study of a person as a social value and ways of enrichment and development of the ancestors' heritage

# СЕТЕВОЕ ОБРАЗОВАНИЕ В ВУЗЕ: МЕДИЦИНСКАЯ ТЕРМИНОЛОГИЯ РУССКОГО ЯЗЫКА

**Р.М.Абдуллаева -** *кандидат филологических наук, доцент*
*Ташкентская медицинская академия*

**Таянч сўзлар:** рус тили, ўқитиш жараёни, интернет, тармоқ технологияси, компьютер, терминология, вазиятли контекст

**Ключевые слова:** русский язык, процесс обучения, интернет, сетевая технология, компьютер, терминология, лексика, ситуативный контекст

**Key words:** Russian language, learning process, Internet, networking technology, computer, terminology, vocabulary, situational context

Осуществляемые в современном мировом сообществе в целом и в Республике Узбекистан в частности реформы в системе образования направлены на достижение нового качества образования, которое может быть «достигнуто в условиях значительного расширения информационного пространства студентов и преподавателей, его содержательного и структурного обновления, а также в условиях открытости и доступности источников информации. Глобальная информационная сеть с её масштабным контентом и уникальным инструментарием его обработки является эффективным средством обеспечения таких условий» [1, 6].

Появление и развитие сетевых технологий привели к возникновению и расширению сетевого информационного пространства как «неотъемлемой части глобального информационного пространства, ограниченной рамками коммуникационных сетей» [7], которая получила название ***Интернет***.

Инновационные сетевые технологии не обходят стороной и сферу образования, о чем свидетельствуют как появляющиеся сетевые образовательные продукты, так и новые понятия и термины для их обозначения. В частности, появились такие понятия и термины, как *сетевое образование, сетевое обучение, сетевое образовательное пространство, сетевое коммуникативное образовательное пространство, пространство педагога, сетевое пространство дополнительного образования, сетевое взаимодействие, сетевые формы общения, сетевое сотрудничество, сетевая организация управления качеством библиотечно-информационного развития, сетевой обмен, сетевая образовательная программа, сетевая совместная деятельность, сетевая модель, сетевое сообщество, Сетевой совет, сетевое мероприятие, сетевые партнёры* и др.

Следует отметить, что сетевое образование сегодня есть социальный заказ. В нём есть потребность, поскольку современная молодёжь, у которой наблюдается трансформация мышления под воздействием информационных компьютерных технологий, адаптирована к быстрому получению нужной информации посредством электронно-технических средств. У молодёжи активно формируется новая модель восприятия информации и получения знаний, которая опосредована информационно-компьютерными средствами и зависима от них.

С другой стороны, у сетевого образования, базирующегося на межинституциональном сотрудничестве университетов, есть свои преимущества:

1) сетевое образование представляет собой качественно новый вид образования, ориентированный на масштабную мобильность обучающихся;

2) оно является транснациональным;

3) призвано обеспечить трудоустройство студентов и повышение международной конкурентоспособности образовательных систем;

4) даёт студенту право выбора учебных дисциплин;

5) не ограничивает доступ к высшему образованию выделением определённой квоты;

6) отличается нацеленностью на повышение качества образования;

7) осуществляет обучение по новым образовательным технологиям и т.п.

Сетевое образование не следует путать с понятием сетевого обучения (англ. *networked learning, peer-to-peer learning*). Последнее является составной частью сетевого образования и понимается как «обучение, в котором информационные и коммуникационные технологии используются для содействия установлению связей: между учащимися, между учащимися и преподавателями (тьюторами), между учебным сообществом и его учебными ресурсами, что позволяет учащимся углублять свои знания и расширять возможности, которые они считают важными и которые могут самостоятельно контролировать» [5]. Сетевое же образование включает в себя кроме обучающей деятельности ряд других, например, воспитательную и научно-исследовательскую.

Содержание сетевого образования находит своё отражение в различных формах её реализации, которые свидетельствуют о том, насколько широкомасштабно применение возможностей информационно-компьютерных технологий в сетевом информационном пространстве современного образования.

Информационно-компьютерные технологии, используемые в сфере сетевого образования и обучения, называются ***сетевыми технологиями***.

Сетевые технологии в качестве альтернативы традиционным формам обучения имеют следующие особенности:

1) создают возможности для персонального обучения, интерактивных занятий и коллективного преподавания;

2) снижают затраты на приобретение необходимого программного обеспечения;

3) повышают качество и эффективность образовательного процесса;

4) подготавливают обучающегося к жизни в современном информационном обществе [ 3].

Выделяют три уровня применения сетевых технологий на занятиях по различным предметам: **1-й уровень:** занятие строится на традиционных методах обучения. Сетевые технологии используются эпизодами, в редких случаях. Цель применения сетевых технологий: просмотр видеофрагмента, тестирование, создание презентаций; **2-й уровень:** занятие строится на базе информационных и сетевых технологий. Сетевые технологии используются широко и полноценно. Сетевое взаимодействие преподавателя и обучающихся реализуется как в информационном пространстве, так и вживую. Цель применения сетевых технологий: решение совместных коммуникативных задач. **3-й уровень:** занятие строится исключительно на сетевых технологиях, в режиме online или же с помощью элек-

тронной почты или специальных сайтов. Не предусматривается прямой контакт преподавателя и обучающихся. Цель применения сетевых технологий: дистанционное или инклюзивное образование [2:19].

В обучении иностранным языкам, в том числе и русскому языку, сетевые технологии имеют неоспоримые преимущества по сравнению с традиционными методами обучения. Сетевые технологии, гармонично дополняя традиционные формы обучения, наряду с этим содействуют решению ряда учебно-образовательных задач, которые сложно решить традиционными методами. Исходя из этого, вопрос о том, нужно ли применять сетевые технологии при обучении иностранным языкам, представляется излишним.

Облачные технологии в процессе обучения медицинским терминам русского языка студентов-медиков, на первый взгляд, имеют те же возможности, что и локальные компьютеры, с той только разницей, что сохранение учебной информации не будет перегружать память персонального компьютера, так как будет производиться на удаленном дисковом пространстве сервера. Однако возможности облачных технологий намного шире.

В отличие от персональных компьютеров, облачные технологии дают доступ к информации с любого источника (другого компьютера, планшета, сотового телефона) и браузера. Облачные технологии позволяют обрабатывать одну и ту же информацию одновременно с нескольких различных устройств при помощи предоставляемых облаком различных сервисных программных обеспечений и услуг, объединять свою версию с версиями других пользователей и не терять информацию в случаях неполадок с устройством, поскольку она хранится на удаленном диске. Такие преимущества облачных технологий делают их привлекательными для их использования в учебных целях в процессе обучения медицинским терминам русского языка.

Таким образом, сетевые технологии в обучении медицинской терминологии русского языка студентов медицинских высших образовательных учреждений за счет применения индивидуально-персонализированных, коллективных, дистанционных и других форм обучения и реализации интегративного, гносеологического, проблемно-модульного, компетентностно-деятельностного, коммуникативный подходов в организации и проведении учебного процесса повышают мотивацию к самостоятельному изучению русского языка развивают творческие способности студентов, дают возможность самореализации и закладывают навыки и умения ведения научно-исследовательской деятельности.

**Литература**


1. Колесников А.К., Оспенникова Е.В. Информатизация образовательного процесса в педагогическом университете // Вестник Пермского государственного гуманитарно-педагогического университета. Серия: Информационные компьютерные технологии в образовании, № 1, 2005. – С. 6.
2. Охота Д.А. Сетевые технологии как средство развития коммуникативных и творческих способностей будущих учителей английского языка // Личность, семья и общество: вопросы педагогики и психологии: Матер. LVIII междунар. науч.-практ. конф., № 11 (56). – Новосибирск: СибАК, 2015. – С. 19.
3. Тестов В.А. Сетевые технологии в образовании: проблемы и перспективы // http://elib.bsu.by/handle/123456789/105236
4. Шестак В.П., Весна Е.Б., Платонов В.Н. Сетевое образование: лучшие отечественные и зарубежные практики // Современные проблемы науки и образования, № 6, 2013. –URL: http://www.science-education.ru/ru/article/view?id=10981
5. Goodyear, P. Banks, S. Hodgson, V. and McConnell, D. eds . Advances in Research on Networked Learning. –London: Kluwer Academic Publishers, 2004.
6. https://sonikelf.ru/oblachnye-texnologii-dlya-zemnyx-polzovatelej
7. http://www.morepc.ru/dict/https://ru.wikipedia.org/wiki
8. https://ru.wikipedia.org/wiki/



**РЕЗЮМЕ**

Ушбу мақолада рус тилини чет тили сифатида ўқитишда тармоқ тизимининг ўрни ва роли тадқиқ қилинган. Тармоқнинг ахборот макони инсон ва жамият фаолиятининг деярли барча соҳаларини қамраб олган ва у турли йўллар билан инсон фаолиятини бошқарувчи сифатида қаралмоқда.

**РЕЗЮМЕ**

В статье рассматривается роль сетевого образования в процессе преподавания русского языка как иностранного. Сетевое информационное пространство практически охватило все сферы деятельности человека и общества и продолжает разнообразным образом внедряться в повседневную жизнь.

**SUMMARY**

The article discusses the role of network education in the process of teaching Russian as a foreign language. The network information space has practically covered all spheres of human activity and society and continues to be introduced into everyday life in a variety of ways.


## АКАДЕМИЯЛЫҚ ЛИЦЕЙЛЕРДЕ Ө.ХОЖАНИЯЗОВ ДӨРЕТИЎШИЛИГИН ОҚЫТЫЎ


**К.Алламбергенов** –*филология илимлериниң докторы, профессор*

*Әжинияз атындағы Нөкис мәмлекетлик педагогикалық институты*

**Қ.А.Юсупов** –*филология илимлериниң кандидаты, доцент*

*Бердақ атындағы Қарақалпақ мәмлекетлик университети*



**Таянч сўзлар:** адабиёт, адабиётшунос, поэзия, поэма, образ, ижоди, стиль, метод, жанрлар, тил, публицистика.

**Ключевые слова:** литература, литературовед, поэзия, поэма, образ, творчество, стиль, метод, жанры, тил, публицистика.

**Key words:** literature, specialist in literature, poetry, poem, character, creative work, style, method, writing, genres, language, publicistic.


Академиялық лицейлерде XX әсир қарақалпақ әдебиятын оқытыўда оқыўшыларға жазыўшылар дөретиўшилигин үйретиў педагогика илиминде әҳмийетли методикалық мәселелердиң бири. Бул мәселе бойынша белгили методист алымлар С.Ахмедов, Ә.Пахратдинов, Ә.Пирназаров, С.Долимов, Ҳ.Убайдуллаев, Қ.Ахмедов, Қ.Йулдошев, Б.Тўхлиев ҳәм т. басқалардың методикалық мийнетлеринде жетерли пикирлер билдирилгени жоқ [1]. Сонлықтан, бул мәселени белгили шайыр ҳәм жазыўшы Өсербай Хожаниязов дөретиўшилиги мысалында үйренгенди мақсетке муўапық көрдик. Усы көзқарастан, академиялық лицей оқыўшыларына дәслеп бағдарламадағы берилген материаллар тийкарында жазыўшы дөретиўшилигиниң изертлениўине, әдебий топламларына сыпатлама берип, буннан соң оның дөретиўшилигин дидактикалық ҳәм филологиялық усылларда таллап өтемиз.

Бул усыллар арқалы оқыўшыларға былайынша түсиник беремиз: XX әсир қарақалпақ әдебиятының 50-70-жылларында өзиниң поэзиясы, прозасы ҳәм аўдарма дөретпелери менен айрықша көзге түскен жазыўшылардың бири Ө.Хожаниязов болып, өзиниң заман-

ласлары болған И.Юсупов, Б.Исмайлов, Т.Сейтжанов, Х.Турымбетов ҳәм т. басқалардың дөретиўшилиги арасында өз ҳаўазы, стили менен өзгешеленип турды. Оның өмири ҳәм дөретпелери ҳаққында тоқтап өтеуғын болсақ, Ө.Хожаниязов 1926-жылы Тахтакөпир районында туўылған. 1942-1947-жыллар аралығында мектепте муғаллим, районлық газетада жуўаплы хаткер болып ислейди. 1949-жылы муғаллимлер институтын тамамлады ҳәм ҳәзирги «Қарақалпақстан жаслары» газетасында бөлим баслығы болды (1950-1951), 1956-жылы Москвада М.Горький атындағы Әдебият институтын тамамлап, «Қарақалпақстан» баспасында бөлим баслығы (1956-1961), «Әмиўдәрья» журналында бөлим баслығы (1962-1964), ҳәзирги «Еркин Қарақалпақстан» газетасында хабаршы (1964-1974), «Әмиўдәрья» журналында жуўаплы хаткер (1972-1974), Жазыўшылар аўқамының жуўаплы хаткери (1974-1977) лаўазымларында иследи. Ол 1953-жылдан Жазыўшылар аўқамының ағзасы. Өзбекстан ҳәм Қарақалпақстан Республикасы Жоқарғы Кеңеслериниң Ҳүрмет жарлықлары менен сыйлықланды. Оған «Қарақалпақстан Республикасына мийнети сиңген мәдeният хызметкери» атағы берилди.

Өсербай Хожаниязов дөретиўшилигине тән өзгешелик ол дәўир талабы менен бирге жасады. Жазыўшы ҳәм журналист сыпатында жәмийетлик өмиримиздиң әҳмийетли мәселелери ҳаққында көркем дөретпелер жазды. Оның «Шын жүректен» (1952), «Бизиң комиссар» (1958), «Өмир маржанлары» (1959), «Пәрўаз» (1976) сыяқлы қосықлар топламлары жәрияланды. Жазыўшының «Бахыт босағасында» (1956), «Айдана» (1972), «Бир совхозда» (1960), «Қыс балладасы» (1970), «Жайнаған жәзийра» (1975), «Бир өмир қыссасы», «Жезтырнақ», «Жалынлы жылларда» повестьлери дөреди. 1987-жылы «Жайлаўдағы бәҳәр» роман ҳәм повестьлер топламы басылып шықты. Бул көркем дөретпелер қарақалпақ әдебияты тарийхынан беккем орын ийелеген шығармалар болды. Жазыўшының гүрриңлери менен қосықлары өзбек, қазақ, қырғыз ҳәм рус тиллерине, «Айдана» повести (1962) өзбек тилине аўдарылып дағазаланды. Ол В.Шекспир, И.Тургенов, М.Горький, Салтыков-Щедринлердиң шығармаларынан қарақалпақ тилине аўдармалар жасады.

Ө.Хожаниязовтың дөретиўшилигине белгили әдебиятшылар М.Нурмуҳаммедов, С.Ахмедов, Қ.Мақсетов, К.Кудайбергеновлар унамлы пикирлерин билдирген [2]. Академик М.Нурмуҳаммедов өзиниң қарақалпақ прозасы бойынша изертлеў жумысында жазыўшының гүрриңлерине терең филологиялық таллаў жасап, қаҳарман образын ашып бериўдеги шеберлик мәселесине дыққат аўдарып, ондағы жетискенлик ҳәм кемшиликлер ҳаққында пикирлерин билдирип өткен еди [3: 275-277]. Сондай-ақ, белгили әдебиятшы, профессор Қонысбай Камалов «Ө.Хожаниязов дөретиўшилиги» ҳаққында жазған мақаласында: «ХХ әсирдиң 50-жылларының басы қарақалпақ әдебиятында әдебий күшлердиң жетилисип, қарақалпақ жазыўшыларының шеберликке умтылып атырған дәўири болды. Усы дәўирде Ө.Хожаниязов Москваға барып М.Горкий атындағы әдебият институтына киреди ҳәм оны табыслы тамамлайды. Ол бул институтта оқып жәҳән әдебиятының тарийхы ҳәм бай эстетикалық ғәзийнеси менен еркин танысады, студентлердиң дөретиўшилик семинарларында тәжирийбели шайыр ҳәм жазыўшылардың алдында жаңа шығармаларды додалаўға қатнасады. Жазыўшы Ө.Хожаниязов бул институтты питкерип келгеннен кейин «Қарақалпақстан» баспасында редактор, көркем әдебиятлар бөлиминиң баслығы, ҳәзирги «Еркин Қарақалпақстан» газетасында хабаршы, «Әмиўдәрья» журналында бөлим баслығы, жуўаплы хаткер ўазыйпаларында ислейди. Ол поэзия, проза, көркем аўдарма ҳәм журналистика тараўында тыным сыз қәлем тербетеди.»- деген пикирлерин билдирди.

Ө.Хожаниязов – белгили лирик шайыр болды. Шайырдың «Өзбекстан», «Поэзияға мирәт», «Қара теңиз», «Тырналар», «Әрман», «Туўған жер», «ашықпан» усған лирикалық қосықларында ўатан, халықлар дослығы, муҳаббат, тәбият, адамгершилик, әдеп-икрамлылық мәселелери сүўретленеди. Сатиралық қосықларында жәмийетлик өмирде ушырасқан жағымпазлық, ағайиншилик, бала тәрбиясына надурыс қатнас усаған мәселелер поэтикалык тил менен сынға алынады.

Өсербай Хожаниязов «Арал балығы» гүрриңи менен «Бир совхозда» атлы очерки көлеминиң қысқа болыўына қарамастан, өзиниң шеберлиги, проблемасының актуаллығы менен өз ўақтында жергиликли әдебий-көркем сыннан жақсы баҳа алған жазыўшының «Орынсыз өкпе», «Жас шопан», «Мийнет-даңқ иси» ҳәм басқа да бир қатар гүрриңлерринде ўақыялар ықшам берилген. Әсиресе, жазыўшының «Арал балығы», «Шын муҳаббат», «Пәкене», «Бажалардың хатлары» гүрриңлеринде әдеп-икрамлылық мәселелери жақсы сүўретленген. «Мийнет-даңқ иси» гүрриңи Алламурат пенен устахана баслығы Әзизовтың образлары ашылған. Оның «Ҳайўанлар айтысы», «Жайын», «Батыр бала», «Қымбатлы граммлар» сыяқлы балаларға арнап жазылған гүрриңлери көркемлик жақтан сәтли жазылған. Бул гүрриңлер балалардың дыққатын ўақыялардың қызықлығы менен өзине тартады. Сондай-ақ, жасларды мийнет сүйиўшиликке, адамгершиликке тәрбиялайды.

Жазыўшының «Шын муҳаббат» гүрриңи қысқа ҳәм ықшам сюжетке қурылған. Ондағы ўақыялар жасларды ҳадалыққа тәрбиялайды. Гүрриңде ескиликти әшкаралап көрсетеди. Автордың «Бажалардың хатлары» гүрриңи жазылыў стили бойынша өзиншеликке ийе. Бунда Үкибай ҳәм Түлкибайлардың образлары ирониялық усыл менен ашылған. Олар бир-бирине хат жазып турады. Соның ишинде барып турған жалатай ғәззап Түлкибайдың хатлары айрықша қызығыўшылық туўдырады. Оның хатлары дәслеп менменлик руўхында, шешенлик қызық сөзлерден ибарат болып, соң ақырында жаман қайғы-муңлы қысқа сөзли, үмитсизликке толы мәниске ийе болады. Бул қаҳарман тәғдириниң қайда баратырғанын көрсетип турады ҳәм оқыўшыда ерксиз күлки пайда етеди. Бул жерде унамлы ҳәм унамсыз персонажлардың бир-бирине ашып қарсы қойылғаны көзге түседи. Себеби, сатира жанрында бундай усыл толық қолланылыўы мүмкин. Ө.Хожаниязов турмыстағы кемшиликлерди сатиралық усыл менен шебер көрсете биледи. Оның «Жарты мурын» гүрриңи қолына ҳәмел тийген ўақтында ҳәммеге менсибей қарап, ал ҳәмелден түсип қалған ўақта жүдә әбжили шығып қалған бюрократ туўралы жазылған өткир сатира болып табылады. «Тереңде» гүрриңинде адамгершиликке жат ис-ҳәрекетлери әшкараланады. Онда Ҳилалатдинниң образы тәсирли ис-ҳәрекетлери ашылып, оның халық арасынан қуўылыўы себеплери ҳәм жағымсыз әдетлери ашып көрсетиледи.

Белгили жазыўшы А.П.Чеховтың гүрриңлеринен Ө.Хожаниязов дөретиўшилик жақтан терең тәсир алғанлығы сезиледи. Мәселен, жазыўшының «Пәкене» гүрриңи «Хамелеон», гүрриңиниң мазмунына жүдә жақын. Ондағы образлар үлкен шеберлик пенен жазылған. Онда автор еки жүзли, жағымсыз жалақор, езбе, ҳарамзада адамның жуўмақланған образын жасайды. Дөретпеде Палымбет образы тәсирли берилген. Ол бәрҳама таза кийинип, адамлар арасында пухта, актив болып көринип жүреди. Бирақ ол кемшиликти көрсе үндемейди. Жаман ислерге жолықса көз жумып өтип кетеди. Басқа адамлар бахытсызлыққа ушырасса күледи. Ол басшылар алдында мудамы

жағымпазланып жүреди. Гүрриңниң ең жақсы тәрепи қысқа сюжетке қурылған. Автор еки жүзли өсекшиниң шебер типин жасаған, шығарманы оқып отырып, жеркенишли, ҳүждансыз, өз қара басының мәпи ушын ҳәрқандай гүнасыз адамды айыплап кетиўге таяр, сырттан қарағанда ҳақ болып көрингени менен, бирақ ҳақыйқатында барып турған ҳайяр, ис жақпас, ҳарамтамақ адамды ерксиз көз алдыңа келтиресең. Бул турмыс шынлығынан алынған.

Ө.Хожаниязов қарақалпақ прозасын жанрлық ҳәм формалық жақтан раўажландырыўға әдеўир үлес қосты. Жазыўшының дәслепки повести - «Айдана». Бул повесть ҳаққында филология илимлериниң докторы Қоныcбай Камалов өзиниң қарақалпақ повестьлерин изертлеген илимий жумысында унамлы пикирлерин билдирип, дөретпениң образларына, жазылыў шеберлигине терең таллаў ислеген [4:86]. Дөретпеде дийқаншылық темасы кең сүўретленип, онда пахтакеш ҳаял Айдананың пидәкерлик ислери, кеўил сарайының тазалығы, исти дурыс шөлкемлестире алыўшылығы әдеўир шеберлик пенен ашып көрсетилген. Айдана образы бул мыңлаған пахтакеш ҳаял-қызлардың типик образларының бири. Жазыўшы дөретпеде қаҳарман образын жасаўда, сюжет, конфликт қурыўда шеберлик пенен көрсете билген. Мәселен, шығармадағы Мәлпей, Рәмет образлары сәтли жасалып, олардың Айдана менен болған ҳәр қыйлы тартыслары шебер берилген. Сонлықтан да жазыўшының бул повести қарақалпақ прозасының белгили шығармаларының бири сыпатында баҳаланады. «Қыс балладасы» повести шарўалар турмысынан жазылған. Повестьте қой бағыўшы шопан Асқардың өз кәсибин сүйиўи, оның кыйыншылықлары, шарўалар турмысының реаль картиналары менен бирге әпиўайы шопан адамының жеке минезиндеги инсаныйлық, ўатанға сүйиўшилик сезимлер жақсы ашылады. Бул шығармалар көркемлиги жағынан китап оқыўшылардың қызығыўшылығын елеге шекем өзине тартып киятыр.

Өсербай Хожаниязовтың «Бир өмир қыссасы», «Жез тырнақ ҳикаясы» атлы повестьлери де сәтли жазылған дөретпелерден есапланып, онда бир дәўир шынлығы сүўретленген ҳәм екеўи сюжетлик байланысқа ийе шығармалар. «Бир өмир қыссасы» повестинде мәрт ҳәм ар-намысына қырағы ана Сайыпжамал менен оның баласы Оңғарбайдың образлары сүўретленсе, «Жез тырнақ ҳикаясы» повестинде Айжамал ҳәм оның ҳадал кеўилли қызы Рәўшанның образлары ашып бериледи.

Жазыўшының «Жалынлы жылларда» повестинде уллы ўатандарлық урысынан жарадар болып қайытқан Медеттиң образы тереңнен ашылған. Дөретпеде қызықлы ўақыялар ҳәм турмыс ҳақыйқатлығы көркем поэтикалық тил менен сүўретленеди. Ал, жазыўшы қайтыс болғанан кейин оның «Қашқынлар» повести баспада жәрияланды. Онда ХХ әсирдиң 20-30-жылларындағы тарийхый ўақыялар сүўретленеди.

Өсербай Хожаниязовтың «Айдана», «Қыс балладасы», «Жайлаўдағы бәҳәр», «Жаҳангир биринши», «От ишинде» атлы повестьлеринде ҳәм «Ояныў» романында ҳәр түрли турмыс тараўларындағы конфликтлерди сүўретлеп бериўине қарамастан, онда реализмниң күшлилиги ҳәм сол принциплерди қаҳарман образларына тереңнен сиңдире билиўдеги поэтикалық шеберлиги, өткирлиги менен басқа жазыўшылардың дөретпелеринен өзгешеленип турады [7]. Оны турмыс пенен салыстырып, жазыўшы сюжетке тийкар болған конфликтлердиң орнын, негизги ис-ҳәрекетлер қарама-қарсылықларында өмирде болып өткен ўақыялар арқалы шебер жуўмақластырып сәўлелендирген. Усы нәрсе жазыўшы дөретпелеринде конфликтлер ҳәм қаҳарманлар образын сәўлелендириўдиң тереңлигин келтирип шығарған. Конфликтлерди сол дәўирдиң, социал жәмийетлик турмыстың оғада актуаль мәселелери менен жүдә тығыз байланыста сүўретлеў арқалы қаҳарманлардың образындағы руўхый әдеп-икрамлық сыпатларды терең ҳәм исенимли түрде ашады. Дөретпедеги конфликтлердиң тереңнен алынып, адамлар минез-қулқының анық ҳәм тарийхый шараятқа сай сүўретленгенин дурыс түсиниў керек. Усы көзқарастан оның дөреткен шығармаларындағы Үкибай, Түлкибай, Палымбет, Рәмет, Мәлпей сыяқлы образларда әдеп-икрамлық жақтан бузық адамлардың ис-ҳәрекетлери ашып берилген. Жазыўшының бул дөретпелердеги конфликтлерди ҳәм қаҳарманлар характерин ашыўдағы шеберлигиниң бири - негизги сюжеттеги конфликтлерди ашыў менен бирге қаҳарманлардың өз-ара сөйлесиўине де сюжетлик ҳәм конфликтлик ўазыйпа жүклейди. Конфликттиң бул барысында да жазыўшы тек ғана қурғақ ўақыялар қарама-қарсылықларын тартымсыз баянламастан, ал оларды ҳәр қыйлы психологиялық сүўретлеў усыллары: қыймыл-қозғалыслар, тәсирли авторлық баянлаўлар көбирек диалогларды өнимли ислетиў арқалы образлардың дүньясын оқыўшылар көз алдына елеслеткен [5].

Өсербай Хожаниязовтың «Айдана», «Қыс балладасы», «Жайлаўдағы бәҳәр», «Жаҳангир биринши» «От ишинде» атлы повестьлеринде ҳәм «Ояныў» романында пейзаж ҳәм тәбият көринислери арқалы қаҳарманлардың ҳәрекет еткен қоршаған орталығы, шараятлары алып сүўретленеди. Ал айырым жерлерде тәбият психологиялық параллелизм усылында сүўретленип, тутас сол дөретпениң тәсирлилигин арттырып, қаҳарманлар образын бурынғыдан да тереңирек ашыўға хызмет етеди. Жазыўшының және бир шеберлиги сюжеттиң раўажланыў басқышларында қаҳарманлардың сыртқы портретлик белгилерин қысқа, бирақ тәсирли, анық штрихлар менен сүўретлейди. Жазыўшы дөретпелеринде олардың сыртқы портретлик сыпатларын бирден толық түрде емес, әсте ақырынлық пенен сөз бенен сызып барып, буларды кем-кем толықтыра береди. Солай етип, олар сюжет жолының айырым басқышларында оқыўшыларға бурынғыдан толығырақ сыпатта да көринеди. Бул портрет жасаў жазыўшының өзине тән усылы болса керек. Демек, жазыўшы қаҳарманлардың сыртқы келбетин өз эволюциясында ашып көрсетиўге ҳәрекет етеди. Қаҳарманның дәслепки белгилерин оқыўшыға еслетип, толықтырып, салыстырып көрсетеди [5].

Оқыўшыларға жазыўшылар дөретиўшилигин үйретиў ең зәрүрли методикалық мәселелердиң бири. Әдебият сабақларында методларды ҳәм усылларды дурыс қолланыў арқалы ҳәрбир жазыўшының шығармаларының сюжети, қаҳарман образлары, тәрбиялық әҳмийетин ҳәм көркем дөретпелер бойынша айтылған алымлардың пикирлерин тереңнен түсиндириў әдебиятшы муғаллимнен методикалық шеберлик талап етеди. [6].

Өсербай Хожаниязовтың прозалық шығармаларында қаҳарманның ишки монологларындағы ҳәр қыйлы сезимлер, сораў-жуўап, ойланыў, ой жуўмағын шығарыў, айрықша өзин-өзи бийкарлаў формалары шеберлик пенен сәўлелендирилген. Сондай-ақ қаҳарман образлары да көп орынларда ишки монологлар арқалы психологиялық жақтан дәлийлленген ҳәм тереңлестирип сүўретленген. Бул сүўретлеў усыллары жазыўшы шеберлигин көрсетип, қарақалпақ прозасының көркемлик дәрежесин жоқарылатыўға хызмет етеди. Солай етип, жазыўшының дөретиўшилигине белгили алымларымыз М.Нурмуҳаммедов, С.Ахмедов, Қ.Камалов, К.Кудайбергеновлар өз ўақтында дурыс ҳәм әдил баҳа бериўи, жазыўшының дөретпелериниң көркемлик

жақтан шебер ҳәм жоқары дәрежеде сапалы жазылғанынан болса керек. Соған қарамастан жазыўшы дөретиўшилиги бойынша елеге шекем арнаўлы изертлеў жумыслары болмады. Мәселен, оның 1987-жылы «Жайлаўдағы бәҳәр» роман ҳәм повестьлер топламы басылып шықты [7:372]. Бул топламға елеге шекем жетерли пикирлер айтылмады. Усы көз қарастан қарағанымызда келешекте жазыўшының дөретиўшилиги бойынша тереңнен ҳәм арнаўлы изертлеў жумыслар исleniўи керек екенлиги көринип тур. Әлбетте, бул машқалаларды қарақалпақ әдебияттаныў илими менен шуғылланыўшы әдебиятшы-алымлар, магистрантлар ҳәм излениўшилер өзлериниң изертлеў жумысларында әмелге асырады деп ойлаймыз.

Улыўмаластырып айтқанда академиялық лицей оқыўшылары белгили жазыўшы, шайыр, журналист ҳәм аўдармашы Ө.Хожаниязовтың дөретиўшилигин тереңнен үйренип, ол әдебий дөретпелери менен қарақалпақ әдебиятын тематикалық, жанрлық ҳәм көркемлик жақтан раўажландырыўға салмақлы үлес қосқанлығын тереңнен түсинип алады. Оның көркем дөретпелери академиялық лицей оқыўшылары ушын үлкен тәрбиялық әҳмийетке ийе баҳалы әдебий мийраслар болып, оларды улыўма инсаныйлық, әдеп-икрамллылық, эстетикалық сезимлерге тәрбиялайды.

## Әдебиятлар


1.Ахмедов С., Пахратдинов Ә., Пирназаров Ә. Қарақалпақ әдебиятын оқытыў методикасы. –Нөкис: «Қарақалпақстан», 1988; Пахратдинов Ә. Қарақалпақ әдебиятын оқытыў методикасы. -Нөкис: «Билим» ,2004; Айжанова З. Әдебият сабағында И. Юсуповтың шығармаларын үйрениў. -Нөкис: «Билим»,1993; Усмонова К. Адабий таълимда илғор педагогик технологиялар. –Тошкент: 2004. Долимов С., Убайдуллаев Ҳ., Ахмедов Қ. Адабиёт ўқитиш методикаси. -Тошкент: «Ўқитувчи», 1987; Ахмедов С. Адабиёт дарсларида эпик жанрларни ўрганиш. –Тошкент: «Ўқитувчи», 1986; Йулдошев Қ. Адабиёт ўқитишнинг илмий-назарий асослари. -Тошкент: «Ўқитувчи», 1996. Тўхлиев Б. Адабиёт ўқитиш методикаси. –Тошкент: «Янги аср авлоди», 2006. Йўлдошев Қ., Йўлдош М. Бадий таҳлил асослари. -Тошкент: «KAMALAK», 2016.
2. Қарақалпақ әдебиятының мәселелери. 1-топлам. –Нөкис: «Қарақалпақстан», 1975.
3. Нурмухамедов М.К. Шығармалары. II том. -Нөкис: «Қарақалпақстан», 1985.
4. Камалов Қ. Қарақалпақ повести. -Нөкис: «Қарақалпақстан», 1978.
5. Юсупов Қ. «Тәрбиялық әҳмийетке ийе баҳалы әдебий мийраслар. / «Қарақалпақ әдебияты», 2016, май. №5 (65).
6. Юсупов Қ. Қарақалпақ әдебиятын оқытыў методикасы. -Ташкент: «Саностандарт», 2018.
7. Хожаниязов Ө. Жайлаўдағы бәҳәр. -Нөкис: «Қарақалпақстан», 1987, 372-б.



**РЕЗЮМЕ**

Мақолада атоқли қорақалпоқ ёзувчиси О.Хожаниязов ижодининг ўзига хос хусусиятлари ва унинг маҳорати ҳақида сўз боради. Унинг ижодини академик лицейларда ўқитиш йўллари ҳақида фикр билдирилади.

**РЕЗЮМЕ**

В статье рассматриваються специфические особенности творчества известного каракалпакского писателя У.Хожаниязова и описывается мастерство художника слова.

**SUMMARY**

The article deals with individual peculiarities of the creative work of the famous Karakalpak writer U.Khojaniyazov and his skill as an artist of a word.


## ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИ ТАЛАБАЛАРИНИНГ ЖИСМОНИЙ МАДАНИЯТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ МАСАЛАЛАРИ


**Ф.Қ.Аҳмедов -** *педагогика фанлари номзоди, доцент*

**Н.С.Кулбоев -** *катта ўқитувчи*

*Жиззах давлат педагогика институти*



**Таянч сўзлар:** талабалар, жисмоний маданият, спорт иншоотлари, жисмоний маданият йўналишлари, кундалик турмуш тарзи, жисмоний маданият даражаси, спорт натижалари.

**Ключевые слова:** студенты, физическая культура, спортивные сооружения, направления физической культуры, повседневный образ жизни, уровень физической культуры, спортивные результаты.

**Key words:** students Physical culture, sports facilities, fields of physical culture, everyday life, level of physical culture, sports results.


Мамлакатимизда аҳоли турмуш фаровонлигини ошириш давлат сиёсатининг бош масаласи ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев раҳбарлигида олиб борилаётган ислоҳотларнинг мазмун моҳияти ҳам мамлакат аҳолисининг турмуш фаровонлигини оширишга қаратилган.

Жумладан, аҳоли саломатлигини сақлаш ва мустаҳкамлаш бугунги куннинг энг асосий масалаларидан бири бўлиб, бунда жисмоний тарбия ва спортнинг ўрнига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Буларни инобатга олган ҳолда, аҳолининг соғлом турмуш тарзини шакллантириш, айниқса, ёш авлоднинг жисмоний тарбия ва спорт билан мунтазам шуғулланиши учун замон талабларига мос шарт – шароитлар яратиш, спорт мусобақалари орқали ёшларда ўз иродаси, кучи ва имкониятларига бўлган ишончни мустаҳкамлаш, мардлик, ватанпарварлик, она Ватанга садоқат туйғуларини камол топтириш, шунингдек, ёшлар орасидан иқтидорли спортчиларни саралаб олиш, тизимли ташкиллаштириш ҳамда жисмоний тарбия ва оммавий спортни янада ривожлантиришга йўналтирилган кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Кейинги йилларда Ўзбекистон спортчилари халқаро спорт майдонларида жуда ката мувоффақиятларга эришмоқда. Бунга 2016 йилдаги олимпиада ўйинларидаги ютуқлар яққол мисол бўла олади. «Олимпиада-2016» спорт мусобақаларида терма жамоамиз аъзолари 4 та олтин, 2 та кумуш, 7 та бронза медаллари билан, умумжамоа ҳисобида дунёда 21 ўрин, Осиёда 4 ўринни эгаллади. Ана шу ютуқларда талаба спортчиларининг ютуқлари салмоқли ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев жорий йилнинг 24 январидаги Олий Мажлисга Мурожаатномасида ахоли ўртасида соғлом турмуш тарзини кенг қарор топтириш, бунинг учун ҳудудларда аҳоли ва, айниқса, ёшлар учун янги спорт объектларини қуриш, ёшлар орасидан иқтидорли спортчиларни саралашнинг – туман – худуд – Республика босқичларидан иборат 4 босқичли тизим жорий этилишини таъкидлаб ўтди.

Шунингдек, Ш.М.Мирзиёев, "олий маълумот оламан, ўз устида ишлаб илмли бўламан, деган юрагида ўти бор жўшқин ёшларимизнинг тахсил олиши учун ҳамма қулайликларни яратиш шарт" деб айтди.

Шунинг учун мактаб битирувчиларини олий таълим билан қамраб олиш даражасини 2020 йилда камида 25% га, келгусида 50 - 60% га етказамиз, талабалар қабул қилиш давлат грантларини икки баробарга ошириш, қизлар учун алоҳида грантлар ажратишини маълум қилди.

Давлат раҳбари томонидан Ўзбекистон Республикаси ҳудудларида жисмоний тарбия ва оммавий спортни янада ривожлантириш, аҳолининг барча қатламлари, айниқса, ёшларни жисмоний тарбия

ва спорт билан мунтазам шуғулланишга жалб этиш муҳим масала қилиб кўрсатилди.

Аҳолининг ва ёшларнинг энг фаол аъзолари ҳисобланган олий таълим муассасалари талабаларининг касбий тайёргарлигини ошириш билан бирга уларнинг турмуш тарзига жисмоний маданият ва спортнинг сингдирилиши долзарб масала ҳисобланади. Чунки олий таълим муассасаси талабалари келажакда жамиятнинг зиёли қатлами, бошқарувчи ва етакловчи кучи ҳисобланади.

Бу борада педагогика олий таълим муассасалари талабаларининг ўрни алоҳида аҳамиятга эга ҳисобланади. Бўлажак ўқитувчилар бугунги кун замон ўқитувчисига қўйилган талабларга мос равишда таълим – тарбия олиши орқали мутахассис бўлиб етишиши ўта муҳим ҳисобланади.

Зеро, ўқитувчи келажак авлодга таьлим тарбия беришда ҳар томонлама илғор ва наъмуна бўлиши тегишли меьёрий ҳужжатларда ҳам белгилаб қўйилган. Шу нуқтаи назардан, педагогика таълим йўналишидаги талабаларда соғлом турмуш тарзининг шаклланганлиги, уларнинг жисмоний маданиятининг такомиллашган бўлиши ўта зарурий ҳолат ҳисобланади. Шунинг учун ҳам талабалар жисмоний маданияти ва уларни ривожлантириш, такомиллаштиришни илмий тадқиқ этиш долзарб масала ҳисобланади. Республикамиз ва МДҲ олимлари томонидан талабалар спорт турмуш тарзи ва уларнинг маънавий – ахлоқий тарбияси, шунингдек, жисмоний маданиятига оид бир қанча илмий тадқиқот ишлари олиб борилган.

Т.С.Усмонхўжаев, Р.Абдумаликов, И.Кушбахтиев, А.Атоев, О.Мусурмонова, О.Жамолиддинова, Ф.Аҳмедов, Р.Саломов, Ҳ.Т.Рафиев. Ф.Хўжаев, К.Махкамджонов, Ш.Мардоновларнинг ишлари шунингдек, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги давлатлари олимларидан: М.Я. Вилинский, О.Ю.Милова, Е.Ю.Андриянова, Ю.Д.Железнякларнинг ишлари алоҳида аҳамиятга эга.

Юқоридаги олимлар томонидан олиб борилган тадқиқот ишларини ўрганиб, илмий- назарий таҳлил асосида биз талабаларнинг жисмоний маданиятини ривожлантиришнинг педагогик технологияларини янада такомиллаштириш мақсадида илмий тадқиқот ишларини олиб боришни мақсад қилдик.

Бунинг учун илмий тадқиқотнинг объекти этиб, педагогика йўналишида таҳсил оладиган олий таълим талабаларининг жисмоний маданиятини ривожлантиришда педагогик технологияларнинг амалдаги ҳолати белгиланди.

Илмий тадқиқотнинг предмети: педагогика йўналишидаги талабаларининг жисмоний маданиятини ривожлантириш (педагогик технологиялари) асослари.

Тадқиқот мақсади: олий таълим муассасалари талабаларининг жисмоний маданиятини ривожлантиришнинг педагогик технологияларини такомиллаштиришнинг илмий, назарий ва амалий асосларини ишлаб чиқиш ҳамда методик тавсиялар қўлланмалар яратишдан ва амалиётга жорий этишдан иборат деб белгиладик.

Тадқиқот вазифалари: талабалар жисмоний маданиятининг амалдаги ҳолатини илмий жиҳатдан аниқлаш;

- талабалар жисмоний маданиятига оид мавжуд илмий-услубий адабиётларни таҳлил этиш ва хулосалар қилиш;

- талабалар жисмоний маданиятини ташкил этувчи факторларни (кўрсатгичларни) аниқлаб олиш:

- талабалар жисмоний маданиятини ривожлантиришга оид илмий-услубий тавсиялар ишлаб чиқиш;

- талабалар жисмоний маданиятини ривожлантиришнинг педагогик технологияларини ишлаб чиқиш ва тажриба-синовдан ўтказиш олинган натижаларини амалиётга жорий этишдан иборат бўлди.

Олий таълим талабаларида соғлом турмуш тарзи кечиришнинг асосий йўналишларидан бири бу жисмоний маданият ҳисобланади. Ҳақиқатдан ҳам, жисмоний маданиятсиз соғлом турмуш тарзи кечириш мумкин эмас. Авваламбор, жисмоний маданият тушунчасининг ўзига аниқлик киритиб олиш заруриятидан келиб чиқиб, бу тушунчага мутахасисларнинг берган таърифлари ўрганилди. Жисмоний маданият тушунчаси мутахассислар томонидан турлича таърифланган. Жумладан, профессор Л.П.Матвеев томонидан қуйидагича таъриф берилган; “жисмоний маданият жамият аъзоларининг жисмоний камолотга эришишини мақсадга мувофиқ равишда амалга ошириш учун махсус воситалар, методлар ва шароитларни яратиш ҳамда улардан рационал фойдаланиш бўйича эришилган ютуқларнинг мажмуасидир. Жисмоний маданият умумий маданиятнинг таркибий бир қисми унинг юксалиши, жамият ривожланишининг асосидир”. Берилган таърифларга асосан талабалар жисмоний маданиятининг кўрсаткичлари аниқланди ва уларни қуйидагилардан иборат деб таснифладик.

- олий таълим муассасасидаги спорт иншоатларининг мавжудлиги ва уларнинг ҳолати;
- олий таълимда жисмоний тарбия ва спорт йўналишидаги ўқув-тарбиявий, меъёрий ҳужжатларнинг мавжудлиги ва уларнинг мазмуни.(ўқув режа, фан дастури, ишчи дастур ва бошқалар);
- талабаларнинг жисмоний-тарбия ва спорт билан шуғулланишларига шарт- шароитлар яратишда олий таълим муассасаси раҳбариятининг муносабати, улар томонидан амалга ошириладиган ишларнинг мазмуни (махсус саволнома асосида ўрганилади);
- талабалар жисмоний тарбиясига оид методик таъминотнинг ҳолати (дарсликлар, ўқув қўлланмалар, ва методик кўрсатмалар) нинг таъминоти;
- олий таълим муассасасининг жисмоний-тарбия ва спорт соҳасидаги мутахассисларининг штатлар бирлиги (кафедра, ўқитувчи, мураббий, соҳада ҳизмат қилувчи бошқа турдаги штатлар ва бошқалар);
- олий таълим муассасасидаги жисмоний тарбия ва спорт соҳасидаги мутахассисларнинг касбий тайёргарлик даражаси. (илмий, даражалар, унвонлар, спорт усталари ва бошқа кўрсаткичларнинг мавжудлиги);
- талабалар турмуш тарзига жисмоний тарбия ва спортнинг сингдирилганлик даражаси (доимий бир спорт тури билан шуғулланувчи талабалар спортдаги натижалар, фаол талаба спортчилар, спорт тўгаракларида иштирок этувчи талабалар, эрталабки бадантарбия билан мунтазам шуғулланувчи талабалар, мунтазам равишда мустақил жисмоний машқлар билан шуғулланувчи талабалар ва бошқалар)дан иборат.
- талабалар билан ташкил этиладиган ва ўтказиладиган жиисмоний-тарбия ва спорт тадбирларининг ҳилма-хиллиги;
- талабаларнинг саломатлик даражаси;
- имконияти чекланган талабалар билан олиб бориладиган, жисмоний-тарбия спорт тадбирлари, машғулотлари ва уларга яратилган шароитлар.

Юқорида талабаларнинг жисмоний маданиятини ташкил этувчи кўрсаткичларга асосан талабаларнинг жисмоний маданиятини ривожлантириш масаласи нафақат педагогик жараён балки ижтимоий, маънавий – маърифий, иқтисодий соҳага боғлиқ.

Талабалар жисмоний маданиятининг асосий кўрсаткичларини ўрганиш мақсадида дастлабки илмий педагогик кузатишларни ўтказдик. Бунга асосан танланган олий таълим муассасаларидан Жиззах политехника институтида 5500 га яқин талабалар

таҳсил олади. Талабалар учун 1 та ёпиқ зал, 2 та сунъий майдон, 1 та теннис майдони, 1 та бадментон майдони, 1 та волейбол майдони, 1 та катта футбол майдони, 1 та гимнастика майдончаси мавжуд. Бир вақтнинг ўзида ушбу майдонлар 120 га яқин талабани қамраб олади. Жиззах давлат педагогика институтида 8500 га яқин талабалар таҳсил олади. Талабалар учун 2 та сунъий майдон, 1 та футбол майдони, 1 та баскетбол майдони, 1 та гимнастика майдончаси, 2 та ёпиқ турдаги спорт зали, 1 та ёпиқ бассейн ва югуриш йўлакчалари мавжуд.

Ушбу спорт майдонлари бир вақтнинг ўзида 150 га яқин талабаларни қамраб олади. Гулистон давлат университетида 7000 га яқин талабалар тахсил олади. Талабалар учун эса 1 та ёпиқ зал, 2 та футбол майдони 2 та волейбол майдони 1 та гандбол майдони 1 та гимнастика майдони, 2 та мини футбол майдонлари мавжуд. Ушбу спорт майдонлари бир вақтнинг ўзида 140 талабаларни қамраб олади.

Спорт иншоотларининг мавжудлиги асосий масалалардан бири албатта.

Аммо энг асоссий масала талабалар кундалик ҳаётига жисмоний маданиятнинг сингдирилганлигида. Чунки мавжуд спорт иншоотларида ҳам талабалар доимий равишда шуғулланаётгани йўқ.

Демак, талабаларни онгли равишда, мунтазам равишда жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланишларига эҳтиёж етарли даражада эмас. Бунинг турлича сабаблари бор, албатта, мавжуд сабабларни аниқлаш мақсадида талабалар билан махсус талабаларни жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланишга бўлган муносабати (ёндашувини) аниқлашга қаратилган сўровнома ўтказилди. Бунда Жиззах давлат педагогика институтининг физика-математика, тарих, табиий фанлар йўналишларидаги II – III курс талабаларидан 50 тадан жами 150 та талаба ёшлардан сўровнома ўтказилди. Ушбу талабаларнинг 82 таси ўғил болалар ва 68 таси қиз болалардан иборат бўлди.

Ўтказилган сўровнома натижаларига кўра қуйидагилар аниқланди.

**1. Сиз жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланасизми? саволига**

- Шуғулланаман -<u>34%</u>
- Шуғулланмайман- <u>4%</u>
- Шуғулланаман доимий эмас -<u>52%</u> деган жавоблар

**2. Талабаларни жисмоний тарбия ва спортга кенг жалб қилиш учун нималар зару деб ҳисоблайсиз?**

- Жисмоний тарбия дарсларини кўпайтириш лозим - <u>22%.</u>
- Спорт тўгаракларини кўпайтириш ва доимий ишлатиш лозим- <u>30%.</u>
- Замонавий шароитлардаги спорт иншоатларини кўпайтириш лозим -<u>26%.</u>
- Кўпроқ оммавий спорт тадбирларини ташкил этиш ва ўтказиш зарур <u>22%</u> деган жавоблар.

**3. Сизнинг жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланмаслигингизга нима сабаби бор?**

- Институтда мавжуд яратилган шароитлар етарли эмас -<u>30%.</u>
- Асосий муаммо ўқишим спорт билан шуғулланишимга вақтим йўқ -<u>35%.</u>
- Жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланиш фойдали эканлигини биламан бироқ шуғулланмайман (тўғриси) одатланмаганман -<u>35%.</u>

мазмундаги жавоблар бўлди.

Ўтказилган сўровнома асосида олинган жавобларга асосланган холда талабалар жисмоний маданиятининг такомилланиши кўпгина омилларга боғлиқ ҳисобланади. Сўровнома асосидаги олинган маълумотлардан кўриниб турибдики, талабалар кундалик турмуш тарзига жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланиш тўла қонли сингдирилмаган. Шунинг учун ҳам талабалар асосий қисми турли ҳолатларни сабаб қилиб жисмоний машқлар ва спорт билан шуғулланмайдилар.

Талабаларнинг яна бир қисми олий таълим муассасаларида яратилган шароитлардан самарали фойдаланади ва яратилган шароитларни янада яхшироқ бўлишини хоҳлайди.

Демак, талабаларнинг жисмоний маданиятини оширишнинг асосий масалаларидан бири ва ҳал етувчи кўрсатгичи бу уларнинг кундалик турмуш тарзига жисмоний тарбия ва спортни сингдиришдан иборат.

**Адабиётлар**


1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг “Ўзбекистон Республикасида жисмоний - тарбия ва спортни янада такомиллаштириш ва оммалаштириш чора- тадбирлари тўғрисида”ги Фармони. 24.01.2020 й.
2. Абдуллаев А. Хонкелдиев Ш.Х Жисмоний тарбия назарияси ва услубияти дарслик.Т. 2005 й.
3. Ашмарин.Б.А. Теория и методика педагогических исследований в физичиском воспитании. М.: Физкультура и спорт, 2003. 224 с.
4. Ахмедов.Ф.К. “Жисмоний тарбия назарияси ва методикаси” фанидан “101 саволга 101 жавоб” – Жиззах, 2011 й.
5. Матвеев.Л.П. “Теория и методика физической культури,” Учебник. М.Ж. 1991 г.



**РЕЗЮМЕ**

Ушбу мақолада олий таълим муассасалари талабалари жисмоний маданиятининг йўналишлари белгилаб берилган. Шунингдек, талабалар жисмоний маданиятидаги мавжуд муаммоларни аниқлашга қаратилган илмий назарий маълумотлар берилган.

**РЕЗЮМЕ**

В статье определены направления физической культуры для студентов высших образовательных учрежденний, а также освещаются научные взгляды к определению существуюших проблем в этой сфере.

**SUMMARY**

The article outlines the areas of physical culture of students of higher educational establishments. It also contains scientific information aimed at identifying existing problems in the students, physical culture.


## ФИЛОЛОГИК ТАЪЛИМДАН БОШҚА ГУРУҲЛАРДА РУС ТИЛИГА ОИД ДИДАКТИК МАТЕРИАЛЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ МЕТОДИКАСИ


**Г.Ю.Атажанова -** *катта ўқитувчи*

*Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат университети*



**Таянч сўзлар** : дидактик материал, орфоэпия, унли ва ундош товушлар, урғу, от, феъл, матн.

**Ключевые слова**: дидактический материал, орфоэпия, гласные и негласные слова, ударение, существительное, глагол, текст.

**Key words:** didactic material, orthoepy, vowels and unspoken words, stress, noun, verb, text.


Маълумки, рус тилини ўрганиш бўйича талабалар билим даражасининг пастлиги машғулотларда фойдаланилаётган ўқув материалларининг етишмаслиги билан боғлиқдир. Ҳозирги пайтда машғулотларда фойдаланилаётган ўқув материалларида деярли янгиликлар йўқ ҳамда руҳий-маънавий қадриятларга эга эмаслиги ҳеч кимга сир бўлмаса керак. Мана шу ҳолатнинг ўзи ҳам рус тилини ўргатишнинг мақсад ва вазифаларига мувофиқ келадиган дидактик материаллардан фойдаланишни тақозо этмоқдаки, бу ишни Ўзбекистон Олий

таълим муассасаларида рус тилини ўрганаётган талабалар учун замонавий талабларга жавоб берувчи дидактик материаллар билан бойитилган ўқув қўлланмалари етишмаётган бир шароитда амалга оширишга тўғри келмоқда.

Фикримизга кўра, дидактик материалларни тузиш асосларини мавзуларнинг ранг-баранглиги, матннинг марказлаштирилиши тамойили, касбга йўналтирилганлиги, умуммаданий, инсонпарварлик йўналишлари ташкил этиши лозимлиги талаб қилинади. Мавзуларнинг рангбаранглиги тамойилининг зарурияти рус тилига оид ўқув қўлланмалари мазмунидаги мавзуларнинг тор доирага эга бўлиши, мавзуларнинг чекланганлиги ҳамда мактабда ўзлаштирилган мавзулардек таниш бўлиши билан боғлиқдир.

Мавзуларнинг ранг-баранглиги тамойилига мувофиқ равишда дидактик материаллар турфа хиллиги билан ажралиб туриши, шу жумладан, улар қаторида “Узбекистан-моя Родина”, “Великие события” ва бошқа мавзулардан иборат бўлиши лозим. Шубҳасиз, материалнинг муайян бир қисми Россия маданияти ва тарихи билан боғлиқ бўлиши даркор. Касбга йўналтирилганлиги тамойилига кўра, материаллар тизимида бирор касб билан боғлиқ бўлган таълимий очерклар тақдим этилиши лозимдир. Ушбу очерклар бирор олимлар ҳақида, талабалар мутахасислигига оид турфа хил маълумотлардан иборат бўлиши мумкин.

Дидактик материалларни тузишда матннинг марказлаштирилиши тамойили асосий аҳамият касб этади. Унга кўра, мавзулар мазкур тилни ўрганишнинг ғоят муҳим манбаси сифатида тан олинади. Мазкур тамойилнинг аҳамияти коммуникатив кўникмаларнинг шаклланишида мавзунинг тутган ўрни билан изоҳланади. Т.А.Ладженская томонидан ҳаққоний равишда эътироф этилганидек, мавзу нутққа ўргатиш бирлигига айланиб улгурган. “Мавзунинг тузилишини ўргана бориб, масалан, исботлаш-мулоҳаза қилиш жараёнида талаба мавзунинг ушбу турининг ўзига хос томонларини англаб етади, предметли кўникмаларга эга бўлиб боради… ва унинг барчаси коммуникатив кўникмаларни ривожлантириш воситаси бўлиб хизмат қилади” [1:15]. Маданиятшунослик, инсонпарварлик йўналиши тамойиллари методологик аҳамиятга эга бўлиб, унга кўра, дидактик материаллар талабаларда бағрикенглик, дўстлик, миллий, умумжаҳон қадриятларни севиш, Россиянинг маданияти ва тарихига қизиқиш ҳислари тарбиялаб борилади.

Дидактик материаллар тизими 3та бўлимдан иборат бўлиши лозим:

1) Рус тилининг турли бўлимлари, шу жумладан, орфография, морфология ва синтаксис бўйича амалий билимларга эга бўлиш, уни мустаҳкамлашга йўналтирилган машқлар тизимидан иборат.

2) Ҳар хил ҳаётий вазиятлар ва ҳолатларда мулоқот қила олиш қобилиятини мустаҳкамлаш имконини берувчи диалог тизими.

3) Ҳар хил мавзудаги таълим берувчи ва бадиий мазмундаги, шунингдек, бир қатор мутахасисликлар билан боғлиқ бўлган матнлар [1:18].

Дидактик материаллар билан ишлаш методикаси конкрет бир мавзу ҳисобга олинган ҳолда белгиланади. Биринчи ва иккинчи бўлим материаллари қўшимча топшириқлар сифатида тавсия қилиниши мумкин, учинчи бўлим материаллари эса ўқув машғулотлари билан бир қаторда мустақил иш сифатида фойдаланилади.

Учинчи бўлим учун топшириқлар турли хиллиги билан ажралиб туради. Шу ўринда, айтиш жоизки, уларнинг такрорланишига йўл қўймаслик талаб қилинади. Масалан, талабалар машғулот пайтида “Ажиниёз Қосибой ўғли” матнини ўқишган бўлса, мустақил иш сифатида уларга “Мой Ажиниёз Қосибой ўғли” мавзусида иншо ёзиш ундаги энг эсда қоларлик цитаталарни келтириб ўтиш таклиф қилиниши мумкин. Матн билан ишлаш жараёнида турфа хил ҳикоялар, тақдимот режасини тузиш, цитаталар келтириш, ёдлаб олинган ёзувлар, диалог ясаш, ҳаётий вазиятларни имитация қилиш, ролларга бўлиниб ўқиш ва бошқаларда фойдаланиш мумкин.

Дидактик материаллар билан ишлаш методикаси ўзининг ранг-баранглиги билан фарқ қилади. Анъанавий материаллар билан бир қаторда, замонавий, масалан, тақдимотлар, синквейн тузиш, Венна диаграммаси, энг яхши савол ва жавоблар танлови, режалар тузиш, буюк инсонлар ва тарихий воқеалар ҳақидаги биологик маълумотлар учун цитаталар танлаш ва бошқалардан фойдаланилади.

Дидактик материал фақатгина руҳий маданиятни бойитибгина қолмай, тил ҳақидаги билимларни, коммуникатив кўникмаларни ҳам мустаҳкамлаши лозим. Масалан: От ҳақидаги материални мустаҳкамлашга доир талабаларга “И.Юсуповнинг “Пушкину” шеъри дан парча таклиф этиши мумкин.

<u>Соловьи, страны, языки, народы</u>
<u>Но и тогда, покорные ветрам</u>
<u>Куда бы не поплыли пароходы</u>
<u>Они причалят к этим берегам [3:8].</u>

Талабалар аввал келтирилган парчадан отларни ажратишлари ва сонни аниқлашлари лозим. Яъни: страны, языки, народы, вершин, пароходы, берегам.

1) Рус тилининг турли бўлимлари бўйича талабалар билимларини мустаҳкамлашга оид машқлар тизими

1. Орфоэпия

Товушларни уларни талаффуз қилиниши меъёрларига мувофиқ чиқаринг.

1) Унли а сўзнинг бошида аниқ талаффуз қилинади, яъни урғу билан ва биринчи урғусиз сўз билан: (жадвалга қаранг)

А в начале слова А в предударном слоге А в полу ударном слоге

Автобиография-ўзининг таржимаи ҳоли Баран-қўчқор. Зима-қиш.

Агроном-агроном. Жара- иссиқ. Рукав-енг.

Арифметика-арифметика. Камин-ўчоқ, печь. Сани-чана

Атрофироваться-қийшайиши, Закрыть-ёпмоқ Дальний- узок, олис

Авангард- авангард Макать-ботирмок

О унли товуши талаффуз қилиниши меъёрларига мувофиқ равишда айтинг:

1) Сом,вода,пожар,гора
2) Хорошо, когда, молоко, молодой
3) Дома,просьба, сорок, город. [3:17].

**1 Машқ.** Қуйидаги сўзларни ўқинг. Й ва И айтилишига эътибор беринг

Музей прикладного искусства – музеи мира, мой дом – мои дома, твой день-твои дни, одинаковые фамилии – одинаковых фамилий, трудные бои – трудный бой, смелый ковбой- смелые ковбои, интересные лекции – конспекты лекций, народный герой – народные герои войны, свой кабинет- свои дела.

**2 Машқ.** Сўзларни ўқинг, қайси ундош сўзларни товуш чиқарган ҳолда, қайсиларини эса- товушсиз эшитганлигингизни аниқланг.

Лук-лук, род-рот, суп-зуб, тело-дело, кот-код, дом-том, роза-роса, гора-кора. (3.22)

***От***

*Қуйидаги отлиқ сўзларнинг родини аниқланг.*

Лекция, семинар, симпозиум, путь, статья, информация, компьютер, ночь, день, кольцо. 1. Объясните особенности несклоняемых существительных на основе примеров: Окна кафе, пойти в кафе, следующий дом за кафе. Обратиться в жюри, последнее слово за жюри, состоять в жюри. 2. Выделите одушевленные суще-

ствительные: Кукла, лошадь, собака, береза, рода, письмо, тетя, племянник, ферзь. 3. Придумайте предложения со следующими словами на русском и узбекском языках: Инициатива – ташаббус; приоритет – устиворлик; позиция – ҳолат,; в перспективе – истиқболда.

**Феъл**

*Феъл 1.Қоидани тўлиқтиринг:*

Глаголы совершенного вида имеют будущее простое время, не имеют ………….. напишу, напишет. Глаголы несовершенного вида имеют будущее сложное время и образуют…….. время: будешь писать, пишет. 2. Определить время глагола: 1. Действие совершается одновременно с моментом речи это…… время. 2. Форма этого времени выражается формообразующим суффиксом. Это….. время. 3. Отражает действие, которое будет иметь место после момента речи о нем. Это…. время. 4. Сформулируйте правило о переходных и непереходных глаголах на основе выполнения задания:

Завершить предложения: Писатель пишет……. Художник рисует……. 2) Определить падеж, что обозначают (конкретное или неконкретное действие). 3) Все глаголы с суффиксами – ся, сь Являются……. Художник любуется картиной. 4) Образуйте неопределенную форму глагола: Философствую, аргументирую, зазываю, анализирую. К данным глаголам подберите однокоренные с разными приставками: Декламировать, комментировать, критиковать, формулировать, цитировать, анализировать, рекомендовать.

**Саёҳат.**

-Будьте добры, скажите, пожалуйста, где находится туристическое бюро? - Добрый день, помогите мне выбрать путевку (недорогую) в Юго-Восточную Азию. - У нас есть путевки во все направления: в Китай, Корею, Японию. - Сколько стоит путевка в Китай? - На две недели в Пекин стоит 650 долларов. - Мне это подходит. Спасибо Вам. - Приятного Вам отдыха.

**Тошкент-тинчлик ва дўстлик шаҳри.**

Город впервые упоминался под названием Ташкент в 11 веке в сочинениях Абу Райхона Аль Беруни и Махмуда Кажгари. Ташкент сегодня огромный, благоустроенный город. В центре города стоит памятник Амиру Темуру. Жители Ташкента любят свой город, его парки, скверы. Одним из красивых зданий Ташкента является узбекский академический театр оперы и балета имени Алишера Навои. В городе построено много крупных, красивых объектов - площадь Мустакиллик, площадь Дружбы народов, стадион Пахтакор, дворец спорта Алпамыш, теннисный корт, воздвигнуты замечательные памятники: Амиру Темуру, Алишеру Навои, Улугбеку. С 1977 года начал действовать ташкентский метрополитен. В Ташкенте много учебных заведений, колледжей, гимназий, школ, вузов. Облик Ташкента меняется с каждым днём.

**Адабиётлар**


1. Ладыженская Т.А. Система работы по развитию связанной устной речи учащихся. -М.: 1975, -С.16.
2. Азизходжаева Н.Н. Педагогические технологии и педагогическое мастерство. –Т.: 2003.
3. Андрианова В.И. Учебное пособие для методистов. –Ташкент: 1996.



**РЕЗЮМЕ**

Мазкур мақолада рус тилини ўқитишнинг бир қанча жиҳатлари акс эттирилган. Муаллиф томонидан замонавий шароитларда тилни ўзлаштиришнинг максад ва вазифаларидан келиб чиққан ҳолда ўргатишнинг муайян услубларига батафсил таъриф берилган.

**РЕЗЮМЕ**

В статье отражены некоторые аспекты обучения русскому языку. Исходя из целей и задач усвоения языка в современных условиях, со стороны автора подробно охарактеризованы определённые методы обучения.

**SUMMARY**

The article contains information about some aspects of teaching the Russian language. Based on the goals and objectives of language acquisitions in modern conditions, the author has described in detail certain teaching methods.


## «ТАЯНЧ МАСАЛА»ЛАР ЁРДАМИДА ТАЛАБАЛАР ФАОЛЛИГИНИ ОШИРИШ МЕТОДИКАСИ


**Д.Н.Ашурова** – *педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори*

*Навоий давлат педагогика институти*



**Таянч сўзлар:** инновацион дастурий-дидактик мажмуа, “Таянч масала”, “Таянч масала”принциплари.

**Ключевые слова:** инновационный програмно-дидактический комплекс, методика “Опорных задач”, принципы “Опорных задач”.

**Key words:** innovative program and didactic complex, methods of "Basic tasks", principles of supporting tasks.


Бугунги кунда таълим сифати ва унинг самарадорлигини ошириш учун яратилган ўқитишнинг бир қатор ноанъанавий усуллари қўлланилиб келинмоқда. Шу ўринда таниқли педагог В.Ф.Шаталов [1:135] “Таянч сигналлар” ижодкори сифатида танилганлигини, уни ўз дарсликларида билим олувчилар шахсини рўёбга чиқарувчи, уларнинг кимлигини, нимага қодирлигини тасдиқловчи дидактик ўйинларга кенг ўрин беришини алоҳида кўрсатиб ўтиш мумкин. В.Ф.Шаталов илк бор таълим амалиётида ўқув материалини тушуниш ва ўзлаштириш механизмининг самарали ишлашини таъминловчи, билимларни сифатли эгаллабгина қолмай, балки вақтнинг ҳам тежалишига олиб келувчи системани яратган моҳир педагог сифатида тан олинган.

Ўқув жараёни самарадорлигини ошириш ҳамда талабаларни фаоллаштириш буйича қатор самарали усуллар мавжуд бўлиб, уларга мустахкам билим ва кўникмаларни сингдириш, ўрганиладиган фанни предмет соҳасига оид аниқ фан ички алоқаларида ҳам, тадқиқ этиладиган муаммоларни ташқи алоқаларида ҳам асосланган. В.Ф.Шаталов ўқув материалини тушуниш ва ўзлаштириш механизмининг самарали ишлашини таъминлаш мақсадида илк бор «таянч сигнал», «таянч тушунча», «таянч конспект» ва «таянч топшириқ» каби усулларни киритган. **Таянч сигнал** ўзаро узвий боғловчи рамзлар (ишора, сўз, схема, расм ва ҳ.) бўлиб, қандайдир маъноли моҳиятни алмаштиради**. Таянч конспект -** ўқув материаллари ўзаро боғланган усулларининг бутун қисмлари сифатида фактлар, тушунчалар, ғоялар тизими ўрнида қўллана оладиган кўргазмали конструкциялардан иборат қисқача шартли конспект кўринишидаги таянч сигналлар системасидир. В.Ф.Шаталовнинг хизматлари шундаки, у машғулотларда етарли даражада ва барчанинг фаоллигини таъминловчи ўқув фаолияти тизимини ишлаб чиқди. Ўқув жараёнида қўлланиладиган бу усуллар биргина ўрта мактаб учун ишлаб чиқарилган бўлиб, ўқувчиларнинг билим даражаси мактаб фанлари орқали синовдан ўтказилган.

Олий таълим муассасаларида эса тажрибали, қобилиятли, ижодкор педагоглар ижоди билан боғлиқ айрим намуналаридан мустасно ҳолатда, кўпгина ҳолатларда ўқитувчининг ўз касбига лаёқатли эканлигини баҳолашда одатда бир томонли мезонлар асосида ёндашилади: ўқитувчи ўз соҳасида тан олинган

етук мутахассис бўлишининг ўзи етарли, талабаларнинг тушунишлари эса ўз ихтиёрларига боғлиқ. Юқоридаги фикрга таянган ҳолда қуйидаги аксиомани келтириб ўтиш мумкин: «олий таълим муассасаларида ўқитувчилар аниқ услубиёт ва педагогик технологияларни қўллашлари шарт эмас». Бундай ёндашув нафакат олий таълим тизимида услубиётни иккинчи даражали эканлигини шакллантиради, балки педагогик ташаббусларга, махсус методикага, талабаларни фаоллашишларига имкон бермайди.

Қуйида нафақат умумтаълим мактаблари, балки олий таълим муассасалари ўқув жараёнида ҳам услубиётни қўллаш мақсадида «Таянч масала» **(Таянч масала –** муайян фанни ўқитишдаги соддадан мураккабликка йўналтирилган янги уйғунлашган услублар кетма-кетлигидаги ёндошув бўлиб, мазкур услубдан фойдаланувчи дидактик ишланмалар асосида таҳлилга, янги билимни эгаси бўлишга жалб этилади**)** услубиёти деб аталган ёндошувни намуна сифатида келтирамиз, бу эса бизнинг нуқтаи назаримизда ҳам умумий, ҳам хусусий педагогикада концептуал ёндащувни муҳимлиги ва моҳиятининг янги тасдиғи бўлади.

“Таянч масала” ёндошувининг принциплари қуйидагилар:

1. «Бутун умр мобайнида таълим олиш» парадигмаси асосида янги билим ва кўникмаларни доимий ўзлаштиришга ўргатиш.
2. Ўзаро ички ва фанлараро турғун алоқаларни ўрнатишга имкон берувчи таянч вазифани, янги мавзуни аниқлаш.
3. Топшириқлар бажарилишини максимал индивидуаллаштириш.
4. Назарий сабабларни ва интеграцияланган вазифалар, усуллар (алгоритмлар) ечимларини бирлаштирувчи бир нечта таянч вазифаларни тўплаш.
5. Таянч масалани мурракаблаштиришни ҳамда фан методлари эволюциясини акс эттирувчи масалалар ечими устида доимий назорат олиб бориш [2].

Ҳозирги вақтда компьютерларда илмий-техникавий ҳисоблашларни бажаришда одатдаги дастурлаш тилларидан ва электрон жадвалларидан эмас, балки Matlab, MathCad, Maple ва бошқа турдаги махсус математик амалий дастурлар кенг қўлланилмоқда.

Инновацион дастурий-дидактик мажмуа (ИДДМ) таркибидаги асосий дастурий маҳсулотлар, яъни математик пакетлар, айниқса MathCad – юқорида санаб ўтилган рўйхат ичида энг машҳур пакет бўлиб, илмий – техникавий соҳа мутахассисларига дастурлашнинг нозик элементларига эътибор берилмасдан (масалан:фортран, С, паскал ва бошқалар каби) компьютерда математик моделлаштиришни амалга оширишга катта ёрдам беради.

MathCad тизимида масалаларни сонли ечиш билан бир қаторда аналитик усулда ечиш ҳисобга олинган. Шунинг учун фойдаланувчилар бу дастурдан ўзлари еча олмаган математик масалалар учун таянч ечим омбори сифатида фойдаланишлари мумкин. Бу тизимдан табиий фанлар бўйича электрон дарсликлар яратишда асосий дастурий восита сифатида фойдаланишни тавсия этилади.

Математикада қийинчилик туғдирадиган бир қанча масалаларни бу тизимда тез ва осон ҳал этиш мумкин.

Mathcad дастурий муҳитидан фойдаланиб, «Таянч масала» ёндошуви асосида «Алгебра ва сонлар назарияси» ҳамда «Информатика» фанлари бўйича олинган қуйидаги мисоллар кўриб чиқилади.

1-мисол. Фан: Информатика.

Топшириқлар кетма-кетлиги:

1) 4 та ўзгармас, ***x*** ва ***y*** номалумларга ҳамда иккита индексли ўзгарувчи билан учта стандарт функцияга боғлиқ, мумкин бўлган алгебраик ифода тузинг.

2) бу ифодани алгоритмик тил воситалари орқали ифодаланг ( Паскаль, $C^{++}$ ва...)

3) Кўрсатилган функция жадвалини тўлдириб ҳисобланг.

4) Дастлабки ифода жадвалини тўлдириш жараёнини кўрсатинг.

5) Кўрсатилган жадвалнинг энг кўп элементларини аниқловчи функцияни топиш жараёнини кўрсатинг.

6)Тузилган жадвал асосида интерполяцион кўпхад тузинг ва бир нечта нуқталарда интерполяция ҳамда экстрополяция ўтказинг.

7) Тузилган ифодани Коши масаласининг ўнг томони ҳисоблаб, Эйлер ва Рунге-Кутта методларини қўллаш учун дастур тузинг.

8) Тузилган ифоданинг $x_i = i^* h,\ y_j = j^* k\,(i=1,2,....,n;\ j=1,2\ ...,n)$ даги қийматларини элемент сифатида олиб квадрат матрица тузинг.

9) Ҳосил қилинган матрица учун хос қийматлар масаласини ечинг.

10) Ҳосил бўлган матрицаниг усунларидан бирини ўнг томони сифатида олинган чизиқли алгебраик тенглама тузинг ва уни ечинг.

2-мисол. Фан: “Алгебра ва сонлар назарияси”.

Чизиқли алгебра бўлимида ўрганиладиган уч номаълумли учта ЧТСни ечимларини Крамер усулида топиш талаб этилсин.

Ечиш: Топшириқлар кетма-кетлиги:

1) Уч ўзгарувчили учта чизиқли тенгламалар системасини тузинг.

$$\begin{cases} a_{11}x + a_{12}y + a_{13}z = c_1 \\ a_{21}x + a_{22}y + a_{23}z = c_2 \\ a_{31}x + a_{32}y + a_{33}z = c_3 \end{cases}$$

2) Берилган системани Крамер усулида ечиш учун системанинг номаълумлари олдидаги коэффициентларидан асосий А матрица тузиб олинг.

3) А матрицанинг детерминантини ҳисобланг.

$$|A| = \begin{vmatrix} a_{11} & a_{12} & a_{13} \\ a_{21} & a_{22} & a_{23} \\ a_{31} & a_{32} & a_{33} \end{vmatrix} ; \qquad \text{D= } \square\ \mathbf{A}\ \square$$

4) $\Delta_1, \Delta_{2,} \Delta_3$ детерминантларни тузиш учун система детерминантидаги номаълумларга мос коэффицентларни озод ҳадлар билан алмаштиринг.

5) $\Delta_1, \Delta_{2,} \Delta_3$ детерминантларни ҳисобланг.

6) Қуйидаги ҳолатларни текшириб кўринг:

1. Агар $\Delta \neq 0$, бўлса система ягона ечимга эга.
2. Агар $\Delta = 0$, бўлса система ечимга эга эмас. ($\Delta_1 \neq 0;\ \Delta_2 \neq 0;\ \Delta_3 \neq 0$)
3. Агар $\Delta = 0$, бўлса система аниқмас яъни чексиз кўп ечимга эга.

($\Delta_x = 0$ ва $\Delta_y = 0$ ва $\Delta_z = 0$).

Мазкур масалада $\begin{cases} a_{11}x + a_{12}y + a_{13}z = c_1 \\ a_{21}x + a_{22}y + a_{23}z = c_2 \\ a_{31}x + a_{32}y + a_{33}z = c_3 \end{cases}$ система «Таянч масала» сифатида қабул қилинади ва бир неча босқичли амалларни бажариш давомида системани қаноатлантирувчи ечимлар Mathcad дастурий муҳитидан фойдаланиб топилади.

Худди шунингдек, тилшуносликда ҳам таянч масалалар методикаси қуйидаги топшириқлар кетма-

кетлиги кўринишида ифодаланиши мумкин: *бирор кесимни ўйланг→бирор эгани ўйланг→ икки ёки ундан ортиқ сифатни ўйланг→ равишдош тузишни ўйланг→ мураккаб гап тузинг.* Бунда ҳар бир талаба ўз вариантини тузади ва уларнинг мухокамасидан, қийналган талабалар ёрдам олишади.

Умуман олганда келтирилган метод хусусий метод сифатида ҳам қаралиши мумкин.

Юқорида келтирилган мисоларни ечишда ИДДМ таркибидаги MathCad дастурий маҳсулотидан фойдаланиш талабанинг масалани ечишга кетган вақтини қисқаришига олиб келади.

Юқорида келтирилган таҳлил, мулоҳаза ва тавсиялар ИДДМнинг муайян фанга доир дидактик тўлдирмасини яратиш бўйича услубиёт сифатида таклиф этилди.

**Адабиётлар**

1. Шаталов В.Ф. Точко опоры. –М.: Педагогика, 1987. –С. 160.
2. Д.Н.Ашурова, М.Раимова, М.Юлдашева. Применение методики опорных задач при обучении математике и софт дисциплин. // The VI Congress of the Turkic World Mathematical Society // -Astana: October 2-5, 2017.
3. *Ashurova D.N.* Innovative-Didactic Program Complex as Mean of Implementing New Education Paradigm *// Eastern European Scientific Journal (Gesellschaftswissenschaften): Düsseldorf (Germany): Auris Verlag, 2018,* № 3. *- pp. 380-386.*

**РЕЗЮМЕ**

Мақолада олий таълим муассасалари талабаларнинг фаоллигини ошириш бўйича «Таянч масала»ли услублар кетма-кетлиги ёндашуви ҳақида фикр юритилган.

**РЕЗЮМЕ**

В статье обсуждается применение последовательного подхода и интегрированных методов с «Опорными задачами» способствующих повышению активности студентов в высших учебных заведениях.

**SUMMARY**

The article is devoted to the study of the consecutive approach and intergrated methods with "Basic tasks" that promote to improving students' activeness at higher educational institutions.

## "ОНА ТИЛИ" ДАРСЛАРИДА ИЖОДИЙ ТАФАККУРНИ РИВОЖЛАНТИРИШ МЕТОДИКАСИГА ДОИР

**Г.Б.Бабашева** – *бошланғич синф ўқитувчи*
*Нукус шаҳар 25- мактаб*

**Таянч сўзлар:** ижодий тафаккур, ижодий хаёл, танқидий тафаккур, ижодкорлик сифат, ижод психологияси, ностандарт фикрлаш, ижодкорлик хусусияти, ижодкорлик қобилияти.

**Ключевые слова:** творческое мышление, творческое воображение, критическое мышление, творческие качества, творческая психология, нестандартное мышление, творческие особенности, творческие способности.

**Key words:** creative thinking, creative imagination, critical thinking, creative qualities, creative psychology, non-standard thinking, creative features, creative abilities.

Бугунги кунда педагог ва психолог олимлар томонидан ижодий тафаккурни ривожлантиришга доир қатор методикалар таклиф этилмоқда. Уларда ижодий тафаккурни ривожлантиришда креативлик моҳиятини ташкил этувчи *ижодий хаёл ва танқидий тафаккур* каби билиш жараёнларини ривожлантиришга доир машқ ва топшириқлар муаммонинг ечими сифатида тавсия этилади. Бундай турдаги машқ ва топшириқлар замирида нарса-буюмлар, предметларнинг асосий хусусияти назарда тутилган ҳолда уларни бошқа шарт-шароитларда ҳам қўллай олиш мумкинлиги юзасидан фикр юритишга ундаш мақсади етакчилик қилади. Бу жиҳатлар Е.П.Торренс томонидан таклиф этилган методика мазмунга сингдирилганлиги психолог олим Е.П.Ильиннинг изланишларида алоҳида қайд этилади [1].

Е.П.Рогов томонидан турли материаллар асосида гуруҳларда жамоавий шаклда ўтказилиши режалаштирилган методикадашахс ижодкорлик сифатларини ривожлантириш мақсади устувордир. Жумладан, бунда савол-топшириқлар "Агарда..." жумласи билан бошланиб, тахмин қилинаётган воқеа-ҳодисалар мазмуни таклиф этилиб,эҳтимоли мавжуд бўлган вазиятлар муҳокама қилиниши, ҳар ким ўз жавоб вариантини асослаши зарур бўлади [2]. Масалан, "Агар Қиммат Зумрад каби меҳнаткаш қиз бўлганида..." ("Зумрад ва Қиммат" эртаги), "Агар Эгри Тўғри каби иш тутганида..." (Эгри ва Тўғри" эртаги), "Агар ҳайвонлар Сусамбилни излаб йўлга чиқмаганларида..." ("Сусамбил" эртаги") ёки "Агар Типратикан, Қизилиштон ва Қуён бирлашмаганда..." ("Қиш эртаги") ва ҳ.к.

Ижод психологияси муаммоси махсус тадқиқот объекти сифатида Я.А.Пономаревнинг тафаккур креативлиги борасидаги ёндашувларига замин яратган. Олимнинг изланишлари шахмат ўйини қоидалари доирасида диагностик ва ривожлантирувчи машқлар орқали креативлик муаммоси ечимига қаратилгани билан аҳамиятлидир [3].

Ижодий тафаккурни ривожлантириш муаммоси Б.Клегнинг одатий шароитдаги бирликда учрамайдиган предметлар ёки ҳодисалар қандай ассосиатив боғлиқлик ҳосил қилишини ўрганишга доир машқ ва топшириқлар тизимини қамраб олган интенсив курс мазмунини яратишига асос бўлган.Мазкур курс мазмуни *маданий муҳитнинг ижобий таъсири, махсус методикаларнинг самарали жиҳатларига таяниш, шахс сифатида камол топиш, ментал энергия ҳамда юмор ҳиссининг юқори даражада ривожланиши* ҳақидаги тасаввурларни ўз ичига олади [4].

Э.Боно томонидан ижодий тафаккурни ривожлантириш, ностандарт фикрлашга ўргатиш – "провакацион ғоя" методикаси илгари сурилиб, реал ҳаётда гўё мантиқсиздек туюладиган, бир қарашда тасаввурга сиғмайдиган фикрга муносабат билдириш эмас, балки уни ривожлантиришни давом эттириш йўли таклиф этилади [5].

Боно таълимотини тадқиқ қилган ўзбекистонлик олимларнинг фикрича, агар "провакацион ғоя"лар баҳоланишига йўл қўйилса, тафаккур уларни тажрибада мавжуд андазаларга мувофиқ келмаслиги сабабли дарҳол инкор этади.Ижодий тафаккурнинг ривожланиши учун эса бундай фикрларга баҳо бериш, уларнинг шахсий тажриба чегараларига қанчалик сиғишини аниқлаш ўрнига ушбу ғоялардан келиб чиқувчи кейинги янги фикрларга ўтилишига эришиш зарур. Ғайритабиий фикрлардан янги ғояларга ўтиш жараёни Боно талқинида ушбу мантиқсиз фикрлардан фойдали ечим топиш, бирор мантиқий жиҳатдан ўринли хулосага келишдан иборат бўлади [6].

Боно назариясидаги тафаккур креативлигини ривожлантиришга доир методик воситалар:диққатни жалб этувчи таъсирлардан холилик; хотирани ривожлантиришга доир турли мнемик жараёнларни фаоллаштириш, хавотирларни бартараф этишга мувофиқ келувчи коррекция ишлари, журъат ва дадиллик ҳиссини шакллантирувчи ёки эмоциоген омилларга нисбатан когнитив установкаларни ўзгартиришга қаратилган психологик техникалар тарзидаги ижодий ёндашувлар ўзининг ижобий

самарасини беради.

В.Я.Стоюниннинг ўз тадқиқотларида Л.Толстойнинг ўқувчиларда ижодкорлик хусусиятларини шакллантиришда ҳаётий омил,зарур материаллар билан таъминлашва эркинлик бериш муҳимлиги ҳақидаги фикрларига таяниши ўринлидир. Хусусан, болаларнинг ижодкорлик қобилиятини ривожлантиришда Л.Толстой томонидан қуйидаги усулларнинг самарали экалиги таъкидланади:

а) болаларга энг катта ва хилма-хил мавзуларни таклиф этиш ва танлаш ихтиёрини бериш. Бу мавзулар болалар учун махсус танланган бўлмай, ўқитувчининг ўзи учун ўта жиддий ва қизиқ бўлиши керак;

б) ўқувчиларга тенгдошларининг иншоларини ўқишга бериш ва намуна сифатида фақат болаларнинг ишларини бериш;

в) энг муҳими, болаларнинг ишларини текшираётганда дафтарининг аҳволига, хатининг сифатига, хатоларига ва, айниқса, унинг ифода тарзига, айтиш жоиз бўлса, услубига ҳеч қачон танбеҳ бермаслик керак [7].

Бироқ ёзувчининг фикрини инкор этмаган ҳолда ўқитувчи боланинг дафтар тутиши, ҳуснихати ва услубига ҳам маълум маънода эътибор қаратишини жоиз деб биламиз. Чунки ёшликдан бу жиҳатларга эътиборсизлик қилинса, фикр ифодасида ҳам пала-партишликва изчилликнинг бузилишига йўл қўйилади. Эркинлик бу масъулиятдан чекланиш эмас, назаримизда.

Ж.Ҳасанбоев таълим инсон билиш фаолиятининг энг мураккаб турларидан бири бўлиб, индивидуал психик ривожланишни ва билимларни ўзлаштиришни анча тезлаштиришини;таълим жараёнида ўқувчилар онгига сингдирилаётган назарий билимлар амалий фаолият ёрдамида янада мустаҳкамланишини; амалиётда инсоннинг фаол фикрлаш фаолияти юзага келиши; фикрлаш ёрдамида у реал воқеликни чуқур тушуниши ҳамда билиш жараёнининг мазмун-моҳиятини эътироф этади.

Билишнинг мураккаб диалектик жараён сифатида жонли мушоҳададан абстракт тафаккурга, сўнгра амалиётга ўтиш йўли эканлигига урғу қаратган олим билиш жараёнининг энг юқори босқичида тафаккур юзага келиши, жонли мушоҳада ва тафаккур доимо одамнинг амалий фаолиятига асосланишини, билим амалиётдан сезги, идрок, тасаввур ва тафаккур асосида ҳосил бўлиши ва яна амалиётга қайтиб боришида намоён бўлишини уқтиради [8].

Бошланғич таълимда ўқувчиларнинг ижодий фаолиятини ривожлантиришнинг ташкилий-педагогик асосларини такомиллаштириш масаласи Ш.Болтаева томонидан ўрганилган. Тадқиқотда кичик мактаб ёшиданоқ ўқувчиларда ижодий фикрлаш ва тасаввурларни бойитишга йўналтирилган мантиқий топшириқларни бажариш орқали асли генетик мавжуд бўлган фикрий фаолиятни ўзлаштириш; креатив ўқув-тарбиявий муҳитнинг ташкил этилишига эътибор қаратилган ҳолда ривожлантирувчи, “бойитилган” таълимни ҳамда ўқувматериали мазмуни ва ўқув жараёнини ташкил этиш шакллари ўзгарадиган қўшимча машғулотлар ўтказиш борасидаги таклифлар баён этилади. Жумладан, диалог, мунозара, баҳс, суҳбат, фантазия, изланишли,муаммоли, иштирокчилик дарслари, моделлаштириш, бадиий-техник, кичик кашфиётлар яратиш, иншолар ёзиш, солномалар тузиш, ишбоп ўйинлар самарадорлиги эътироф этилади.

Тадқиқотчи ўқувчилар ижодий фаолиятини ривожлантиришда, айниқса, педагогик ўйинлар катта аҳамият касб этиши ҳақида қуйидагича сўз юритади: “Айнан шундай ўйинлар воситасида катталар ва кичиклар ўртасида мулоқот ўрнатилади. Бу мулоқотлар шахсий ёндашув асосида қурилиши керак. Ўқитувчи болани фақат ўқувчи деб эмас, балки бир бутун шахс, ўзига хос инсон деб ёндашуви лозим. Ўйинларда боланинг шахсий сифатлари бойиб, ўқувчилар ижодий фаолиятларини ташкил этишда муҳим ўрин тутадиҳамда хулқидаги ижобий қирралар ривожланади, ижодий тасаввур машқлари воситасида кузатувчанлик, хотира, диққатни кучайтириш имкони туғилади, психологик тўсиқлар бартараф этилади” [9]. Бундай ёндашувларга матн тузиш, шарҳли иншо, техник моделларни конструкциялаш, расмлар чизиш кабиларни киритади.

Ҳ.Бакиеванинг илмий изланишларида узлуксиз таълим тизимида тил ва нутқни фарқлаб ўрганиш, она тили дарсларида нутқни ҳамда ижодий тафаккур интеграциясини таъминловчи билим, кўникма ва малакаларни шакллантириш, нутқий билим, кўникма ва малакаларни узвийлик ва узлуксизликда, она тили сатҳлараро алоқадорликда изчил ривожлантириш масалалари таҳлилга тортилган.

Хулоса қилиб айтганда педагог ва психолог олимлар бошланғич синфларнинг она тили таълимида оммавий ахборот воситалари, турли расмлар, ўқитувчи нутқи, радио эшиттиришлари, телекўрсатувлар, ахборот технологиялари ва атроф-муҳитни кузатишдан ўқув материали сифатида унумли фойдаланиш ўқувчилар нутқи ва тафаккурини ривожлантириш, дунёқарашини шакллантириш, ҳис-туйғусини тарбиялаш, тил ҳодисаларининг хусусиятларини англатишда муҳим ўрин тутишини исбодлаши ижобий ҳол ҳисобланади.

**Адабиётлар**

1. Ильин Е.П. Психология творчества, креативности, одарённости. –Питер: 2009, -С. 300.
2. Рогов Е.П. Настольная книга практического психолога: Учеб. пособие. –М.: ВЛАДОС, 2000. -С.377.
3. Пономарев Я.А. Психология творческого мышления. -М.: Ж Изд-во АПН РСФСР, 1960. –С. 352.
4. Клег Б. Интенсивный курс по развитию творческого мышления. –М.: ООО “Астрель”, 2004. -С.292.
5. Боно Э. Серёзное творческое мышление. –Мн.: ООО “Попурри”, 2005. –С. 416.
6. Эргашев П.С., Анварова Д.М., Джумабаева М.Б. Тафаккур креативлигини ривожлантиришнинг амалий имкониятлари: янгича ёндашув зарурати хусусида айрим мулоҳазалар. Замонавий таълим/Современное образование. –Тошкент: 2014, №1.
7. Стоюнин В.Я.Избранные педагогическое сочинения. –М.: Педагогика, 1991. -С. 361.
8. Hasanboyev J. va boshqalar. Pedagogika (pedagogika nazariyasi va tarixi). Oliy o'quv yurtlari uchun darslik. -Toshkent: “Noshir”, 2011. 294-b.
9. Болтаева Ш. Бошланғич таълимда ўқувчилар ижодий фаолиятини ривожлантиришнинг ташкилий-педагогик асосларини такомиллаштириш. Пед.фан. бўй. фалс. докт. (PhD). –Самарқанд: 2019. 36-б.

**РЕЗЮМЕ**

Мақолада Ўзбекистон ва дунё олимларининг ўқувчиларда ижодий тафаккурни ривожлантиришга доир билдирган фикрларига бошланғич синфларнинг “Она тили” дарси мисолида муносабат билдирилади.

**РЕЗЮМЕ**

В статье приводятся мнения учёных Узбекистана, а также всемирно известных учёных по вопросам развития творческого мышления у учащихся начальных классов на примере урока по предмету “Родной язык”.

**SUMMARY**

The article contains the opinions and statements of well-known scientists of Uzbekistan and other countries on the issues of development of creative thinking of pupils of primary schools on the example of a lesson in the subject «Mother tongue».

# МЕКТЕП ГЕОГРАФИЯ ПӘНИНИҢ МЕТОДИКАЛЫҚ МАШҚАЛАЛАРЫ

**Р.Баллиева** - *география илимлериниң кандидаты,профессор*
*Бердақ атындағы Қарақалпақ мәмлекетлик университети*
**Р.Т.Гайпова** – *педагогика илимлериниң кандидаты, доцент*
*Әжинияз атындағы Нөкис мәмлекетлик педагогикалық институты*
**С.А.Есбергенова** - *оқытыўшы*
*Өзбекстан Республикасы ИИМ Қарақалпақ академиялық лицей*

**Таянч сўзлар:** география, табиат, география дарсликлари, компетенция, табиий география, таълим.
**Ключевые слова:** география, природа, учебники географии, компетенция, физическая география, образование.
**Key words:** geography, nature, textbooks in geography, competence, physical geography, education.

Кейинги жыллары билимлендириў системасына үлкен итибар қаратылып, «Билимлендириў» ҳаққындағы Нызам ҳәм «Кадрлар таярлаў миллий дәстүри» және де байытылып, өзгерислер киритилмекте. Әлбетте, бул өзгерислердиң қурамына улыўма билим беретуғын орта мектеплерде тәлим-тәрбияның сапасын жақсылаў, мектеп сабақлықларының мазмун жағынан заманға сай етип қайта ислеп шығыў мәселелери қойылмақта.

Президентимиз Ш.М.Мирзиёев турмысымыздың дерлик барлық тараўларына тереӊ итибар қаратып, төмендеги пикирлерди билдирген еди: «Бүгин биз мәмлекетлик ҳәм жәмийетлик турмыстың барлық тараўларын түп-тийкарынан жаңалаўға қаратылған инновациялық раўажланыў жолына өтпектемиз. Жаңа пикир, жаңа идеяға, инновацияға сүйенген мәмлекет утады. Инновация - бул келешек дегени» [1].

Демек, бүгинги дәўир жаңа әўлад сабақлықларына да, соның ишинде география сабақлықларына инновациялық мүнәсибетте болыў, жаңаша, илимий көзқарасларды басшылыққа алған қатнаста болыўымызды талап етеди. Себеби, сапалы сабақлық - бул келешек әўладтың география илими нәтийжели билим алыўға дерек.

Улыўма билим беретуғын орта мектеплердиң оқыў процесин жақсылаўдың баслы факторы мектеп оқыў дәстүри ҳәм соған сәйкес оқыўлықлардың дөретилиўи болып есапланады. Бул дәстүр ҳәм оқыўлықлар бала жасына қарап дүзилиўи керек.

Тилекке қарсы, ҳәзирги мектеп ушын шығарылған география оқыўлықлары оқыўшыларға қыйын ҳәм түсиниксиз түрде жазылмақта. География пәни мектеп пәнлериниң арасында романтикаға бай болған, оқыўшы тәбият, тәбияттың сырлы процесслери, материклердиң тәкрарланбайтуғын өзгешеликлери, саяхатшылар ҳәм олардың ер жүреклилиги, халықлар олардың салт-дәстүрлери, қалалар ҳәм т.б қызықлы мағлыўматлар менен танысқанында ериксиз түрде саяхат қылыўды, өз көзлери менен дүнья әжайыплылығын көриўди ҳәм түсиниўди қәлейди. Себеби, география дегенде ҳәмме усындай географияны көз алдына келтиреди.

Улыўма билим беретуғын орта мектеплердиң география сабақлықларында избе-излик, бир-бири менен байланыслылықтың жоқлығы оқыўлық мазмунының сайыз болыўына себепши болады. Сабақлық мазмунындағы ең үлкен кемшилик – бул география пәниниң екиге, яғный тәбийғый география ҳәм экономикалық географияға бөлип жазылыўы. (Бул аўқам дәўириндеги географияның дифференциясыўының даўамы) Оқыўшылар 5–7-классларда тәбийғый географияға, 8–9-классларда болса экономикалық географияға тийисли курсларды үйренеди. Мысалы, 6-класта “Материклер ҳәм океанлар тәбийғый географиясы” курсында тийисли материклердиң тәбияты айырым түрде, яғный материклердиң тәбияты сол материкте жайласқан мәмлекетлердиң экономикасынан, халықтың социаллық турмысынан ажыратылған жағдайда үйрениледи. Оқыўшылар болса материктиң тәбияты менен бирге сол материктеги қандай мәмлекетлер барлығы, мәмлекеттиң пайтахты ҳәм ири қалалары, бул мәмлекет неси менен атақлы, халқы қанша ҳәм олар не менен бәнт екенлигин билиўге кызығады. Тек 9-класқа келип, яғный 3 жылдан кейин “Жәҳәнниң социаллық-экономикалық география” курсына тийисли материклердеги мәмлекетлердиң экономикасы ҳәм халқының социаллық турмысы үйрениледи. Ол әдетте, сол материктиң тәбиятынан ажыратылған жағдайда өтиледи.

7-класс “Орта Азияның тәбийғый географиясы” курсында сол үлкениң тек тәбияты үйренилсе, 9-классқа келип Орайлық Азия мәмлекетлериниң экономикасы ҳәм халқы өтиледи. Сондай-ақ, 7-класс “Өзбекстан тәбийғый географиясы” курсында мәмлекетимиздиң тек тәбияты үйренилсе, 8-класс “Өзбекстан экономикалық ҳәм социаллық географиясы” курсында мәмлекетимиз экономикасы ҳәм халқының социаллық турмысы айырым түрде өтиледи.

Географияны бундай үйрениў жоқары оқыў орынларында орынлы болыўы мүмкин, бирақ мектеп географиясын бундай тақылетте үйрениў үйренилип атырған географиялық объектти пүтинлигинше ойлаўға, ол ҳаққында тутас түрдеги мағлыўмат алыўға имканият бермейди. Оқыўшыларда географиядан турмыслық көнликпелерди қәлиплестириў, өзлигин аңлаған жағдайда географиялық билимлерди саналы түрде өзлестириўи ушын тәбийғый географиялық ҳәм экономикалық географиялық билимлер айырым ажыратылған жағдайда емес, бәлким компетенциялық қатнас жасаған жағдайда бул билимлер биргеликте берилиўи керек. Бир географиялық объектти екиге бөлип, түрли ўақытларда емес, бәлким бир ўақытта тутас халда, толық үйренилгенде ғана билим тараўы нәтийжелилиги артады. Буның ушын географияға гуманитарлық көзқараста қараў керек. Себеби, илимге болған усы сыяқлы қатнас инсанның кирип келиўине жол ашқан болар еди. Сабақлықларда «тәбият пенен жәмийет арасындағы байланыслар», «инсан факторы», «инсан талабы» деген сөзлерди ушыратамыз, бирақ бирде-бир оқыўлықта инсанды ушыратыў мүмкин емес. Буның баслы себеби, география инсансыз географияға айланған. Географиялық қабықта, тири организмлер жасайтуғын қабық «биосфера» деп аталып, ҳайўанат ҳәм өсимликлер дүньясы ҳаққында уғымлар да географияда үйрениледи, бирақ инсанға орын жоқ. Себеби, мектеп сабақлықларында ноосфера қабығы ҳаққында сөз етилмейди. Мектеп географиясында мәдeнияt мәселеси үйренилмейди. 6-7- классларда үйренилиў тарийхы бөлиминде, 6-класста «үйрениў тарийхы» делинген, 7-класс географиясында «тексерилиў тарийхы» деп берилген.

Мазмуны жағынан қурамалы етип дүзилген өзбек тилинде жазылған мектеп география сабақлықлары оқыўшылар ушын түсиниксиз болып қалмай, оқытыўшы ушын да түсиниксиз болып қалмақда. Бул жерде оқытыўшы мектеп сабақлықларында берилген теманы дәстүрде ҳәм китапта берилгендей етип түсиндирсе, онда оқыўшылар ушын түсиниў қыйын, оқыўшыларға түсиникли қылып муғаллим тәрепинен түсиндирилгени менен үйге берилген тапсырма сабақлық бойынша таярланады. Соның ушын, оқыўшыларда жаңылысыўлар болғанлықтан сол пәнге деген қызығыўшылығыда пәсейеди. Ал, өзбек тилинде жазылған мазмуны қыйын сабақлықлар тәлим қарақалпақ тилинде оқытылатуғын қарақалпақ класслары ушын қарақалпақ тилине аўдарылғанда, буннан да бетер

қурамаласады.

Сабақлықлардағы буннан басқа үлкен кемшиликлердиң бири-бул аўдарма мәселеси. Мәмлекетимиз көп миллетли республика. Бул миллетлердиң көпшилигине ана тилинде оқыўға мүмкиншилик туўдырылған. Буның ушын өзбек тилинде жазылған сабақлықлар, сол миллет тиллерине аўдарылады. Сондай-ақ, қарақалпақ класслары ушын өзбек тилинде жазылған барлық география сабақлықлары аўдармаланған. Қарақалпақ класслары ушын тийкарғы өзбекше сабақлықлардағы кемшиликлер биринши машқала болса, қарақалпақ тилиндеги надурыс аўдарылған сабақлықлар екинши машқала болмақта.

Қарақалпақ классларына арналған сабақлықлардың барлығын кәнигелиги географ болмаған басқа да кәнигелердиң аўдарыўы нәтийжесинде ҳәм де географиялық тил менен жазылмаған. Буның нәтийжесинде сабақлықта географиялық илимий тил стили жоғалған. Аўдармашы өз бетинше ҳәр қыйлы мағлыўматлар, сөзлер қосыў менен бирге аўдарыўы қурамалырақ болған текстлерди таслап кеткен. Демек, кеширип болмайтуғын қәтеликлерге жол қойылған. Бул жерде авторлық ҳуқық бузылыўы менен бир қатарда, оқыўшылар ушын географиялық түсиникти келтирип шығармайтуғын, мазмунсыз мағлыўматлар, түсиниксиз текстлер оқыўшыларды география сабағына қызығыўын төменлетиў менен бир қатарда оларды тәбият ҳәм оның нызамлылықларын қәте түсиниўи менен бирге жасларымыздың саўатсызлығына алып келеди.

Олимпиада ҳәм ҳәр қыйлы «билимлер беллесиўи» жарысларында, тест сынақларында да усы сыяқлы қәтелер менен бериледи. Бирақ, олимпиадада өзбек класслар менен қарақалпақ класслар биргеликте тапсырмаларды орынлаған жағдайда жүдә көплеген тартыслы жағдайларға алып келеди.

Оқыўлықлардағы қәтеликлердиң жол қойылыўдың биринши себеби, географиялық сабақлық Нөкисте емес Ташкент ўәлаятында басылып шығылыўы себебинен оған итибардың жоқлығы. Сондай-ақ,бүгинги күнниң өзинде бул кемшиликлерди сапластырыў бойынша әмелий ҳәрекетлер болмай атырғанлығын ашынарлы жағдай деп баҳалаўға болады.

Мектепте география сабақлықларын ҳәм мектеп география пәнлерин оқытыў бойынша бир қанша усынылслар берип өтпекшимиз:

- бириншиден, сабақлықты жазыўда оқыўшының жасы ҳәм психофизиологиялық өзгешелигин, руўхыятын есапқа алыўы ҳәм айырым темалар эпиўайыластырылыўы яки биротала алып тасланыўы зәрүр. Буның ушын авторлар улыўма билим беретуғын орта мектеплерге барып сабақ өтиўи, ҳәзирги заман оқыўшысының психологиялық климатын үйрениўи тийис болады;
- екиншиден, раўажланған мәмлекетлерде улыўма билим беретуғын орта мектеплериниң оқыўшылары ушын география сабақлықлары қалай жазылғанын үйрениўимиз, улыўмалық унамлы ҳәм қолайлы тәреплерин қабыл етиўимиз керек. Мысалы, Россия, АҚШ, Қытай мәмлекетлеринде шыққан сабақлықлардан үлги сыпатында алып, жаңа сабақлықларды тек ғана өзимиздиң мәмлекетимиздиң емес, жәҳән стандартларына сай етип жазғанымыз дурыс болады;
- үшиншиден, сабақлықларды шығарыўда таңлаўларды реал түрде өткериў ҳәм бир неше вариантта жазылған сабақлықлардан биреўин экспертлердиң қупыя түрде таңлап алыўына мүмкиншиликлер бериўи керек;
- төртиншиден, автор, редактор, рецензент ортасында күшли байланыс болыўы тийис. Атап айтқанда, көпшилик қәте-кемшиликлер редактордың айыбы менен жүз бермекте. Ҳәзирги редакторлар корректор ўазыйпасында атқармақта;
- бесиншиден, улыўма орта билим бериў мектеплеринде географияны оқытыўдың жаңаша бағдарламасын қабыл етиўимиз тийис.

**Әдебиятлар**

1. Мирзиёев Ш.М. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017-йил 7-февралдаги ПФ-4947 сонли “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги фармони.-Т.: “Адолат” 2017, 25-б.

2. O’zbekiston Respublikasining «Ta`lim to’g`risida» gi Qonuni /Barkamol avlod/ -O’zbekiston taraqqiyotining poydevori. -T.: “O’zbekiston”, 1997, 20-29-b.

3. O’zbekiston Respublikasining – «Kadrlar tayyorlash Milliy dasturi» /Barkamol avlod – O’zbekiston taraqqiyotining poydevori.-T.: “O’zbekiston”, 1997. 316-b.

4. Umumiy o‘rta ta’limning tabiat va geografiya fanidan davlat ta’lim standarti (5 – 9 -sinflar). –Toshkent: 2017.

5. 5-10-класс география пәни сабақлықлары.

**РЕЗЮМЕ**

Мазкур мақолада умумий ўрта таълим мактабларида география фанининг муаммолари ва география фани дарслиги ҳақидаги фикрлар ўз ифодасини топган.

**РЕЗЮМЕ**

В статье освещаются некоторые проблемы в преподавании предмета “География” в общеобразовательных школах. Рассматриваются также недостатки имеющие место в учебниках по географии.

**SUMMARY**

The article is devoted to the discussion of some problems in teaching the subject «Geography» at general educational schools. The author of the article points to some shortcomings in textbooks in Geography.

## СТИЛЬ ПЕДАГОГИЧЕСКИХ ВЗАИМООТНОШЕНИЙ БУДУЩЕГО УЧИТЕЛЯ АНГЛИЙСКОГО ЯЗЫКА

**У.Ш.Байманова** – *докторант*

**Р.Е.Бердимуратова** – *старший преподаватель*

*Международный казахско-тюркский университет имени Х.А.Яссави*

**Таянч сўзлар:** педагогика, психология, ўқитувчи, нутқ, филология, лингвистика, услублар.

**Ключевые слова:** педагогика, психология, преподаватель, речь, филология, лингвистика, методы.

**Key words:** pedagogy, psychology, teacher, speech, philology, linguistics, methods.

Совершенствование педагогического мастерства будущего учителя тесно связано с постоянным стремлением к пополнению активного словарного запаса. Безусловно, большой запас активной лексики письменного языка влияет на престиж устной речи, различные экспрессивные и коммуникативные особенности. Для поднятия культуры устной речи важно всегда, и во взаимоотношениях с друзьями, важно стремиться сохранить нормы литературного языка, правильно, свободно и понятно говорить, бороться с чуждыми современному литературному языку словами и словосочетаниями. Чтение классической художественной литературы тоже приносит огромную пользу. Если речь педагога культурна, этична, правильна и не допускает ошибок в ударениях, то восприятие и усвоение информации

учениками облегчается. Он должен говорить простым, доступным языком, а заимствованные слова употреблять только при крайней необходимости.

Недостатки в речи педагога, неправильно поставленное ударение, невнимательность при употреблении окончаний отвлекают внимание учеников от основного содержания слова, потому что они невольно вынуждены обращать внимание на эти недостатки и могут неправильно понять основную суть изложенного. Сила воздействия слова педагога на уместную речь, то есть выбор средств языка связана, соответственно, с составом слушателей, темой рассказа, сообщения, урока, их содержанием, воспитательной, эстетической и другими функциями речи.

При передаче знаний и их усвоении учениками облечается точность содержания сказанного. Один и тот же текст может быть понятным для десятиклассников, а ученикам младших классов представить некоторую трудность для восприятия. И изложение учебного материала, и беседы, и речь учителя в повседневных отношениях, её языковое строение, выбор слова связаны с возрастом, знаниями учеников, их психическими состояниями.

Педагог, начиная с первых занятий нового ученика должен обратить особое внимание на его психические особенности, уметь распознавать его характер, темперамент, человечность, интеллектуальность и эстетичность чувств, интересы и потребности, способы, изменчивость настроения, лидерские качества, виновность и способность к аффекту.

Учитывая психологические качества личности очень ценно умение выбирать место и время для проведения бесед с воспитываемыми, это очень важно при необходимости беседы о предупреждении совершения ими недостатков, анализа их добропорядочности, вопросов воспитания. Для одних требуется беседа при участии всей группы, для других необходима беседа с глазу на глаз. Беседа может проводиться в официальной обстановке (во время учебных занятий, групповых собраний) или во время каникул, в выходные дни или в любое другое свободное время.

Очень сильна важность слова учителя при оценке действий ученика или в другое время, при анализе недостатков и достижений урока. Конечно, беседа должна проходить без повышения голоса, в спокойной обстановке; тем не менее, при произнесении одобрительных слов или при анализе определённых поступков полезно некоторое повышение тона. По положению, при проявлении эгоизма, признаков «звёздной болезни», при противопоставлении себя всей группе виновный должен чувствовать в голосе учителя сильную обиду или недовольство, не должен допускать грубых слов при беседе. Способ проведения беседы зависит и от психического состояния студента, которое тесно связано с различными ситуациями: неудачи на соревнованиях, неприятные вести ...

Культура речи учеников зависит от совместимости речи и действий, т.е. одновременно показывать и объяснять задание, при этом чтобы не пострадало качество его выполнения. С каждым словом наравне идет определенный жест. При изложении учебного материала нельзя применять слишком много жестов. Излишнее жестикулирование руками не оставляют хороших впечатлений, оно уменьшает коммуникативное воздействие слова, потому что, отвлекает учеников от усвоения знаний. Учитель, когда хочет обратить внимание на свою речь и если они (указательные знаки, объем, длина) помогают визуально представить, то в определенное время, повышая силу голоса, жесты, движения тела может придать речи красочности. Выражение вольных и невольных движений учителя связано с его внутренними переживаниями. Умение держать себя во время соревнования, не показывать ученикам свое внутреннее состояние – это тоже требует не мало мастерства и является очень важным фактором в воспитательном процессе. Жесты и мимика в действиях влияют на нервную систему ученика.

В процессе взаимоотношений педагога и ученика коммуникативные средства играют главную роль в передаче внутренних переживаний.

Психологическое отношение для человека выражается традиционно, потому что, в отношениях между людьми реализуются жизненные ценности, мировоззрение и нравственные нормы личности. Совокупность относительно устойчивых приёмов организации взаимоотношений, направленных на поиск решения коммуникативных обязанностей для личности называется стилем отношений. По сходству с руководством людьми, группой, которое предполагает три стиля руководства: демократический, авторитарный и либеральный, многие авторы во взаимоотношениях профессии педагога тоже выделяют эти три стиля.

Поэтому, можно применить понятия – стиль педагогических отношений, стиль руководства учителя группой. Стили, исследующие вопросы руководства группой с психологического аспекта характеризуются следующим образом.

1. Демократический, его особенность в том, что каждый член коллектива должен принимать участие в анализе обязанностей перед коллективом и совместно принимать определенное решение. В действиях ведущего угадывается требовательность и доверительность.

2. Авторитарный (его ещё называют и автократическим), в отношениях ведущего и подчинёнными преобладают строгие приёмы руководства.

*3.* Либеральный.

Знания студентов о таких стилях руководства отражаются в ходе педагогической практики и анализируются формы работы. Его содержание передаётся следующим образом:

*Авторитарный стиль (характеристика):*

1.Общая характеристика особенностей взаимоотношений и коммуникативных действий: взаимоотношения специалиста английского языка основаны на подавлении свободы и инициативы. Любит бепрекословное повиновение «железной» дисциплине. Не позволяет свободно анализировать задания. Старается не прислушиваться мнению группы. Чаще имеет авторитет в качестве деятеля, реже в качестве личности. Активно организовывает деятельностные взваимоотношения учеников, а на их личные взаимоотношения не обращает внимания. Он уверен в том, что понимает учеников, но не может правильно представить себе взаимоотношения в группе.

2. Особенности языковых взаимоотношений: чаще обращается к ученикам по одиночке, чем к целой группе. Отделяет технически слабых учеников. Чаще использует строгую и язвительную интонации голоса. Чаще встречаются вопросы и претензии по видам взаимоотношений.

3. Особенности личных качеств: самооуверенный, требовательный к людям, серьёзный, скромный, шумный.

*Демократичный стиль (характеристика):*

1. Особенности взаимоотношений и общая характеристика коммуникативной деятельности. Взаимоотношения построены на основе уважения личности. При анализе заданий дает свободу действий. Понимает личные взаимоотношения учеников. Совместную работу с правилами «Кто с кем хочет быть?» организовывает, сначала, на основе взаимных

симпатий.

2. Особенности языковых симпатий. Личные качества поведения отличаются требовательностью по отношению к себе и другим, тактичностью. Характеристика демократичного стиля: держит себя самоуверенно, но доброжелательно. Полностью контролирует группу, замечает ошибку каждого. Часто исправляет их в виде конкретных указаний. Тембр голоса нормальный, сочувственный. Горячность и самоотдача учителя просматривается во время перемены между упражнениями и во время беседы после занятия. Педагог использует множествао приемов обращения вимания: конкретные сообщения и замечания. Если педагог серьезный и тактичный, то и ученики стараются выполнять все его требования с усердием.

*Либеральный стиль (характеристика):*

1. Характеристика особенностей взаимоотношений и общих коммуникативных действий: дает свободу в выборе упражнения и нагрузки. Старается дать ученику автономию.

2. Особенности языковых особенностей: при уделении внимания к урокам выбирает технически сильных учеников. По сравнению с другими стилями организующих сведений в два раза больше.

3.Особенности личностных качеств: верный, скромный, тактичный, не обидчивый, простой во взаимоотношениях.

Стиль педагогических взаимоотношений будущего учителя формируется в первые годы педагогической деятельности на основе устойчивости характера личности. По причине отсутствия основных навыков педагогических взаимоотношений и сейчас используется авторитарный подход в организации взаимоотношений с учениками. Если педагогический коллектив, где начинает свой трудовой путь молодой специалист, оказывается творческим, а наставник опытным педагогом, то процесс формирования самого продуктивного стиля педагогических взаимоотношений пройдет без трудностей.

**Литература**


1. Таубаева Ш. Научные основы формирования исследовательской культуры учителя общеобразовательный школы. Дисс…д.п.н.: 28.11.01. – Алматы: 2001. –С. 370.
2. Беркимбаев К.М. Болашақ экология мамандарын кәсиби даярлаудағы информатикалық пәндерди оқыту үдерисиниң педагогикалық жүйеси. Пед. ғыл. докт. дисс....-Түркистан: 2007, 44- б.
3. Абилкасымова А.Е. Студенттердиң танымдық изденимпаздығын қалыптастыру. Монография. - Алматы: «Билим», 1994. 192-б.
4. Кенжебеков Б.Т. Теоретико–методологические основы профессионального развития личности современного педагога. – Алматы: «Ғылым», 2002. –С. 48.
5. Кеңесбаев С.М. Жоғары педагогикалық билим беруде болашақ мұғалимдерди жаңа ақпараттық технологияларды пайдалана билуге даярлаудың педагогикалық негиздери. Пед. ғыл. докт. дисс.... -Түркистан: 2006, 312- б.



**РЕЗЮМЕ**

Мазкур мақолада бўлажак инглиз тили ўқитувчисининг педагогик мулоқоти услуби, ўзаро алоқа қилиш характери ва коммуникатив фаолияти хусусиятлари ёритилган. Талабалар билан мулоқот қилиш жараёнида ўқитувчи сўзининг самарадорлиги унинг педагогик тажрибасини акс эттириши, унинг психологик, филологик, лингвистик тайёргарлигини, талаблар билан алоқа қила олиш маданиятини, ақлий савиясини кўрсатиши баён қилинади.

**РЕЗЮМЕ**

В статье рассматриваются вопросы педагогического стиля общения будущего учителя английского языка, особенности взаимодействия и общие характеристики коммуникативной деятельности. Эффективность слов учителя в его работе со студентами отражает глубокое понимание его опыта в области педагогики, психологии, филологии, лингвистики, практического опыта обучения студентов, его интеллекта и культуры речи.

**SUMMARY**

The article deals with the pedagogical style of communication of the future English teacher, the peculiarities of interaction and general characteristics of communicative activity. The effectiveness of the words of the teacher in his work with students reflects a deep understanding of his experience in the field of pedagogy, psychology, philology, linguistics, practical experience in teaching students, his intellect and culture of speech.


## МАКТАБ ЎҚУВЧИЛАР ЖИСМОНИЙ ТАЙЁРГАРЛИГИНИНГ ЙИЛЛИК ДИНАМИКАСИ


**Ҳ.З.Бахриддинов -** *мустақил изланувчи*

*Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университети*



**Таянч сўзлар:** жисмоний маданият, жисмоний тарбия, жисмоний фазилатлар, тезлик, куч, чидамлилик.

**Ключевые слова:** физическая культура, физическое воспитание, физические качества, скорость, сила, выносливость.

**Key words:** physical culture, physical education, physical qualities, speed, strength, endurance.


Мамлакатимиз ва ҳориж олимларининг илмий-услубий адабиётларини ўрганиш шундан далолат берадики, умумтаълим мактабларида жисмоний тарбиянинг олиб борилиши бўйича қатор илмий изланишлар олиб борилган. Жумладан, Т.С.Усманходжаев, В.К.Бальсевич, В.А.Богданова ва бошқаларнинг ишларини мисол тариқасида келтириш мумкин.

Жаҳоннинг етакчи таълим муассасалари, асосан, умумий ўрта таълим мактабларидаги жисмоний тарбия машғулотлари жараёнида ўқувчиларнинг саломатлигини сақлаш ва мустаҳкамлашга қаратилган таълим муҳитини таъминлайдиган чоралар мажмуаси, саломатлик ва соғлом турмуш тарзи қадриятини шакллантирувчи шароитларни ташкил этишга қаратилган муаммолар ўрганиб келинмоқда.

Аммо мазкур тадқиқот мавзуси доирасида айрим методик тавсияларни инобатга олмасак, ўқувчилар соғлиғини мустаҳкамлаш муаммосини ҳал этишга бағишланган алоҳида монографик тадқиқот амалга оширилмаган, бўлади.

**Тадқиқотнинг мақсади:** 14-15 ёшли мактаб ўқувчилари жисмоний тайёргарлигининг йиллик динамикасини аниқлаб, уларнинг жисмоний тарбия дарсларида умумий жисмоний тайёргарлиги йиллик динамикасини ўрганиш.

**Тадқиқот усуллари:** илмий-услубий адабиётлар таҳлили, анкета сўровнмаси, педагогик кузатув, педагогик тестлаш, математик-статистик таҳлил.

**Тадқиқотни ташкиллаштириш:** Тадқиқотлар Тошкент шаҳар Миробод туманидаги 125, 214, 218-умумтаълим мактаблари, Юнусобод туманидаги 105-умумтаълим мактаби, Наманган вилояти Поп туманидаги 1, 4, 6, 37 ва 38-умумтаълим мактаблари, Чуст туманидаги 43-умумтаълим мактабида таҳсил олувчи ўқувчилар ўртасида ўтказилган. Тадқиқотларда 500 дан ортиқ мактаб ўқувчилари иштирок этган.

**Ўтказилган тадқиқот натижалари ва муҳокамаси.**

Тезлик жисмоний сифатини ўрганиш бўйича умумтаълим мактабларида таълим олувчи 14 ёшли ўқувчиларнинг 60 м масофага югуриш назорат

машқлари натижалари ўқув йили бошида ўртача 11,6±1,3 сонияга тенг бўлган бўлса, ўқув йили оҳирида бу кўрсаткич ўртача 11,3±1,1 сонияга тенг (V%9,7). Бу ёшдаги ўқувчиларнинг тезлик сифатлари жисмоний тайёргарлик натижаларининг йиллик ўсиши фарқи 0,3 см.га тенглигини аниқланди (7,41%). Кўрсаткичлар орасидаги статистик фарқлар ишончлилиги мавжуд эмас (p>0,05) (1-жадвалга қаранг).

Тезкор-куч жисмоний сифатини аниқлаш бўйича назорат машқларидан теннис тўпини улоқтириш машқининг йил бошидаги ўртача 28±3,1 м га ва ўқув йили охирида 29,5±2,0 м га тенг натижаси жисмоний тайёргарлик ҳолати аниқланди. Мазкур аниқланган натижалар “Алпомиш” ва “Барчиной” тест меъёрлари талабларига жавоб бермайди.

Чидамлилик сифатининг ривожланганлик ҳолатини аниқлаш бўйича ўтказилган назорат тестлари натижаси 2000 м га югуришда а йил бошида ўртач 11,5±1,4 дақиқа, бўлган бўлса, йил охирига келиб бу натижалар 11,2±1,2 дақиқа, демак 0,3 фарқи билан 7,39% га ошганлиги кузатилди (p>0,05).

Югуриб келиб узунликка сакраш назорат машқлари 9 синф ўқувчиларида ўқув йили бошида 175±9,74 см бўлган бўлса, йил охирида 185±7,59 см га яни 5,71% ўсганлиги аниқланди.

Турникда тортилиш назорат мезонларидаги натижалар ўқув йили бошида 4±0,86 марта бўлган бўлса, йил оҳирига келиб бу натижалар 5±0,63 мартага етга, тортиниш 1 та фарқи билан 125% ортганлиги аниқланди. Кўрсаткичлар орасидаги статистик фарқ ишончлилиги йўқ (>0,05).

"Алпомиш" ва "Барчиной" махсус тестларидаги турган жойидан узунликка сакраш машқларида бўйича йил бошида 145±5,95 см, йил охирида 155±4,81 см натижалар кўрсатилди.

**1-жадвал**

**14 ёшдаги мактаб ўқувчиларининг жисмоний тайёргарлигининг йиллик динамикаси (n=267)**

| Т/р | Назорат машқлари ва ўлчам бирлиги | *ЎЙБ* | | *ЎЙО* | | *Фарқи* | *%* | *t* | *p* |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | *X±α* | *V%* | *X±α* | *V%* | | | | |
| 1. | 60 м га югуриш (с) | 11,6±1,3 | 11,2 | 11,3±1,1 | 9,7 | 0,3 | 7,41 | 1,14 | >0,05 |
| 2. | 2000 м га югуриш (дақиқа) | 11,5±1,4 | 12,1 | 11,2±1,2 | 10,7 | 0,3 | 7,39 | 1,14 | >0,05 |
| 3. | Турникда тортилиш (марта) | 4±0,86 | 21,5 | 5±0,63 | 12,6 | 1 | 125 | 1,14 | >0,05 |
| 4. | Югуриб келиб узунликка сакраш (см) | 175±9,74 | 5,5 | 185±7,59 | 4,1 | 10 | 5,71 | 1,14 | >0,05 |
| 5. | Жойдан узунликка сакраш (см) | 145±5,95 | 4,1 | 155±4,81 | 3,1 | 10 | 6,89 | 1,14 | >0,05 |
| 6. | Теннис тўпини улоқтириш (метр) | 28±3,1 | 11,0 | 29,5±2,0 | 6,7 | 1,5 | 5,35 | 1,14 | >0,05 |

**Изоҳ:** *ЎЙБ – ўқув йили бошида, ЎЙО – ўқув йили охирида.*

Юқори синф ўқувчиларининг жисмоний тайёргарлиги бўйича ёш хусусиятларини таҳлил қилиш ва 9-синф ўқувчиларининг чидамлилик қобилиятларини ўрганиш учун 2000 м. масофага югуриш назорат тест синовлари қабул қилинди, бу назорат тест натижаларига кўра ўқув йили бошида ўртача 11,1±1,2 дақиқага (V%10,8), ўқув йили охирида 10,9±0,91 дақиқага ўзгарганлигини аниқланди (V%8,3).

Умумтаълим мактабларидаги жисмоний тайёргарлик даражаси ҳар хил бўлган 15 ёшли ўқувчиларнинг 60 м масофага югуриш назорат машқлари натижалари ўқув йили бошида ўртача 11,2±1,1 сонияга тенг бўлган бўлса, ўқув йили охирида бу кўрсаткич ўртача 11,0±0,89 сонияга тенг бўлди (V%8,0). Ўқувчиларнинг жисмоний тайёргарлик натижаларига кўра тезлик сифатлари йиллик ўсиши фарқи 0,2 см га тенглиги аниқланди (8,21%). Йил боши ҳамда йил охиридаги натижалар орасида статистик фарқлар ишончлилиги мавжуд эмас (p>0,05), (2-жадвалга қаранг).

**2-жадвал**

**15 ёшдаги мактаб ўқувчиларининг жисмоний тайёргарлигининг йиллик динамикаси (n=248)**

| Т/р | Назорат машқлари ва ўлчам бирлиги | ЎЙБ | | ЎЙО | | Фарқи | % | t | p |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | *X±α* | V% | X±α | V% | | | | |
| 1. | 60 м.га югуриш (с) | 11,2±1,1 | 9,0 | 11,0±0,89 | 8,0 | 0,2 | 8,21 | 1,14 | >0,05 |
| 2. | 2000 м.га югуриш (дақиқа) | 11,1±1,2 | 10,8 | 10,9±0,91 | 8,3 | 0,2 | 8,19 | 1,14 | >0,05 |
| 3. | Турникда тортилиш (марта) | 4±0,96 | 24 | 5±0,75 | 15 | 1 | 125 | 1,14 | >0,05 |
| 4. | Югуриб келиб узунликка сакраш (см) | 170±8,42 | 4,9 | 190±6,24 | 3,2 | 20 | 1,76 | 1,14 | >0,05 |
| 5. | Жойдан узунликка сакраш (см) | 150±5,74 | 3,8 | 160±3,85 | 2,4 | 10 | 6,66 | 1,14 | >0,05 |
| 6. | Теннис тўпини улоқтириш (метр) | 30±2,4 | 8 | 33,4±1,1 | 3,4 | 2 | 1,33 | 1,14 | >0,05 |

**Изоҳ:** *ЎЙБ – ўқув йили бошида, ЎЙО – ўқув йили охирида.*

"Алпомиш" ва "Барчиной" махсус назорат тестларига кўра 9-синф ўқувчиларида югуриб келиб узунликка сакраш натижалари йил бошида 170±8,42 см. бўлган бўлса, йил оҳирида 190±6,24 см етди га 20% яъни ўсиш кузатилди.

Турникда тортилиш бўйича назорат тестларидан қуйидаги натижалар олинди. Ўқув йили бошида 4±0,96 марта, ўқув йили охирида 5±0,75 марта, ишончлилик (p>0,05) тенг.

Ҳар хил даражадаги индивидуал қобилият ва тайёргарликка эга бўлган 15 ёшли ўқувчилардан теннис тўпини улоқтириш назарот машқлари қабул қилинганда, ўқув йили боши ва охиридаги натижалар 30±2,4 м дан 33,4±1,1 м га ортган (V%3,4). Кўрсаткичлар орасидаги статистик фарқи ишончлилиги мавжуд эмас.

Турган жойидан узунликка сакраш назорат машқлари 9 синф ўқувчиларининг таҳлили ўқув йили бошида 150±5,74 см, йил оҳирида 160±3,85 см. натижалар билан бажаришди. Ўқувчиларнинг тезкор-куч сифатлари жисмоний тайёргарлик натижаларининг йиллик ўсиши фарқи 10 см.га ортганлиги аниқланди (p>0,05) тенг.

**Хулосалар:** Ўтказилган илмий-услубий адабиётлар таҳлили натижаларига кўра 5-9-синфларда ўтказиладиган жисмоний тарбия дарслари жараёнида ўқувчи-ларни ҳаракат амалларига ўргатиш ва жисмоний қобилиятларини ривожлан-тиришда қўлланиладиган восита ва усулларни шуғулланувчиларнинг ёш хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда ишлаб чиқиш зарурати юзага келган.

Жисмоний тайёргарлиги ҳар хил бўлган ўқувчиларига жисмоний тарбия дарсларини ўтишда уларнинг саломатлигини сақлаш ва умумий жисмоний тайёргарлигини мустаҳкамлашга қаратилган услубият ишлаб чиқиш керак.

**Адабиётлар**


1. Антонюс Д. Влияние дифференцированных режимов двигательной активности на физическую подготовленность и физическое развитие подростков, обучающихся в школах различного типа. Дис. канд. пед. наук. – М., 1991. – 246 с.
2. Бальсевич В.К., Лубышева Л.И. Физическая культура: молодежь и современность //Теор. и практ. физ. культ, - Т., 1995.
3. Богданова В.А. Дифференцированный подход в физкультурном образовании младших школьников. Автореф. дис. кан.

пед. наук. Тюмень, 2001. - 22 с.
4. Гончарова О.В. Болалар жисмоний сифатларини тарбиялаш. – Т.: Ilmiy texnika axboroti press nashriyoti, 2018. – 204 б.
5. Горский М.Г. Адаптация учащихся младших классов в школе средствами акцентированного двигательного режима: Автореф. дис. канд. пед. наук. – Екатеринбург, 1993. – 22 с.
6. Губа В.П. Оценка физического развития детей по данным морфологических наблюдений // Теория и практика физической культуры, №3. – М., 1998. – С. 32-33.
7. Гужаловский А.А. Развитие двигательных качеств у школьников. – Минск: Нар.расцвета, 1978. – С. 88.
8. Лях В.И. Сенситивные периоды развития координационных способностей детей в школьном возрасте // Теория и практика физической культуры, -№ 3. – М., 1990. – С.15-17.
9. Сухарев А.Г. Здоровье и физическое воспитание детей и подростков // Школа здоровья, №1. – М., 1998. Т.4. – С. 7 - 14.
10. Усманходжаев Т.С. Научно-педагогические основы физического совершенствования детей в связи с их двигательной активностью. Автореф. дис. д-ра пед. наук. – Т., 1995. – 42 с.

**РЕЗЮМЕ**

Ушбу мақолада 14-15 ёшдаги мактаб ўқувчиларининг тезкорлик, кучлилик, тезлик ва чидамлилик каби жисмоний хусусиятларининг йиллик динамикаси кўриб чиқилади.

**РЕЗЮМЕ**

В этой статье рассматривается годовая динамика физических характеристик, таких как ловкость, сила, скорость и выносливость среди старшеклассников в возрасте 14-15 лет

**SUMMARY**

The article examines the annual dynamics of physical characteristics of students aged 14-15 in high school, such as speed, strength, speed, strength and endurance.

## 5-7-СИНФ ЎҚУВЧИЛАРИ УМУМИЙ ЖИСМОНИЙ ТАЙЁРГАРЛИГИНИНГ ЙИЛЛИК ДИНАМИКАСИ

**Ҳ.З.Бахриддинов** - *мустақил изланувчи*
*Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университети*

**Таянч сўзлар:** жисмоний тайёргарлик, тезлик, куч, тезкор куч, чидамлилик, жисмоний сифатлар.
**Ключевые слова:** физическая подготовка, скорость, сила, скоростно-силовой, выносливость, физические качества.
**Key words:** physical, training, speed, strength, speed-strengthening, endurance, physical qualities.

Бугунги кунда асосий эътибор жаҳонда таълимни модернизациялаш, шахсни маънавий ва жисмоний ривожлантириш ҳамда таълим жараёнининг сифатини оширишга йўналтирилганлиги билан аҳамиятлидир. Хорижий мамлакатларда жисмоний тарбия дарсларини ўқитиш самарадорлигини ошириш бўйича махсус дастурлар ишлаб чиқилган. Хусусий мактабларда эса ўқув дастурларини танлаш давлат мактабларига нисбатан эркин бўлганлиги сабабли турли педагогик муқобилларнинг апробацияси ўтказиб турилади.

Соғломлаштиришга йўналтирилган жисмоний тарбия дарсларини ташкиллаштириш муаммолари Д.Антонюс, М.Г.Горский ва бошқаларнинг тадқиқотларида ўрганилган.

Бошланғич синф ўқувчиларининг жисмоний тайёргарлигида ёш хусусият-ларининг таҳлили А.А.Гужаловский, В.И.Лях, А.Г.Сухарев, В.П.Губа, С.С.Тажибаев, О.В.Гончарова ва бошқаларнинг ишлари орқали ўрганилди.

Жаҳоннинг етакчи таълим муассасаларида, асосан, умумий ўрта таълим мактабларида ўқувчиларининг жисмоний тарбия машғулотлари жараёнида ўқувчилар-нинг саломатлигини сақлаш ва мустаҳкамлашга қаратилган таълим муҳитини таъминлайдиган чоралар мажмуаси саломатлик ва соғлом турмуш тарзи қадриятини шакллантирувчи шароитларни ташкил этишга қаратилган муаммолар ўрганиб келинмоқда.

Аммо мазкур тадқиқот мавзуси доирасида айрим методик тавсияларни инобатга олмасак, ўқувчилар соғлиғини мустаҳкамлаш муаммосини ҳал этишга бағишланган алоҳида монографик тадқиқот амалга оширилмаган.

**Тадқиқотнинг мақсади:** 11-13 ёшли мактаб ўқувчиларининг жисмоний тайёргарлигининг йиллик динамикасини аниқлаш.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

**Тадқиқот объекти:** 11-13 ёшли мактаб ўқувчиларининг жисмоний тарбия дарси жараёни.

**Тадқиқот предмети:** 11-13 ёшли мактаб ўқувчиларининг жисмоний тарбия дарсларида умумий жисмоний тайёргарлигининг йиллик динамикасини ўрганиш.

**Тадқиқот усуллари:** илмий-услубий адабиётлар таҳлили, анкета сўровномаси, педагогик кузатув, педагогик тестлаш, математик статистик таҳлил.

**Тадқиқотни ташкиллаштириш:** Тадқиқотлар Тошкент шаҳар Миробод туманидаги 125, 214, 218-умумтаълим мактаблари, Юнусобод туманидаги 105-умумтаълим мактаби, Наманган вилояти Поп туманидаги 1, 4, 6, 37, ва 38-умумтаълим мактаблар, Чуст туманидаги 43-умумтаълим мактабида таҳсил олувчи ўқувчилар ўртасида ўтказилган. Тадқиқотларда 800 дан ортиқ мактаб ўқувчилари иштирок этган.

**Ўтказилган тадқиқот натижалари ва муҳокамаси.**

Умумтаълим мактабларида таҳсил олувчи 11 ёшли ўқувчиларнинг 60 м.га масофага югуриш бўйича натижалари ўқув йили бошида 12,3±1,3 сонияга тенг бўлган (1-жадвалга қаранг). Ўқув йили оҳирида эса бу кўрсаткич ўртача 12,2±1,1 сонияга тенг. Ушбу ёшдаги ўқувчиларнинг жисмоний тайёргарлик натижаларининг йиллик ўсиши фарқи 0,1 см.га тенглигини аниқланди (9,18%). Кўрсаткичлар орасидаги статистик фарқлар ишончлилиги мавжуд эмас (p>0,05).

**1-жадвал**

**11 ёшдаги мактаб ўқувчиларининг жисмоний тайёргарлигининг йиллик динамикаси ( n=256)**

| Т/р | Назорат машқлари ва ўлчам бирлиги | *ЎЙБ* | | *ЎЙО* | | *Фарқи* | *%* | *t* | *p* |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | *X±σ* | *V%* | *X±σ* | *V%* | | | | |
| 1. | 60 м.га югуриш (с) | 12,3±1,3 | 10,5 | 12,2±1,1 | 9,0 | 0,1 | 9,18 | 1,14 | >0,05 |
| 2. | 1500 м.га югуриш (с) | 10,20±0,59 | 5,7 | 10,08±0,51 | 5,0 | 0,12 | 8,82 | 1,35 | >0,05 |
| 3. | Турникда тортилиш (марта) | 3±0,44 | 14,6 | 4±0,40 | 10 | 1 | 3,33 | 1,24 | >0,05 |
| 4. | Югуриб келиб узунликка сакраш (см) | 140±8,51 | 6,0 | 150±7,12 | 4,7 | 10 | 7,14 | 1,67 | >0,05 |
| 5. | Жойдан узунликка сакраш (см) | 120±6,24 | 5,2 | 130±5,56 | 4,2 | 10 | 8,33 | 1,53 | >0,05 |
| 6. | Теннис тўпини улоқтириш (метр) | 16±1,2 | 7,5 | 17±1,0 | 5,8 | 1 | 6,25 | 1,21 | >0,05 |

**Изоҳ:** *ЎЙБ – ўқув йили бошида, ЎЙО – ўқув йили охирида.*

Куч сифатининг ривожланганлик ҳолатини аниқлаш бўйича ўтказилган тестлаш натижаси турникда тортилиш шартларида ўртача 3±0,44 марта йил бошида бўлган бўлса, йил оҳирига келиб бу натижалар 1 та фарқи билан 4±0,40 та тортиниши кузатилди ва 3,33% га ортди.

Жойдан туриб узунликка сакраш назорат машқида йил бошида ўртача 120±6,24 см.га ва ўқув йили оҳирида 130±5,56 см натижаси жисмоний тайёргарлиги аниқланди. Мазкур аниқланган натижалар “Алпомиш” ва “Барчиной” тест меъёрлари талабларига жавоб бермайди.

6-синф ўқувчиларининг 1500 м. масофага югуриш назорат тест натижаларини ўқув йили бошида ўртача 10,14±1,1 сонияга V%10,57, ўқув йили оҳирида 10,08±0,59 сонияга ўзгарганлигини аниқланди V%10,5 (2-жадвалга қаранг). 1500 м. масофага югуриш назорат машқларидаги кўрсаткич орасидаги статистик фарқи ишончлилиги йўқ (p>0,05).

**2-жадвал**

**12 ёшдаги мактаб ўқувчиларининг жисмоний тайёргарлигининг йиллик динамикаси (n=272)**

| Т/р | Назорат машқлари ва ўлчам бирлиги | *ЎЙБ* | | *ЎЙО* | | *Фарқи* | *%* | *t* | *p* |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | *X±σ* | *V%* | *X±σ* | *V%* | | | | |
| 1. | 60 м.га югуриш (с) | 12,1±1,7 | 14,0 | 12,0±1,5 | 12,5 | 0,1 | 9,17 | 1, 24 | >0,05 |
| 2. | 1500 м.га югуриш (с) | 10,14±1,1 | 10,8 | 10,08±0,59 | 5,8 | 0,06 | 9,40 | 1,41 | >0,05 |
| 3. | Турникда тортилиш (марта) | 4±0,56 | 14 | 5±42 | 8,4 | 1 | 125 | 1,25 | >0,05 |
| 4. | Югуриб келиб узунликка сакраш (см) | 150±7,45 | 4,9 | 164±6,32 | 3,8 | 14 | 9,33 | 1,69 | >0,05 |
| 5. | Жойдан узунликка сакраш (см) | 120±6,58 | 5,4 | 124±5,35 | 4,3 | 4 | 3,33 | 1,49 | >0,05 |
| 6. | Теннис тўпини улоқтириш (метр) | 17±1,5 | 8,8 | 18,5±1,2 | 6,4 | 1,5 | 8,82 | 1,85 | >0,05 |

**Изоҳ:** *ЎЙБ – ўқув йили бошида, ЎЙО – ўқув йили охирида.*

Югуриб келиб узунликка сакраш назорат машқлари 12 ёшли ўқувчиларда йил бошида 150±7,45 см. бўлган бўлса, йил оҳирида 164±6,32 см.га 9,33% ўсганлигини кўриш мумкин. Ўқувчилардан теннис тўпини улоқтириш назарот машқлари қабул қилинганда 17±1,5 м.дан 18,5±1,2 м.га ортган V%10,64.

Алпомиш ва Барчиной махсус тестларида 1500 м. масофага югуриш шартларида 10,00 дақиқа, югуриб келиб узунликка сакрашда 160 см, теннис тўпини улоқтиришда эса 20 м. ҳисоб бўлган бўлса, ўқувчилар ушбу шартларни ўқув йили оҳирида 1500 м. масофага югуриш шартларида 10,08 дақиқа, югуриб келиб узунликка сакрашда 164 см, теннис тўпини улоқтиришда эса 18,5 м. натижалар билан бажаришди. Кўрсаткичлар орасидаги статистик фарқи ишончлилиги мавжуд эмас.

**3-жадвал**

**13 ёшдаги мактаб ўқувчиларининг жисмоний тайёргарлигининг йиллик динамикаси (n=312)**

| Т/р | Назорат машқлари ва ўлчам бирлиги | ЎЙБ | | ЎЙО | | Фарқи | % | t | p |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | X±σ | V% | X±σ | V% | | | | |
| 1. | 60 м.га югуриш (с) | 11,6±1,8 | 15,5 | 11,4±1,6 | 14,0 | 0,2 | 8,27 | 1,35 | >0,05 |
| 2. | 2000 м.га югуриш (с) | 11,5±1,3 | 11,3 | 11,3±1,1 | 9,7 | 0,2 | 8,26 | 1,54 | >0,05 |
| 3. | Турникда тортилиш (марта) | 4±0,76 | 19 | 5±0,55 | 11 | 1 | 125 | 1,95 | >0,05 |
| 4. | Югуриб келиб узунликка сакраш (см) | 160±8,75 | 5,4 | 168±6,32 | 3,7 | 8 | 105 | 1,62 | >0,05 |
| 5. | Жойдан узунликка сакраш (см) | 145±6,80 | 4,6 | 155±5,12 | 3,3 | 10 | 6,89 | 1,35 | >0,05 |
| 6. | Теннис тўпини улоқтириш (метр) | 27±2,2 | 8,1 | 28±2,0 | 7,1 | 1 | 3,70 | 1,46 | >0,05 |

**Изоҳ:** *ЎЙБ – ўқув йили бошида, ЎЙО – ўқув йили охирида.*

Умумтаълим мактабларида таҳсил олувчи 13 ёшли ўқувчиларнинг 2000 м. масофага югуриш бўйича натижалари ўқув йили бошида 11,5±1,3 сонияга тенг бўлган (3-жадвалга қаранг). Ўқув йили оҳирида эса бу кўрсаткич 11,3±1,1 сонияга тенглиги аниқланди. 13 ёшдаги ўқувчиларнинг жисмоний тайёргарлик натижаларининг фарқи 0,2 см.га тенглигини аниқланди (8,26%).

Югуриб келиб узунликка сакраш назорат машқлари 7 синф ўқувчиларда ўқув йили бошида 160±8,75 см. бўлган бўлса, йил оҳирида 168±6,32 см.га 105% ўсганлигини кўриш мумкин.

Турникда тортилиш назорат мезонларидаги натижалари ўқув йили бошида 4 марта бўлган бўлса, йил оҳирига келиб бу натижалар 5 марта тортиниш 1 та фарқи билан 125% ортганлиги аниқланди. Кўрсаткич орасидаги статистик фарқи ишончлилиги йўқ (>0,05).

**Хулосалар:** Ўтказилган илмий-услубий адабиётлар таҳлили натижаларига кўра 5-9-сифнларда ўтказиладиган жисмоний тарбия дарслари жараёнида ўқувчи-ларни ҳаракат амалларига ўргатиш ва жисмоний қобилиятларини ривожлан-тиришда қўлланиладиган восита ва усулларни шуғулланувчиларнинг ёш хусусиятлари-дан келиб чиққан холда ишлаб чиқиш зарурати юзага келган.

Алпомиш ва Барчиной махсус назорат меърларида 1500 м. масофага югуришда 10,00 дақиқа, югуриб келиб узунликка сакрашда 160 см, теннис тўпини улоқтиришда эса 20 м. ҳисоб бўлган бўлса, ўқувчилар ушбу назорат меъёрларини ўқув йили оҳирида 1500 м. масофага югуриш шартларида ўртача 10,08 дақиқа, югуриб келиб узунликка сакрашда ўртача 164 см, теннис тўпини улоқтиришда эса ўртача 18,5 м. натижалар билан бажаришди. Кўрсаткичлар орасидаги статистик фарқи ишончлилиги мавжуд эмас.

Жисмоний тайёргарлиги ҳар хил бўлган ўқувчиларига жисмоний тарбия дарсларини ўтишда уларнинг саломатлигини сақлаш ва умумий жисмоний тайёргарлигини мустаҳкамлашга қаратилган услубият ишлаб чиқиш керак.

**Адабиётлар**


1. Антонюс Д. Влияние дифференцированных режимов двигательной активности на физическую подготовленность и физическое развитие подростков, обучающихся в школах различного типа. Дис. канд. пед. наук. – М., 1991. – 246 с.
2. Бальсевич В.К., Лубышева Л.И. Физическая культура: молодежь и современность //Теор. и практ. физ. культ, - Т., 1995.
3. Богданова В.А. Дифференцированный подход в физкультурном образовании младших школьников. Автореф. дис. кан. пед. наук. Тюмень, 2001. - 22 с.
4. Гончарова О.В. Болалар жисмоний сифатларини тарбиялаш. – Т.: Ilmiy texnika axboroti press nashriyoti, 2018. – 204 б.
5. Горский М.Г. Адаптация учащихся младших классов в школе средствами акцентированного двигательного режима: Автореф. дис. канд. пед. наук. – Екатеринбург, 1993. – 22 с.
6. Губа В.П. Оценка физического развития детей по данным морфологических наблюдений // Теория и практика физической культуры, №3. – М., 1998. – С. 32-33.

7. Гужаловский А.А. Развитие двигательных качеств у школьников. – Минск: Нар.расцвета, 1978. – С. 88.
8. Лях В.И. Сенситивные периоды развития координационных способностей детей в школьном возрасте // Теория и практика физической культуры, -№ 3. – М., 1990. – С.15-17.
9. Сухарев А.Г. Здоровье и физическое воспитание детей и подростков // Школа здоровья, №1. – М., 1998. Т.4. – С. 7 - 14.
10. Тажибаев С.С. Ўсмир яккакурашчиларнинг комплекс тайёргарлигида ҳаракатли ўйинларни қўллаш методикасининг илмий-педагогик асослари. Пед...фан..док. дисс. Чирчиқ – 2019 й. 270 бет.
11. Усманходжаев Т.С. Научно-педагогические основы физического совершенствования детей в связи с их двигательной активностью. Автореф. дис. д-ра пед. наук. – Т., 1995. – 42 с.

**РЕЗЮМЕ**

Мазкур мақолада умумтаълим мактабларида таҳсил олувчи 11-13 ёшли мактаб ўқувчиларининг тезлик, куч, тезкор-куч, чидамлилик каби жисмоний сифаталрининг йиллик динамикаси ўрганилган.

**РЕЗЮМЕ**

В данной статье рассматривается годовая динамика физических характеристик учащихся в возрасте 11-13 лет в старших классах в школе, таких как скорость, сила, скорость, сила и выносливость.

**SUMMARY**

The article examines the annual dynamics of physical characteristics of students at the age of 11-13 in high school, such as speed, strength, speed, strength and endurance.

## АСТРОНОМИЯ КУРСИНИ ЎҚИТИШ ЖАРАЁНИДА ПЕДАГОГИК ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИНГ ЎРНИ ВА АҲАМИЯТИ

**М.Ешбаева** - *ассистент ўқитувчи*
*Ажиниёз номидаги Нукус давлат педагогика институти*

**Таянч сўзлар:** ноанъанавий дарс, астрономия курси, педагогик жараён, ижод, ақлий ҳужум, портфолио, назария, тажриба, муаммо.

**Ключевые слова:** нетрадиционный урок, курс астрономии, педагогический процесс, творчество, мозговой штурм, портфолио, теория, эксперимент, проблема.

**Key words:** non-traditional lesson, astronomy course, pedagogical process, creativity, brainstorming, portfolio, theory, experiment, problem.

Ўзбекистон инновацион ривожланиш турининг ҳозирги замон моделига ўтиш учун ҳамма зарур шартларга эга. Бу модель вужудга келтирилган илмий-техникавий салоҳиятдан кенг ва самарали фойдалинишга, фундаментал ва амалий фан ютуқларини, чуқур илм талаб қиладиган технологияларни амалиётга кенг жорий этишга, юқори малакали, иқтидорли илмий кадрлар сонини кўпайтиришга асосланади. Бу мамлакатимиз жаҳондаги иқтисодиёт ва саноат ривожланган давлатлар қаторига кириб боришининг зарур шарти ва мустаҳкам пойдевори бўлиб хизмат қилади [1].

Мамлакатимиз таълим ва кадрлар тайёрлаш тизимида амалга оширилаётган янгиланиш жараёнлари, кадрлар тайёрлаш тизими ва мазмунини мамлакатнинг ижтимоий ва иқтисодий тараққиёти истиқболлари, жамият эҳтиёжлари, фан, маданият, техника ва технологиянинг замонавий ютуқлари асосида ривожлантириш борасидаги ислоҳотлар астрономия курсини ўқитиш сифатининг оширилиши, узлуксиз таълимнинг ўқув-лаборатория жиҳозлари билан таъминланиши, ўқув дастурлари, ўқув-услубий адабиётлар мазмунининг янгиланиши, ўқув жараёнига инновацион таълим технологияларининг кенг жорий этилишини таъминламоқда. Шу билан бирга астрономия курсини ўқитишда методик тизимнинг амалиёт билан боғлиқлик даражасини кучайтириш заруратини кўзга ташланмоқда. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида «сифатли таълим хизматлари имкониятларини ошириш, меҳнат бозорининг замонавий эҳтиёжларига мос юқори малакали кадрлар тайёрлаш, замонавий ўқув-лаборатория асбоблари, компьютер техникаси ва ўқув-методик қўлланмалар билан жиҳозлаш» каби устувор вазифалар белгиланган [2].

Шунинг учун ҳам ҳозирги кунда таълим жараёнида интерфаол методларни қўллашга, яъни ўқитишнинг ноанъанавий турига бўлган талаб борган сари ортиб бормоқда.

Олий таълим муассасаларида педагогик технологиянинг қўлланилиши масаласи энг долзарб вазифалардан бири бўлиб, бундан мақсад таълим жараёнида юқори самарадорликка эришиш ва талабаларнинг фанларни мукаммал ўзлаштиришга кафолатланган замин яратишдир. Бу борада интерфаол усулларнинг қўлланилиши алоҳида аҳамият касб этади, чунки тажрибалардан айнан ушбу усулларнинг самарадорлиги ўта юқори эканлиги аниқланган. 5110200 – Физика ва астрономия ўқитиш методикаси бакалавриат йўналишлари талабаларига астрономия фанларини (умумий астрономия, космонавтика асослари, астрофизика) ўқитишда бундай усулларнинг қўлланилиши янада аҳамиятли. Чунки улар келгусида ўзлари ҳам иш фаолиятларида мазкур фанлар бўйича умумий ўрта таълим мактаблари ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими ўқувчиларига дарс бера олиш тажриба ва кўникмаларига эга бўлишлари шарт.

Педагогик технологияларнинг асосий моҳияти таълимда талабаларга билим бериш ва шу билимларни тўлиқ ўзлаштиришга кафолат беришдир. Олий таълим муассасаларида педагогик технология асосида ўқитишда энг асосий талаб, талабаларнинг ҳаётий тажрибаси аввал ўзлаштирган билимлари ва қизиқишлари асосида билим беришни кўзда тутади.

Педагогик технологиялар моҳият-эътибори жиҳатдан бошқа технологиялар билан бир сафда туради, чунки улар ҳам бошқалар қатори ўз хусусий соҳасига, услублари ва воситаларига эга. Бироқ педагогик технология инсон онги билан боғлиқ билимлар соҳаси сифатида мураккаб ва ҳаммага ҳам тушунарли бўлмаган педагогик жараённи ифода этиши билан ишлаб чиқариш ва ахборотли технологиялардан ажралиб туради [3:15].

Технология (юнонча “techne” – маҳорат, санъат; “logos” – тушунча, таълимот) – ишлаб чиқаришнинг бирор соҳасида хомашё, материал, ярим фабрикат ва шу кабиларга ишлов бериш ёки қайта ишлаш, уларнинг ҳолати, хоссалар ва шаклини ўзгартиришда қўлланиладиган усуллар мажмуи.

Педагогик технология назарияси ўтган асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб асосланиб келинаётган бўлсада, айнан “педагогик технология” тушунчасига нисбатан турлича ёндашувлар мавжуд [10:10]. Хусусан, педагог олим В.П.Беспалько педагогик технологияни “амалиётга тадбиқ қилинадиган муайян педагогик тизим лойиҳаси” дея таърифлайди ҳамда асосий диққатни ўқув-педагогик жараённи олдиндан лойиҳалашга қаратади [5:6]. Н.Ф.Талызина эса педагогик технологияни “фан ва амалиёт оралиғида муайян тамойилларни олға сурувчи методлар ишлаб чиқарувчи, уларни изчил қўллаш каби масалаларни ҳал этишга йўналтирилган мустақил фан” бўлиши лозимлигини қайд этади [9:13].

Астрономия курсини ўқитиш жараёнида амалий

машғулотларнинг самарадорлигини ошириш муаммоси мураккаб ва кўп қирралидир. Уни ҳал этиш амалий машғулотларни ўтказишнинг турларига хос бир қатор хусусиятларини ҳисобга олишни тақозо этади. Шулардан энг муҳими, назарий билимларни амалда текшириб кўриш орқали, талабаларни ижодкорлик қобилиятларини ошириш ҳисобланади. Назарий билимларни мустаҳкамлаш мақсадида амалий машғулотларда педагогик технологиялардан фойдаланиб, талабаларнинг ижодкорлик ва билим фаоллигини ошириш муаммосини ҳал этиш мумкин.

Астрономия ўқитувчиси дарс самарадорлигига эришиш учун ижодкорлик тамойилига амал қилиш керак. Бунда ўқитувчи ҳар доим ўз талабасининг сиймосида таъсир этувчи объектни эмас, балки ижодий жараёнда иштирок этувчи ҳамкорни ҳис этган ҳолда фаолият кўрсатиши керак. Мазкур тоифадаги ўқитувчилар ўз талабаларини ҳамкорлик, суҳбат жараёнига муваффақиятли ҳолда жалб қила олади. Акс ҳолда самарали педагогик жараёнга эришиб бўлмайди. Дарснинг самарали бўлишини таъминлаш учун талабалар хилма-хил фаолиятга жалб қилиниши керак. Амалий фаолият билан боғлиқ турли муаммоларни ечишда талабаларнинг эпчиллик, ишбилармонлик, тадбиркорлик сифат, уларнинг ижодкорлик қобилияти муҳим аҳамият касб этади [7:78].

Психологларнинг фикрича, ҳар бир инсон ўзида бирор жараённи тушуниш эҳтиёжини сезгандан бошлаб турли кўринишда фикрлай бошлайди. Фикрлаш ўз навбатида муаммо ва жумбоқ, тажжубланиш ёки ҳайратланиш шаклида келиб чиқади. Шахснинг кенг маънодаги жадал фикрлаш жараёнига жалб қилиниши, шу каби муаммоли вазият билан аниқланади, бу жараён доимо бирор-бир муаммони, вазифани ечимини топишга қаратилган бўлади [6:174].

Тадқиқотларимизда талабаларнинг базовий фанлардан (математика, физика, кимё, биология ва бошқалардан) билим даражасининг пастлиги, астрономиядан техник воситалар ва моддий шароитни талаб даражасида эмаслиги аниқланди.

Шуни ҳам таъкидлаш лозимки, ҳар қандай технология негизида меҳнат фаолияти кўринишида жамоавий таъсир ётади. Талабаларнинг билимдонлигини оширишда билим олиш йўллари, ўқув меҳнати кўникмаларининг шаклланганлигини тақозо этади. Ҳозиргача амалиётда мазкур кўникмалар ўқитувчиларнинг назарида четда қолмоқда, аммо бу кўникмаларни таълим жараёнида шакллантириш, кейинчалик ўз устида ишлаш орқали ривожлантириш мумкинлигини фундаментал тадқиқотлар асосида назарий асосланган ва амалиётда синалган.

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда астрономия курсидаги амалий машғулотга педагогик технологияларни қўллаган ҳолда ўтказиладиган дарсларни намуна тариқасида қуйидагича режалаштирилиши мумкин, бунда ушбу кетма-кетликнинг барча мавзуларда бажарилиши мажбурий эмас. Мавзунинг хусусиятидан келиб чиққан ҳолда усуллар ва уларнинг кетма-кетлиги танланади.

1. Ўқитувчи ўқув жараёнида ташаббусни ўз қўлига олган ҳолда, гуруҳнинг барча талабаларига мавзуга оид саволлар беради. Бу машқни «Ақлий ҳужум» шаклида ўтказиш мумкин.

«Ақлий ҳужум» гуруҳлараро ишларда қўлланиладиган, кўплаб ғояларни ишлаб чиқиш мумкин бўлган усул. Ўқитувчи мавзу ёки саволни ажратиб олиши ва тўғри савол қўйиш зарур. Бунда ғояни тақдим этаётган пайтда сўзловчининг гапини бўлмаслик, барча ғояларни айтишга руҳсат бериш ва фикрини шарҳламаган ҳолда тахтага ёзиб бориши керак.

*Саволлардан намуналар*

1. Бир орбитада бир нечта космик жисмлар бўлиши мумкинми?

(Жавоб: Бундай жисмлар умумий масса марказлари атрофида айланувчи икки массив жисмларнинг Лагранж нуқтаси деб аталадиган нуқталарида кузатилади. Сатурннинг Тефеясининг орбитасида икки йўлдош: Телесто ва Калипсо ҳаракатланади. Кичик сайёраларнинг икки гуруҳи Юпитер орбитасида жойлашган. 10 астероид (греклар) Юпитер олдида унинг орбитаси бўйича ва 5 астероид (троянлар) унинг изида)

2. Қайси осмон жисмларини кузатиш ёруғлик тезлигини ҳисоблашда асос бўлди?

(Жавоб: 1676 йили даниялик астроном О.Ремер биринчи марта Юпитернинг йўлдоши Ионинг тутилишини кузатиб ёруғлик тезлигини аниқлаган. Ернинг Қуёш атрофида айланиши натижасида юлдузлар ёруғликнинг абберация ҳодисасидан 1727 йили инглиз астрономии Брадлей ёруғлик тезлигини аниқлашда фойдаланган)

3. Коинотдан келувчи қандай нурни космик нур деб атайди?

(Жавоб: Космик нур деганимиз – бу Ерга коинотдан келувчи заррачалар оқими. Уларнинг таркиби: 90% - протонлар, 7% - алфа заррачалар, 1% - электронлар ва бир фоиздан кам миқдорда оғир элементлар ядролари. Космик нурларнинг корпускулаларининг орасида катта 10 ГэВ энергияга эга нурлар ҳам учрайди. Космик нурлар Қуёшда ва бошқа юлдузларда. Ўта янги юлдузларнинг портлашида, Галактика марказида ҳосил бўлади) [4]

2. «ФСМУ» технологияси савол-жавоб ўтказишда, мунозарали масалаларни ҳал этишда назарий саволларга жавоб топиш жараёнини баҳс-мунозарали ўтказишда қўлланилади. Бу технология талабаларни ўз фикрини ҳимоя қилишга, эркин фикрлашга, очиқ баҳслашишга, ҳамда шу билан бирга баҳслашиш маданиятини ўргатади.

*Саволлардан намуналар*

1. Қандай осмон жисмларини бир вақтнинг ўзида кичик ва катта космик жисмлар дейиш мумкин?

(Жавоб: Кометалар Қуёш тизимида кичик жисмлар. Кометанинг қаттиқ ядросининг диаметри 1-10 км атрофида. Аммо, Қуёшга яқин келганида кометани кўрчаб олувчи газ-шанг атмосфераси Қуёш диаметрига ёқин бошни ҳосил қилади. Қуйруғининг узунлиги бир астрономик бирликка етиши мумкин)

2. Қандай космик жисм Ерга энг яқин нейтрино манбаи бўлиб ҳисобланади?

(Жавоб: Ерга энг яқин нейтрино манбаи – Қуёш. Қуёшдан келадиган нейтрино оқими жуда кучли, бир секунд ичида инсон танасидан 10 нейтрино ўтади

3. Қандай кимёвий элементлар ўз номларини осмон жисмларидан олган?

(Жавоб: Қуйидаги элементлар ўз номларини осмон жисмларидан олган: гелий Гелиостан – Қуёш, селен Селенадан – Ой, теллур Теллусдан – Ер, уран, нептуний ва плутоний Уран, Нептун ва Плутон (кичик сайёра) сайёраларидан, палладий ва церий катта астероидлар Паллада ва Церерадан) [4].

3. «Елпиғич» технологиясидан фойдаланиб – талабаларда:

- ишга ижодий ёндашиш;
- муаммога диққатини жамлай олиш;
- муросали қарорларни топа олиш маҳоратини ошириш мумкин.

Бу технология талабалар томонидан осон қабул қилинади, чунки у талабалар тажрибасидан фойдаланишни кўзда тутади, фаол ижодий изланиш ва фикрий тажриба ўтказиш имкониятларига эга.

Бундай дарслар:

- талабани дарс давомида бефарқ бўлмасликка, мустақил фикрлаш, ижод этиш ва изланишга мажбур этиши;
- талабаларни ўқув жараёнида билимга бўлган қизи-

қишларини доимий равишда бўлишини таъминлаш;

- педагог ва талабанинг ҳамиша ҳамкорликдаги фаолиятини шаклланиши;

- талабада ҳар бир масалага ижодий ёндашиш, маъсулятни сезиш, илмий адабиётлардан унумли фойдаланишга, энг асосийси, ўқишга, фанга, ўзи танлаган касбига бўлган қизиқишларини кучайтиради.

Талабаларнинг тадқиқотчилик фаолияти бошланишида "Портфолио" муҳим роль ўйнайди. "Портфолио" итальян тилидан таржима қилганда "ҳужжатлар йиғма жилди, мутахассис йиғма жилди" – деган маънони беради. Портфолио бу асосан, талабанинг ўз имкониятларини намойиш қилиш учун мўлжалланган ишлар тўплами бўлиб, унинг асосий мазмуни – талабага барча имкониятлардан фойдаланиш, унинг касбий ва ақлий ўсишига кўмаклашишидан иборат.

Портфолионинг бир қанча турлари мавжуд бўлиб, биринчи тури – талабанинг эришган натижалари портфолиоси. У уч қисмдан иборат бўлиши мумкин:

1. Ҳужжатлар қисмига – ўқишдаги ва иш жараёнидаги шахсий ютуқлари киради (ёрлиқ, диплом, сертификат, гувоҳномалар). Бу талабанинг эришган натижаларга баҳо бериш имкониятини яратади.

2. Ишлар қисими – бу талабанинг ижодий, тадқиқот ва лойиҳа ишларининг тўплами, унинг ўқув ва ижодий фаолияти йўналишлари ифодаланади.

3. Бажарилган ишлар тўғрисида фикрлар қисми – бу талабанинг турли фаолиятга бўлган муносабатининг ёзма таҳлили (тест хулосалари, тақризлар, резюме ва бошқалар) йиғиб борилади [8:64].

Портфолионинг иккинчи тури – рефлексив портфолио бўлиб, у талабанинг касбий ривожланиши динамикасини ўзида жамлайди. Унда талабанинг ўз ишига берган баҳоси ва ўқув ишларининг натижалари, жараёни ва мақсадлари таҳлиллари ўрин олади.

Портфолионинг учинчи тури – муаммолар портфолиоси. Унда маълум бир муаммони ечиш мақсадида тўпланган маълумотлар, муаммони ечиш жараёни ва натижалари йиғиб борилади. Бундай портфолиода маълумотларни қуйидаги йўналишлар бўйича йиғиб бориш тавсия этилади:

- муаммони ўрганиш учун адабиётлар рўйхати;
- кичик мавзулар, муаммо кўлами, тадқиқот режаси;
- муҳокамадаги нуқтаи назарлар;
- ҳаволалар, афоризмлар;
- бошқа фанлар доирасидаги интеграция;
- тадқиқот натижалари асосида хулоса ва тавсиялар;
- тадқиқот усуллари;
- башоратлар ва бошқалар.

Бундай портфолиоларга материал йиғиш ва уни тизимга келтириш талабага нафақат ишни етарли даражада бажаришга имконият беради, балки уларнинг қизиқишларини илмий даражагача кўтаради.

Портфолионинг тўртинчи тури – мавзувий, бирорта катта мавзуни ўрганиш жараёнида яратилади. Бундай портфолиода асосан ўрганилаётган мавзу бўйича қўшимча адабиётлардан олинган маълумотлар, қўшимча манбалар, мавзуга оид муаммоли вазиятлар яратиш учун тўпланган маълумотлар ўрин олади [3:89].

Хулоса қилиб айтганда, ўқитишнинг самарасини оширишга ёрдам берувчи педагогик технологиялар талабаларда мантиқий, ақлий, ижодий, танқидий, мустақил фикрлашни шакллантиришга, қобилиятларини ривожлантиришга, изланишга илмий адабиётлардан унумли фойдаланишга, рақобатбардош етук мутахассис бўлишларига ҳамда касбий фазилатларини тарбиялашга ёрдам беради.

**Адабиётлар**

1. Каримов И.А. «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида. Хавсизликка таҳдид шартлари ва тараққиёт кафолатлари. –Т.: «Ўзбекистон». 1997.

2. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Респбуликасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини "Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили"да амалга оширишга оид Давлат дастурини ўрганиш бўйича илмий-услубий рисола. –Т.: "Маънавият", 2017, 322-б.

3. Азизходжаева Н.Н. Педагогик технологиялар ва педагогик маҳорат. – Т.: Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси Адабиёт жамғармаси, 2006. 159-б.

4. Бакулин П.И., Кононович Э.В., Мороз В.И. Курс общей астрономии. -М.: «Наука», 1977, -С. 544.

5. Беспалько В.П. Слагаемые педагогические технологии. –Москва: «Педагогика», 1989, -С. 6.

6. Выготский Л.С. Педагогическая психология. – М.: Педагогика-Пресс, 1999, -С. 536.

7. Гомулина Н.Н.. Применение новых информационных и телекоммуникационных технологий в школьном физическом и астрономическом образовании. Дис. … канд. пед. наук. -М.: МПГУ, 2003, -С. 332.

8. Карлыбаева Г.Е., Матжанов Н.С. Мектеп физика курсында «портфолио-папка»ларын жаратыў ҳаққында. –Н.: //" Ilim ha`m ja`miyet", № 1, 2014, 63–65-б.

9. Талызина Н.Ф. Управление процессом усвоения знаний. –Москва: Изд-во МГУ, 1984, -С. 13.

10. Tolipov O'., Ro'ziyeva D. Pedagogik texnologiyalar va pedagogik mahorat. –T.: «Innovatsiya-Ziyo», 2019, 10-b.

**РЕЗЮМЕ**

Ушбу мақола астрономия курсини ўқитиш жараёнида назарий билимларни мустаҳкамлаш мақсадида амалий машғулотларда педагогик технологиялардан фойдаланиб, талабаларнинг ижодкорлик ва билим фаоллигини ошириш муаммоларига бағишланган. Бундай технологиялар талабалар томонидан осон қабул қилинади, чунки у талабалар тажрибасидан фойдаланишни кўзда тутади, фаол ижодий изланиш ва фикрий тажриба ўтказиш имкониятларига эга.

**РЕЗЮМЕ**

В статье рассматриваются вопросы повышения творческой и познавательной активности студентов с использованием педагогических технологий на практических занятиях по укреплению теоретических знаний в преподавании астрономии. Такие технологии легко усваиваются студентами, так как они предполагают использование студенческого опыта, обладают потенциалом для активных творческих исследований и мыслительных экспериментов.

**SUMMARY**

The article discusses the issues of increasing the creative and cognitive activity of students using pedagogical technologies in practical lessons to strengthen theoretical knowledge in teaching astronomy. Such technologies are easily absorbed by students, as they involve the use of student experience, have the potential for active creative research and thinking experiments.

# ҲАРБИЙ ХИЗМАТЧИЛАРНИНГ ПЕДАГОГИК МАДАНИЯТИНИ ШАКЛЛАНТИРИШНИНГ АЙРИМ ЖИҲАТЛАРИ

**Р.Х.Ходиев -** *катта ўқитувчи*

**Б.Ж.Саидбоев -** *ўқитувчи*

*Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси Ҳарбий-техник институти*

**Таянч сўзлар:** ҳарбий, таълим, тарбия, баркамол инсон, ботирлик, жасурлик, жисмоний маданият, ҳарбий санъат, жасорат.

**Ключевые слова:** военный, образование, воспитание, совершенный человек, смелость, физическая культура, военное искусство, мужество.

**Key words:** military, education, upbringing mature human, courage, physical culture, military art, bravery.

Маълумки, сўнгги йилларда ҳарбий соҳада олиб борилаётган ислоҳотлар нафақат ҳарбий хизмачиларнинг, қолаверса, ҳарбий хизматга чақирилувчиларнинг ҳам бу борадаги билимларини

оширишга, уларни ҳарбий ватанпарварлик руҳида тарбиялашда катта аҳамиятга эгадир. Бинобарин, ҳарбий хизматчиларни ўқитиш ва тарбиялашда ҳарбий хизматчининг педагогик ва касбий маданиятини шакллантириш бугунги кунда долзарб муаммолардан бири ҳисобланади. Аввало, ҳарбий хизматчининг ўзида касбий маданият шаклланган бўлиши лозим.

Ҳарбий хизматчи касбий маданиятининг шаклланиши ўзининг моҳиятига кўра, бир қанча босқичларни босиб ўтади, яъни биринчи босқич курсантлик даврида, иккинчи босқич касбий фаолиятида (амалиётда хизмат қилиб юрган вақтида), учинчи босқич малака ошириш ва қайта тайёрлаш жараёнида ҳамда ўз устида мустақил ишлаш вақтларида. Ҳарбий хизматчи касбий фаолиятининг шаклланганлиги уларнинг касбий жиҳатдан етуклигининг мезонларидан бири ҳисобланади. Касбий маданияти шаклланган офицерларнинг хатти-ҳаракатида фаоллик, ҳарбий жамоада ижобий муҳитни шакллантиради.

Ҳарбий хизматчи ўзининг касбий маданиятини шакллантириши учун барча имкониятларга эга бўлади. Педагогик маданият касбий маданиятнинг бир бўлаги бўлиб ҳисобланади. Педагогик маданият ўзининг моҳиятига кўра, ҳарбий-педагогик жараён ҳисобланади. Ҳарбий хизматчининг касбий маданиятини шакллантириш ўта қийин ва узоқ давом этадиган жараён ҳисобланади. Ҳарбий хизматчининг касбий маданияти касбий фикрлаши, нутқ маданияти, хизмат жойидаги маданияти, педагогик сезгиси, муомала маданияти, касбий, ахлоқий (этика) маданияти, ташқи кўриниш маданияти, педагогик маҳорати каби омиллар билан белгиланади. Ҳарбий хизматчи малака ошириш ва қайта тайёрлаш жараёнида турли тарбия усуллари ҳақида маълумотларга эга бўлиб боради, турли тарбия усулларини ўйин шаклидан фойдаланиб касбий маҳоратини ошириб боради.

Офицер шахснинг педагогик маданияти энг аввало, у тарбия топган, шаклланган муҳитга кўп жиҳатдан боғлиқ айниқса, офицернинг феъл-атвори, темпераменти, қобилияти педагогик маданиятини белгилайдиган мезонлардан бири ҳисобланади.

Ҳарбий хизмат – бу инсон фаолиятининг бир тури ҳисобланади ва ушбу фаолият доимо зўриқиш (жисмоний), хавф-хатар билан боғлиқдир. Айниқса, фавқулодда вазиятларда инсон тақдири, унинг ҳаётига бўлган хавф масалалари биринчи ўринга чиқиб олади. Офицер фавқулодда вазиятларда ўзини йуқотмаслик, қўл остидагиларни бошқариш, ваҳимага тушмаслиги учун ўқиш ва тарбияланиш жараёнида яхши психологик-педагогик билимларга эга бўлиши лозим. Бугунги кунда ҳарбий хизматчиларни ўқитиш ва тарбиялаш жараёнида инновацион технологиялардан кенг фойдаланилмоқда. Масалан, электрон тир, ҳарбий техникаларни мультимедия воситалари орқали ўрганиш, керак бўлган вақтларда албатта ҳақиқий жанговар техника ва қурол-яроғлардан фойдаланиш ўзининг ижобий самарасини беради. Офицернинг педагогик маданиятини шакллантиришда бевосита уларнинг ҳарбий хизматчиларни воқеа-ҳодисаларга педагогик нуқтаи назардан ишонтира олиш қобилияти ҳам муҳим ҳисобланади. Касбий маданияти шаклланган офицерда “аскарни тинглай олиш” қобилияти бўлиши керак дейди, буюк қўмондон К.К.Рокосовский [4:367]. Офицердаги педагогик маданиятнинг шаклланганлигини кўрсатадиган омиллардан бир нечтасини санаб ўтишимиз мумкин: яхшилик (ёрдам) қилиш, кузатувчанлик, тўғри талаб қила олиш, зиёли-
лик ва ҳ.к.

Ҳарбий-педагогик маданиятнинг шаклланганлигини кўрсатадиган энг асосий восита бу тил, муомала ҳисобланади. Муомалани тартибга солувчи тил бўлса, муомаланинг ўзи умумҳарбий низомларга асосланади. Офицернинг муомала объекти қўл остидаги ҳарбий хизматчилар ва ўзидан юқори турувчи қўмондонлик ҳисобланади. Уларнинг муомаласида субординация муҳим роль ўйнайди. “Субодринация” лотинча сўз бўлиб, паст лавозимдаги шахснинг ҳарбий интизомга риоя қилган ҳолда бўйсунишини англатади [1:58].

Ҳарбий хизмат амалиёти шуни кўрсатадики, фақат умумҳарбий низомларга амал қилиш муомалага расмий тус беради.

Офицернинг педагогик маданияти бевосита касбий ахлоқий (этика) маданияти билан боғлиқдир. *Касбий-ахлоқий маданияти* деганда ахлоқий онг, ахлоқий сезгиларнинг умумлашган бир йулдаги харакати тушунилади. Касбий-ахлоқий маданиятнинг асосида ахлоқ меъёрлари, тамойиллари, айниқса ҳарбий қасамёд ва Умумҳарбий низомлар талабларига қатъий риоя қилиш ётибди. Юқори касбий-ахлоқий маданиятга эга бўлган офицерларда ҳарбий либос (мундир)га ҳурмат энг асосий омиллардан ҳисобланади. Айниқса, сўз билан ишнинг бирлигига риоя килиш, интизомлилик, ташкилотчилик, ҳалоллик, ўрнак бўладиган даражадаги ахлоқи, компьютер саводхонлиги, тил билиши ҳам муҳим ҳисобланади.

Офицернинг хизмат жойидаги умумий маданияти ҳам энг зарур сифатлардан ҳисобланади. Масалан, хизмат ва кун тартибини тўғри ташкил эта олиши, ҳужжатлар билан ишлай билиши, бадиий адабиётларни ўқиб бориши ва ўз устида ишлаш қобилияти ва ҳ.к.

Офицернинг педагогик маҳорати – бу умумий педагогик маданиятнинг таркибий қисми ҳисобланади. Педагогик маҳоратга ҳарбий педагог А.В.Барабанщиков шундай таъриф берган. “Педагогик маҳорат - бу психологик ва педагогик фикрлашнинг синтези, педагогик билимлар тизими, кўникма, ҳиссий-иродавий сифатлар бўлиб, бу педагогга ўқув-тарбиявий вазифаларни самарали ечишга ёрдам беради” [1:58].

Ҳарбий-педагогик маҳорати шаклланган офицерда мустақил фикрлаш, мустақил фаолият олиб бориш, муаммоларни тезкор ҳал қилиш кўникмаларига эга бўлади. Офицерда яна бир хислат бўлиши керакки, бу ҳарбий-педагогик кўтаринкиликка (оптимизмга) эга бўлиш. Бу дегани офицер ҳарбий-педегог сифатида ўзининг қобилиятига, билимига, имкониятларига ишониш орқали тарбияланаётган ҳарбий хизматчиларда юқори натижаларга эришиш сифатларини шакллантиришдир.

Педагогик маҳорат офицернинг обрўси билан ҳам бевосита боғлиқдир. Ўз вақтида, буюк педагог А.С.Макаренко “Агар тарбиячи, обрўга эга бўлмаса, у педагог бўлишга ҳақли эмас”, деган эди [3:269].

Педагогик маданиятга эга бўлиш ёки педагогик маданиятли офицер бўлиш ўта қийин, шу билан бирга, бу узоқ давом этадиган жараён ҳисобланади. Жараён деб айтишимиздан мақсад, аввало бундай маданиятга эришиш учун офицерлар бир қанча босқичларни босиб ўтишлари лозим. Педагогик маданиятнинг шаклланиши мактабда “Ҳарбий тайёргарлик” фанини ўқитиш вақтида бошланса, ҳарбий хизматни ўташ ва олий ҳарбий таълим муассасаларида ўқиш вақтида давом эттирилиб, аста-секин шаклланиб боради. Баъзи офицерларда эса, педагогик маданиятнинг элементлари шаклланади холос. Педагогик маданиятнинг элементлари деганда нималарни тушунишимиз мумкин. Биринчидан, касбга бўлган ҳурмат, касбга бўлган муносабат, касбни ардоқлаш, касб орқали ватанпарварлик руҳининг шаклланиши. Бу элементлар педагогикада алоҳида ўрганилиши лозим бўлган муаммолар ҳисобланади. Педагогик техника - бу касбий маданиятнинг бир йўналиши ҳисобланади. Педагогик техникага эга бўлган офицер хар бир ҳарбий хизматчининг онгига якка тарзда таъсир этиш, улар

билан суҳбатлаша олиш қобилиятига эга шахслар ҳисобланади. Ҳарбий педагогика фан сифатида ушбу элементларнинг барчасини қамраб олади ва бир мақсад йўлида хизмат қилади деб тушунтиради. Ушбу йўл офицер шахсининг тарбиячи, раҳбар сифатида шакллантиришга қаратилганлигидир. Офицернинг касбий маданиятига бағишланган давлат тилидаги адабиётлар унча хам кўп эмас.

"Ўзбекистон Республикаси Куролли Кучлари офицерларининг педагогик маҳорати ва маданияти, - дейди Ч.Р.Насриддинов, - ўзининг ўқув-услубий қўлланмасида. Ч.Р.Насриддинов офицернинг педагогик маданиятини ташкил қилувчиларга қуйидагиларни киритган:

а) сиёсий етуклик;

б) ҳарбий ишни билиш;

в) умумий маданият;

г) юксак ахлоқийлик;

д) педагогик маҳорат;

е) ўз устида ишлаш.

Офицернинг педагогик маданиятини ошириш йўллари:

1) ўзининг ғоявий-сиёсий тайёргарлигини мунтазам равишда ошириб бориш;

2) ҳарбий билимларни ривожлантириш;

3) психология, педагогика соҳасидаги билимларни ошириш;

4) ҳарбий ахлоқ меъёрларига қатъий амал килиш;

5) ўз устида ишлаш ва ўзини ўзи тарбиялаш;

6) педагогик маҳоратни ошириш.

Бизнингча, Ч.Р.Насриддиновнинг фикрини ривожлантириб "Офицернинг педагогик маданияти – бу кенг тушунча бўлиб, махсус ташкил этиладиган, бир мақсад йўлига каратилган комплекс чора-тадбирлар ва билимлар ёрдамида амалга ошириладиган педагогик-психологик жараён ҳисобланади", офицернинг маданиятининг шаклланиши нафақат офицернинг ўзига, шунингдек, уни ўраб турган муҳитга, жамоага кўп жиҳатдан бевосита ва билвосита боғлиқ десак, хато бўлмайди.

Педагогик маданиятга эга бўлган офицер бу жамият учун, ҳарбий хизматчилар жамоаси, айникса, курсантлар учун намунали шахс ҳисобланади. Педагогик маданиятнинг шаклланиши энг аввало, нафақат ҳарбий-назарий билимларни талаб қилади, шунингдек амалий тажриба ва кўникмаларга хам боғлиқ бўлади.

Офицернинг педагогик маданиятини шаклланишида нафақат касбдошлари, қўмондонлик, ҳарбий хизматчиларнинг бевосита ёрдами зарур. Шунингдек, хар бир офицернинг юриш-туришига, касбий маданиятига ҳарбий хизматчилар мажлисининг ҳам бевосита ижобий таъсири бор. "Ҳарбий хизматчилар мажлиси" деганда нимани тушунишимиз мумкин.

Офицерлар мажлисининг асосий мақсади:

а) Ҳарбий хизматчидаги муаммоларни кўпчилик ёрдамида муҳокама қилиш (ахлоқини, оилавий муносабатларини, касбга муносабатини);

б) офицерларни маънавий-ахлоқий, ватанпарварлик руҳида тарбиялаш муаммоларини жамоа ёрдамида амалга ошириш;

в) офицерлар мажлисининг яна бир мақсади офицерлар жамоасини жипслаштириш, ҳарбий қасамёдга, ҳарбий анъаналарга содиқ бўлиш, ҳарбий хизматчилар ўртоқлик хислатларини шакллантириш;

г) офицерлар мажлисининг яна бир ўзига хос тарбиявий ахамияти шундан иборатки, офицерларни жамоатчилик орқали тарбиялаш, жазолаш усулларини қўллаш эса, албатта офицер шахсининг шаклланишига хизмат қилади.

Хулоса қилиб айтганда, офицерлар мажлисидаги муҳокама қилинган ҳар бир воқеа-ҳодиса албатта ижтимоий-тарбиявий аҳамиятга эга. Офицерлар мажлисининг раиси албатта, ҳарбий қисм командири, бирлашган офицерлар мажлисида эса, ҳарбий кисмларнинг командирларидан бири раис бўлиб фаолият кўрсатишади. Офицерлар мажлисини ўтказиш ҳам ҳар бир офицернинг ахлоқига, маданиятининг шаклланишига бевосита ва билвосита ёрдам беради, таъсир қилади. Хусусан,

Биринчидан, ҳарбий хизматчиларнинг педагогик-касбий маданиятини шакллантиришда хар бир офицер бош тарбия субъекти ҳисобланади.

Иккинчидан, унга ёш ҳарбий хизматчиларни ўқитиш ва тарбиялаш вазифаси юклатилади. Шунинг учун ҳам, офицерга, унинг ахлоқий сифатларига, қўл остидаги ҳарбий хизматчилар билан бўладиган умумҳарбий низомлар асосидаги муомаласига нисбатан алоҳида юксак талаблар қўйилади.

Учинчидан, касбий маданиятли офицер ҳарбий хизматга эндигина кириб келаётган ҳарбий хизматчилар билан мулоқотда бўлади ва уларга ҳарбий таълим-тарбия жараёнида ҳарбий ахлоқ меъёрларини ўзлаштиришларига яқиндан ёрдам беради.

Бир сўз билан айтганда, офицер қўл остидаги ҳар бир ҳарбий хизматчини тарбиялашда ўйлаб гапириши, касбдошларининг сўзи, фикри, мулоҳазаларини тинглай олиши ҳам ҳарбий хизматчилардан уларнинг нечоғлик касб маданиятига эга эканликларини билдиради.

**Адабиётлар**

1. Барабанщиков А.В. Военная педагогика и психология. -М.: Воен. изд-во, 1986, -С. 239.
2. Булатов В.Н. Военная система. –М.: «Сервер», 2011, -С. 111.
3. Макаренко А.С. Педагогические сочинения в восьми томах. Т.1. Педагогические работы 1922-1936. -М.: "Педагогика", 1986.
4. Рокоссовский К.К. Солдатский долг. 5-е изд. -М.: «Воениздат», 1988, -С. 367.

**РЕЗЮМЕ**

Мақолада ҳарбий хизматчиларни ўқитиш ва тарбиялашда ҳарбий хизматчининг педагогик ва касбий маданиятини шакллантиришнинг айрим жиҳатлари тўғрисида сўз юритилган. Шунингдек, ҳарбий хизматчининг касбий фикрлаши, нутқ маданияти, хизмат жойидаги маданияти, педагогик сезгиси, муомала маданияти, касбий, ахлоқий (этика) маданияти, ташқи кўриниш маданияти, педагогик маҳорати кабиларнинг педагогик маданиятни шакллантиришдаги ўрни ва аҳамиятига алоҳида тўхталиб ўтилган.

**РЕЗЮМЕ**

В статье раскрываются некоторые стороны формирования педагогической и профессиональной культуры при обучении и воспитании военнослужащих. Особое значение придаётся роли формирования педагогической культуры в обучении военнослужащих профессиональному мышлению, культуре речи, служебной этике педагогическому чутью, культуре общения, профессионально – нравственной культуре, культуре внешнего вида, педагогическому мастерству.

**SUMMARY**

The article deals with some issues of forning pedagogical and professional culture in teaching military people. The author pays much attention to the role of pedagogical culture in teaching military people professional thinking, culture of speech, service ethics, pedagogical intuition, communication culture, professional-moral culture, culture of appearance and pedagogical skill.

# ЮҚОРИ СИНФ ЎҚУВЧИЛАРИ БИЛАН “ЖАҲОЛАТГА ҚАРШИ – МАЪРИФАТ” БОРАСИДАГИ ТУШУНЧАЛАР УСТИДА ИШЛАШ ТЕХНОЛОГИЯСИ

**М.Р.Исақулов** - *катта ўқитувчи*
*Жиззах давлат педагогика институти*

**Таянч сўзлар:** маърифат, жаҳолат, Ватанни англамоқ, тарбиялаш, интелектуал салоҳият, онг, қалб, ўқув материали, конституция, қонун, манфаат, маънавият, ҳуқуқ, Ватанпарварлик, ахборот маданияти, ижтимоий фаоллик, касбий савия, жисмоний тарбия, ижодий студия.

**Ключевые слова:** просвещение, невежество, познавать Родину, воспитывать, интелектуальная способность, сознание, душа, учебные материалы, конститутция, закон, польза, духовность, право, потриотизм, информационная культура, социальная активность, профессиональный уровень, физическое воспитание, творческая студия.

**Key words:** education, ignorance, to cognate the homeland, the bring up, intellectual potential, consciousness, soul, learning material, constitution, the law, interest, spirituality, right, patriotism, information culture, social activity, professionalism, physical education, creative studio.

Жаҳондаги глобаллашув жараёнлари, инновацион жамиятга бўлган эҳтиёж, фан-техника тараққиёти юқори синф ўқувчилари учун ҳам жуда катта имкониятлар яратиб бермоқда. Давлатимиз раҳбари доимий равишда ёшларга эътибор бериб келмоқда. Қаерда, қайси лавозимда ишлашимиздан қатъи назар, болаларимиз билан гаплашиб, уларнинг кўнглига йўл топиб, юриш-туриши, хатти-ҳаракатидан хабардор бўлиб боришимиз керак. Айниқса, уюшмаган ёшларга алоҳида эътибор беришимиз лозим. Чунки одамлар, жамият эътиборидан четда қолган боланинг кўнгли ўксик бўлади, аламзада бўлади. Ким қаёққа тортса, нимага қизиқтирса, шу ёққа қараб интилади.

Бир сўз билан айтганда, халқимизнинг «Бир болага етти маҳалла ҳам ота, ҳам она», деган мақолига амал қилайлик. Биз учун жамиятда бегона бола йўқ ва бўлмаслиги керак. Ҳаммаси ўзимизнинг, Ўзбекистонимизнинг болалари. Вақтида меҳр кўрсатсак, ишга, илмга, касбу-ҳунарга, эзгу фазилатларга ўргатсак, уларнинг йўлини очиб берсак, эртага фойдаси ўзимизга, жамиятимизга тегади. Акс ҳолда, улар бошқаларнинг қўлидаги қуролга айланиб қолиши ҳеч гап эмас [1].

Яратилаётган имкониятлар юқори синф ўқитувчиларининг олдига бир қатор талабларни ҳам қўймоқда. Мисол учун уларнинг “жаҳолатга қарши – маърифат” борасидаги билимларини янада бойитишда тезкор қарорлар қабул қилиш кўникмасини, инновацион ғояларни бериш имкониятини, интеллектуал салоҳиятни оширишни, маънавий камолатга эришиш каби талабларни мисол тариқасида келтириб ўтишимиз мумкин.

Бугунги кунда юқори синф ўқувчилари билан “жаҳолатга қарши – маърифат” борасидаги тушунчалар устида ишлашда ёшларга оид давлат сиёсатини ва уни амалга ошириш борасида ҳам муҳим ишлар бажарилиши керак. Бунда асосий масала ўсиб – улғайиб келаётган ёшлар ҳаётида учраётган муаммолардан бири тўсиқлардир. Бу тўсиқлар психологик, ижтимоий кўринишларда кўзга ташланади. Унинг ечимини топиш масаласи айнан “Ўзбекистон ёшлари – 2030” Концепциясида ўз аксини топган.

“Ўзбекистон ёшлари – 2030” Концепциясининг мақсадини юқори синф ўқувчиларига тушунтириб бериш, уларнинг интелектуал имкониятларини ошириш, маънавий савиясини юксалтиришга қаратилган тизим орқали жаҳолатга қарши тура олиш малакаси шакллантирилади. “Концепциясининг мақсадини – ёшларни мамлакатда амалга оширилаётган демократик, сиёсий ва иқтисодий ислоҳотларга фаол жалб қилиш, уларнинг салоҳиятини рўёбга чиқариш учун муносиб шароитлар яратиш, ҳуқуқ ва эркинликлари, қонуний манфаатлари самарали ҳимоя қилинишини таъминлаш, ёш хотин-қизларнинг маънавий ва касбий савиясини ошириш, интеллектуал ва ижодий салоҳиятини рўёбга чиқаришдан иборат”[2] эканлиги бирма – бир тушунтирилиши мақсадга мувофиқдир. Бунда синф раҳбари ёки фан ўқитувчилари қуйидаги тушунчаларнинг мазмун – моҳиятини ўқувчиларга тушунтириши керак.

Булар: демократия, сиёсат, иқтисодиёт, ислоҳот, фаоллик, салоҳият, шарт – шароит, ҳуқуқ, эркинлик, қонун, манфаат, маънавият, касбий савия, интеллектуал ва ижодий салоҳият каби тушунчалардир. Юқори синф ўқитувчилари бу тушунчаларнинг мазмун – моҳиятини юқори синф ўқитувчилари онги ва қалбига синдиришда уларга зид бўлган тушунчаларга ҳам тўхталиб ҳаётий мисолар келтириб, шунга мос бадиий фильмлар, клиплар, спектакллар, маънавий – маърифий йўналишдаги тадбирлар, радио эшитирувлар ва телекўрсатувлар номойиш этсагина самарага эришади.

Биз ўз олдимизга қўйган мақсадга эришиш учун яна ёшларга оид давлат сиёсатининг “Ўзбекистон ёшлари – 2030” Концепциясининг асосий вазифаларини ёшларнинг онгига сингдиришимиз керак. Булар:

Биринчидан, ёшларнинг маданият, санъат, спорт, ахборот технологиялари ва китоб ўқишга бўлган қизиқишини янада ривожлантиришга қаратилган вазифаларни ёшларнинг онгига сингдириш учун унинг ижросини бажариб боришлари муҳимдир.

Иккинчидан, ёшларнинг ҳар томонлама ижтимоийлашувига, бандлигини таъминлашга кўмаклашиш, бўш вақтларини мазмунли ташкил этиш учун аниқ амалга оширилиши керак бўлган режаларни ҳам тузиш керак. Мисол учун ўқувчиларнинг ҳар томонлама ижтимоийлашувига олиб келувчи режаларда нималар ўз аксини топиши керак. Биринчи навбатда қуйидаги тушунчаларнинг мазмунини ўқувчиларга етказиш керак.

“Ижтимоий муносабатлар - жамият ҳаётида моддий ва маънавий фаолиятлар натижасида турли субъектлар ўртасида қарор топадиган ўзаро муносабат ва ҳаракат мезонлари. Ижтимоий муносабатлар моддий ва маънавий муносабатларга бўлинади. Моддий неъматлар ишлаб чикариш жамиятнинг яшаши ва ривожланишининг асосини ташкил этади. Шу сабаб ижтимоий муносабатлардан энг муҳими ишлаб чиқариш ва иқтисодий муносабатлардир. Ишлаб чиқариш муносабатлари бошқа ҳамма ижтимоий муносабатлар — сиёсий, ҳуқуқий, аҳлоқий, диний ва ҳоказо муносабатларнинг ҳарактерини белгилайди. Барча ижтимоий муносабатларнинг ишлаб чиқариш муносабатларига боғлиқ эканини тушуниш жамият тарихий тараққиётининг конуниятларини илмий равишда изоҳлашга имкон берди” [3]. Бу тушунча устида ишлашда инновацион педагогик технологиялардан самарали фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. Ўқувчилар билишлари керакки, муносабатлар жараёнида ижобий, салбий кўринишдаги ишлар амалга оширилади. Буни изоҳлаш учун ахборот коммуникацион технорлогия-

ларининг имкониятларидан фойдаланиш керак. Ўқувчилар ижтимоий муносабатлар жараёнида бунёдкор ишларга қўл уриш - жамиятнинг ривожланишига замин яратиш эканлигини англаши керак. Сўнгра биз ижтимоий фаоллик кўникмаларини шакллантиришимиз учун
бу тушунча устида ҳам ишлашимиз зарур.

“Ижтимоий фаоллик – ижтимоий субъектлар (жамиат, табақа, гуруҳ ва шахслар)нинг ижтимоий-сиёсий жараёнлардаги иштирокининг, меҳнат ҳамда маданий - маърифий фаолиятининг кучайиши, қонунда белгилаб қўйилган ҳуқуқ ва бурчларини тўлиқ, амалга оширишга интилиши. Ижтимоий фаоллик шахснинг жамиатда ўз ўрнини топиши ва хулқ-атворини онгли равишда бошқаришининг асосий шарти ҳисобланади. Ижтимоий фаолликнинг уч тури мавжуд: ижтимоий – сиёсий жараёнлар ва маданият, меҳнат ҳамда турмуш соҳасидаги. Меҳнат фаоллиги меҳнат муносабатлари соҳасида намоён бўлади ва субъектнинг касбий-ижтимоий вазифани бажариши билан боғлиқ ҳолда юзага чиқади. У ижтимоий фаолликнинг асосий, белгиловчи тури сифатида эътироф этилади. Унинг шакллари қуйидагича: тежамкорлик, саранжомлик учун ҳаракат, илмий-техникавий ижодда иштирок этиш, рационализаторлик, ихтирочилик ва бошқа харакатлар”[3]. Юқори синф ўқувчиларини таълим – тарбия жараёнига тўлақонли жалб қилишимиз учун уларда ижтимоий фаолликни шакллантиришимиз керак. Қачонки, ўқувчилар фаол ҳаракат қилсагина берилган топшириқни ўз вақтида бажаради. Ўқув топшириқларини ўз вақтида бажаришга одатлантириш бекор юришнинг олдини олишга қаратилган ҳаракатларнинг бири десак хато қилмаган бўламиз.

Ижтимоийлашув - бирон бир воқеа-ҳодиса, шахс ёки ҳаракатнинг ижтимой моҳият касб этиб, кўпчиликка даҳлдор бўлиб, ижтимоий муносабатлар мужассамига айланиб боришини англатадиган тушунча [3].

Учинчидан, ёшларнинг инновацион ғоя ва ташаббусларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга қаратилганлигини инобатга олган ҳолда жаҳолатга қарши – маърифат борасидаги инновацион ғоялари инобатга олиниб, амалиётга татбиқ қилиниши мақсадга муоффиқдир.

Тўртинчидан, ёшлар ўртасида учраётган салбий ҳолатларнинг олдини олиш, ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликни кескин камайтиришга қаратилган профилактик ишлар натижадорлигини ошириш борасида юқори синф ўқувчиларини айнан жамиятда учрайдиган салбий ҳолатларнинг олдини олишга қаратилган билимлари ва кўникмаларини шакллантириб бориш орқали мақсадга эришиш назарда тутилади.

Бешинчидан, ёшлар ўртасида кўнгиллилар ташаббусларини қўллаб-қувватлаш, улар фаолиятини самарали ташкил этишга қаратилган чора-тадбирларни амалга оширишга қаратилган ишларда юқори синф ўқувчиларининг имкониятларидан кенг фойдаланишни йўлга қўйиш орқали мактаб театр студиясини, мактаб кино студиясини ташкил қилиш мақсадга муоффиқдир.

Олтинчидан, ижодкор, танқидий-таҳлилий мушоҳада орқали эркин фикрловчи, ишбилармон, тадбиркор ҳамда интелектуал салоҳияти юқори бўлган бугунги кун қаҳрамони тимсолини яратишга қаратилган ишларда умумтаълим мактабларининг ўқитувчилари юқори синф ўқувчилари билан саҳна кўринишларини тайёрлаб, ўзларининг ҳудудларида бугунги кун қаҳрамони тимсолини кўрсатиб бериши.

Еттинчидан, жисмоний тарбия ва спортни ёшлар турмуш тарзининг ажралмас қисмига айлантиришга қаратилган ишлар ижросини таъминлашда ҳам юқори синф ўқувчиларининг онгига соғлом турмуш тарзининг ажралмас қисми жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланиб боришни куннинг асосий таркибий қисмига айлантириш. Спорт клубларида фаол иштирок этишини таъминлаш билан бир қаторда мусобақаларга чиқиши ва натижа кўрсатиши асосий мақад эканлиги қайд қилиниб борилади.

Саккизинчи, ёшларнинг экологик маданиятини юксалтириш, экологик таълимни такомиллаш-тиришга қаратилган тизимли ишларни амалга ошириб бориш учун ҳар бир ўқувчининг дунёқарашини ўзгартириб, бизни қуршаб турган оламнинг гуллаб яшнашига ҳисса қўшиб бориш.

Тўққизинчидан, имконияти чекланган, ижтимоий ҳимояга муҳтож ёшларни, етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни маънавий ва моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлашга қаратилган ишларга юқори синф ўқувчиларини жалб қилиб, ундай болаларнинг ижтимоийлашувига маънавий жихатдан ёрдам беришни ташкиллаштириш бугунги куннинг асосий вазифалари эканлигини юқори синф ўқувчиларига англатиб бориш орқали жаҳолатга қарши – маърифат ғоясини амалга ошириш мумкин.

Умумтаълим мактабларининг юқори синф ўқувчилари ўртасида “Менинг маҳаллам”, “Менинг мактабим”, “Менинг қишлоғим”, “Менинг шаҳрим” “Менинг оилам”, “Менинг дўстим” “Менинг устозим” каби мавзуларда ижодий ишларни ташкиллаштириш орқали уларнинг маънавиятини юксалтириб боришга эришиш.

Умумтаълим мактабларида ижодий студияларни ташкил этиш орқали юқори синф ўқувчиларини ижодий фаолиятга йўналтириш ишларини такомиллаштириб боришга эришиш муҳим аҳамият касб этади

Юқори исинф ўқувчиларини умуминсоний ва миллий қадриятларга ҳурмат, Ватанга садоқат руҳида тарбиялаш йўналишида қуйидаги ишларни амалга ошириш орқали жаҳолатга қарши – марифат ғоялари амалга оширилиб борилади. Булар: оммавий ахборот воситаларида, ижтимоий тармоқларда юқори синф ўқувчиларининг онгида миллий - маънавий қадриятларга нисбатан ҳурмат туйғусини шакллантиришга хизмат қиладиган материалларни кўпайтириш; мамлакатимизда ёшларнинг менталитетимизга қарши турли хил ёт ғоялар таъсирига тушиб қолишининг олдини олишга қаратилган тизимли тарғибот-ташвиқот ишларини олиб бориш, тинчлик-осойишталикни мустаҳкамлаш, турли хавф-хатарларга қарши курашишда ёшлар иштирокини кучайтириш борасидаги ишларга юқори синф ўқувчиларини жалб қилиш орқали ҳар бир ўқувчининг онги ва қалбида жаҳолатга нисбатан нафратни уйғотиш билан бир қаторда маърифат сари интилиш ва интелектуал салохиятини ошириб боришга хизмат қиладиган оммавий тарбиявий тадбирларни ўтказиб бориш орқали юқори синф ўқувчиларини жамиятда учрайдиган жаҳолатга қарши иммунитетини мустаҳкамлаш ва илм сари интилиш иштиёқини ошириб бориш орқали жамиятнинг энг фаол аъзолари сифатида кашф қилиниб борилади.

**Адабиётлар**

1. Мирзиёев Ш. Буюк келажагимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамиз. -Т.: “Ўзбекистон” НМИУ, 2017.
2. “Ўзбекистон ёшлари – 2030” концепцияси.

3. Маънавият асосий тушунчалар изохли луғати. Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи. –Тошкент: 2009.

**РЕЗЮМЕ**

Мақолада “Ўзбекистон ёшлари - 2030» концепциясида илгари сурилган асосий муаммолар ёритилган ва шу асосда юқори синф ўқувчиларини юксак маънавият руҳида тарбиялаш масалалари қараб чиқилган.

**РЕЗЮМЕ**

В статье освещаются основные задачи поставленные в концепции «Молодёжь Узбекистана-2030» на их основе рассматриваются вопросы воспитания учащихся старших классов в духе просвещения.

**SUMMARY**

The article deals with the main task put in the Conception «Youth of Uzbekiston-2030» and on their basis the author studies the issues of education of students of senior classes in the spirit of enlightenment.

# ҚАТЪИЙМАС МАНТИҚ ПРИНЦИПЛАРИ АСОСИДА ТАЛАБАЛАР БИЛИМИНИ КОМПЛЕКС БАҲОЛАШ ТИЗИМИНИ ЯРАТИШ

**К.Калимбетов** - *ассистент ўқитувчи*

*Ажиниёз номидаги Нукус давлат педагогика институти*

**Таянч сўзлар:** паст даража, ўрта даража, юқори даража, тўплам, аниқланган ўзгарувчи, функция.
**Ключевые слова:** низкий уровень, средний уровень, высокий уровень, множество, фиксированная переменная, функция.
**Key words:** low level, medium level, high level, variety (multitude), fixed variable, function.

Таьлимнинг самарадорлиги деганда таьлим жараёнида олинган билим асосий кўрсаткичларининг берилган меьзонларга мослик даражаси тушунилади. Таьлим олувчининг ўзлаштиришини баҳолаш масаласи кўп мезонли ва бошланғич маьлумотларнинг қисмлари бўйича қийин шакллантириладиган масала ҳисобланади. Баҳолашда статистик усулдан фойдаланиш кўп ҳолларда айрим муаммоларга дуч келади. Масалан, статистик баҳолаш услуби кузатилаётган жараён ёки параметр устида кўп сонли, ўзаро биргаликда бўлмаган тажрибалар ўтказиш учун зарур шарт-шароитлар яратишнинг қийинлиги билан тавсифланади. Математик функциялар эса, фақат сон кўринишидаги маълумотлар билан ишлашга йўналтирилган. Педагогик жараён, хусусан “Математика” фанини ўқитиш жараёнида турли хил табиатли маълумотлар билан иш олиб боришга дуч келинади.

Бундай маьлумотлар сирасига талабанинг ўзлаштириши ва давоматнинг лингвистик баҳолари, унинг психологиясига доир маълумотлар киради. Ихтиёрий турдаги маълумотларга, хусусан қатъиймас кўринишдаги маълумотларга ишлов беришнинг самарали услуби – қатъиймас тўпламлар усулидир.

Қатьиймас мантиқнинг қўлланилиши кучсиз шакллантирилган бошланғич маьлумотларда масалани муваффаққиятли ечиш имконини беради. Бундан ташқари табиий тилга яқин қоидаларни тузиш ва қўллашни амалга ошириш, хулосалашнинг талаб қилинган натижаларига яқинлашиш даражасини сезиларли даражада оширади.

Ўқув курси мобайнида таьлим олувчининг фаолиятини баҳолаш учун қуйидаги асосий категорияларни ажратамиз: талабанинг маьрузага қатнашиши, талабанинг семинарларга қатнашиши, назорат ишларининг бажарилиши, уй топшириқларининг бажарилиши. Бу категорияларнинг ҳар бири бўйича бажарилганлик даражасининг олинган қийматлари ўзлаштиришнинг натижавий баҳоларини хулосалаш учун бошланғич маьлумотлари сифатида қўлланилади.

Маьрузага қатнашиш ва семинардаги фаолияти таьлим олувчининг фаоллигини аниқлайди,айнан шу вақтда назорат ишларини бажариш ва уй вазифаларини бажариш ўқув курси давомида унинг фаолияти,самарадорлигини аниқлаб беради. Бундай оралиқ даражаларини белгилаш билимлар базасини шакллантиришда зарурий ишни таьминлаб беради.

Қуйидагича қатъиймас ўзгарувчилар киритамиз:

$\tilde{x}_1$ = < маърузага қатнашиш>,

$\tilde{x}_2$ = < семинарга қатнашиш>.

Бу тўпламлар лингвистик векторлар сифатида қаралади ва қуйидагича тавсифланади:

T($\tilde{x}_1$) = < $T_{x1}^1$ , $T_{x1}^2$ , $T_{x1}^3$>, бу ерда $T_{x1}^1$ - < паст даража>, $T_{x1}^2$ - <ўртача даража >, $T_{x1}^3$ - < юқори даража >.

T($\tilde{x}_2$) = < $T_{x2}^1$ , $T_{x2}^2$ , $T_{x2}^3$>, бу ерда $T_{x2}^1$ - < паст даража >, $T_{x2}^2$ - < ўртача даража >, $T_{x2}^3$- < юқори даража >.

Юқоридаги икки категориядан ($\tilde{x}_1, \tilde{x}_2$) талабанинг фаоллигини аниқлаймиз ва уни ҳам учта даража бўйича баҳолаймиз.

Ф - <талаба фаоллиги> M(Ф) = < $M_ф^1, M_ф^2, M_ф^3$ > бу ерда $M_ф^1$ - <паст даража>, $M_ф^2$ - <ўрта даража>, $M_ф^3$ - <юқори даража>. M(Ф)-тўплам элементларининг қийматларини фоизда ҳисоблаб чиқарамиз:

Энди “Талаба билимининг самарадорлиги” категориясини ҳам қатъиймас ўзгарувчилар орқали ифодалаймиз: $\tilde{y}_1$ = <назорат ишларининг бажарилиши >, T($\tilde{y}_1$) = < $T_{y1}^1$ , $T_{y1}^2$ , $T_{y1}^3$>, бу ерда $T_{y1}^1$ - < паст даража >, $T_{y1}^2$ - < ўртача даража > , $T_{y1}^3$ - < юқори даража >.

“Уй топшириқларининг бажарилиши ” категориясини ҳам худди шундай қилиб кўриб чиқамиз: $\tilde{y}_2$ = <уй топшириқларининг бажарилиши > ,

T($\tilde{y}_2$) = < $T_{y2}^1$ , $T_{y2}^2$ , $T_{y2}^3$>, , бу ерда $T_{y2}^1$ - < паст даража >, $T_{y2}^2$ - < ўртача даража >, $T_{y2}^3$ - < юқори даража >.

Юқоридаги икки “талабанинг билими самарадорлиги”, “Уй топшириқларининг бажарилиши ” категориялардан талабанинг билими самарадорлигини аниқлаймиз ва уни ҳам учта даража бўйича баҳолаймиз.

В - <талаба билими самарадорлиги> T(B)=< $M_B^1, M_B^2, M_B^3$ > бу ерда $M_B^1$ - <паст даража>, $M_B^2$ - <ўрта даража>, $M_B^3$ - <юқори даража>.T(B) - тўплам элементларининг қийматларини фоизда ҳисоблаб чиқарамиз.

Талабаларнинг ўзлаштириш натижалари орқали уларнинг билимини баҳолашда қатъиймас мантиқ усуллари билан моделлаштириш ва баҳолаш (қарор қабул қилиш) орқали амалга оширилади. Бунда “аъло”,

“яхши”, “ўрта”, “қониқарли”, “қониқарсиз” лингвистик ўзгарувчилар учун баллар тақсимоти бўйича учбурчакли тегишлилик функцияси қурилади [2]. (1,2-расмлар).

$$\mu(x_i)=\begin{cases} 0, & c_i \le x \le a_i \\ \dfrac{x-a_i}{b_i-a_i}, & a_i \le x \le b \\ \dfrac{c_i-x}{c_i-b_i} & b_i \le x \le c_i \end{cases} \qquad \widetilde{x}_1$$

*1-расм. Учбурчакли тегишлилик функцияси.*




*2-расм. “Ўрта” баҳонинг учбурчакли тегишлилик функцияси.*

Расмга кўра A(56;0); B(63;1); C(70;0) деб олиш мумкин.

AB:

$$\frac{x-56}{63-56}=\frac{x-0}{1-0}, \quad \mu_{AB}=\frac{x-56}{7} \quad \mu_{AB}(56)=0, \quad \mu_{AB}(63)=1$$

CB:

$$\frac{x-70}{63-70}=\frac{y-0}{1-0}, \quad \mu_{AB}=\frac{70-x}{7} \quad \mu_{CB}(70)=0, \quad \mu_{CB}(63)=1, \quad U_1=\{56;70\}.$$

Ўрта баҳо {56; 70} универсумни ташкил этади. Бунда, баҳо {56; 70} га қанчалик яқин бўлишига қараб, ўрта баҳонинг мустахкам ёки бўш асосолангани хақида фикр юритиш мумкин. $U_1$ универсумда ўрта баҳо $a_1$ -“бўш асосланган”,

$a_2$ – “ўртача асосланган”, $a_3$ – “мустахкам асосланган” кабилар асосида аниқлаштирилади ва ўрта баҳо $a_1 \to a_2 \to a_3$ схема асосида аниқланади. Бундан, $P(a_1 \to a_2 \to a_3) = P(a_1).P_{a1}(a_2).P_{a1\to a2}(a_3)$ конструкцияга келиш мумкин, яъни талаба баҳоси ўртача ва $a_1$ асосида тавсифланса, тўғридан-тўғри $a_1$ дан $a_3$ га ўтиш ўринли эмас. Шунинг учун $a_1 \to a_2 \to a_3$ босқични амалга оширамиз ва қуйидаги ечимларни ишлаб чиқамиз:

$a_1 \to a_2$: - {такрорлаш, оддий ҳисоблашлар, маслаҳатлар олиш, фаннинг моҳиятини тушуниш, кўникмага эга бўлиш };

$a_2 \to a_3$: - {ўз устида ишлаш, амалий ва назарий машғулотлар, маслаҳатлар олиш, фанда мавжуд усулларни ўрганиш, малакага эга бўлиш}.

Аъло ҳамда яхши баҳо учун лингвистик ўзгарувчилар ва ечимлар юқоридаги ўрта баҳо учун келтирилган лингвистик ўзгарувчилар ва ечимлар каби келтирилади [1].




*3-расм. “Яхши” баҳонинг учбурчакли тегишлилик функцияси.*

AB:

$$\frac{x-71}{78-71}=\frac{y-0}{1-0} \quad \mu_{AB}=\frac{x-71}{7}, \quad \mu_{AB}(71)=0, \quad \mu_{AB}(78)=1$$

CB:

$$\frac{x-85}{78-85}=\frac{y-0}{1-0} \quad \mu_{AB}=\frac{85-x}{7}, \quad \mu_{CB}(85)=0, \quad \mu_{CB}(78)=1$$

$$\frac{x-85}{78-85}=\frac{y-0}{1-0} \qquad \mu_{AB}=\frac{85-x}{7} \qquad \mu_{CB}(85)=0,$$

$\mu_{CB}(78) = 1$

$U_2$: яхши баҳо, $U_2=\{71;85\};$




*4-расм. “Аъло” баҳонинг учбурчакли тегишлилик функцияси.*

$$AB: \frac{x-86}{93-86}=\frac{y-0}{1-0} \quad \mu_{AB}=\frac{x-86}{7},$$

$\mu_{AB}(86) = 0$, $\mu_{AB}(93) = 1$

$$CB: \frac{x-100}{93-100}=\frac{y-0}{1-0} \quad \mu_{AB}=\frac{100-x}{7},$$

$\mu_{CB}(100) = 0$, $\mu_{CB}(93) = 1$

$U_3$: аъло баҳо, $U_3=\{86;100\}$.

Синфлаштирилган маълумотлар асосида қарорлар қабул қилиш алгоритмлари қуйидаги 5-расмда умумий схемаси келтирилган. Ушбу ёндашувда 3 та қатьиймас назоратчи қўлланилади,ҳар бирининг ишида ўзининг билимлар тизимини аниқлаштиради.




*5-расм. Синфлаштирилган маълумотлар асосида қарорлар қабул қилиш алгоритмларининг умумий схемаси.*

Келтирилган схема Matlab тизимининг Fuzzy Logic Toolbox пакетида жорий қилинади ва кейинги мақолада келтирилади.

Статистик баҳоларни ҳисоблаш. Ўзлаштиришни баҳолашда юқорида ифодаланган ғояни ифодалаш учун хулосалаш механизми киришига бериладиган қийматларни, айниқса белгиланган категорияларнинг ҳар бири бўйича бажарилиш даражаси y ёки бу шаклда аниқлаш лозим. Предмет соҳасини таҳлил қилиш давомида маълумотлар қийматларини олишнинг қуйидаги принсиплари шакллантирилди.

Маърузага қатнашиш. Маърузага қатнашишни баҳолашда барча мавжуд давоматларнинг ўртача арифметигини ҳисоблаш мумкин:

$$M=\frac{\sum_{i=1}^{n_m} m_i}{n_m} \qquad (2.1)$$

Бу ерда $n_m$-маьрузалар сони; $m_i$-*i*-марузага қатнашиш баҳоси.

Семинарлардаги фаолияти. Семинарлардаги фаолиятини баҳолашда ҳам аналогик шаклда ўтказилади:

$$C = \frac{\sum_{i=1}^{n_S} S_i}{n_S} \qquad (2.2)$$

Бу ерда $n_s$-семинарлар сони; $S_i$-*i*-семинардаги фаолиятининг баҳоси.

*Назорат ишларининг бажарилиши.*

Назорат ишларининг бажарилишини баҳолаш ҳар бир иш учун белгиланадиган мураккаблик коэффицентини ҳисобга олиш билан амалга оширилади.

Бу қийматлар оғирлик коэффицентига нисбатан аҳамиятлидир ва оддийига нисбатан мураккаб ишларнинг бажарилишини ҳисобга олишда юқорироқ даражани белгилаш учун мўлжалланган.

$$T = \frac{\sum_{i=1}^{n_t} t_i c_i^t}{\sum_{i=1}^{n_t} c_i^t} \qquad (2.3)$$

Бу ерда $n_t$- назорат ишларининг сони; $t_i$-*i*-ишни бажариш баҳоси, $c_i^t$ -*i*-ишнинг мураккаблик коэффиценти.

Мақолада талабалар билими самарадорлигини қатъиймас-мантиқий усул асосида моделлаштириш ва комплекс тадқиқ қилиш масалалари қаралади.

**Адабиётлар**


1. Ротштейн А.П. Интеллектуальные технологии идентификации. –Винница: 1999. –С.320.
2. Солодовников И.В., Рогозин О.В., Шуруев О.В., Экспертная система оценки эффективности обучения на основе математического аппарата нечёткой логики, Контроль качества образовательного процесса. № 1, 2006, -С.19-22.


**РЕЗЮМЕ**


Ушбу ищда талабалар билимларини тизимли ривожлантириш тамойиллари кўриб чиқилган. Тақдим этилаётган тизим самарадорлиги асосини ноаниқ рақамлар, билимлар базаси ва экспериментларнинг умумий даври ташкил этади.


**РЕЗЮМЕ**


В статье рассматриваются принципы разработки системы нечёткой оценки эффективности знаний студентов. В основу оценки эффективности предлагаемой системы положены нечёткие числа, база знаний и общая схема проведения экспериментов.


**SUMMARY**


In the given article are considered the principles of system development, of fuzzy estimation of efficiency knowledge of students. The basis of offered system estimation efficiency contains fuzzy numbers, base of knowledge and general circuit of realization experiments.


## БЎЛАЖАК ФИЗИКА ЎҚИТУВЧИСИНИНГ МЕТОДИК ТАЙЁРГАРЛИГИНИ КОМПЕТЕНЦИЯВИЙ ЁНДАШУВ АСОСИДА РИВОЖЛАНТИРИШ


**Г.Е.Карлыбаева** - *педагогика фанлари доктори (DSc), доцент*
*Ажиниёз номидаги Нукус давлат педагогика институти*



**Таянч сўзлар:** бўлажак физика ўқитувчиси, методик тайёргарлик, компетенциявий ёндашув, компенетция.
**Ключевые слова:** будущие учителя физики, методическая подготовка, компетенционный подход, компетенция.
**Key words:** future teachers of physics, methodological training, competency-based approach, competence.


«Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси»да «… узлуксиз таълим тизимини янада такомиллаштириш йўлини давом эттириш, сифатли таълим хизматлари имкониятларини ошириш, меҳнат бозорининг замонавий эҳтиёжларига мувофиқ, юқори малакали кадрлар тайёрлаш сиёсатини давом эттириш» белгилаб берилди [1:25].

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, педагогика олий таълим муассасаларида талабаларнинг методик тайёргарлик фаолиятини янада такомиллаштиришнинг қуйидаги йўналишларини белгилаб олишимиз зарур:

- бўлажак физика ўқитувчиларининг методик тайёргарлик даражасини доимий равишда ошириб боришга эришиш мақсадида уларнинг назарий, илмий ва амалий тадқиқотлар, технологик тараққиёт ва ўқитилаётган касбий фанлар бўйича инновациялар, шунингдек, таълим жараёнини ташкил этишнинг замонавий методлари соҳасидаги сўнгги ютуқларини ўрганиб бориш;
- замонавий педагогик, инновацион ва ахборот-коммуникацион технологияларнинг сўнгги ютуқларини чуқур ўрганган ҳолда бевосита таълим жараёнига амалий татбиқ этиш асосида мутахассислик бўйича малака талабларини доимий такомиллаштириб бориш;
- бўлажак физика ўқитувчиларининг илмий фаолиятини янада самарали ташкил этиш борасида маҳаллий ва хорижий илмий адабиётларни таҳлил қилишга ва илмий асослашга ўргатиш;
- малакавий амалиётни юқори савияда ўтказиш ва танланган объектларда битирув малакавий ишларни тажриба синовдан тўлоқанли бажарилишига эришиш орқали малакали педагоглар тайёрлаш [3:10].

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорида «Ҳар бир олий таълим муассаси жаҳоннинг етакчи илмий-таълим муассасалари билан яқин ҳамкорлик алоқаларини ўрнатиш, ўқув жараёнига халқаро таълим стандартларига асосланган илғор педагогик технологиялар, ўқув дастурлари ва ўқув-услубий материалларини кенг жорий қилиш, ўқув-педагогик фаолиятга, мастер класслар ўтказишга, малака ошириш курсларига хорижий ҳамкор таълим муассасаларидан юқори малакали ўқитувчилар ва олимларни фаол жалб қилиш …» таъкидланиб, муҳим аҳамият касб этади [2].

Бўлажак физика ўқитувчилари келгусида ҳаёти давомида шахсий, ижтимоий, иқтисодий ва касбий муносабатларга киришиши, жамиятда ўз ўрнини эгаллаши, мазкур жараёнида дуч келадиган муаммоларнинг ечимини ҳал этиши, энг муҳими ўз соҳаси, касби бўйича рақобатбардош бўлиши учун зарур бўлган таянч компетенцияларга эга бўлиши лозим.

Мазкур методологик ғоялар асосида ҳозирги замон ўқитувчиси компетенциясига қўйилган малака талаблари қатор халқаро ҳамда Миллий меъёрий-ҳуқуқий

ҳужжатларда белгилаб берилган.

Жумладан улар:

- олий таълим тизимини модернизациялашнинг устувор йўналишларини;

- бошқарув компетентлигининг тузилиши ва мазмунини билиш;

- ўқитишнинг инновацион шакл, метод ва воситаларининг моҳиятини англаш ва ўқув жараёнида қўлланилишини ташкиллаштириш ҳамда назорат қилиш;

- коммуникатив, психологик, ташкилотчилик, креатив, информацион, инновацион компетентлик тушунчаларининг мазмун-моҳиятини;

- илғор таълим технологияларини ишлаб чиқиш ва амалиётга татбиқ этиш йўлларини белгилаш;

- ўқув лойиҳаларини ишлаб чиқиш, портфолиоларни шакллантириш ва амалиётга татбиқ этиш жараёнларини бошқариш;

- электрон ўқув модулларининг яратилиши ва сифатини назорат қилиш;

- битирув малакавий ишлари ва магистрлик диссертацияларини амалиёт билан боғлашни ташкил этиш;

- педагогик амалиёт базаларини янгилаш ва дастурларини такомиллаштиришни назорат қилиш;

- олий таълим муассасаларида ўқув-методик фаолиятни ташкил этиш ва ривожлантириш [6:58].

Н.Ш.Турдиев, Ю.М.Асадов ва бошқаларнинг ишларида умумтаълим мактабларида физика ўқитишни ривожлантириш концепцияси, Давлат таълим стандартлари ва ўқув дастурларини ҳамда дарсликлар ва бошқа ўқув-методик адабиётларни компетенциявий ёндашув асосида ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этиш муаммолари тадқиқ этилган [7:10].

Касбий компетентлик мутахассис томонидан алоҳида билим, малакаларининг эгалланишинигина эмас, балки ҳар бир мустақил йўналиш бўйича интегратив билимлар ва ҳаракатларнинг ўзлаштирилишини ҳам назарда тутади, шунингдек, компетенция мутахассислик билимларни доимо бойитиб бориш, янги ахборотларни ўрганиш, муҳим ижтимоий талабларни англай олиш, янги маълумотларни излаб топиш, уларни қайта ишлаш ва ўз фаолиятида қўллай билишни тақоза этади [4:4].

А.А.Халиковнинг таъкидлашларига кўра, ёш мутахассис учун «компетентлик» ҳамда «компетенция» тушунчаларини кескин фарқлаш жуда муҳим аҳамиятга эга. Эътироф этилаётган атамалар педагогик-психологик фаолиятда кенг қўлланилиб келинишига қарамасдан шу вақтга қадар мавжуд илмий-методик адабиётларда уларнинг мазмун-моҳиятини очишга бўлган ягона қараш ёки ёндашувлар мавжуд эмас [8:5].

Олимлар компетентлик ҳамда унинг таснифи билан боғлиқ бўлган қатор илмий изланишларни амалга оширганлар. Айрим олимлар «компетентлик» ва «компетенция» тушунчаларидан таълимнинг якуний натижаларини тасвирлашда фойдаланишган бўлишса, баъзи олимлар ривожланаётган шахснинг турли хусусиятларини ифодалашда қўллашганлар.

Компетенция (лотинчадан: competentia) – бу инсон мукаммал хабардор бўлиши лозим бўлган, касбий фаолиятига тааллуқли муаммолар моҳиятининг мажмуаси, тажриба ва билимларни эгаллаш, шу билан бирга, ўз соҳасига мувофиқ келувчи билим ҳамда қобилиятларга нисбатан компетентликка эга бўлиш, мутахассислиги бўйича унумли фаолият кўрсатиш кўникма ва малакаларини эгаллашдан иборат.

Ўзбекистон миллий энциклопедиясида компетенция атамасига қуйидагича изоҳ берилган:

1) маълум бир идора ёки мансабдор шахсга қонун ҳамда низомлар, актлар асосида белгилаб берилган ваколатлар доираси;

2) бирор соҳага оид бўлган билим ва тажрибалар мажмуаси.

Таълим жараёнига физикадан компетенциявий ёндашувни татбиқ этиш орқали қуйидаги вазифаларни амалга ошириш лозим:

- давлатимизнинг келгусида жамият, фан, ишлаб чиқариш ва шахсни мустақил ҳаётдаги муаммоларни ҳал этишга қодир ёшларга бўлган ижтимоий эҳтиёжни қондириш мақсадида бўлажак физика ўқитувчиларининг ўзлаштирган билим, кўникма ва малакаларини янги кутилмаган вазиятларда ижодий қўллашга ўргатиш;

- физика таълим мазмунини муаммоли ўқув вазиятларини яратиш орқали ўрганиш асосида бўлажак физика ўқитувчиларининг фан асосларини ўрганишга бўлган эҳтиёжларини қондириш, қизиқишларини ривожлантириш, шахсий сифатларини таркиб топтириш;

- бўлажак физика ўқитувчиларининг ўқув-билиш фаолиятини аниқ физик объектларга қаратиш ва мавжуд муаммоларни ҳал этишга ўргатиш орқали Давлат таълим стандарти билан меъёрланган билим, кўникма ва малакаларини шакллантириш баробарида бўлажак физика ўқитувчилари томонидан ижодий фаолият тажрибаларининг эгалланишига эришиш;

- бўлажак физика ўқитувчиларини аниқ амалий фаолиятга тайёргарлигини орттириш орқали касбга, ижодий фаолият тажирибаларини ривожлантириш натижасида фан йўналишига йўллаш;

- физикадан ўзлаштирилган илмий-назарий билимларни аниқ ва жараёнли муаммоли вазиятларда амалиётда қўллаш орқали бўлажак физика ўқитувчиларини мустақил ҳаётга тайёрлаш имконияти мавжуд.

Бугун биз компетенциявий ёндашув асосида яратилган Давлат таълим стандартларини амалиётга жорий этар эканмиз, биз таълим ходимлари бу жараённи муваффақиятли амалга ошириш учун масъул эканлигимизни англашимиз керак. Олий таълим муассасаларида бирор бир ўзгаришларни амалга ошириш учун, аввал ўқитувчининг касбий онгини тубдан ўзгартириш керак. Компетенциявий ёндашув асосида таълим бериш шароитида ўқитувчиларнинг ўз фаолиятига ёндашуви ҳам ўзгариши керак. Ўқитувчи бундан буён дарслик билан биргаликда бўлажак ўқитувчиларга «объектив билимларни» етказувчиси бўлиб қолмайди. Компетент бўлажак ўқитувчини фақатгина компетент педагог тайёрлаши мумкин.

Бўлажак физика ўқитувчиси коммуникатив компетенцияни таркиб топтиришни назарда тутган ҳолда физика дарсларида таълим олувчиларнинг келгусида жамиятда мулоқатга киришиши учун зарур бўладиган оғзаки ва ёзма нутқни мукаммал ўзлаштириши, ўз фикрини аниқ ва тушунарли баён этиш, дарслик ва қўшимча адабиётлардаги матн асосида мантиқий кетма-кетликда саволлар тузиш, саволларга ёзма ва оғзаки жавоб ёзиш, ўз ўртоқлари ва устозлари билан мулоқатда муомала маданияти меъёрларига амал қилиш, кичик гуруҳларда ишлаш жараёнида гуруҳ аъзоларининг фикрини ҳурмат қилган ҳолда ўз фикрини баён эта олиш, жамоавий ҳамкорликда ишлай олиш, ўзлаштирган билим, кўникма ва малакаларига асосланган ҳолда ўз фикрини ҳимоя қилиш ва ишонтира олиш, дарсларда ташкил этиладиган ўқув баҳслар ва турли зиддиятли вазиятларда ўз эҳтиросларини бошқариш, муаммо ва келишмовчиликларни ҳал этишда зарур бўлган қарорларни қабул қила олиш, ўз она тили билан бир қаторда хорижий тилларни ўзлаштиришга замин яратиш лозим.

Бўлажак физика ўқитувчиларида ахборот билан ишлаш компетенциясини таркиб топтириш мақсадида мавзуга оид ўқув ва видеофильмлардан фойдаланиши, қўшимча адабиётлар ва Интернет сайтларидан маълумотларни саралаш, шу асосда реферат, доклад ва тақдимот материалларини тайёрлаш юзасидан

топшириқларни бериш орқали уларнинг илмий дунёқарашини кенгайтириши учун дарс, дарсдан ташқари ишлар ва экскурсиялардан самарали ва ўз ўрнида фойдаланиш зарур.

Бўлажак физика ўқитувчиларида ижтимоий фаол фуқоралик компетенцияни таркиб топтиришда умумий ва назарий физика, физика ва астрономия ўқитиш методикаси, физикани ўқитиш технологиялари ва лойиҳалаш, физикадан масалалар ечиш дарсларида ва мустақил ишлар муҳим аҳамият касб этади.

Бўлажак физика ўқитувчиларида умуммаданий компетенцияларни ривожлантириш учун онги ва қалбига миллий ва умуминсоний қадриятларни сингдириш орқали эстетик тарбияга эътибор қаратиш лозим.

Бўлажак физика ўқитувчиларида математик саводхонлик, фан ва техника янгиликларидан хабардор бўлиш ҳамда фойдаланиш компетенциясини таркиб топтиришда мустақил ва ижодий фикр юритиш кўникмаларини ривожлантириш мақсадида ҳисоблашга доир физик масалалар, ностандарт ўқув топшириқлари билан ишлашни йўлга қўйиш лозим [5.18].

Ушбу компетенцияларнинг барчасини таъминланиши бўлажак физика ўқитувчиларининг педагогик фаолиятини ташкил этиш, методик ўзини-ўзи ривожлантиришга нисбатан масъулятни янада оширишга хизмат қилади. Пировард натижада юқори малакали кадрларни тайёрлаш ва салоҳиятини оширишга эришилади.

Хулоса қилиб айтганда, бўлажак физика ўқитувчиларида таянч, умумий ва фанга доир хусусий компетенцияларни таркиб топтириш муаммоси методик педагогик компетенцияларига аниқлик киритиш ва педагогик кадрларни тайёрлаш жараёнида компетенциявий ёндашув талаблари асосида ўқув курсларининг мазмунини янгилаш, шу асосда ўқитишни ташкил этиш ва бошқариш давр талаби саналади. Бу эса ўз навбатида, олий таълим муассасаларида таълим ва тарбия жараёнининг сифатли ташкил этилишини, малакали кадрлар тайёрлашда юксак самарадорликка эришишни кафолатлайди.

**Адабиётлар**


1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ни Фармони. –Т.: «Адолат». 2017.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори. «Халқ сўзи» газетаси, 2017 йил 21 апрел. №79 (6773).
3. Шарипов Ш.С. Аниқ ва табиий фанларни ўқитишнинг замонавий методологияси: муаммо ва ечимлар мавзусидаги анжуман материаллари. -Т.: 2016.
4. Муслимов Н ва бошқалар. Педагогик компетентлик ва креативлик асослари. –Т.: «SANO-STANDART». 2015, 4-5-б.
5. Толипова Ж.О Аниқ ва табиий фанларни ўқитишнинг замонавий методологияси: муаммо ва ечимлар мавзусидаги анжуман материаллари. -Т.: 2016.
6. Карлыбаева Г.Е. Бўлажак физика ўқитувчиларининг методик тайёргарлигини такомиллаштириш: Пед.фан.докт….дисс. – Нукус: 2019.
7. Турдиев Н.Ш., Асадов Ю.М., Акбаров С.Н., Темиров Д.Ш. Умумий ўрта таълим тизимида ўқувчиларнинг компетенцияларини шакллантиришга йўналтирилган таълим технологиялари. Ўқув-услубий қўлланма. – Тошкент: «Тафаккур», 2015.
8. Халиков А.А. Педагогик маҳорат. –Тошкент: Иқтисод-молия, 2011.



**РЕЗЮМЕ**

Мақолада бўлажак физика ўқитувчисининг методик тайёргарлигини ривожлантиришда компетенциявий ёндашувни татбиқ этиш (коммуникатив, ахборот билан ишлаш, ижтимоий фаол фуқоралик, умуммаданий ва математик саводхонлик, фан ва техника янгиликларидан хабардор бўлиш ҳамда фойдаланиш) ҳақида маълумотлар берилган.

**РЕЗЮМЕ**

В статье представлена информация о развитии методической подготовки будущих учителей физики путём использования компетентностного подхода (коммуникативной, информационной, социально активной гражданственности, общекультурной и математической грамотности, осведомлённости и использовании научных и технических новостей).

**SUMMARY**

The article provides information on the development of methodological training of future teachers in physics through the use of a competency-based approach (communicative, informational, socially active citizenship, general cultural and mathematical literacy, awareness and use of scientific and technical news).


# ДИАГНОСТИКА И ОПРЕДЕЛЕНИЕ НАПРАВЛЕНИЙ ПРИМЕНЕНИЯ АРТ-ПЕДАГОГИЧЕСКИХ ТЕХНОЛОГИЙ В ЭСТЕТИЧЕСКОМ ВОСПИТАНИИ МЛАДШИХ ШКОЛЬНИКОВ


**Г.Т.Куттибекова** - *старший предподователь*

*Джиззакский государственный педагогический институт*



**Таянч сўзлар:** ўқувчилар, эстетик тарбия, эстетик жихатдан тарбиялаш, арт-педагогика, диагностика, таркибий қисм, белгилар, йўналиш.

**Ключевые слова:** учащиеся, комплекс, эстетическое воспитание, эстетическая воспитанность, арт-педагогика, диагностика, компоненты, критерии, направления.

**Key words:** pupils, complex, aesthetic upbringing, aesthetic mannerliness , art pedagogy, diagnostics, components, criteria, trends


В Узбекистане вопросы активизации и совершенствования деятельности образовательных и культурных учреждений в целях приобщения молодого поколения к национальным и общечеловеческим ценностям, достижениям мировой культуры, развития чувства прекрасного, эстетических потребностей и вкусов возведены в ранг государственной политики. Поиск путей и технологий, активизирующих помощь учителям в достижении образовательной цели – научить и воспитать личность духовно богатого, творчески мыслящего гармонически развитого гражданина – позволяет рассматривать данную проблему как социально и педагогически значимую.

В Указе Президента РУз от 07.02.2017 г. N УП-4947 «Стратегия действий по пяти приоритетным направлениям развития Республики Узбекистан в 2017-2021 годах», Послании Президента Республики Узбекистан Шавката Мирзиёева Олий Мажлису: "Без развития культуры и искусства в нашей стране общество не будет прогрессировать" от 22 декабря, 2017г., Постановлениях Президента Республики Узбекистан «О мерах по инновационному развитию сферы культуры и искусства в Республике Узбекистан» ПП-3920 от 26.08.2018 г., в Выступлении Президента на встрече с творческой интеллигенцией 3. 08. 2018г. подробно говорилось о воспитании молодого поколения, повышении действенности и эффективности работы в этом направлении, о необходимости повышения культурного уровня нашего народа, воспитании наших соотечественников, особенно молодого поколения, в духе высоких гуманистических идей, любви и преданности Родине на основе национальных и общечеловеческих ценностей [1,2,3,4].

В педагогической литературе всё чаще рассматривается такая функция уроков художественно-эстетического цикла, как снятие нервно-психоло-

гических перегрузок, восстановление положительного эмоционально-энергетического тонуса обучающихся, осознание и выражение своих чувств и переживаний. Инновационные подходы к эстетическому воспитанию опираются на развитие творческого потенциала детей и использование его здоровье сберегающих возможностей, что соответствует задачам арт-педагогики и, следовательно, могут быть реализованы с её помощью.

Введение арт-педагогических и арт-терапевтических методик в область школьного эстетического воспитания является сложной многосторонней проблемой, решение которой требует не только определения уровня эстетического развития школьников и факторов, тормозящих этот процесс, но и тех направлений художественно-эстетического воспитания, в русле которых данные методики будут дополнять, обогащать и совершенствовать сферу эстетического, этического, эмоционального, творческого, психического и социального развития личности.

Так как применение артпедагогики и арттерапии в общеобразовательных школах Узбекистана является практически новым направлением в эстетическом воспитании, то целью констатирующего эксперимента является не столько выявление недостатков организации процесса эстетического воспитания, сколько определение направлений, с помощью которых возможно расширение эстетических и здоровьесберегающих функций уроков изобразительного искусства и музыки.

Диагностика имеет большое значение для целенаправленного и эффективного осуществления воспитательно - образовательного процесса. Она позволяет путём контроля (мониторинга) и коррекции всей системы воспитания и обучения и составляющих ее компонентов совершенствовать процесс воспитания, обучения и развития детей.

Учитывая сложность педагогической организации процесса эстетического воспитания с применением арт-пед технологий, отсутствием четких и однозначных критериев его измерения, а также определения достижений учащихся в конкретных художественных сферах деятельности – изобразительном искусстве и музыке – делается вывод о правомерности применения комплекса диагностических методик - как установочно-исследовательских (для учителей, экспериментатора – наблюдение, анализ учебной документации, творческих работ), так и личностно-проверяющих (для учащихся – анкеты, тесты, практические методики, контрольные листы). Уровни сформированности эстетических проявлений отслеживались по следующим направлениям:

- в изобразительной деятельности на уроках ИЗО;
- в музыкальной деятельности на уроках музыки.

Комплексная методика дает возможность выявить многие грани художественно-эстетического развития учащихся младших классов.

По каждому направлению (предмету) были составлены представления об учащихся базовых школ по таким параметрам, как отношение к искусству, эстетическое чувство, художественно-эстетические представления, отношение к искусству, художественно-изобразительный и музыкальный опыт, художественно - творческие способности обучающихся, степень развития художественно-жизненных ассоциаций, благополучие психической сферы или отклонения, гибкость построения (создания) художественного (графического, музыкального) образа, творческое воображение, фантазия.

На основании анализа точек зрения на компоненты и критерии эстетического воспитания высказанных учеными Ю.С. Любимовой, А.И.Копытиным, О.А. Горбуновой, А.В. Анисимовым, М.А. Пинской, Б.В. Сергеевой, Н.А. Петренко, И.В. Хромовой и др. [5,6,7,8,9], а также в соответствии с проблемой исследования и учетом возрастных особенностей младших школьников нами были выделены такие критерии **эстетической воспитанности** учащихся, как *когнитивный, ценностно - ориентационный, творческий, деятельностный.*

**Критерии эстетической воспитанности на уроках изобразительного искусства –** *изобразительные навыки, эмоционально - ценностное отношение, творческий подход.*

**Критерии эстетической воспитанности на уроках музыки –** *восприятие музыки, креативные способности и потребности, активность музыкально-творческой деятельности, создание продуктов собственного творчества.*

На основании определения исходного уровня эстетической воспитанности учащихся 3-4 экспериментальных классов школ №№… в соответствии с указанными критериями был получен материал для критического переосмысления и усовершенствования преподавания предметов эстетического цикла (табл.1).

**Таблица 1.**

**Исходный уровень эстетической воспитанности учащихся начальных классов**

| Критерии | Школа №… 50 учащихся | | | Школа №… 45 учащихся | | | Школа №… 55 учащихся | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | У Р О В Н И | | | | | | | | |
| | В | С | Н | В | С | Н | В | С | Н |
| Когнитивный | 11 | 13 | 26 | 9 | 28 | 13 | 10 | 23 | 17 |
| Ценностно-ориентационный | 13 | 26 | 11 | 12 | 27 | 21 | 13 | 26 | 11 |
| Творческий | 13 | 13 | 24 | 11 | 22 | 17 | 13 | 28 | 19 |
| Деятельностный | 12 | 26 | 12 | 18 | 28 | 14 | 15 | 29 | 16 |

Такие проблемы, как недооценка предметов искусства, обращение основного внимания знаниям и художественным навыкам, недостаточность материалов по современному искусству, слабые межпредметные связи предметов эстетического цикла, малая доля творчества и самостоятельности учащихся, недостаточность индивидуального подхода, отсутствие внимания к психологическим особенностям, состояниям и проблемам детей, трудность введения инновационных методик и технологий преподавания для преподавателей и др. привели к выводам об активизации следующих направлений эстетического воспитания на уроках изобразительного искусства и музыки с применением арт-технологий.

**Уроки изобразительного искусства:**

- развитие креативности, самостоятельности, рефлексии;
- воспитание у детей эмоционально-эстетических чувств, эмоциональной отзывчивости при восприятии произведений искусства и создании своих работ;
- вызов увлечённости детей работой, интереса и желания заниматься искусством, обеспечение активного эмоционального отношения учащихся к занятиям, положительный эмоциональный фон, активизация творческих проявлений ребенка, развитие способностей и творческой активности учащихся в изобразительной деятельности.

Выполнение задач арт-терапии:

- с помощью ИЗО научить детей выражать свои чувства и формировать у них позитивное мировосприятие;
- снятие психоэмоционального напряжения, дискомфорта и излишнего возбуждение детей, через создание атмосферы доброжелательности, внимания и успешности, положительную оценку и одобрения учителем (взрослыми) художественной деятельности детей.
- вовлечение в самовыражение через осознание и разрешение проблемной (психологической) ситуации, выраженной в рисунке (лепке);

- привлечение эмоционально-эстетических чувств детей к проявлению у них чувства радости, восхищения от встречи с красотой в действительности и в искусстве.

**Уроки музыки:**

- формирование личностного отношения к искусству;

желания самосовершенствоваться;

- формирование умения самостоятельно планировать творческие действия;

- развитие креативности, самостоятельности и оригинальности при решении творческих задач;

- развитие **интереса** к различным видам искусства;

- умение формулировать **собственную оценку** произведения музыкального искусства;

- **участие** в конкретных видах художественной деятельности (в спектаклях, литуратурно-музыкальных композиций, пение в хоре, участие в творческих фестивалях, конкурсах, в культурной жизни класса, школы, города и т.д.);

- способность к воплощению творческих замыслов, понимание их целей и выбор путей решения проблем;

- эмоционально-ценностное отношения к искусству;

- реализация музыкально-творческого потенциала.

**Арт-педагогические методики**

- вокалотерапия – снятие негативных состояний, в том числе связянных со здоровьем;

- танцетерапия – релаксация, развитие пластики, музыкальности, чувства ритма.

Таким образом, комплексный характер методики обследования учащихся начальных классов и применения арт-педагогических технологий на уроках изобразительного искусства и музыка будет способствовать усилению педагогического влияния на интеллектуальное, художественно-эстетическое, и творческое развитие личности школьника.

**Литература**


1. Указ Президента РУз от 07.02.2017 г. N УП-4947 Стратегия действий по пяти приоритетным направлениям развития Республики Узбекистан в 2017-2021 годах. Национальная база данных законодательства, 16.10.2017.
2. Послание Президента Республики Узбекистан Шавката Мирзиёева Олий Мажлису: "Без развития культуры и искусства в нашей стране общество не будет прогрессировать" от 22 декабря, 2017. https://uz24.uz/
3. Постановление Президента Республики Узбекистан «О мерах по инновационному развитию сферы культуры и искусства в Республике Узбекистан» ПП-3920 от 26.08.2018 г. СЗ, N 35, ст. 706 Национальная база данных законодательства, 27.08.2018 г., № 07/18/3920/1799.
4. Президент Республики Узбекистан Шавкат Мирзиёев 3 августа 2017 года провел встречу с представителями творческой интеллигенции страны. Народное слово от 4.08.2017.
5. Любимова Ю.С. Концептуальные основы организации эстетического воспитания младших школьников / Ю.С. Любимова // Воспитание младших школьников: история и современность: сб. науч. ст. / редкол. В.В. Буткевич[и др.]; под общ. ред. В.В. Буткевич. – Минск: БГПУ, 2008. – С. 103–111.
6. Копытин А. И. Арт-терапия в общеобразовательной школе. "Арт-терапевтическая профилактика и коррекция эмоциональных и поведенческих расстройств у школьников": методические рекомендации Санкт-Петербург : [СПбАППО], 2005. - 52 с.: табл.
7. Горбунова О.А., Анисимов А.В. Сущность эстетического воспитания младших школьников// Мир науки, культуры, образования №4 (65) 2017. С.96-98.
8. Пинская М.А. Формирующее оценивание: оценивание в классе. Учебное пособие. М.: Логос, 2010.
9. Сергеева Б.В., Петренко Н.А. Эстетическое воспитание младших школьников // Современные наукоемкие технологии. – 2016. – № 12-2. – С. 428-432.



**РЕЗЮМЕ**

Маколада бошланғич мактабларнинг мусиқа ва тасвирий санъат дарсларида эстетик тарбия жараёнини такомиллаштиришда арт-педагогикани инновацион технология сифатида қўлланиш ва унга комплекс ёндашув диагностикаси ғоялари умумлаштирилган.

**РЕЗЮМЕ**

В статье обосновывается идея комплексного подхода к диагностике и применению арт-педагогики как инновационной технологии совершенствования процесса эстетического воспитания на уроках изобразительного искусства и музыки в начальной школе.

**SUMMARY**

The article illustrates the idea of complex approach to the diagnostics and applying of art pedagogy as an innovational technology to improve the process of aesthetic upbringing during art and music classes in primary schools.


## ULÍWMA BILIM BERIW MEKTEPLERINDE KLASSTAN TÍSQARÍ JUMÍSLARDÍ SHÓLKEMLESTIRIWDIŃ AYÍRÍM MÁSELELERI


**A.Qurmanov, T.Shamuratova, M.Amanbaev** –*úlken oqıtıwshılar*

**N.Yuldasheva** -*talaba*

*Ájiniyaz atındaǵı Nókis mámleketlik pedagogikalıq institutı*



**Tayanch so`zlar**: to`garak mashqlarida o`qitish metodlari, shakllari.

**Ключевые слова**: методы, формы обучения в кружковых занятиях, внеклассная работа.

**Key words:** methods, forms of teaching in circle classes, out-of-class lessons.


Klastan tısqarı jumısta da texnologiya pánine qoyılatuǵın wazıypalar qoyıladı. Biraq bunda olarda orınlaw ushın qosımsha shárt-sharayatlar bar. Olar boyınsha keńirek toqtalamız.

Klasstan tısqarı jumıs bir tárepten klasstaǵı jumıstıń dawamı bolsa, basqa tárepten, oqıwshılardı miynetke tayarlaw múmkinshiligin anaǵurlım keńeytiredi.

Klasstan tısqarı jumısta qatnasıw óz qálewi menen boladı.

Sonıń ushın da bunday jumısqa talapshań, baslamashı oqıwshılar tartıladı. Olardıń iskerliginiń mazmunı sabaq shınıǵıwlarındaǵı iskerlik mazmunınan bir az basqasha boladı. Bul jaǵday oqıw dástúrinde názerde tutılǵanınan quramalıraq wazıypalar qoyıwǵa hám olardı sheshiwge imkániyat beredi. Qálewshilik principi oqıwshılardıń baslamashılıq qábiletiniń joqarı bolıwın támiyinleydi. Sol sebepli, klastan tısqarı jumıs processinde texnologiya pániniń tiykarǵı wazıypaların orınlaw boyınsha jaqsı nátiyjelerge erisiledi.

Klastan tısqarı jumıstıń mazmunı texnologiya pánine baylanıslı oqıw dástúrleri menen qatań baylanıspaǵanlıǵı sebepli qáwipsizlik qádeleri kózqarasınan qolaylı bolǵan qálegen kárxanaǵa ekskursiyalar jobalastırılıwı múmkin. Bul ekskursiyalardan maqset oqıwshılardı zamanagóy islep shıǵarıw tiykarları menen tanıstırıw bolıp tabıladı. Basqasha aytqanda, politexnika tálimi klastan tısqarı jumıstıń tiykarǵı maqseti bolıp qalıwı múmkin.

Klastan tısqarı jumıs sheklewlerden awlaq boladı. Oqıwshılardı jaqın átiraptaǵı kárxanalardaǵı jumısshı kásipler menen tikkeley tanıstırıw maqset etip qoyılıwı múmkin. Bul arqalı oqıwshılar jumısshı kásipler boyınsha maǵlıwmatqa iye boladı hám kásip tańlawda olarǵa járdem beredi. Bul jumısta túrli kásip iyeleri menen ushırasıwlar, sonday-aq kásipke

qızıǵıwshılar klubların shólkemlestiriw hám sol sıyaqlı tádbirler járdem beredi.

Eger, miynet tárbiyası tek ǵana uranlarǵa tayanıp shólkemlestirilse, hesh qanday nátiyje bermeydi. Baslamalar belgili bir jumıslar menen únles bolıwı kerek. Joqarıda aytılǵanlardan kórinip turǵanınday, klastan tısqarı jumıs tap usınday jumıslardan ibarat boladı. Olarǵa tárbiyalawshı tús beriw lazım. Bunıń ushın klastan tısqarı jumıstıń maqsetleri sonday sáwleleniwi kerek, bunda oqıwshılar uzaqtı kóre alıwı, olardıń texnikalıq pikirlew qábiletiniń rawajlanıwı, buyım jasawdı biliwi oqıwshınıń tek ǵana olardıń ózine ǵana emes, bálki jámiyetke de payda keltiriwi, klasstan tısqarı jumısta qatnasıwı, jámiyet rawajlanıwına jeke úles qosıwı ushın jaqsı tayarlıq ekenligin túsinip jetiwi júdá úlken áhmiyetke iye.

Miynet tárbiyası tiykarındaǵı klastan tısqarı jumıs wazıypaların tómendegishe sáwlelendiriw múmkin:

- oqıwshılardıń texnologiya páni sabaqları dawamında alǵan bilim hám kónlikpelerin bekkemlew, ulıwmalastırıw hám de keńeyttiriw;
- oqıwshılardı ónimli miynetke tiykarlanǵan dóretiwshilik iskerlikke tartıw;
- házirgi zaman islep shıǵarıw tiykarları haqqındaǵı túsinikti keńeyttiriw;
- kásip tańlawǵa tayarlaw;
- miynetke sanalı múnásibetti qáliplestiriw.

Texnologiya pánine tiykarlanǵan klastan tısqarı jumıs túrli formalarda ámelge asırıladı. Dógerekler, islep shıǵarıw aldıngıları menen ushırasıwlar shólkemlestiriw hám basqa da ilajlar usılar qatarına kiredi.

Miynet tárbiyasına tiykarlanǵan klasstan tısqarı jumıstıń barlıq formaların shártli ráwishte úsh toparǵa birlestiriw múmkin.

Birinshi toparǵa dógerekler kiredi. Dógerek klastan tısqarı jumıstıń sınalǵan forması bolıp, mekteplerde hár qıylı pánler tiykarında shólkemlestiriledi. Qánigeligine qaramastan, dógerekler jumısında ulıwmalıq kóp boladı. Sonıń ushın texnikalıq dógereklerdiń basshıları basqa qánigeliktegi dógerekler basshıların tereń úyrenip, eń jaqsı táreplerin óz jumısında qollanıwı kerek. Sonıda aytıp ótiwimiz kerek, dógerek jumısın texnologiya páni tiykarında alıp barıw ózine tán ózgesheliklerge iye bolıp, onıń metod hám formalarına belgili bir dárejede tásir kórsetedi.

Ekinshi toparǵa ekskursiyalar hám kórgizbeler shólkemlestiriw, islep shıǵarıw belsendileri menen bolatuǵın ushırasıwlar hám basqa da ilajlardı kirgiziw múmkin. Olardı klastan tısqarı jumıstıń ǵalaba formaları dep ataw qabıllanǵan.

Klastan tısqarı jumıslardıń texnologiya páni tiykarındaǵı úshinshi toparına oqıwshılardıń miynet birlespeleri kiredi. Miynet birlespeleri salıstırmalı túrde anaǵurlım ilgeri bolǵanına qaramastan, keyingi jıllarda keń qollanıla baslandı. Oqıwshılardıń miynet birlespeleri ónimli miynet penen qosıp alıp barıwdıń nátiyjeli forması sıpatında miynetke tárbiyalaw, kásip tańlawǵa baǵdarlaw, islep shıǵarıw tiykarları menen tanıstırıw hám miynetke dóretiwshilik múnásibetlerdi qáliplestiriw quralları sıpatında óz kórinisin taptı.

Klastan tısqarı jumıstıń túrlerine toqtalıp ótemiz.

Texnikalıq dógerekler jumısın shólkemlestiriw. Mekteplerdiń jumıs tájiriybesinde hár qıylı dógerekler ushıraydı. Oqıw pánleri menen baylanıslılıq kózqarasınan dógereklerdi úsh toparǵa bóliw múmkin:

- pánge baylanıslı, pánler aralıq hám pánlerden tısqarı dógereklerge ajıratıw múmkin.

Pánge baylanıslı dógerekler dep, tikkeley miynet tárbiyası menen baylanıslı bolǵan dógereklerge aytıladı. Óz mazmunına qaray bul dógerekler texnologiya páni sabaǵında oqıwshılar orınlaǵan jumıstıń dawamı sıyaqlı, biraq bunda oqıwshılardıń iskerligi jáne de quramalıraq, keńirek boladı. Pánge baylanıslı dógereklerde oqıwshılar aldın orınlaǵan jumıstı qaytadan tákirarlamawı kerek.

Pánler aralıq dógerekler bul fizikalıq-texnikalıq dógerekler bolıp tabıladı. Bul dógereklerde oqıwshılar iskerliginiń mazmunı dógerektiń óziniń atınan kelip shıǵadı. Fizikalıq-texnikalıq dógereklerde oqıwshılardıń miynet obektleri, ádette, túrli modeller boladı. Bunda oqıwshılar fizika kursında úyreniletuǵın belgili bir nızamlılıqlardı mısallar menen aydınlastırıwǵa muwapıq boladı. Bul bir tárepten pán tiykarların ózlestiriwge járdem beredi, al ekinshi tárepten oqıwshılarda model konstrukciyasın islew kónlikpelerin qáliplestiredi. Fizikalıq-texnikalıq dógereklerge bir waqıttıń ózinde fizika hám texnologiya pánleri oqıtıwshıları basshılıq etedi.

Pánnen tısqarı, dógerekler házirgi waqıtta klasstan tısqarı jumısta keńirek tarqalǵan. Oqıwshılar iskerliginiń mazmunına qaray bul dógerekler hár qıylı bolıwı múmkin. Bunday jaǵdayda olardıń jumıs alıp barıwları ushın mektep ustaxanalarınan materiallıq baza retinde paydalanıladı.

Pánlerden tısqarı dógereklerge basshılıq etiwge kóbinese, baza sıpatında alınǵan kárxana xızmetkerleri, ata-analar shaqırıladı. Al, oqıtıwshı olarǵa metodikalıq járdem kórsetedi.

Dógerekler jumısınıń mazmunı baǵdarlamalarda belgilep beriledi. Bul baǵdarlamalardı xalıq bilimlendiriw ministrligi qasındaǵı metodikalıq birlespeler, sonday-aq, «Barkamal áwlad» balalar orayları islep shıǵadı. Baǵdarlamalar bir yamasa eki oqıw jılına mólsherlengen boladı.

Dógerek shınıǵıwları, ádette, hár háptede bir márte eki saattan ótkeriledi, biraq oqıwshılar arasında bunıń menen qanaatlanbaytuǵın talapshań oqıwshılar da ushırasadı. Olar menen kóbirek shınıǵıwlar ótkeriw múmkin, biraq bunıń ushın klass basshısı menen kelisiw kerek, sebebi ol hár bir oqıwshınıń basqa pánlerdi qanday ózlestiriwin jaqsı biledi. Dógerekler kishi jastaǵı, ortasha jas hám úlken jas toparlarına bólinedi. Hár bir toparda 10-12 bala boladı [1].

Bir dógerekte on ekiden artıq oqıwshı bolmawı kerek, on ekiden artıq bolsa ekinshi topar ashılıwı kerek boladı, keri jaǵdayda oqıwshılardıń hár birine jeke tárizde basshılıq etiw qıyınlasadı.

Aldıngı mekteplerdiń is tájiriybesiniń kórsetiwinshe, mektep ustaxanalarına tiykarlanǵan dógerek shınıǵıwlarınıń strukturası aralas sabaq strukturasına jaqın. Buǵan sebep, hár qanday dógerek shınıǵıwında, ádette, bir qatar didaktikalıq máseleler sheshiledi. Belgili bir miynet obektin tayarlawdı oqıwshılar dógerek shınıǵıwında gózlengen tiykarǵı maqset dep biledi.

Dógerek shınıǵıwlarında oqıtıw metodları qoyılǵan didaktikalıq maqsetlerge, oqıw materiallarınıń mazmunına, oqıwshılar hám oqıtıwshınıń tayarlıq dárejesine qarap tańlanadı. Dógerek shınıǵıwlarına qanday da bir arnawlı metodlar tán emes. Olarda texnologiya páninde paydalanılatuǵın metodlar qollanıladı. Biraq bul metodlardan paydalanıw ózine tán ózgesheliklerge iye. Mısalı, baqlawlardıń kórsetiwinshe, awızeki metodlardan kóbinese túsindiriw metodı qollanıladı, al gúrriń metodı eń kem qollanıladı. Bir qarawda bul ersilew túyiliwi múmkin. Bizge belgili sáwbetlesiw processinde basqa awızeki metodlarǵa qaraǵanda oqıwshılardıń biliw belsendiligi artadı, biraq dógerek shınıǵıwlarında tálim metodlarınan paydalanıwdıń ózgesheligi de sol esaplanadı.

Kórsetpelilik metodlarında, yaǵnıy V-VI klass oqıwshılarına kóbinese kórsetpe qollanbalar, al VIII-IX klass oqıwshılarına grafikalıq súwretler kórsetiledi. Jumısqa bunday qatnas jasawda oqıwshılardıń grafikalıq bilim tayarlıǵı esapqa alınadı.

Dógerek shınıǵıwlarında oqıtıw metodlarınıń ishinde

instruktaj áhmiyetli orındı iyeleydi. Bunda kirisiw, kúndelikli hám juwmaqlawshı intruktajlar; frontal, zveno hám jeke instruktajlar; awızeki, jazba, grafikalıq instruktajlar qollanıwı múmkin. Basqasha aytqanda, dógerek shınıǵıwlarında texnologiya pánine tán bolǵan instruktajdıń barlıq túrleri ushıraydı.

Dógerek shınıǵıwlarında oqıwshılar jumısın shólkemlestiriwdiń tómendegi oqıtıw formalarınan paydalanıw maqsetke muwapıq boladı:

- teoriyalıq maǵlıwmatlar, ámeliy shınıǵıwlar (maǵlıwmatlar hám texnologiyalardı ańlap alıw, aqılıy qızıǵıwshılıǵın rawajlandırıw, teoriyalıq bilimlerdi bekkemlew);
- dóńgelek stol dógereginde sóylesiwler (kórilip atırǵan tapsırmalar sheshimleri boyınsha usınıs beriw qábiletin asırıw, esitiw, túsiniw hám tuwrı sheshimler shıǵarıw);
- báseki hám pikirlesiwler (tapsırmalar sheshimi boyınsha dáliller hám tiykarlı argumentlerdi beriw, esitiw hám mashqalalar sheshimin tabıw qábiletin rawajlandırıw) [2].

Oqıwshılar jumısın shólkemlestiriwdiń qanday formasınıń tańlanıwı dógerek shınıǵıwlarında ayrıqsha dıqqattı tartatuǵın miynet obektlerine kóp tárepten baylanıslı boladı. Buǵan sebep, klasstan tısqarı jumıs processinde bir waqıttıń ózinde tómendegi eki jaǵdaydı esapqa alıwǵa tuwra keledi:

1) jámáát miyneti eń úlken tárbiyalawshı imkániyatlarǵa iye.

2) oqıwshılar óz qızıǵıwın qanaatlandıratuǵın hám óz betinsheligin tolıq kórsetiwge imkaniyat beretuǵın jeke tapsırmalardı orınlawǵa tırısadı.

Juwmaqlastırıp aytqanda klastan tısqarı jumıslardı durıs shólkemlestiriw jas áwladtıń maman qánige bolıp jetilisiwinde áhmiyetli orın tutadı.

**Ádebiyatlar**

1. Davlatov K. Mehnat va kasb tálim-tarbiyasidan amaliy mashģulotlar. - T.: «Wqituvchi», 1995, 267-b.
2. Turakulov X.A., Sharipov Sh.S. Talabalar ixtirochilik ijodkorligini rivojlantirish. Uslubiy tavsifnoma. – Jizzax: 1998, 36-b.

**REZYUME**

Maqolada umumta`lim maktablarida sinfdan tashqari ishlarni samarali tashkil etish orqali yosh avlodni yetuk mutaxassis qilib yetishtirishga erishish haqida so`z qilingan.

**РЕЗЮМЕ**

В статье рассматривается вопросы воспитания молодого поколения и подготовки высококвалифицированных специалистов при помощи эффективной организации внеклассной работы в общеобразовательных школах.

**SUMMARY**

The article deals with the education of the young generation in order to prepare highly educated specialists with the help of the effective organization of out-of-class work in secondary educational schools.

## УМУМИЙ ЎРТА ТАЪЛИМ МАКТАБЛАРИДА ҚОРАҚАЛПОҚ ХАЛҚ МУСИҚА САНЪАТИНИ ЎРГАНИШНИНГ ПЕДАГОГИК АҲАМИЯТИ

**Ы.Ж.Моянов** – *педагогика фанлари бўйча фалсафа доктори*
*Ажиниёз номидаги Нукус давлат педагогика институти*

**Таянч сўзлар**: мусиқа, маънавият, санъат, бахши-жиров, халқ қўшиқлари, маънавий-ахлоқий фазилат, халқ анъаналари, афсона ва ривоят, тарбия, гўзаллик, маданият, урф-одат, анъана, қадрият, ўқувчи, илм, маърифат.

**Ключевые слова:** музыка, духовность, искусство, бахши-жирау, народные песни, моральные достоинство, народные традиции, миф и легенда, воспитание, красота, культура, обычай, традиции, ученик, образование, просвещение.

**Key words:** music, spirituality, art, bakshi-jiraw, folk songs, moral virtues, folk traditions, myth and legend, upbringing, beauty, culture, tradition, value, student, science, education, enlightenment.

Шарқ донишмандлари айтганидек, "Энг катта бойлик – бу ақл-заковат ва илм, энг катта мерос – бу яхши тарбия, энг катта қашшоқлик – бу билимсизликдир!" Шу боис, ҳаммамиз учун замонавий билимларни ўзлаштириш, чинакам маърифат ва юксак маданият эгаси бўлиш узлуксиз ҳаётий эҳтиёжга айланиши керак [1] деган Президент Ш.Мирзиёевнинг фикрлари янги ўн йилликка қадам қўйилган бугунги кунда умумий ўрта таълим мактаблари фаолияти самарадорлигини оширишга алоҳида эътибор қаратилиши зарурлигини кўрсатади. Чунки бугунги ўқувчи миллат номини тараннум этувчи эртанги кун ворисидир.

Мамлакатимизда илм-фанни янада равнақ топтириш, ёшларимизни чуқур билим, юксак маънавият ва маданият эгаси этиб тарбиялаш, рақобатбардош иқтисодиётни шакллантириш борасида бошлаган ишларимизни жадал давом эттириш ва янги, замонавий босқичга кўтариш мақсадида юртимизда 2020 йилга "Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили", деб ном берилиши, юксалишнинг энг қисқа йўлидан бориш имкониятини беради. Зеро, бугун дунёда барча соҳаларга ахборот технологиялари чуқур ки риб бормоқда [1].

2020-2025 йилларда Ўзбекистон Республикасида халқ мусиқа санъатини ўрганиш концепциясида жамиятнинг моддий-маънавий ривожланишига қадриятлар, тарбия воситаси бўлган миллий мусиқа санъати ҳам ижобий таъсир кўрсатади. Маънавий қадриятлар мустақиллигимизнинг барқарорлиги, ривожланиши учун муҳим пойдевор бўлиб хизмат қилишини унутмаслик лозим. Шахсда маънавий-ахлоқийтарбия одоб–ахлоқ қоидалари замирида шаклланиб боради. Шарқона тарбия мезонларида иймон, эътиқод тушунчалари негизида маънавий-ахлоқиймаданиятнинг моҳияти мужассамлашгандир.

Асрлар давомида инсон онгида вужудга келиб, шаклланган, тараққий этаётган қорақалпоқ халқ қўшиқлари ўқувчиларда маънавий-ахлоқий фазилатларни тарбиялашда муҳим манба ҳисобланади.

Умумий ўрта таълим мактабларида мусиқа маданияти таълимида ўқувчиларнинг маънавий-ахлоқий фазилатларини шакллантириш воситаларидан бири қорақалпоқ халқ қўшиқларидир. Бундай халқ қўшиқлари турли байрам ва тантаналарда айтилиши билан бир қаторда, мусиқа маданияти дарсларида ҳам ўрганилади. Бу жараён ўқувчиларнинг ўзлигини англашга ёрдам бериб, фаоллигини оширади. Ўқувчиларни халқ қўшиқлари орқали маънавий-ахлоқий тарбиялаш, аввало, уларда гўзалликни, санъатни қалбан ҳис қилишни такомиллаштиради. Бунда ўқувчиларнинг ёш хусусиятлари, индивидуаллигини ҳисобга олиш, мусиқани идрок қилиш, уни таҳлил қила олишга ўргатиш педагогик-психологик шарт-шароитларнинг мавжудлигига бевосита боғлиқдир.

Шундан келиб чиқиб айтиш мумкинки, "Соғлом ва хавфсиз таълим муҳити" [2]ни яратиш, ўқувчи ёшларимизни "оммавий маданият" "медиатехнологияларнинг салбий таъсирлари" ва "бузғунчи, вайронкор" ғоялар таъсиридан ҳимоя қилиш ғоят муҳим аҳамият касб этиши, эзгу одатимизга айланиб кетган меҳр-оқибат тушунчаларининг теран тарихий, миллий, диний илдизлари борлигини, умумий ўрта таълим мактабларида қорақалпоқ халқ мусиқа санъатини ўрганишнинг педагогик мазмуни, самарали шакл ва методларини ишлаб чиқиш, ўқувчиларниҚорақалпоқ халқ қўшиқлари орқали тарбиялаш муҳим педагогик аҳамият касб этади.

Ана шу ғоялардан келиб чиқиб педагоглар олдида қуйидаги вазифалар туради:

- мамлакатимиз равнақи учун турли милллат, ирқ ва динга мансуб бўлган кишилар ва гуруҳларнинг “Инсон манфаатлари ҳамма нарсадан устун” [1] шиори остида ҳамжиҳатликда яшаши ва ҳаракат қилишига барча шарт-шароитлар яратилганлигини ўқувчилар чуқур ҳис этишлари учун имконият яратиш керак;

- илм фан ва технология янгиликлари орқали ўқувчиларнисанъат соҳаси ютуқлари ва миллий қадриятларимиз билан таништириш;

-ўқувчиларнинг мафкуравий иммунитетини мустаҳкамлаш, халқимизнинг ва жамиятимизнинг манфаатларига мос ёшлар ижтимоий онгини тарбиялаш тизимини ривожлантириш;

- ўзи яшаётган жамият, мамлакат ёки давлатнинг мақсадини, уни ифода этадиган ғояларни билиши, аниқ тасаввур этиши, онг ва тафаккуридан жой олишига эришиш керак.

Қорақалпоқ халқ қўшиқлари орқали 5–7-синф ўқувчиларининг маънавий-ахлоқий фазилатларини шакллантиришда мусиқа санъатининг мақом ва мумтоз ашула жанрларига мансуб намуналар ҳам ўзининг қулайлиги ҳамда тингловчиларга тез етиб бориши билан ажралиб туради. Халқ қўшиқларида миллатнинг анъаналари, расм-русумлари, маданияти ўз ифодасини топганлиги боис мусиқа таълими ўқувчилар ҳаётида алоҳида ўрин эгаллайди. Кузатишларга қараганда мусиқага бўлган қизиқиш кичик мактаб ёшидан ниҳоят даражада жадаллашади. Бу эса ўқувчиларнинг интеллектуал, эстетик ва маънавий оламини бойитиш, ривожлантиришга хизмат қилади. Ўқувчиларнинг мусиқани ёқтириши, халқ қўшиқлари воситасида уларни гўзаллик оламига олиб кириш, ижрочилик маҳоратларидан баҳраманд бўлиш ва халқнинг мусиқа асарларини қадрлашга ўргатиш муҳим аҳамият касб этади. Бу борада эътиборсизлик қилинса, енгил-елпи мусиқага қизиқиш ортиб, мумтоз мусиқий оҳанглардан узоқлашиш ҳисси пайдо бўлади.

Ёш авлодни қорақалпоқ халқ бахши-жиров қўшиқлари воситасида маънавий-ахлоқий тарбиялашда мусиқани ҳиссий идрок қилишга йўналтириш энг асосий омил ҳисобланади. Мусиқа таълимида ўқувчини қизиқтириш алоҳида аҳамиятга эга. Қизиқиш ўқувчиларнинг эҳтиёжига айланса, уларнинг диққати ва фикри, хаёлини жамлашга имконият яратилади.

Қорақалпоқ халқ мусиқаси орқали ўқувчиларни маънавий-ахлоқий тарбиялашнинг муҳим шартларидан бири–уларда мусиқий қобилиятнинг мавжудлигини аниқлай олишдир.

Мусиқага оид қобилият, ўз навбатида, мусиқий идрокнинг икки муҳим томонини ўзида мужассамлаштиради: а) ҳиссий билиш; б) билиш самарадорлиги.

Ҳиссий идрок ҳар бир ўқувчининг мусиқадан таъсирлана олиши, унинг гўзаллигини ҳис этиши, ҳаётий воқеаларни ўз қамровига сола олишида намоён бўлади.

Билиш самарадорлиги мусиқани идрок қилиш орқали ўқувчининг ўзини ўраб турган муҳит ва ҳаёт ҳақида унинг учун янгилик бўлган хабар, билимларни эгаллашга эришишдан иборат.

Қорақалпоқ халқ қўшиқларидан оладиган маълумотларнинг кенг қамровли бўлишини таъминлаш, ҳиссий таъсирчанликни ўстириш учун ўқувчиларнинг мусиқий маданиятини ривожлантириш зарур. Ўқувчиларга ўргатиладиган бахшичилик ва жиров қўшиқларининг мусиқий безаги ундаги нола ва қочиримлардан унумли фойдаланган ҳолда халқ анъаналари, удумларини турли маросимлар билан узвий боғлаб, ўқувчиларга сингдириш лозимлиги билан белгиланади. Қорақалпоқ халқ мусиқаси намуналари таъсирчанлигини таъминловчи асосий омиллардан бири унинг ўқувчилар ҳиссиётига тез таъсир қилиш хусусиятидир.

Мусиқий оҳангнинг юксак даражада эмоционаллиги, унинг инсон ҳиссиёт ҳамда кечинмаларига самарали, кучли ва чуқур таъсир эта олишида намоён бўлади. Қорақалпоқ халқ қўшиқларини ижро этиш жараёнида сўзнинг таъсирчанлиги билан биргаликда ундаги ҳаракатчанлик, имо–ишоралар, товушларнинг оҳангдорлиги, чолғу созларнинг мусиқий жозибадорлиги ўқувчиларда гўзалликка бўлган интилишни шакллантиришига кўра маънавий-ахлоқий тарбия воситаси бўлиб хизмат қилади.

Маънавий-ахлоқий тарбиялаш орқали ўқувчиларда эстетик дид, гўзалликни ҳис қилиш фазилатлари ҳам камол топади.

Марказий Осиё халқлари орасида мавжуд бўлган ва улар томонидан афсона, ривоят ва қўшиқларда ҳам маънавий-ахлоқий тарбия бош мезон сифатида намоён бўлади. Қўшиқнинг сеҳри, жозибадорлиги ҳатто жаҳлдор, зулмкор ҳукмдорларни ҳам шаҳдидан қайтарган, адолатли бўлишга ундаган.

IX аср охири ва X аср бошларида яшаб ижод этган буюк аллома Абу Наср Ибн Муҳаммад Форобийнинг “Соф биродарлар мактуби” номли асарида мусиқанинг нақадар таъсирчан эканлиги ҳақида шундай ривоят келтирилади: “Кунлардан бир куни донишманд бир киши ўз хузурига мусиқа илмининг билимдонларини чорлайди. Уларнинг ўз маҳоратларига қараб даврадан жой эгаллашларини айтади. Шу пайт саройга жулдур кийим кийган бир киши кириб келади, йиғилганларни ҳайратга солиб, мезбон ул кишини давранинг тўрига таклиф этади. Подшоҳ ўз илтифотининг маъносини йиғилганларга билдиради: ул кишининг маҳоратлари ниҳоятда беқиёсдир, дейди ва ўз сўзининг исботи бўлиши учун ул кишидан бирор куйни ижро этиб беришларини сўрайди. Нотаниш киши ёнидан бир ёғоч асбобни чиқариб, бир-бирига улаб, шундай бир куйни чаладики, мажлис аҳли бу куй сеҳридан лол бўладилар. Меҳмон кейин яна бир куйни чалади, куй шунчалик таъсирчан ва мунгли бўладики, ўтирганлар ундан қайғуга тушадилар. Сўнг у яна бир шундай куйни ижро этадики, ўтирганларнинг барчаси ухлаб қолишади. Шундан кейин у хонадан чиқиб кетади” [3:14-16].

Ушбу ривоятда балки, муболаға ва бўрттириш кўпроқдир, лекин шуни ишонч билан айтиш керакки, ҳар қандай санъат тингловчиларнинг ҳис-туйғуларига, энг нозик қалб торларига, онги, тафаккури ва ички туйғуларига таъсир этади, кишини ўйлашга, фикр юритишга, хаёл суришга, хулоса чиқаришга мажбур қилади. Зотан, санъатнинг бунёдкорлик қудрати ҳам ана шундадир. Ал Форобий назариясида мусиқа бошқа фанлар билан, энг аввало поэзия билан узвий боғлиқ «шеърий нутқ эвазига оҳанг кўпроқ таъсирчан ва қалбга кириб борувчи бўлади ва уларни яратишдан кўзда тутилган мақсадга эришилади» [4:261].

Демак, мана шунга ўхшаган ривоят ва афсоналарда халқнинг эзгу ниятлари, орзу-умидлари, ахлоқий фазилатлари, анъаналари ўз аксини топган. Маънавий-ахлоқий фазилат каби унинг негизини ташкил қиладиган моддий-маънавий қадриятлар ҳам тарихий ҳодисалар сифатида халқ учун хос бўлган хусусият бўлиб, авлоддан-авлодга ўтиб, изчил давом этиб келмоқда.

Қорақалпоқ халқ мусиқаси намуналарида ифодаланган ўгитлар, намуна кўрсатиш, ўрнак бўлиш, мурожаат қилиш, киноя, пичинг, кесатиқ каби поэтик воситалар бўлса; мусиқий оҳанг, махсус кўринишлар маънавий-ахлоқий тарбия манбаси сифатида хизмат қилади.

Қорақалпоқ халқ қўшиқлари муҳим ижтимоий педагогик аҳамиятга эга. Қорақалпоқ халқ қўшиқлари ўқувчиларда юксак инсоний фазилатлар: ватанпарварлик, меҳнатга муҳаббат, дўстга садоқат, одамларга ишонч туйғуларини шакллантиради.

Шундай қилиб, қорақалпоқ халқ мусиқасиасосида ўқувчиларда маънавий-ахлоқий фазилатларини тарбиялашда:

- ўқувчи – ёшларнинг мусиқага бўлган қобилият-

ларини аниқлаш, шунингдек, психологик ва педагогик тамойиллар, шарт-шароитлар, омиллар, қонуниятларга амал қилиш;

- ўқувчи-ёшларни педагогик руҳий жиҳатдан миллий мусиқа санъат сирларини билишга тайёрлаш;

- санъат намояндаларининг илғор тажрибаларига, санъат оламида илгари сурилган назарий ғояларга таяниш;

- кенг жамоатчиликни педагогик ва мусиқий билимлар билан қуроллантириш;

- бахшичилик ва жировчилик санъати бўйича илмий-оммабоп адабиётларни тайёрлаш, чоп этиш ва уларнинг ҳар бир ўқувчи қалбига кириб боришини таъминлаш, ОАВ да махсус рукнлар ташкил этиш;

- миллий мусиқа санъати борасида тўпланган тарихий тажрибани илмий-назарий ўрганиш, хулоса ва тавсияларни амалиётга татбиқ этишга алоҳида эътибор қаратиш муҳим аҳамиятга эгадир.

Хулоса қилиб айтганда Қорақалпоқ халқ мусиқасини ўрганиш орқали ўқувчилар маънавий қадриятларнинг таъсир кучи, халқимизнинг миллий характери, ғоявий–сиёсий, ахлоқий, эстетик дид ва маданият, иқтисодий, ақлий, гўзалликни қалбан идрок қилиш каби тушунчаларга эга бўладилар. Шунинг учун, Қорақалпоқ халқ мусиқаси ўқувчиларда ахлоқий фазилатларнинг шаклланишида муҳим ўрин тутади.

**Адабиётлар**

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга мурожаатномаси. / «Халқ сўзи» 2020, 25-январь №19 (7521) сони.
2. Вахобов М.М. Умумий ўрта таълим тизимида ўқитиш сифати мониторинги моделини такомиллаштириш. Педагогика фанлари доктори (DSc) олиш учун ёзилган дисс. –Тошкент: 2016.
3. Абу Наср Форобий. Фозил одамлар шаҳри. –Т.: А.Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 1993. 224-б.
4. Аль Фараби. «О классификации наук» в книге музыкальная эстетика стран Востока. –М.: Музыка, 1967. –С. 261.
5. Моянов Ы. Қорақалпоқ халқ мусиқаси асосида ўқувчи-ёшлар маънавий-ахлоқий фазилатларини шакллантиришнинг ҳусусиятлари: педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) . … дис. -Тошкент: 2019. 153-б.

**РЕЗЮМЕ**

Мақолада умумий ўрта таълим мактабларида қорақалпоқ халқ қўшиқлари орқали ўқувчиларининг маънавий-ахлоқий фазилатларини шакллантиришда мусиқа санъатининг аҳамияти ҳақида маълумотлар берилган. Қорақалпоқ халқ қўшиқлари ўқувчиларда юксак инсоний фазилатлар: ватанпарварлик, меҳнатга муҳаббат, дўстга садоқат, одамларга ишонч туйғуларини шакллантириши ҳақида ҳам сўз боради.

**РЕЗЮМЕ**

В статье представлена информация о значении музыки в формировании духовно-нравственных качеств учащихся через каракалпакские народные песни в общеобразовательных школах. Каракалпакские народные песни повествуют студентам об их высоких человеческих качествах: патриотизме, любви к работе, верности дружбе, уверенности в людях.

**SUMMARY**

The article provides information on the importance of music in shaping the spiritual and moral qualities of students through Karakalpak folk songs in secondary schools. Karakalpak folk songs speak to students about their high human qualities: patriotism, love forwork, commitment to friendship, confidence in people.

## ЗАМОНАВИЙ ДАРСЛИКЛАРДА МУАММОЛИ ВАЗИЯТЛАРНИ БАЁН ЭТИШ
### (“Материаллар қаршилиги” ва “Техник механика” фанлари мисолида)

**А.Набиев** - *техника фанлари номзоди*
*Тошкент кимё-технология институти*

**Таянч сўзлар:** модулли таълим, муаммоли таълим, дидактика, матн, компетенция, интерфаол, конструкция, эпюра.
**Ключевые слова:** модульное образование, проблемное образование, дидактика, текст, компетентность, интерактивность, дизайн, эпюра.
**Key words:** modular education, problem education, didactics, text, competence, interactivity, design, epyura.

Замонавий дарслик мураккаб ахборот манбаи бўлиб, унда қамраб олинган ўқув-билув материаллари эътиқодга айланган билим, кўникма ва малакалар, сифатнинг таянч мажмуи ҳисобланган компетенцияни дидактика тамойиллари асосида шакллантириш баробарида таълим олувчилар томонидан мустақил ўзлаштириб олишга ва керакли ўқув-билув материалларини мустақил излаш ва топишга, амалий фаолиятда қўллашни ўргатиш ва ижодий қобилиятларни ривожлантиришга ҳамда таълим олувчиларнинг маълум фазилатларини шакллантиришга йўналтирилган ҳолда педагогик ва ахборот технологиялари асосида яратилганлиги билан аҳамиятлидир [1].

Дарслик аслида ўқитилиш ва ўрганилиш лозим бўлган ўқув-билув материаллари - билимларни мазмунмоҳияти ва ҳажмини муайян кетма-кетлик ва изчилликда белгилаш ёки ифодалашга йўналтирилган матнли босма ахборот ташувчи таълим воситаларининг вазифаси ва мавқейи жиҳатидан энг муҳим ва мукаммал моделидир.

Дарслик тузилмасини лойиҳалаштириш натижаси ўқув дастурига мос равишда ва дидактик талаблар асосида ўқув-билув материаллари мазмунининг бўлимлар, боб ёки модуллар, мавзулар бўйича кетма-кет тақсимланишига боғлиқдир. Дарсликнинг ушбу барча қисмлари мазмунан тугалланган ва аниқ мақсадга йўналтирилган алоҳида тузилмалар сифатида ўзаро боғлиқ бўлади. Бошқача айтганда, дарсликда асосан фаннинг илмий, назарий-амалий жиҳатлари, таълим мақсадлари, тадқиқот мавзуи ва метод (усул, услуб)лари, ўқув материаллари, дидактик материаллар, таълим бериш ва таълим олиш технологиялари кабилар изчил, динамик моделда матнли шаклда, яъни ёзма тизимда мақсадли баён этилади.

Дарслик яратишда таълим берувчи ва таълим олувчиларнинг таълим мақсадидан кафолатли натижага эришишга йўналтирилган таълим жараёнини шакллантириш ва амалга оширишда дарслик тузилмасининг ўрни муҳим бўлиб, унда матнларни лойиҳалаштириш, таълим мақсадларини топшириқларга айлантириш ва педагог-талаба ҳамкорлигини таъминлаш кўзда тутилган.

Матнларни тўғри ва сифатли лойиҳалаштириш энг аввало таълим мазмунини белгилайдиган таълим стандартлари, намунавий ўқув режа ва ўқув дастурлар доирасида ишлаб чиқилган ва белгиланган тартибда тасдиқланган ишчи ўқув режа ва ишчи ўқув дастурларга боғлиқдир. Мазкур меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда фанларнинг асосий мақсадидан келиб чиқувчи ўрганиш ва тадқиқот мавзуини тўлиқ қамраб оладиган барча мавзуларни изчил ва динамик кетма-кетликда акс эттириш зарур.

Бундан ташқари матнларни лойиҳалаштириш педагогдан таълимда назарий ва амалий билимлар боғлиқлиги ва узвийлиги-узлуксизлигини таъминлашга йўналтирилган дидактик қобилиятни ҳам талаб этади, чунки дидактик жараён ўқув машғулоти шакллари анъанавий ёки ноанъанавий ёхуд якка тартибли бўлишидан қатъий назар, дарс машғулоти бошланган заҳотиёқ таълим олувчилар диққатини жалб қила оладиган мотивация вужудга келиши биланоқ бошланади.

Муаллиф ўзининг илмий изланишлари ва кўп йил

лик педагогик тажрибасига таяниб, "Материаллар қаршилиги" ва "Техник механика" фанларидан дарслик ёзишда мавзуларни назарий-амалий ва лаборатория машғулотлари билан боғлиқ ҳолда яхлит тасаввур қилиш, матнларни касбга йўналтирилган ҳолда изчилликда шакллантириш, ўқув дастурларига мувофиқ ички зўриқишларнинг эпюраларини қуриш ҳамда брусларни мустаҳкамлик ва бикрлик талаблари бўйича белгиланган ҳисоблаш-лойиҳалаш ишларини бажаришда замонавий ахборот коммуникация технологияларига асосланган интерфаол методлар: "Кейс-стади", Фикрлар ҳужуми", "Тармоқлар" методи, "Бумеранг" технологияси, "Тарози" технологияси, "ФСМУ" технологияси кабилардан самарали фойдаланишга эътибор берилган [2, 3].

Мазкур дарсликларда таълим мақсадларини топшириқларга айлантириш мақсадида ишлаб чиқилиб, Тошкент кимё-технология ва Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институтларида бевосита таълим жараёнида қўлланилаётган назорат саволлари ва топшириқлар, тестлар ва шу сингари дидактик материалларни Б.Блумнинг Билиш, Тушуниш, Қўллаш, Таҳлил, Синтез, Баҳолаш шаклида туркумлаш усулига айнан мос ҳолда тушишга ҳаракат қилинган.

Таълим-тарбия жараёнларида изчил ҳамкорлик фаолиятини шакллантириш ва ривожланишини таъминлаш ҳамда жараён ривожи баробарида педагогнинг жараённи мувофиқлаштирувчи, кўмак ва маслаҳат берувчига айланишини, таълим олувчи шахсининг эса жараён марказига кўчишига тўлақонли эришишни таъминлаш зарур.

Педагог-талаба ҳамкорлигида янги материалларни баён этиш усулларни тўғри танлаш ғоят муҳимдир.

Дарслик тузилмасини лойиҳалаштиришда асосан қуйидагиларга эътибор қаратиш тавсия этилади:

- талабани мустақил, эркин фикрлай оладиган, масъулиятни ҳис қилиш баробарида муаммони ҳал этишга ижодий ёндашадиган, танлаган касбини эгаллашга қизиқадиган шахс сифатида қараш;
- ҳар бир мавзу, боб ёки модулларда фаннинг тадқиқот мавзуи талабларидан келиб чиққан ҳолда ҳодиса, воқеа ва жараёнлар, ўзаро боғлиқ тушунчалар, қонуниятлар кабилар изчил ва динамик кетма-кетликда ёритилмоғи ҳамда хулосаланган ва умумлашган тарзда ифодалаш;
- матнлар инновацион ва ахборот коммуникация технологияларни қўллашга йўналтириш;
- матнлар "Иерархия" талабларига, яъни оддийдан мураккабга ёки мураккабдан оддийга ўтиш усулларини қўллаш орқали таълим олувчиларни мантиқий, танқидий ва ижодий фикрлашга йўналтирмоғи мақсадга мувофиқдир.

Узлуксиз таълим тизимида ахборот-репродуктив (қонун, қоида, теорема, формула, асосланган далил, воқеа ва саналар каби маълумотларни талабаларга бериш), тушунтириш репродуктив (далилларни тушунтиришда уларнинг сабаб-оқибат алоқаларини очиб бериш) ва муаммоли таълим бериш (исботлаш, ҳал қилиш ва асослаш лозим бўлган муаммоларни таклиф этиш) усулларидан фойдаланилмоқда.

"Материаллар қаршилиги" фанидан дарслик яратишда муаммоли таълим бериш усули асосида ўқув-билув материалларини муаммоли тарзда баён этишга ҳаракат қилинган [4].

Айниқса, янги ўқув-билув материалларини ва мустақил таълим доирасида ўзлаштирилиши зарур бўлган ҳисоб-чизма топшириқларини таълим олувчиларга ҳавола қилишда муаммолиликнинг кўп сатҳлилик хусусиятлари инобатга олинган. Хусусан, бунда топшириқларни эслаш ва ёдда сақлаш, барча модуль ёки боблар кесимида ишлаб чиқилган мантиқий-таркибий тузилмаларга биноан асосий ўқув-билув материалларини матнлаштириш ва такрорлаш, ўқув дастурида қатъий белгиланган назарий ўқув материалларини мустаҳкамлашга қаратилган мисол-масалаларни ечиш каби жараёнларда муаммоли таълимнинг усулларидан ўринли фойдаланишга эътибор қаратилган.

Биринчи сатҳда таълим берувчи томонидан муаммо шарти олдиндан шакллантирилади ва мустақил равишда ечимини ахтариш учун талабаларга тавсия қилинади. Масалан, ушбу сатҳ талабига мувофиқ, мазкур дарсликлардаги амалий матнларда назорат саволлари ва топшириқлар, тестлар, амалий ва ижодий ёндошув талаб этадиган топшириқ-вазифалар: Mathcad дастури асосида конструкция қисмларининг кесимларида ҳосил бўлувчи ички зўриқишлар эпюраларини қуриш, мустаҳкамлик ва бикрликка ҳисоблашга оид мисол-масалалар ечиш, лойиҳалаш-ҳисоблаш ишларини бажариш, лаборатория шароитида ўлчаш асбоблари ва мосламаларни тарировка қилиш ва ростлаш сингари амалий фаолиятларни шакллантириш кўзда тутилган.

Иккинчи сатҳда таълим берувчи ўқув-билув материалларининг мазмун-моҳиятидан келиб чиққан ҳолда фақат муаммоли вазиятларни таълим олувчилар ҳукмига ҳавола қилинади, улар эса муаммони мустақил шакллантирадилар ва ҳал қилишга интиладилар. Масалан, муаллиф томонидан яратилган ва бир неча йиллардан буён таълимда фойдаланилаётган дарсликларда генерализация ва синтез тамойили асосида конструкция қисмларининг тадқиқот мавзуи (ички зўриқиш, кучланиш, деформация ва кўчишларни аниқлаш)ни ёритишда муҳандислик амалиёти муаммоларини илмий-педагогик нуқтаи назаридан ҳал этиш баробарида кетма-кет равишда уларга статик, геометрик ва физик томонлардан таҳлилий ёндошилиб, ўрганиш натижалари аниқ математик аппарат ёрдамида синтез қилинган ҳамда талаб этилган муҳандислик амалиёти муаммоларининг ечими олинган, қатъий хулосаларга келинган.

Шунингдек, синтезлаш жараёни аввал фақат "Чўзилиш ёки сиқилишга қаршилик кўрсатувчи стерженлар ҳисоби" модулида бирмунча кенгроқ баён этилган. Фаннинг тадқиқот мавзуини ўзлаштириш ва ўрганишнинг кейинги боб (модул)ларида эса ушбу ёндошув хусусийликдан умумийликка йўналган ҳолда силжиш, буралиш, эгилиш, мураккаб қаршилик ва динамика масалаларига ҳам босқичма-босқич тадбиқ этилиб, иқтисодий талабларни қаноатлантириш зарурлигини назарда тутган ҳолда тегишли конструкция қисмларини мустаҳкамлик, бикрлик ва устуворликка ҳисоблаш механизми ўқувчи-талабаларга баён этилган.

Аммо "Материаллар қаршилиги" фанида шундай муаммолар ҳам мавжудки, ҳозирча улар тўлақонли назарий-амалий ечимларга эга эмас. Масалан, иншоот қисмлари, машина ва механизм деталлари текис ёки ҳажмий кучланиш ҳолатларида ишлаётганда, тажрибавий усулда бош кучланишларнинг чегаравий қийматларини топиш масаласи ҳанузгача мукаммал ҳал этилмаганлиги боис, илм аҳли ўртасида муҳандислик ечимини кутаётган энг долзарб муаммолардан бири саналади. Қолаверса, муҳандислик конструкцияларининг мустаҳкамлигини бош кучланишлар бўйича таҳлил қилаётганда текширилаётган материалларнинг хавфли ҳолати (чегаравий кучланиш ҳолати) қачон ва қай тарзда пайдо бўлишига қайси омиллар сабаб бўлишига фанда тўла-тўкис жавоб олинганича йўқ. Шунга қарамасдан, турли даврларда бир неча мустаҳкамлик назариялари яратилган бўлиб, улардан амалдаги ўқув дастурларига биноан учта классик ва битта энергетик назарияларни таълим жараёнида ўзлаштириш ва келгусида улардан муҳандислик амалиётида фойдаланиш мумкинлигини таълим олувчиларга ҳавола қилиш мақсадга мувофиқдир.

Учинчи сатҳда таълим берувчи муайян муаммони дастлаб аниқ кўрсатиб бермайди, балки унга таълим олувчиларни рўпара қилади ва уларни ижодий фаолиятга йўналтириб, жараённи мувофиқлаштириб боради, таълим олувчилар эса муаммони мустақил англайдилар, уни шакллантириш ва тадқиқ қилишнинг турли усул ёки услубларини таклиф этадилар. Шу ўринда таъкидлаш жоизки, аксарият иқтидорли-истеъдодли талабалар мазкур муаммоларни тез ва сифатли ҳал

этишда компьютерлаштирилган таълим технологиясининг ўрни беқиёс эканлигини тез пайқайдилар. Гарчи тадқиқ якунига етмаса-да, талабалар фаоллиги таҳлилий баҳоланиши мақсадга мувофиқдир.

Масалан, дарсликнинг "Текис шаклларнинг геометрик тавсифлари" модулида таълим берувчи консолни икки ҳолатда: биринчисида кўндаланг кесимнинг энг кичик томони ва иккинчисида эса энг катта томони горизонтал жойлаштирилган ҳолатлардаги эгилишини қиёсий таҳлил қилиб, кесим юза айнан бир хил бўлгани ҳолда бир хил ташқи куч таъсиридан пайдо бўлган кўчишлар бир-бирларидан кескин фарқ қилишини оддий чизғич ёрдамида намоён қилиб, эгилишда кўндаланг кесим юза текис шаклларни геометрик нуқтаи назардан тавсифлай олмаслигини, оқибатда тўсин, рама ва аркаларни мустаҳкамлик ва бикрлик талаблари бўйича лойиҳалаш имконияти йўқлигини таълим олувчиларга тушунтиришлари шарт. Шу тариқа талабалар эгилиш деформациясини ўрганишдаги асосий муаммога дуч келганликларини ҳис қилиб, муаммоли вазият юзага келганлигига тўлиқ ишонч ҳосил қиладилар ҳамда муаммони ечиш мақсадида ижодий-таҳлилий фикрлай бошлайдилар.

Аслида ушбу йўсиндаги муаммолар қўйилиши жиҳатдан жуда оддий бўлсада, уни аксарият талабалар таълим жараёнида педагог томонидан мувофиқлаштилмагунча ҳал эта олмайдилар.

Шундан сўнг педагог аниқланган муаммони ҳал этиш учун албатта янги ўқув-билув материаллари: текис шаклларнинг ўққа нисбатан статик моментлари, инерция моментлари ва қаршилик моментлари деб аталувчи параметрларни изчилликда баён қилиниши зарурлигини таълим олувчиларга билдиради ҳамда таълим жараёнини давом эттиради. Зарурий ҳолларда "Талаба - Услубий таъминот – Педагог" ҳамкорлигида ушбу мавзуларга доир мисол-масалалар ечиб, тегишли хулосалар олиш лозим.

Мазкур модулнинг сўнгида педагог худди юқоридаги тартибда таълим олувчиларга оддий чизғич ёрдамида буралиш, мураккаб деформация, бўйлама эгилиш - сиқилган стерженларнинг устуворлиги ва зарбали юкларнинг таъсирига оид "тажриба"лар ўтказишни таклиф этади. Натижада аксарият талабалар педагог ҳали тушунтириб улгурмасиданоқ, яна кўндаланг кесим юза текис шаклларни геометрик нуқтаи назардан тавсифлай олмаслиги муаммосига дуч келганликларини маълум қиладилар.

Тўртинчи сатҳ олий сатҳ бўлиб, унга мувофиқ таълим берувчи шундай қоидани кўзда тутадики, муайян муаммони аниқ кўрсатиб бермайди, балки унга таълим олувчиларни рўпара қилади ва уларни ижодий-таҳлилий фаолиятга йўналтириб, жараённи бошқаради. Таълим олувчилар эса муаммони мустақил англайдилар, уни шакллантирадилар, унинг ечилиш усул ёки услубларини бир неча кун, ҳатто семестр давомида тадқиқ қиладилар. Тадқиқ якунида натижа таълим берувчи томонидан холисона, адолатли ва ҳаққоний тарзда баҳоланиши лозим.

Узлуксиз таълим тизимининг барча бўғинларига оид педагогик ва дидактик талаблар ягона таянч нуқта: таълим олувчи шахснинг дастурий билим, тасаввур ва кўникмалари асосида мустақил равишда самарали фаолият юрита олиш, илмий-ижодий фикрлаш, ўқув фанига бўлган қизиқишини кучайтириш, касбий компетенцияни чуқурлаштириш, таълим жараёнида уларнинг фаоллигини оширишга қаратилган бўлсада, аммо бу борада ечимини кутаётган муаммолар талайгина. Хусусан, илм-фаннинг кўчкисимон ривожи ҳамда илмий-техникавий ахборотларнинг шиддат билан жадал ўсиши ва тез-тез янгилана бориши, бозор иқтисодиёти талабларидан келиб чиққан ҳолда муҳандислик конструкциялари ва технологик жараёнларнинг такомиллашуви, бошқариш тизимларида автоматлаштириш даражасининг борган сари юқори поғоналарга кўтарила бораётган шу кунларда ахборот оқимидан оқилона фойдаланишга йўналтирилган компетенцияни эгаллашга мўлжалланган фаолиятда кўзда тутилган натижаларга тўлақонли эришилмаяпти.

Шу жиҳатдан қараганда тўртинчи сатҳ бўйича муаммолар ечимида муаллиф томонидан яратилган ўқув адабиётлари янги авлоди ҳам ўзига хос мавқега эгадир.

"Материаллар қаршилиги" фани бўйича янги авлод адабиётини яратишда муаллиф ушбу ёндашувни мустақил таълим доирасида "Статик аниқмас рамаларни куч усулида ҳисоблаш", "Зарбали ва даврий ўзгарувчан юкларда мустаҳкамлик", "Брусларни рухсат этилган юклар асосида ҳисоблаш" модулларига ҳам тадбиқ этган.

Юқоридагилардан асосий хулоса шуки, мазкур дарсликлар муаммоли таълим бериш усули асосида ўқув-билув материалларини муаммоли баён этишга йўналтирилганлигини ҳамда бу ёндашув модулли таълимнинг мотивация, когнетив визуаллик ва ўқув вақтини тежаш тамойилларига мос келишини тасдиқлайди.

**Адабиётлар**

1. Набиев А. Замонавий дарслик таълим технологиясининг ахборотли модели сифатида ("Материаллар қаршилиги", "Техник механика" ва "Қурилиш машиналари ва жиҳозлари" фанлари мисолида). ". –No'kis: // «Fan va jamiyat» 2019 (№3). 92-94-b.
2. Nabiyev A. Materiallar qarshiligi. // Darslik. Qayta ishlangan 2-nashr. "Yangi asr avlodi". –T.: 2008. 380-b.
3. Nabiyev A., Shosalimov J., Ergashev M. Texnik mexanika. // Darslik. "Davr " MChJ 3-nashr. -T.: 2017. 272-b.
4. Nabiyev A. Materiallar qarshiligi (nazariyalar va masalalar). // Darslik. Qayta ishlangan va to'ldirilgan 3-nashr. –T.: "Navro'z" 2019. 412-b.

**РЕЗЮМЕ**

Мазкур мақолада янги авлод ўқув адабиётлари тузилмасини шакллантиришда матнларни лойиҳалаштириш, таълим мақсадларини топшириқларга айлантириш ва педагог-талаба ҳамкорлигини таъминлашнинг долзарблиги баён этилмоқда.

**РЕЗЮМЕ**

В статье излагается актуальность обеспечения проектирования содержаний текста, перевода целей обучения в задачи и обеспечения взаимодействия учителей и студентов при разработке структуры учебников нового поколения.

**SUMMARY**

The article outlines the importance of designing a new generation of textbooks, translating texts, translating educational objectives into tasks, and ensuring teacher-student collaboration.

## МАКТАБГАЧА ЁШДАГИ БОЛАЛАРНИНГ ЖИСМОНИЙ КЎНИКМА ВА МАЛАКАЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА ҲАРАКАТЛИ ЎЙИНЛАРНИ ҚЎЛЛАШ

**М.Нуриддинова** – *таянч докторант*

*Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университети*

**Таянч сўзлар:** мактабгача ёш, ҳаракатли ўйинлар, машғулот, асосий ҳаракат турлари, жисмоний кўникма ва малакалар.

**Ключевые слова:** период дошкольного возраста, физическое развитие ребёнка, двигательный режим, умения и навыки, подвижные игры.

**Key words:** pre-school children period, the physical development of a child, skills and habits, moving games.

Мактабгача тарбия таълим тизимининг бирламчи ва энг муҳим бўғини ҳисобланади. Соғлом генофондни, етук кадрларни тарбиялаш, аввало, шу тизимдан бошланади. Бироқ шу пайтгача бу тизим ривожланишдан ортда қолган эди. Охирги 20 йил давомида давлат тасарруфидаги мактабгача таълим

муассасалари сони 45 фоизга камайган. Оқибатда мактабгача ёшдаги болаларнинг 33 фоизи боғчаларга қамраб олинган, холос. Бу кўрсаткич Данияда 99 фоиз, Японияда 97 фоиз, Жанубий Кореяда 95 фоизни ташкил этади. Мактабгача таълим муассасаларида болаларни ижтимоий, шахсий, ҳиссий, нутқий, математик, физиопсихологик, жисмоний ва ижодий ривожлантириш бўйича таълим дастурлари жорий этилмаган. Умуман, боғчалар "Ота-она ишда бўлган вақтда болага қараб турадиган муассаса"га айланиб қолган [1].

Ўзбекистон республикаси бола қамрови бугунги кун ҳолатига 39 фоиздан ошганлиги, 5-7 ёшдаги болаларни мактабгача тайёрлаш ишлари сифатли кечаётганлигидан ҳам малакатимизда мактабгача таълим ривожланиб бораётганлигидан дарак беради. Республикада бугун 7140 дан ортиқ давлат ва нодавлат мактабгача таълим муассасалари фаолият юритиб, уларда 2 699 499 нафар мактабгача ёшдаги болалар тарбияланмоқда [2]

Маълумки, боланинг ривожланиши ва ўсиши узлуксиз давом этадиган жараёндир. Бу даврда унинг шахс сифатида шаклланиши, илк бор атрофни ҳодиса ва буюмлар орқали англаб, ундан ўзича маъно топишга интилиши, қизиқиш ва ҳиссиётлари ривожланишини кузатамиз. Болалар жисмоний тарбиясини тўғри ташкил этиш, кичкинтойнинг илк ёшдан соғлиғини мустаҳкамлаш ва ҳар томонлама уйғун ривожлантириш давр талаби ҳисобланади. Боланинг жисмоний ривожланиши қонуниятлари ва унинг илк ҳаракатларига имкон яратиш, таълим-тарбиявий жараённинг мазмуни ва методларини ишлаб чиқишга илмий ёндашиш, жисмоний ҳаракатланишнинг зарур кўникмаларини тарбиялаш; турли машғулотларда ва ўйин фаолиятида мустақил фикрлашга, жисмоний тарбия ва спортга бўлган қизиқишларини тарбиялашга оид муҳим масалаларни ҳал этади. Ҳаётнинг ҳар бир даври, ривожланиш хусусиятлари ва эҳтиёжларига кўра ўзига хос босқичларга эга. Боланинг ўсиб, улғайишида жисмоний фаоллик, асосий ҳаракатлар тартиби муҳим ҳисобланиб, айнан шу жараёнлар тўғри, ҳаракатли ўйинлар орқали тизимли равишда ташкиллаштирилса, бола шахсининг уйғун ҳолда ривожланишига хизмат қилади.

Республикамизда ҳаракатли ўйинлари борасида қатор илмий ишлар амалга оширилган. Жумладан, Т.С.Усмонхўжаев, Ф.А.Керимов, Х.А.Мейлиев, О.А.Сафаров, Ш.А.Пулатов, А.А.Пулатов, А.А.Расулев, Д.Ж.Шарипова, Г.Ж.Туленова, М.И.Машарипова, Ғ.А.Салимов, С.С.Тажибоев, Р.А.Йўлдошева тадқиқотларида мактаб ёшидаги болаларни ҳаракатли ўйинлар орқали тарбиялаш муаммосининг турли жиҳатларига эътибор қаратилган бўлиб, ушбу илмий адабиётларнинг таҳлилий ўрни тадқиқот ишида беқиёсдир. Шунингдек, хорижий мутахассислардан Д.В.Менджерицкая, М.А.Вавилова, Н.Т.Лебедева, А.В.Кенеман, Д.В.Хухлаева, М.Ф. Литвинова, В.Г.Фролов, Г.П. Юрко, Л.И.Пензуллаева, А.А.Акиева, Г.О.Осокина, Я.А.Андреев, Б.Б. Чумаков, А.К.Бондаренко, А.И.Матусик, G.L.Landret; S.L.Crogh [3] каби олимлар ҳам бу соҳанинг кенг ёйилиши ва ривожланишига ўз таъсирини кўрсатган. Мавжуд илмий тадқиқотлар ҳамда ўқув-методик қўлланмаларни кузатиб, шуни гувоҳи бўлиш мумкинки, Мактабгача ёшдаги болаларда жисмоний кўникма ва малакаларни ривожлантиришда ҳаракатли ўйинлардан фойдаланиш алоҳида тадқиқот объекти сифатида ўрганилмаган.

Мактабгача ёшдаги болаларда жисмоний кўникма ва малакаларни ривожлантиришда ҳаракатли ўйинларни қўллаш методикасини ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқот мавзусига оид адабиётлар таҳлили, мактабгача ёшдаги болаларни педагогик кузатув, мактабгача таълим мутахассислари ва ота-оналар орасида сўровнома, 5-7 ёшдаги болаларнинг жисмоний ривожланиш кўрсаткичларининг дастлабки натижалари математик-статистик методлар ёрдамида аниқланди (1-жадвал).

Мактабгача ёшдаги болаларни 4-7 ёшдаги болаларнинг жисмоний ривожланиш кўрстакичлари ёш кесимида югуриш, сакраш ва улоқтириш машқлари орқали тадқиқот ўтказилиб, қуйидаги натижалар олинди: югуриш (10 м/с) – 4-5 ёшли ўғил болаларда 3,0-2,0 сонияни ташкил этса, қиз болаларда 3,2-2,2 сонияни; турган жойидан узунликка сакраш машқи бўйича 4-5 ёшли ўғил болаларда 64,0-91,5 см.ташкил этса, 4-5 ёшли қиз болаларда эса 60,0-88,0 см.ни; 150гр. қумли халтачани узунликка улоқтириш машқи 4-5 ёшли ўғил болаларда 125,0-205,0 см.ни; 4-5 ёшли қиз болаларда 110,0-190,0 см.ни кўрсатди, бу кўрсаткичларнинг ёш кесимига кўра натижалари яхшиланиб боришини ушбу жадвал орқали кузатиш мумкин. 2017-2018 ўқув йили давомида ўтказилган тадқиқотларда такомиллаштирилган "Болажон" дастуридаги ҳаракатли ўйинларни қўллаш орқали ушбу натижалар олишга эришилди.

**4-7 ёшдаги болаларнинг жисмоний ривожланиш кўрсаткичлари (n=12)**

| *т/р* | *Берилган тест машқлар* | *Жинси* | ***4 ёш*** | | ***5 ёш*** | | ***6 ёш*** | | ***7 ёш*** | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | ***Т.Г.*** n=12 | ***Н.Г.*** n=12 | ***Т.Г*** n=12 | ***Н.Г.*** n=12 | ***Т.Г.*** n=12 | ***Н.Г.*** n=12 | ***Т.Н.*** n=12 | ***Н.Г.*** n=12 |
| 1. | Югуриш (10м.) (с) | Ўғил | 3,0-2,3 | 2,5-2,1 | 2,6-2,1 | 1,6-2,1 | 2,5-1,8 | 2,5-1,8 | 2,3-1,7 | 2,0-1,0 |
| | | Қиз | 3,2-2,4 | 3,0-2,1 | 2,8-2,2 | 1,8-2,2 | 2,7-1,9 | 2,7-1,9 | 2,6-1,9 | 2,2-1,0 |
| 2. | Турган жойидан узунликка сакраш (см) | Ўғил | 64,0-91,5 | 54,0-71,5 | 82,0-107,0 | 63,0-97,0 | 93,0-130,0 | 75,0-100,0 | 110,0-135,0 | 100,0-115,0 |
| | | Қиз | 60,0-88,0 | 50,0-70,0 | 77,0-100,0 | 70,0-90,0 | 90,0-110,0 | 90,0-100,0 | 95,0-107,0 | 90,0-100,0 |
| 3. | Улоқтириш (150гр. қумли хал.) (см) | Ўғил | 125,0-205,0 | 105,0-190,0 | 165,0-260,0 | 145,0-190,0 | 215,0-340,0 | 200,0-280,0 | 300,-400,0 | 320,-370,0 |
| | | Қиз | 110,0-190,0 | 95,0-170,0 | 140,0-230,0 | 110,0-200,0 | 175,0-300,0 | 155,0-290,0 | 240,0-350,0 | 220,0-300,0 |

Мактабгача таълим муассасаларида тарбиячи (йўриқчи) ўйинга раҳбарлик қилиш чоғида болаларга ўйин мазмуни, шарти ва қодаларини яхши тушунтириши ва ролларни тўғри тақсимлай олиши зарур. Болаларни ҳаракатли ўйинларни ўйнашга тайёрлашда уларнинг соғлигини мустаҳкамлаш, ҳаракат малакаларини ошириб, ривожлантириб бориш ҳам назарда тутилади. Ўйинни ташкил этишда барча шарт-шароитларни ҳисобга олиш ва ўйинга мос жиҳозларни танлаш, иштирокчилар сонига тенг тақсимлаш ҳамда ўйин жараёнини кузатиш ва якунда тўғри йўналтириши ҳам жуда муҳим. Жисмоний тарбия машғулотида қўлланиладиган ҳаракатли ўйинлар асосан, берилган асосий ҳаракат турини мустаҳкамлашга қаратилади. Масалан, отиш ва ирғи-

тиш ҳаракатларини ўргатиш натижасида йирик ва майда моторикага йўналтирилган характали ўйин берилса, натижада болада машқ бажариш баробарида юриш, югуриш, сакраш, улоқтириш, илиб олиш, ирғитиш малакалари секин-аста шаклланиб, ҳаракатли ўйин эса улар эгаллаган кўникмаларини мустаҳкамлашда ёрдам беради. Хулоса қилиб айтганда, ҳаракатли ўйинлардан ўз ўрнида гуруҳларга ажратиб, тарбияланувчининг ёши ва жисмоний имкониятини инобатга олиб, машғулот шакли ва мақсадига кўра, ташқи мавсумий омилларга ҳамда худудий шароитлардан фойдаланган ҳолда ташкиллаштириш мактабгача ёшдаги болаларни ҳар томонлама ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этади.


**Адабиётлар**

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида 2017 йили 19 декабрь куни мактабгача таълим тизимида амалга оширилаётган ислоҳотларни таҳлил қилиш ва истиқболдаги вазифаларни белгилаб олишга бағишланган видеоселектор йиғилишидаги маъруза

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 майдаги “Ўзбекистон Республикаси мактабгача таълим тизимини 2030 йилларгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида"ги ПҚ-4312-сонли қарорининг 1-3 иловаси.

3. Усмонхўжаев Т.С. Миллий ва ҳаракатли ўйинлар.Т.: 2015., Усмонхўжаев Т.С. Мактабгача таълим муассасаларида жисмоний тарбия.Т.:2006, Литвинова М.Ф. Русские народные подвижные игры. М.:1985, Фролов В.Г. Юрко Г.П. Физкультурные занятие на воздухе с детьми дошкольного возраста.М.: 1983, Усмонхўжаев Т.С. Ф.Ф.Хўжаев. Ҳаракатли ўйинлар.Т.:1992, Усмонхўжаев Т.С. 500 ҳаракатли ўйинлар.Т.: 2016, Усмонхўжаев Т.С. Мелиев Х.А.Жисмоний тарбия. Т.:2003, Менджерицкая Д.В. Воспитателю о детской игре.М.: 1984, Глазырина Л.Д. Физическая культура - дошкольникам. М.:1999, Лэндрет Г.Л. Игровая терапия: искусство отношений. М.:1998, Пензуллаева Л.И. 5-6 ёшли болалар учун жисмоний тарбия, машғулотлари.Т.:1992, Каримов М.К. Болалар боғчасида жисмоний тарбия.Т.:2004, Йўлдошева Р. Ўзбек халқ ўйинларининг тарбиявий аҳамияти.Т.:1992,Азизова Р. Спорт ва ҳаракатли ўйинларни ўқитиш методикаси. Т.:2010, Раҳимкулов К. Миллий ҳаракатли ўйинлар.Т.: 2012, Керимов Ф.А. Якка кураш элементларига эга бўлган ҳаракатли ўйинлар, Crogh S.L. Educating young children. USA 1996.



**РЕЗЮМЕ**

Мақолада мактабгача ёшдаги болаларда ҳаракатли ўйинларни ўтказиш методикаси ҳамда жисмоний тарбия машғулотида қўлланиладиган ҳаракатли ўйинлар мазмуни ёритилган.

**РЕЗЮМЕ**

В статье даются методические рекомендации по организации проведения подвижных игр с детьми дошкольного возраста в процессе занятий по физическому воспитанию.

**SUMMARY**

The article contains methodical recommendations how to organize moving games with pre-school children during the lessons in physical training.


## МЕКТЕП БИЛИМЛЕНДИРИЎИ СЫПАТЫ ҲӘМ НӘТИЙЖЕЛИЛИГИН АСЫРЫЎ МӘСЕЛЕЛЕРИ


**А.Нурланов** – *үлкен оқытыўшы*

*Әжинияз атындағы Нөкис мәмлекетлик педагогикалық институты*



**Таянч сўзлар:** инновация, мактаб, компютер, педагогика, психология, таълим, тарбия, маданият, табият, фауна, флора, педагогика технологияси, социология, идеология, ижтимоиий муҳит, комил инсон.

**Ключевые слова:** инновация, школа, компютер, педагогика, психология, образования, воспитания, культура, природа, фауна, флора, педагогическая технология, социология, идеология, социальное среда, личность.

**Key words:** innovaciy school, society, pedagogics, psychology, education, upbringing, culture, nature, flora, fauna, pedagogical technology, sociology, ideology, social sphere, persohality.


Инсан тәрбиясы бул ең уллы қурамалы ҳәм машақатлы ис болып, ол илимий техникалық прогресс заманында мәмлекетимизди социал-экономикалық раўажландырыўшы күш есапланады. Адамзат туўылған күннен баслап шаңарақ орталығында жасап, камил инсан болып қәлиплесиўине негиз жаратылады, ал онын қәлиплесиўи ушын тийкарғы хызмет мектеплерде әмелге асырылады. Мектеп бул жәмийетимиздиң бир бөлими болып, онда пүткил халқымыздың келешеги дөреледи. Мектепте жоқары мағлыўматлы қәнийгеликлер тараўына ҳәм пухаралық мийнет тараўларына жаңа әўладларды тәрбиялап, путкил мәмлекетимиздиң ертеңги күни жаратылады.

Келешегимиз болған жасларымзды мәдений тәрбия ҳәм интеллектуаллығын раўажландырыўға қаратылған оқыў тәрбия процессинде билимлендириўдиң инновациялық форма ҳәм усылларын қоллаў мақсетинде Өзбекстан Республикасы Президенти Ш.М.Мирзиёевтың 2018-жыл 5-сентябрьде шыққан «Халық билимлендириўин басқарыў системасын жетилистириў ҳаққында»ғы қарарында ҳәзирги мектеп билимлендириўдеги бир қатар кемшиликлер атап өтилген [1:9]. Соның ишинде мектеп билимлендириўиниң сыпаты, оқытыўшылардың билим дәрежесин ҳәм педагогикалық шеберлигин, ахбарот коммуникациялық технологияларын қоллаў ҳәм материаллық техникалық базасының жетерли дәрежеде емеслиги сынға алынған еди.

Ҳәзирги ўақытқа шекем мектеплерде оқытыўшылар өз қәнийгелиги бойынша жақсы сабақ өтсе, класста оқыўшылар сабаққа толық үлгерсе ҳәм мектеп питкериўшилериниң жоқары оқыў орнына кириў санына қарап мектеп жәмәәти үлкен жетискенликлерге еристи деп есаплаймыз. Бирақ, мектеп питкериўшилериниң билим көнликпелери, руўхый дүньясы мәденияты, жуўапкершилиги, дүньяға көзқараслары жәмийетимиз раўажланыўының бүгинги кунги талабына жуўап береме?

Ҳәзирги заман мектеплеринде тәрбиялық процесслерди басқарыў дегенде балалардағы тәбият тәрепинен берилген унамлы қәсийетлерди раўажландырыў ямаса оның социаллық орталықта өзин унамсыз тутыўын, тәртипсизлик етпеўин қадағалап барыў ғана емес ал ҳәр бир инсанның өзин өзи тәрбиялайтуғын өзинде физикалық ҳәм руўхый күшлерди мудамы раўажландырыўшы зәрүрликти қәлиплестириў болып табылады [2:20].

Мектеп бағдарламаларының қурамаласқан турлери хәзирги күнниң талабына сай тәлим-тәрбия бериўге қарсы келеди. Әдетте көпшилик оқытыўшылар өзи оқытатуғын пәнин әхмийетли деп биледи. Мысалы, математикалық формулалар, электр приборлары, химиялық реактивлер, компьютер техникалары менен ислесиў усаған көнликпелерди уйренеди, ал фауна ҳәм флора түрлериниң майда генетикалық бөлеклериниң дүзилиси, олардын жер бетинде тарқалыўы ҳәм т.б нызамлықлар ҳаққында мағлуматлар тек қәнийгелер ушын керек деп ойлайман. Усы мәселелерди есапқа алып, оқыў жобасына киргизилетуғын материалларды педагогикалық ҳәм социалогиялық талапларға сай таңлап алынса мақсетке муўапық болар еди. Соның

Жуўмақлап айтқанда, ҳәр қандай нәрседен жоқары туратуғын, инсан өмирине бериliў бағдарына қарай өз тәсирин тийгизетуғын, инсанның руўхый ҳәм ақылый жақтан алыўы тийис болған тәрбиясы, өзинин унамлы тәреплери менен күнлы болып есапланады. Бул күнлылықты жойытпаў ушын ҳәр бир инсаннан тек ғана итибар талап етиледи. Жәмийетте берилетуғын тәрбия менен шаңарақта берилетуғын тәрбия бирдей алып барылыўы тийис. Ең тийкарғысы, келешегимиз болған балаларымыз бир тәреплеме берилетуғын тәрбия менен шекленип қалмаса мақсетке муўапық болар еди. Себеби, ата-ананың меҳир-муҳаббаты, шын ықласы менен тәрбияланған келешек әўлад, ертеңги күнимиздиң даўамшылары, уллы тулғалары болып есапланады.


**Әдебиятлар**

1. Усмонова Хуршида «Ёшлар тарбияси порлоқ келажак пойдевори». Nasihat.uz
2. «Тарбия энциклопедия» (М.Н. Аминов, А.М.Мажидов). –Тошкент: 2010, 3-б.
3. Пазылов А., Қосназаров Қ., Сейтмуратов Қ., Қурбанизова З. «Педагогика теориясы». –Т.: «Ношир» 2018, 252-253-б.
4. Арапбаева Д.К. Арапбаева В.К. Шарқ мутаффакирларининг оила ва тарбия ҳақидаги қарашлари. «Замонавий таълим» журнал 2015-йил 7-сон. 68-б.
5. Шарқ мутафаккирларининг фарзанд тарбияси ҳақидаги фикрлари. http://ertaklar.uz/



**РЕЗЮМЕ**

Мақолада оилада бола тарбияси, бола тарбиясида уларнинг ёш хусусиятларини ҳисобга олиш, оиладаги тарбия ишларини болаларнинг ёш хусусиятларига мослаб олиб бориш масалалари сўз қилинади.

**РЕЗЮМЕ**

В статье рассматриваются вопросы воспитания детей в семье, необходимость учёта возраста детей и в соответствии с этим выбор подходящих способов в воспитании.

**SUMMARY**

In this article it is said about the problems of the children's upbringing in the family, taking into consideration the children's age and according to it the selection of suitable ways in the upbringing.


**УДК:37,016:811.111:821.111(072)**

## ХУДОЖЕСТВЕННОЕ НАСЛЕДИЕ АНГЛИИ В ОБУЧЕНИИ АНГЛИЙСКОМУ ЯЗЫКУ


**Г.Н.Пирманова** – *доктор философии по филологическим наукам*

*Навоийский государственний педагогический институт*



**Таянч сўзлар:** педагогик тизим, бадиий мерос, қизиқишини ошириш, маданий билим, педагогик билим,ўрганиш, хорижий тил, Англия бадиий мероси.

**Ключевые слова:** педагогическая система, художественное наследие, активизация интереса, культурологические знания, педагогические знания, изучение, иностранный язык, художественное наследие Англии.

**Key words:** pedagogical system, art heritage, activization of interest, culturological knowledge, pedagogical knowledge, learning, foreign language,art heritage of England.


Сегодня изучение английского языка считается фактором цивилизации и международного престижа нашей страны. Очевидно, необходимо знать именно английский язык, поскольку он – коммуникативно-международный. На нём говорят более чем в сорока странах, а в пятидесяти странах английский язык признан вторым языком.

Для успешного изучения английского языка совершенствуется материально-техническая база во всех образовательных учреждениях (по программе усовершенствованного оснащения): кабинетов английского языка современными информационно-коммуникационными и техническими средствами обучения и инвентарём на основе использования мультимедийных технологий и обучающих компьютерных тренажеров по английскому языку [1].

Образовательные учреждения обеспечиваются наглядными пособиями, словарями, справочными материалами по грамматике, фонетике, в том числе, в электронной форме, а также компьютерной программной «продукцией» по изучению английского языка.

На Узбекский государственный университет мировых языков возлагаются функции базового учреждения по повышению квалификации и переподготовке преподавателей английского языка (в этих целях укреплена материально-техническая база университета).

Создаётся система оценки уровня знаний и владения английским языком, система подготовки, повышения квалификации и переподготовки педагогических кадров по английскому языку. Вырабатываются ведомственные нормативные документы (в соответствии с нормами «Общеевропейской компетенции владения иностранным языком). Проводится комплекс мер: по внедрению системы оценки и сертификации уровня знания английского языка; утверждению критериев и объема часов преподавания на английском языке и т.д. Внедряется система повышения базовых знаний руководящих и педагогических кадров образовательных учреждений по английскому языку. Пересматриваются квоты приема в высшие образовательные учреждения

по направлению «Иностранные языки» (английский язык).

Активизируется сотрудничество с международными организациями и зарубежными образовательными учреждениями в области изучения английского языка.

Организован комплекс мер и мероприятий: развитие международного сотрудничества с профильными образовательными учреждениями и центрами зарубежных стран в области обмена опытом по организации эффективной системы изучения английского языка; привлечение грантов и льготных кредитов международных организаций и стран-доноров на мероприятия по оснащению образовательных учреждений, развитию изучения английского языка; подготовка и реализация совместных проектов с зарубежными партнерами по усовершенствованию образовательных стандартов, учебных планов и программ, созданию учебников, учебно-методических пособий и мультимедийных средств по обучению английскому языку.

Реализуются совместные проекты по обмену опытом между преподавателями отечественных и зарубежных образовательных учреждений по вопросам изучения английского языка, в том числе, проектов по привлечению в республику преподавателей английского языка.

Особое внимание уделяется формированию среды общения и популяризации изучения английского языка. В этих целях проводится ряд мероприятий и комплекс мер: на телевидении организуется показ художественных фильмов, познавательных и общеобразовательных теле- и радиопередач, в том числе, детских, научно-популярных и познавательных – на английском языке, с субтитрами на государственном языке; организуется регулярная телепередача «Говорим по-английски»; создаются необходимые условия для языковой практики по английскому языку во время отдыха в лагерях и на базе учебных заведений в дни летних каникул[2].

Среди учителей иностранных языков проводится ежегодный конкурс на звание «Лучший преподаватель иностранного языка в Узбекистане» (с привлечением международных экспертов).

Актуально значимы и правомерны высказывания отечественных учёных по культурологическому подходу к изучению английского языка.

Для совершенствования системы обучения английскому языку используются различные формы, темы, методы и приёмы. Например, на курсах повышения квалификации [3]. Большинство из этих тем не затрагивают культурологический фон занятий при обучении английскому языку.

В педагогической практике преподавателей английского языка по приобщению студентов к культуре страны изучаемого языка, в том числе, во внеаудиторное время, проблема использования культурологического, в частности, художественного материала, ставится и так или иначе рассматривается. Однако поверхностно и в ряде случаев не совсем компетентно. В то время, как современному преподавателю/учителю английского языка необходимо знать культуру страны, язык которой изучается, страны, давшей миру универсальное средство международного общения.

Для повышения качества преподавания английского языка будущие учителя должны осваивать определённые культурологические темы, приобщаться к разным формам и видам общения, информации, сообщения, обзора, изложения, диалога, к написанию писем личного, делового, информационного и другого характера на английском языке [4].

Студенты, будущие учителя должны осваивать ситуативно-деловые сценки и несложные сценарии на сюжеты по разным темам культуры (художественной культуры) Англии. Например, по художественному наследию страны изучаемого языка, шедеврам изобразительного искусства Англии периода Ренессанса.

На наш взгляд, для подготовки высококвалифицированных преподавателей - учителей английского языка на уровне современных требований, **необходимо:** определить культурологическое направление, содержание, критерии и параметры оценки приобщения обучающихся к культуре (художественной, художественному наследию) Англии – непременно с конкретной целью (прежде всего как средство формирования у студентов активно-стабильного интереса к этому языку). Непременно на социокультурном, теоретико-практическом уровнях. С использованием перевода не только соответствующих слов и понятий, но и различных культуросодержательных предложений, мини-текстов (в том числе и для синхронного перевода), естественно, на основе соответствующей психологии, педагогики и методики, с учётом современных подходов и направлений. Культурологический материал следует использовать практически в текстах разных жанров и определённой направленности, во всех видах речевой деятельности (сначала на языке обучения в вузе, затем – на английском (в приближённом переводе) – в аудировании, чтении, письме, говорении.

В современном мире владение английским языком весьма важно не только в вузовском образовании, но и в различных областях человеческой деятельности. Всегда к месту, интересно, значимо и авторитетно завести диалог (или участвовать в нем) о культуре Англии, проявить интерес, свои знания, эрудицию. Например, о художественной культуре Англии, её художественном наследии, о шедеврах изобразительного искусства, признанных национально-художественной ценностью и мировым достоянием. Например, обнаружить знания о шедеврах английской живописи, графики, скульптуры, архитектуры.

Таким образом, предлагаемые знания о культуре Англии обусловливают новый качественный уровень обучения английскому языку, востребованный современным концептуально-личностным подходом к профессионально-личностному развитию молодых специалистов, способных ориентироваться в достижениях культуры страны, на языке которой предстоит общаться – личностно, публично, по-деловому, светски, но главное – в профессиональной сфере.

Такой подход к изучению английского языка выведет нашу страну на новый уровень развития. Невозможно достичь уровня самых развитых стран без знания английского языка и культуры страны, подарившей миру уникально-универсальный язык общения.

## Литература


1. Постановление «О мерах по дальнейшему совершенствованию системы изучения иностранных языков». От 10 декабря 2012.
2. Ёшларга чет тилларни ўргатишнинг замонавий технологиялари. / Мавзусидаги республика микёсидаги илмий-амалий анжумани материаллари. – Тошкент: 2013. –С. 110.
3. Коган Л.Н. Всестороннее развитие личности и культура. –Москва: 1999. –С. 177.
4. Коджаспирова Г.М. Педагогика: Учебник. –Москва: Гардарики, 2004. –С. 528.



**РЕЗЮМЕ**

Бу мақолада талабалар томонидан дарсдан ташқари Англия баъдиий меросларини ўрганишнинг назарий-амалий асослари инглиз тилини ўрганишга қизиқишини оширишнинг воситаси сифатида ёритилган.

**РЕЗЮМЕ**

В статье освещается педагогическая система изучения студентами художественного наследия Англии на внеаудиторных занятиях, раскрыто содержание компонентов педагогической системы, охарактеризованы этапы изучения художественного творчества выдающихся деятелей культуры Англии с направленностью на развитие у студентов интереса к английскому языку.

**SUMMARY**
The article deals with the pedagogical system of studying by students the literary – artistic heritage of England at extracurricular classes. The author characterizes the content of components of the pedagogical system and stages of studying the literary-artistic creation of the prominent workers of culture of England directed to the increasing students' interest to the English language.

## ZAMANAGÓY BILIMLENDIRIWDE MODULLI – KREDIT SISTEMALARÍ HAQQÍNDA

**B.B.Prenov** - *fizika-matematika ilimleriniń kandidatı, docent*
**B.J.Atabaeva** - *magistrant*
*Ájiniyaz atındaǵı Nókis mámleketlik pedagogikalıq institutı*

**Tayanch so'zlar**: modulli óqitish, kredit, kredit tizimi, zachot kredit birligi, kreditlarni taqsimlash.
**Ключевые слова:** модульное обучение, кредит, кридитная система, распределение кредита, зачёт кредитной единицы.
**Key words**: module teaching, credit, credit system, credit unit, credit allocation, accounting of a credit unit.

Bilimli áwlad-keleshek tiykarı. Sonlıqtan da mámleketimiz jas áwladtıń bilimli, mádeniyatlı, básekege qábiletli jeke shaxs sıpatında qáliplesiwine ayrıqsha dıqqat bólip atır.

XXI ásir-xabar texnologiyalar ásiri. Búgingi kúnde dúnya júzi cifrlarǵa kóshirilip, adamlar bunıń járdemi menen kóplegen jetiskenliklerge erispekte. Adam sanası da tez pát penen ósip baratır.

Ózbekstan Respublikası Prezidentiniń 2019-jıl 8-oktyabrde "Ózbekstan Respublikası Joqarı bilimlendiriw sistemasın 2030 jılǵa shekem rawajlandırıw koncepciyasın tastıyıqlaw haqqında"ǵı PF-5847-sanlı pármanı qabıl etildi. Pármanda:[1]

-joqarı bilimlendiriw tarawında mámleket-jeke sherikligin rawajlandırıw, aymaqlarda mámleket hám mámleketlik emes JOOlar iskerligin payda etiw tiykarında joqarı bilimlendiriw menen qamtıp alıw dárejesin 50 procentten asırıw (bunda qamtıp alıw pitiriwshiler sanına qarap alınadı, yaǵnıy 700 mıń oqıwshı mektep, licey yaki kollejdi pitirse, demek sol jılı 350 mıń student qabıl etiledi);

-10 JOO dı xalıqaralıq reytingde TOP-1000 qa kiritiw;

-JOO larında oqıw procesin basqıshpa-basqısh modulli-kredit sistemasına ótkiziw;

-hám taǵı usınday joqarı bilimlendiriwdi rawajlandırıwǵa tiyisli, júdá áhmiyetli máseleler qaralǵan.

Jurtımızdaǵı aldaǵı joqarı oqıw orınlarında ádettegi oqıtıw sistemasınan keship, dúnya tájiriybesinen ótken usıl hám shártlerinen paydalanıw jolǵa qoyılmaqta. 2013-jıldan berli mámleketimizdegi medicina joqarı oqıw orınları, 2016-2017-oqıw jılınan Tashkent mámleketlik yuridika universitetinde studentler oqıtıwdıń modulli-kredit sisteması tiykarında bilim ala basladı. Sonday-aq, Ózbekstan Respublikası Prezidentiniń 2018-jıl 19-fevraldaǵı "Xabar kommunikaciya texnologiyaların jáne de rawajlandırıw haqqında"ǵı PF-5349-sanlı pármanı tiykarında 2018-2019-oqıw jılınan baslap Muxammed al-Xorezmiy atındaǵı Tashkent xabar texnologiyaları universitetinde modulli-kredit sistemasına ótildi. Bul párman tiykarında Ózbekstan Respublikası Ministrler Kabinetiniń 2018-jıl 24-iyul kúni 569-sanlı qararı shıqtı. Bul qarardan gózlengen tiykarǵı maqset jurtımızda házirgi kúnde tayarlanıp atırǵan kadrlardıń jáhán bazarında básekeles bolıwın rawajlandırıw, yaǵnıy kadrlarımız shet ellerdiń miynet bazarında básekege túse alatuǵın kadr bolıp jetilisiwin támiyinlew bolıp tabıladı.

Bilimlendiriw sisteması bárqulla rawajlanıp barıwı kerek. Házirgi zaman bilimlendiriw sistemasında aldıńǵı oqıtıw texnologiyalarınıń biri modulli-kredit texnologiyası esaplanadı.

Modullı oqıtıwdıń teoriyalıq tiykarları ótken ásirdiń 60-70- jılları Amerikalıq alım Kurch Goldshmidt, Rassel hám basqalar tárepinen jaratılǵan. Ilimpazlardıń ilimiy izertlewleri nátiyjesinde "oqıtıw procesi ilimiy-texnikalıq rawajlanıw dárejesinen artta qalıwınıń tiykarǵı sebebi oqıw programması, hújjetlerdiń pán texnika jetiskenlikleri hám óndiristi shólkemlestiriw texnologiyasına sáykes túrde rawajlanbay atırǵanlıǵı" degen juwmaqqa kelgen. Usınıń menen birge, oqıw programmalıq hújjetlerdi modullı qaǵıyda tiykarında dúziw tálim procesin rawajlandırıwdıń tiykarǵı faktorlarınan biri ekenligin da aytıp ótken. Modulli oqıtıw da oqıw materialı 1 oqıw shınıǵıwı kóleminde, oqıw predmetiniń qandayda bir teması yaki qandayda bir bólimi dárejesinde, ayrım waqıtları bolsa pánniń iri quramlıq bóleginde, yaǵnıy bloklar tárizinde oqıtıw múmkinshiligin beredi.

Moduller-birinshi náwbette bilimlendiriw mazmunına baylanıslı túsinikler, qaǵıydalar, teoriyalar, nızamlar hám olar arasındaǵı ulıwmalıq baylanıstı ańlatıwshı nızamlıqlardı túsindiriwge nátiyjeli xızmet etedi [3].

Modul sisteması zamanagóy talaplarǵa tolıq sáykes keledi. Ol erisilgen nátiyjeni izbe-iz qadaǵalap barıwǵa tiykarlanǵanı ushın da modul-kredit sisteması payda bolǵan. Modulli bilimlendiriwdiń maqseti studentlerdiń óz tarawı boyınsha bilim, kónlikpe hám ilimiy tájriybelerin qáliplestiriwden ibarat. Modulli bilimlendiriwde eń úlken talap bolsa studentlerdiń ózbetinshe bilim alıwına qaratılǵan [4].

Búgingi kúnde joqarı bilimlendiriw sistemasının aldındaǵı eń tiykarǵı wazıypa tájiriybeli qániygelerdi tayarlaw bolıp tabıladı. Bunday qániygeni tayarlaw ushın, álbette oǵan qoyılıp atırǵan talaplar sistemasın anıqlap alıw kerek. Usı sorawǵa juwap izlep, tómendegi tórt baǵıttaǵı talaplar sistemasına dus kelemiz: [3]

1. Óz tarawı boyınsha zárúrli bilim, kónlikpe hám qániygelikke iye bolıw kerek;
2. Tarawı boyınsha bar bilimlerin turaqlı túrde ózbetinshe asırıp barıw, yaǵnıy ózbetinshe bilim alıw múmkinshiligine iye bolıw kerek;
3. Tarawǵa innovaciyalar kiritiw ushın ǵárezsiz izleniw hám dóretiwshilik etiw ushın kónlikpege iye bolıw kerek;
4. Óz waqtında rejelestiriw, baskarıw hám óz iskerligin shólkemlestiriw ushın kónlikpege iye bolıw kerek.

Sonday eken, modulli beyimlesiw jańa informaciyanı ózbetinshe ózlestiriw, tıńlawshınıń ózbetinshe hám xızmet iskerligin shólkemlestiriw óziniń hám doslarınıń iskerligin bahalawǵa qaratılǵan. Bunday beyimlesiw zamanagóy talaplar sistemasına sáykes keledi. Modulli bilimlendiriwdiń maqseti studentlerdiń óz tarawı boyınsha bilim, kónlikpe hám qánigeligin qáliplestiriwden ibarat. Modulli beyimlesiw erisilgen nátiyjeni izbe iz qadaǵalap barıwǵa tiykarlanǵan. Nátiyjede modulli-kredit sisteması payda bolǵan.

Kredit-(zachyot birligine aylanıwshı Evropa sisteması. ECTS-European Credit Transfer System) kredit toplaw sisteması bolıp tabıladı. Usı sistema Evropa Universitetlerinde 1989-jılda ótkerilgen izertlewlerden nátiyjeli ótti hám qabıllandı. Ol tıńlawshınıń ulıwma júklemesine tiykarlanadı. Kredit sistemasın kiritiwden maqset-bilimlendiriwdiń ashıqlıǵın hám akademiyalıq bilimlerdi jánede kvalifikaciyanı tán alıwdı jeńillestiriw bolıp esaplanadı. Dáslep kredit shetten kelip oqıp atırǵan tıńlawshılar ushın paydalanılgan hám oǵan isenim bildirilgen. Barlıq joqarı oqıw orınları ushın birdey kreditlerdiń ornatılıwı bolsa tıńlawshılardıń mobilligin támiyinlewge járdem beredi. Búgingi kúnde Evropa kredit sisteması-Evropanıń derlik barlıq mámleketlerinde tán alıngan hám ámel qılıwshı sistema bolıp tabıladı. Tıńlawshı ornatılǵan kredit balların toplaǵan halda diplom alıwǵa erisedi. Dúnyanıń joqarı bilimlendiriw sistemasında kredit sistemasınıń bir neshe túri bar. Joqarıda aytıp ótilgen ECTS menen bir qatarda, USCS- Amerikanıń kredit sisteması, UCTS - Britaniyanıń

kredit sisteması, CATS- Aziya mámleketleri hám Tınısh okeanındaǵı mámleketlerdiń kredit sistemaları bar.

Evropa kredit sistemasınıń tiykarın úsh element quraydı:

1. Oqıw programmaları haqqında informaciya, tıńlawshınıń erisken nátiyjeleri hám tıńlawshı iskerliginiń kólemi. Hár bir oqıw jılı 60 bólimge bólinedi hám zachyot birligi esaplanadı. Bir háptelik júkleme 54 saattan aspawı kerek, 54 saat 1,5 kreditke teń. Oqıw jılınıń dawam etiw waqtı Evropada ortasha 40 hápte bolıp, biraq Evropanıń hár túrli mámleketlerinde oqıw jılınıń dawam etiw waqtı hár túrli bolıwı, belgili dárejede mashqalalardı keltirip shıǵaradı.
2. Modulli-kredit sisteması barlıq oqıtıw formalarınıń qadaǵalawın óz ishine aladı (auditoriya hám auditoriyadan tısqarı).
3. Modulli-kredit sisteması bilimlendiriw procesinde oqıtılǵan saatlar muǵdarın emes, bálkim erisilgen nátiyjeni kórsetip beretuǵın ólshem birligi bolıp tabıladı. Yaǵnıy qánigeni kompetentlik dárejesine baha beretuǵın nátiyjege qaratılǵan ólshem birligi bolıp tabıladı. Sonday eken, kredit tek ǵana oqıw iskerligine berilgen baha emes bálkim, orınlanǵan oqıw júklemesin kórsetip turıwshı birlik bolıp tabıladı. Bir kredit 36 akademiyalıq saatqa teń (54 akademiyalıq saat 1,5 kreditti quraydı). Hár bir oqıw moduli 1 yamasa 1,5 kreditke qaratılǵan hám ádette, onıń sanı úshewden aspawı kerek. Evropa kredit sistemasında birinshi basqıshta (bakalavriat) tıńlawshı 180 kreditten 240 kreditge shekem toplawı múmkin. Ekinshi basqıshta (Magistratura) 90-120 ǵa shekem kredit jıynaw múmkinshiligine iye.

Modulli-kredit sistemasın bahalawda reyting ball sistemasınan paydalanıladı. 2001-jılda oqıw procesin shólkemlestiriwdiń modulli-kredit texnologiyası Evropanıń 1200 den aslam universitetlerinde qollanılǵan edi.Usı jılı Evropanıń 29 mámleketleri bilimlendiriw ministrligi tárepinen Bolonya deklaraciyasınıń engiziliwi Evropa bilimlendiriw aymaǵınıń jaratılıwında úlken áhmiyetke iye boldı [5].

Kredit-saat sisteması birinshi ret AQShta payda bolǵan. 1869 jılda Garvard universiteti Prezidenti Sharlz Eliot "kredit-sistemalar" túsinigin kirgizdi hám 1870-1880 jılları oqıw pánleri kólemin kreditte ólshew sisteması engizildi. Belgili dárejege jetisiw ushın "kredit-saat"lar kólemi yaǵnıy, zachet birliklerin toplaw kerek boladı. Amerika sistemasında USCS-kredit-saat-bul oqıtıw waqıtına tiykarlanǵan ólshem.

Demek, kredit-saat ne menen ólshenedi?

- oqıtıwshı hám studenttiń oqıw iskerligi;
- student ózlestiriwiniń salıstırmalı dárejesi;
- bir programmadan ekinshisine ótiw ushın;
- studenttiń ózlestiriw dárejesin anıqlaw ushın.

Kredit - saat - semestr dawamında hápte ishinde studenttiń auditoriya jumıslarınıń akademiyalıq saatına teń bolıp tabıladı. Kredit student tárepinen tiyisli oqıw jumısların orınlawǵa ketetuǵın waqıt (saatlar)dan dúziledi. Hár bir modul ózbetinshe kredit esabına iye. Joqarı bilimlendiriw shólkemi kredit quramı, hár bir modul boyınsha kreditler sanı, sonıń menen birge, hár bir kursdı hám ulıwma oqıw dáwirin pitiriw ushın student tárepinen toplanıwı kerek bolǵan kreditlerdiń ulıwma sanın ózbetinshe belgileydi.

Programmadaǵı oqıtıw sistemasıda ayrıqsha esaplanǵan, kredit sistemasında májburiy pánlerden tısqarı tańlaw pánleri hám de studenttiń jeke sabaq kestesi boladı. Studentler oqıwdan quwılmaydı yamasa kurstan-kursqa qalmaydı. Qaysı pánnen belgilengen kreditlerdi toplay almasa,tek sol pánniń ózinen qayta imtixan tapsıradı. Sonday-aq joqarı maǵlıwmat alǵanlıǵı haqqındaǵı diplom bolsa belgilengen kreditlerdi toplaǵannan soń beriledi. Semestr juwmaǵında studentler bahasınıń 50 procentin pán oqıtıwshı, 50 procentin universitet basshıları qoyadı. Yaǵnıy, bir semester dawamında aralıq qadaǵalaw, úyge tapsırmalar hám ámeliy shınıǵıw (laboratoriya) jumısların professor oqıtıwshılar bahalaydı. Juwmaqlawshı qadaǵalaw universitet basshılıǵı tárepinen alınadı. Ol jaǵdayda pán oqıtıwshıları qatnaspaydı [3].

Qánigelerdiń pikirinshe, kreditlerdi jıynaw ushın studentten udayına sabaqlarda qatnasıw, berilgen wazıypalardı waqtında orınlaw, óz bilim dárejesin bekkemlew talap etiledi. Ózlestiriwi joqarı studentler ózbetinshe jumıs temaların úyrenip, olardı múddetinen aldın tapsırıwı múmkin. Bul bolajaq qánigelerdiń waqtın únemleydi.Tapsırmaların tapsırǵanlar semestr juwmaǵına shekem qalǵan waqtın ámeliy shınıǵıwlarǵa sarplaydı.

Máselen, student bir semestrde 30 (bir oqıw jılında 60) kredit toplaw kerek. Oǵan matematika páninen 8 kredit ajratılǵan bolsa, bunnan 4 kreditti lekciyadan, qalǵanın óz betinshe jumıstan toplaydı. Eger, ol matematika pánin ózlestire almasa, oǵan, dem alıs waqıtı, bul pándi qayta oqıw imkaniyatı beriledi. Biraq bul imkaniyat-pullı boladı. Bir kredit muǵdarı oqıw jılı dawamındaǵı bilim alıw ushın toplanatuǵın ulıwma summanıń kreditlar muǵdarına bóliw jolı menen anıqlanadı. Usı qárejetti tólep student matematika pánin qayta oqıwı hám imtixan tapsırıwı múmkin [5].

"Kredit-shártli sınaq birligi bolıp, tıńlawshınıń oqıw pániniń belgili bir bólegin ótkenligi haqqındaǵı maǵlıwmattı beredi. Hár bir oqıw pánine belgili muǵdardaǵı kredit birlikleri ajıratıladı. Kredit-barlıq akademiyalıq dáwirde jumıs júklemesine sáykes túrde student (oqıtıwshı)tiń oqıw jumıslarınıń kólemin anıqlap beretuǵın ózine tán birlik bolıp tabıladı. Ulıwma qabıl etilgen bilimlendiriwde kredit texnologiyasınıń ayrıqsha tárеplerinen biri, xalıqaralıq ulıwma bilim beriw standartlarına sáykes keliwi hám bilimlendiriw haqqındaǵı hújjetlerdi qabıllaw máseleleri, jáhán tendensiyaların esapqa alǵan universal bilimlendiriw programması, akademiyalıq erkinlik hám oqıw programmaların anıqlıǵı bolıp tabıladı. Studentlerde shet el mámleketlik universitetleriniń bilimlendiriw dárejesine erkin kiriw múmkinshilikleri payda boladı, bakalavr hám magistratura pitkeriwshilerin barlıq mámleketlerde jumısqa jaylasıw huqıqları payda boladı. Modulli-kreditli bilimlendiriw sistemasına ótiwdiń ústin turatuǵın tárepleri tómendegilerden ibarat [6].

- bilimlendiriw hám oqıtıwdıń sapasınıń asırılıwı;
- miynet bazarınıń talaplarının esapqa alınıwı;
- joqarı bilimlendiriw sistemasınıń kóp basqıshlıǵı;
- akademiyalıq kreditler sistemasın kirgiziw;
- oqıtıwshı hám studentlerdiń akademiyalıq baylanısın támiyinlew;
- diplomǵa birden-bir evropa qosımshasın beriw;
- joqarı bilimlendiriw sapasın baqlaw hám basqarıw.

Oqıtıwdıń modulli-kredit texnologiyasın qollaw arqalı oqıw procesin shólkemlestiriwdiń tiykarǵı wazıypaları tómendegiler:

1) ayrıqsha bilimler kólemi;
2) bilimlendiriwdi maksimal individuallastırıw ushın shárt-sharayıtlar jaratıw;
3) studentlerdiń ózbetinshe jumıslarınıń ornı hám natiyjeliligin kúsheytiw;
4) studentlerdiń nátiyjelilik procesin baqlaw tiykarında bilimlendiriwdegi anıq tabıslardı payda bolıwı.

Bilimlendiriwdiń modulli-kredit texnologiyasınıń ayrıqsha tárepleri tómendegiler:

- ✓ isshi oqıw rejege kiritilgen pánlerdi erkin tańlawı, bul tikkeley individual oqıw rejesin qáliplestiriwge óz úlesin qosıwdı támiyinleydi;
- ✓ oqıtıwshını tańlaw erkinligi;
- ✓ bilimlendiriwdiń anıq baǵdarın tańlawda bilimlendiriw procesine másláhátshilerin tartıw;
- ✓ studentlerdiń bilim jetiskenliklerin baqlawda nátiyjeli metodlar;
- ✓ bilimlendiriwde interaktiv metodlardı keń qollanılıwı;
- ✓ studenttiń májburiy programmanı ózlestiriwde ózbetinshe bilimdi aktivlestiriw;

✓ studentlerdiń hár bir pándegi bilim jetiskenliklerin bahalawda reyting sistemasınan paydalanıw;

✓ oqıw procesin barlıq zárúrli oqıw hám metodikalıq materialların elektron hám qaǵaz variantları menen támiyinlew.

Demek, modulli-kredit sisteması arqalı student óziniń qanday jetiskenlikke eriskenin, qay jerde kemshilik jibergenligin, neni bilip, neni úyreniw kerekligin ańlaydı. Sonday-aq, ózgeniń jetiskenliginen sabaq alıwǵa, óziniń kemshiliklerin saplastırıwǵa, alǵa umtılıwına túrtki boladı. Juwmaqlap aytqanda, bilimlendiriwdiń modulli-kredit sisteması barlıq bilimlendiriw procesi dawamında oqılǵan saatlar muǵdarın emes, bálkim erisilgen nátiyjeni kórsetip beriwshi ólshem birligi esaplanıwı menen de bilimlendiriw nátiyjeligin asırıwda zárúr áhmiyetke iye bolıp esaplanadı.

### Ádebiyatlar


1. O'zbekiston Respublikasi Prezidentining "O'zbekiston Respublikasi Oliy ta'lim tizimini 2030 yilgacha rivojlantirish konseptsiyasini tasdiqlash to'g'risida"gi 2019 yil 8 oktyabr kungi PF-5847-sonli farmoni.
2. 2017-2021 yillarda O'zbekiston Respublikasini rivojlantirishning beshta ustuvor yo'nalishi bo'yicha Harakatlar strategiyasini "Xalq bilan muloqot inson manfaatlari yili"da amalga oshirishga oid Davlat dasturini órganish bo'yicha Ilmiy uslubiy risola. –Toshkent: 2017.
3. Richard Arum, Melisa Velez. Inproving Learning Enviroment: School Discipline and Comporative Perspektive. Stanford Universiy Press, USA 2012.
4. Prenov B.B. va boshqalar. Oliy ta'lim tizimida ta'lim sifatini ta'munlash: E-learning. –T.: 2017, 103-b.
5. Carroll, G. & Boutall, T. (2011). Guide to developing national occupational standards: Revised June 2011. Retrieved 2018, from UK Commission for Employment and Skills: http://webarchive.nationalarchives.gov.uk/20140108130816/http://www.ukces.org.uk/assets/ukces/docs/supporting-docs/nos/nos-guide-for-20developers-2011.pdf
6. Aksenova N. M. Golubeva T. A., Muravyov A. A., Oleinikova O. N., Sartakova E. V. Credits in secondary vocational education / N. M. Aksenova,T. A. Golubeva and others – M.: Universitetskaya kniga, 2016, -P. 156.



**REZYUME**

Bu maqolada o'qitishning modulli-kredit tizimi va uning hozirgi zamon ta'lim jarayonidagi ayrim afzalliklariga to'xtalingan.

**РЕЗЮМЕ**

В данной статье рассматривается модульно-кредитная система обучения и преимущества её применения в современном образовании.

**SUMMARY**

The article is devoted to the description of the modular credit system of teaching and its advantages in modern education.


## МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ ТИЗИМИДА ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯНИ ТАШКИЛ ЭТИШНИНГ ИММАНЕНТ ХУСУСИЯТЛАРИ


**В.Рахимов –** *катта ўқитувчи*

*Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети*



**Таянч сўзлар:**мактабгача таълим, болалар, жисмоний тарбия, жисмоний машқлар, морфофункционал, психофизиологик хусусиятлар, қизиқиш югуриш,адаптация, имманент, чиниқтириш.

**Ключевые слова:** дошкольное образование, дети, физическое воспитание, физические упражнения, морфофункциональные, психофизиологические особенности, интересы, бег, адаптация,имманентный, закаливание.

**Key words:** preschool education, children, physical education, physical exercises, morphofunctional, psychophysiological features, interests, running, adaptation, immanent, hardening.


Ўзбекистондаги мактабгача таълим тизимига болалар яслиси, болалар боғчалари, хусусий ва хонадон боғчалари киради. 1991 йили Республикамизда 10134 та мактабгача таълим муассасалари фаолият юритган, 2016 йилга келиб улардан 4916-таси (48,5%) қолган. Уларда болаларни қамраш 1378039 тадан 668497 нафарга тушиб қолган. Мазкур салбий ҳолни тўғрилаш, давр талабига мос келадиган ҳолга келтириш учун Республикамиз Президенти Ш.М.Мирзиёев ташаббуси билан мактабгача таълим тизимининг фаолиятини тубдан яхшилаш мақсадида Халқ таълими Вазирлиги ташкил этилди ва "Ўзбекистон Республикаси мактабгача таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепцияси" қабул қилинди.

2018 йилга келиб мактабгача таълим муассасалари сони 7104 га яъни кейинги икки йилда бир ярим баробар кўпайди, 2019 йил августига келиб, болалар сони эса тўрт каррага ошди [1].

Юқоридаги концепцияда нафақат мактабгача таълим муассасаларининг сонини кўпайтириш, уларнинг моддий техника базасини мустаҳкамлаш ва тарбияланувчилар сонини ошириш, шу билан бирга болаларни жисмоний соғлом, бақувват, физкультура ва спортни севадиган, улар билан мунтазам, узлуксиз шуғулланадиган шахслар қилиб тарбиялаш ҳам вазифа қилиб қўйилди.

Мактабгача таълим муассасаларида жисмоний тарбияни ташкил этишнинг имманент хусусиятлари аввало ясли ва боғчага қатновчи болаларнинг морфофункционал ва психофизиологик тузилиши, жиҳатлари билан белгиланади. Мактабгача ёшдаги болаларда шаклланадиган билим, кўникма, тасаввур ва ўзини англаш қатор морфофункционал ва психофизиологик жиҳатларга асосланади.

Морфофункционаласосларга болаларнинг сиртқи кўриниши ва унга жисмоний машқларнинг таъсири кўрсаткичлари,психофизиологик асосларга эса болаларнинг жисмоний машқларга муносабати, жисмоний тарбиянинг руҳий-физиологик ҳолатга у ёки бу тана қисмининг жисмоний юк таъсирига мувофиқ ўзгариши кабилар киради.

Мактабгача ёшдаги болаларда жисмоний машқларга муносабатни шакллантириш билан махсус оила институти ва мактаблача таълим тизими шуғулланади. Бу ўринда биз диққатимизни мактабгача таълим тизимига, ундаги жисмоний тарбияни ташкил этиш методикасига қаратамиз. Давлат томонидан қабул қилинган "таълим ҳақида қонун", мактабгача таълим тўғрисида низом ва давлат талаблари айнан мактабгача таълим муассасалари фаолиятига, уларда ташкил этиладиган жисмоний тарбия ишларига эътибор қаратади [2,3,4]. Давлат томонидан ташкил этилган ва молиялаштириладиган мазкур тизим мактабгача ёшда бўлган болаларнинг жисмоний камолоти учун маъсулдир.

3-6-7 мактабгача таълим тизими жалб этадиган болаларнинг ёши ҳисобланади. Бу ёшдаги болаларнинг морфофункционал ва психофизиологик тузилиши жисмоний тарбияни ташкил этишга қатор талаблар қўяди. Биринчидан, бола танаси энди жисмоний машқларга, уларни бажаришнинг тартибларини ўзлаштиришга, қабул қилишга мослашаётган бўлади. Боланинг умуртқа суяги қотмаган, елка ва кўкраги кичик, оёқларида барқарор туриши, қўлларини жисмоний машқларга мувофиқ ҳаракатлантириши суст

бўлади. Бола, антрометрик кўрсаткичларга мувофиқ, бўйи йилига ўртача 5см дан, вазни 2 килограммдан ўса боради. Иккинчидан, болалар ҳаракатчан,турли машқларни ёқтиришади, уларни такрорланадиган, бир хил хатти-харакатлар қизиқтирмайди. Педагогик кузатувлар ва валеологик экспериментлар натижалари кўрсатадики, бу ёшдаги болаларга асосан 10-12 марта такрорланадиган, кейин бошқа машқларга ўтиш ёқади. Боланинг психофизиологик ҳолати жисмоний машқларни ўзгартириб, алмашлаб туришни тақозо этади [5;6].Бола танаси суяклари, мушаклари, ҳатто ўпкаси, юраги ва қонтомирлари бир хил машқлар ёқмаслигидан бундай машқлар танани қочириб қўйиши мумкинлигидан бола миясига хабар бериб туради. Шунинг учун боғча ёшидаги болаларга уларнинг психофизиологик хусусиятларига мос келадиган, ранг-баранг ва бажарилиши осон жисмоний машқлар тавсия этилади. Энг муҳими бу машқлар нафақат боланинг соғ-саломатлигига, шунингдек маънавий-руҳий ва интеллектуал ривожланишига ёрдам бериши зарур. Учинчидан, бола тана териси тез қизади, шу сабабли у жисмоний машқлардан тез толиқади. Агар жисмоний машқлар, ўйинлар психофизиологик хусусиятларга мувофиқ келмаса, жисмоний юк бола тана терисини тез қизитади, унда иситма ҳосил қилади. Шунинг учун Ибн Сино дейди: “Гўдакларга қаттиқ жисмоний ҳаракат қилдирма, чунки бу иш иситма чиқаради” [7:254]. Жисмоний машқлар тана териси учун мулойим бўлгани маъқул. Ибн Сино беҳуда маслаҳат бермаган:”Бола организмини мулойимлик билан силаш керак” [7:252]. Жисмоний машқлар бола танаси учун мулойим бўлса, унинг психофизиологик хусусиятларига мувофиқ келади. Буни замонавий педагогик ва психотиббий изланишлар ҳам тасдиқлайди [8,9]. Тўртинчидан, боғча болаларида жисмоний машқлар пайтида нафас олиш техникаси, усули хам шаклланмаган бўлади, одатий тарзда нафас олиш эса жисмоний машқлар пайтида ўзгариши лозим. Акс ҳолда ўпка, юрак, қон-томирлари жисмоний юк таъсирига бардош беролмайди. Болаларнинг нафас олиши катталарникидан тезроқ бўлади, жисмоний машқлар пайтида бу нафас олиш янада тезлашади. Ўпка, юрак қон-томирларининг жисмоний юкка мослашишига қараб, биз машқларнинг бола организмига, соғлигига таъсири ҳақида маълум бир фикрга келамиз.

Нафас олишнинг тезлашиши нафас тизимининг жисмоний юкка мувофиқлашишига, юрак-қон томирлари фаолиятини ўзгартириш ва танани ташқи таъсирларга чиниқтиришга ёрдам беради. Ҳаёт, турмуш, кишилараро муносабатлар ҳеч қачон силлиқ, равон кечган эмас, ижтимоий ҳаётда асаб бузарликлар, стресс ва депрессияларни келтириб чиқарувчи сабаблар етарлича топилади. Инсон организми уларга қарши туролиши, ташқи таъсирларга чидай олиши даркор. Валеологик машқлардан кутиладиган натижалардан бири инсон асаб тизимини соғлом, чидамли қилишдир. Бешинчидан, жисмоний тарбияни ташкил этишда экологик вазиятни ҳисобга олишга тўғри келади. Мазкур глобал муаммо инсоният ҳаётига, кишилар, халқлар саломатлигига катта хавф солмоқда. Ичимлик суви танқислиги, музликларнинг эриб сув тошқинларини келтириб чиқаётгани, об-ҳаводаги ўзгаришлар соғликни асраш ва мустаҳкамлашни долзарб муаммога айлантирган. 2019 йили рўй берган аномал ҳодиса-ёзнинг ўта иссиқ келиши, йилдан йилга ҳавонинг илиқ бўлиб бораётгани организмда адаптация кўникмасини шакллантиришни шарт қилиб қўяди. Боғча болаларида организмни иссиқ ва совуққа чиниқтириш(чўмилиш, оёқ яланг юриш, югуриш, ҳўл сочиқ билан баданни уқалаш, мушакларни шакллантирувчи машқлар қилиш) муҳум вазифа ҳисобланади. Бу болалар боғчаларида бассейн,оёқ яланг юришга мослаштирилган йўлаклар, гиламлар бўлишини тақозо этади.

Минг афсуски, бизнинг болалар боғчаларимизда бундай имкониятларни яратиш ҳали анъанага айланмаган. Болаларни сув ҳавзалари бўйича, дала-даштлар қўйнига, ўрмонзорларга олиб чиқиш организмда адаптация кўникмасини оширади, аммо бизнинг мактабгача таълим тизимида бундай чиниқтириш, экологик тарбия аҳамиятига ҳам эга машқларга эътибор берилмайди. Жисмоний тарбияни урбанизациялаш, механизациява компьютерлаштириш организмда адаптация кўникмасини сусайтиради. Тўғри, замонавий тарбияни уларсиз тасаввур этиш қийин, бироқ жисмоний тарбия таниқли педагог А.Дистервег (1790-1866) айтганидек, “табиийлик ва маданийлик принципларини уйғунлаштириш ”ни [10;231] тақозо этади. Инсонда табиатга, ён-атрофга борлиққа мослашиб, муросада яшаш инстинктимавжуд, шунинг учун ундаги имманент хусусиятларнинг 95-97% табиатдан,қолган 3-5% маданиятдандир.

Демак, жисмоний тарбияни табиат қўйни билан боғлаш инсоннинг субстанционалмоҳиятидан келиб чиқади. Бироқ бу боғлаш болани қайтадан ёввойи табиат қўйнига қайтариш учун эмас, унда ижтимоий фазилатларни тарбиялаш учун зарур. “Биз, -деб ёзади Ж.Ж.Руссо “Эмиль, ёхуд тарбия ҳақида”асарида,- нимжон туғиламиз, шу боис бизга куч керак; биз барча нарсада маҳрум дунёга келамиз, шу боиз бизга ёрдам даркор; биз онгдан маҳрум яратиламиз, шу боис бизга ақлу-идрок лозим. Туғилганимизда эга бўлмаган ва катта бўлгач уларсиз яшай олмайдиган нарсаларни бизга тарбия беради” [11:25].Олтинчидан, боғча болаларида жисмоний машқларига қизиқиш уйғотиш улар морфофункционал хусусиятларига мувофиқ келадиган санитария-гигиена қоидаларига риоя этишни талаб қилади. Масалан, 3-4 ёшлардаги болалар вазни 14-15 кг, бўйи 90-95 см, 4-5 ёшда вазни 18-19 кг, бўйи 105-108 см, 5-6 ёшда вазни 20-22 кг, бўйи 112-116 см, 6-7 ёшда оғирлиги 22-24кг, бўйи 120см атрофида бўлиши керак [12:46-48].

Демак, жисмоний машқлар ушбу антрометрик кўрсаткичлардан келиб чиқиб ташкил этилади. Тўғри,баъзан 3-4 ёшдаги бола 4-5 ёки 5-6 ёшдаги бола билан тенг тезликда югуриши, сакраши, хатто улардан ўзиши мумкин. Бу ўринда ёш эмас жисмоний қувват, чаққонлик, валеологик омил, муҳим роль ўйнайди. Ўзимиз ўтказган кузатишлар кўрсатадики, 4-6 ёшдаги ўғил болалар ўта ҳаракатчан, уларда ён-атрофга, маконга, хатти-ҳаракатларга адекват муносабат билдириш етарли даражада шаклланган бўлади. Ҳатто улар ичида 6-7 ёшдаги болаларда ҳам кам учрайдиган тез қувиб етишлик,чопқирлик, бекинмачоқ ўйнашда айёрлик кузатилади. Уларнинг тенгкурларига етакчилик қилиш, ўз сўзини истагини ҳимоя қилиш, жисмоний машқлар пайтида, ким ўзда ғолиб чиқиш истаги борлиги кузатилади. Бундай болалар санитария-гигиена талабларига эмас,кўпроқ психоэмоционал ҳолати талабларига бўйсунишни маъқулкўрадилар. Масалан, уларни қўлини ювиб столга ўтказиш, сўлакларини тозалаб юриш, “ким ўзди” машқларида ёнидагига халақит бермасликка тегинчоқлик қилмасликка ўргатиш учун сабр-тоқат керак. Жисмоний машқлар, мусобақалар пайтида ўзини кўрсатишга тиришиш бўлғуси чемпионларга ҳос фазилатдир. Еттинчидан, болалар боғчасидаги жисмоний тарбия болаларда соғлом бўлишга доимо жисмоний машқлар билан шуғулланиб юришга қизиқишни шакллантириши даркор. Бу қизиқиш болада билим олиш, борлиқни англаш, ижтимоий ҳаётга фаол муносабатда бўлиш, жамиятдаги маънавий-ахлоқий қадриятларни эъзозлаш, ватанпарварлик ва меҳнат-севарлик туйғусини шакллантиришга йўналтирилгани

билан қимматлидир. Жисмоний машқлардаги нафосатни, эстетик моҳиятни, гуманистик, альтруистик мақсадни ёшлар онгига сингдириш эса узлуксиз таълимни перманенттизимга айлантиришни тақозо этади. Мактабгача таълим эса ушбу перманент тизимнинг бошланғич босқичи ундаги жисмоний тарбияни ташкил этиш эса соғлом, баркамол авлодни вояга етказишнинг тамал тошидир.

**Адабиётлар**


1. Халқ сўзи. 2019, 6 август. www.xs.uz.
2. Ўзбекистон Республикасининг Қонуни. "Таълим тўғрисида". // Маърифат, 1997, 1-октябрь.
3. Бошланғич таълим давлат стандарти. // " Бошланғич таълим", 1998, №6.
4. Мактабгача ёшдаги болаларнинг умумий ва кенгайтирилган жисмоний тарбия дастури. Муаллиф-чизувчилар: К.Маҳкамжонов, Ф.Насриддинов, Л.Семёнова, М.Исмоилова, Ш.Мирзамаҳмудов. -Тошкент: ХТБ, РТМ, 1994.
5. Вильчковский Э.С.Физическая культура детей дошкольноговозраста. 2-еизд. -Киев: 1999.
6. Доскин В.А. Растём здоровыми. -М.: 2002.
7. Абу Али ибн Сино. Мен англаган дунё. -Тошкент: "Sharq», 2015.
8. Баранов А.А., Кучма В.Р., Скоблина Н.А.Физическое развитие детей и подростков на рубеже тысячелетий. -М.: 2008.
9. Губа В.П., Морозов О.С., Парфененков В.В. Научно-практические и методические основы физического воспитания детей. -М.: 2008.
10. Дистервег А. Избранные педагогические сочинения. -М.: 1956.
11. Руссо Ж.Ж. Педагогические сочинения. В 2-хт. Т.1.-М.: 1981.
12. Учинчи мингйилликнинг боласи. -Тошкент: 2002.



**РЕЗЮМЕ**

Мақолада мактабгача таълим тизимида жисмоний тарбияни ташкил этишнинг ўзига хос имманент хусусиятлари боғча болалари морфофункционал ва психофизиологик хусусиятлари, жисмоний машқларни бажариш пайтида уларни ҳисобга олиш усуллари очиб берилади. Боғча болаларида жисмоний машқларга қизиқиш уйғотишга оид педагогик тавсиялар, уларни қўллашга оид фикрлар билдирилади.

**РЕЗЮМЕ**

В статье раскрываются особенности и имманентные свойства физического воспитания в системе дошкольного образования, а также морфофункциональные и психофизиологические особенности воспитанников учреждений дошкольного образования. Предлагаются методические рекомендации по формированию интереса у дошкольников к физическим упражнениям.

**SUMMARY**

The article reveals the features and immanent properties of physical education in the system of preschool education, as well as the morphofunctional and psychophysiological features of pupils of pre-school educational institutions. Methodological recommendations on the formation of interests of preschool children to physical exercises are offered.


## ТЕХНОЛОГИК ТАЪЛИМ ЙЎНАЛИШИ ЎҚУВ ЖАРАЁНЛАРИДА АХБОРОТ - КОММУНИКАЦИЯ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ


**З.Д.Расулова -** *таянч докторант*

*Бухоро давлат университети*



**Таянч сўзлар:** ахборот - коммуникация технологиялари, дастурий восита, коммуникатив малака, касбий омилкорлик.

**Ключевые слова:** информационно-коммуникационные технологии, программное обеспечение, коммуникативная квалификация, профессиональная продуктивность.

**Key words:** information and communication technologies, software, communicative qualification, professional productivity.


Республикамизда узлуксиз таълим тизимининг ислоҳ қилиниши, янги таълим стандартлари асосида таълим ва тарбия жараёнини қайта ташкил этишга, талаба-ларнинг билим, кўникма ва малакаларини ривож-лантиришга асосланган ахборот технологияларининг ўрни кундан кунга ортиб бормоқда.

Бугунги кунда таълимни ҳаётимизнинг ажралмас қисмига айланиб бораётган ахборот коммуникация технологияларисиз тасаввур этиб бўлмайди. Республикамизда барча таълим жараёнларида ахборот коммуникация технологияларини қўллаш бўйича жуда кўп кенг кўламли ишлар олиб борилмоқда. Шу қаторда олий таълим Технология йўналишларида ҳам ахборот технологияларидан фойдаланиш, дарс жараёнларини самарали ташкил этишда муҳим ўрин тутмоқда десак муболаға бўлмайди.

Ахборотлаштириш жараёни исталган соҳани тубдан ўзгартириш имкониятига ега. Бундай шароитда таълим олувчи ҳар бир шахснинг баркамоллик қобилияти рўёбга чиқади. Чунки керакли ахборотни ўз вақтида олиши ва улардан тўғри ва оқилона фойдалана олиши инсонни ижтимоий жиҳатдан ривожланишига сабаб бўлади [1].

Технология йўналиши дарс жараёнларида ахборот – коммуникация технологияларидан фойдаланиш талабаларга қуйидаги малака талабларини қўяди.

- фаннинг замонавий ютуқлари, педагогик технологиялардан фойдаланиш, дарсни ўқув-тарбиявий жараён қонуниятлари асосида ташкил этиш, таълим олувчиларнинг қизиқишлари, лаёқати ва талабларини ҳисобга олиш асосида улар томонидан билимларнинг пухта ўзлаштирилиши учун зарур шароитларни яратиш;

- таълим олувчиларнинг кўникмаларини ривожлантириш жараёнини фаоллаштириш, ўқув-тарбия жараёнларининг барча босқичларини мақсадли амалга ошириш;

- зарур билим, кўникма ва малакалар, фикрлаш қобилиятларини шакллантириш, тафаккурларини ўстириб бориш эҳтиёжини юзага келтириш, ҳар бир дарсни ташхис этиш, педагогик жиҳатдан башоратлаш ва пухта лойиҳалаштириш;

- ҳар бир дарснинг таълимий вазифаларини аниқ белгилаш, дарсни ахборотлар билан бойитиш, ижтимоий ва шахсий эҳтиёжларни ҳисобга олиш билан мазмунини оптималлаштириш, идрок этиш ва ўзлаштиришнинг энг янги технологияларини қўллаш, турли хилдаги шакл, метод ва воситалардан мос равишда фойдаланиш;

- илғор тажрибалар асосида таълим олувчиларнинг мустақил фаолиятларини ташкил этишнинг ноаньанавий шаклларидан фойдаланиш, назорат ва бошқарувни амалга ошириш, дарсни маҳорат билан ўтказишни таьминлаш;

- талабалар онгида миллийликни акс эттириш, ахлоқий сифатлар (ватанпарварлик, тиришқоқлик, тартиблилик, касбий омилкорлик, масъулиятлилик, интизомлилик, мустақиллик, толерантлик ва бошқалар)ни шакллантириш;

- талабаларда ахборот билан ишлаш маҳоратини шакллантириш;

- коммуникатив қобилиятларини ривожлантириш;

- таълим олувчиларнинг ўзлаштириш имкони даражасидаги етарли миқдорда ахборот билан таьминлаш;

- талабаларда тадқиқотчилик маҳоратини, оптимал қарорлар қабул қилиш маҳоратини шакллантириш, таълим-тарбия шакл, метод ва воситаларни, ҳамда таълим технологияларини оқилона танлаш ва самарали қўллаш;

- таълим талабаларнинг ўзлаштирилаётган ўқув дастурлари билан боғлиқликдаги билиш имкониятлари, эҳтиёжлари ва муваффақиятларини ўрганиш ва олинган натижалар асосида таълим, тарбия ва ривожланишнинг индивидуал йўналишларини лойиҳалаштириш;

- таълим ва тарбия жараёнини таълим олувчиларнинг ёш ҳамда психофизиологик хусусиятларига, шу жумладан уларнинг таълимий эҳтиёжларига мос келувчи педагогик технологиялардан фойдаланган ҳолда ташкил этиш;

- талабаларларнинг касбий эҳтиёжлари ҳамда имкониятларини ўрганиш ва таҳлил қилиш ҳамда олинган натижалар асосида индивидуал методик қўллаб-қувватлаш тизимини лойиҳалаштириш;

- талабаларнинг ҳамкорликдаги методик фаолияти натижаларини амалда қўлланишини тадқиқ этиш, ташкил этиш ва баҳолаш;

- таълимий дастурларни ва таълим олувчиларнинг индивидуаллигини ривожлантириш йўлларини лойиҳалаштириш;

- таьлим-тарбиянинг дидактик мақсад ва вазифаларини амалга оширишга қулай ўқув обьектини танлаш;

- ахборот технологиялари ёрдамида автоматлашган ўқув ва назорат дастури ва режалари мазмунини тезкорлик билан ўзлаштириш.

Ҳозирги кунда технологик таълим йўналиши талабаларини тайёрлашда замонавий ахборот технологиялари ва уларни таълимга жорий этиш тажрибаларидан фойдаланиб, талабалар билимини мунтазам равишда ошириб бориш ва бунда самарали инновацион услубларни ўзлаштириб, уларни амалиётга жорий қилишимиз лозим. Бу борада замонавий-ижодкор ўқитувчи олдига қуйидаги вазифаларни мақсадга мувофиқ ҳал қилиб олиши керак:

таьлим-тарбиянинг шакллари ҳамда услублари ва уларга инновацион услубларни қўллаш имкониятлари мавжудлигини баҳолай билиш;

талабалардаги ўзлаштириш даражаларини аниқлаш ва унинг мониторингини олиб бориш учун мезонлар ҳамда билим, малакаларининг эгалланиш сифатини холисона баҳолаш учун тест топшириқларини тайёрлаш;

бўлажак технология таьлими ўқитувчиларини тайёрлашда ўрганиладиган фанлар бўйича мақсадлар кетма-кетлигини аниқлаб, ундаги охирги мақсадга эришиш учун ҳаракатчан моделларни қўллай олиш кабилардир.

Технологик таьлим йўналишлари сервис хизмати дарс жараёнларида ўтилган мавзуларни такрорлаш ва мустаҳкамлаш, янги билимлар баёни, амалий машғулот ишларини бевосита ахборот технологиялари ёрдамида қисман ёки бутунлай амалга ошириш имконияти мавжуд. Бунинг учун эса бир неча компьютер дастурларидан фойдаланиш кўникмаси озгина вақт ва кунт талаб этади холос. Шу йўл билан ўқитувчи энг катта мақсадга эришади, талабаларга сифатли таълим беради ва уларга етарлича касб-ҳунар сирларини ўргатади. Тадқиқотимиз жараёнида технологик йўналиши сервис хизмати дарс жарёнини компьютер дастурларидан фойдаланиб, мавзунинг электрон дарс ишланмаси ишлаб чиқилган ҳамда амалиётга жорий қилинган. Ушбу ишлаб чиқилган электрон дарс ишланмани дарс жараёнида қўллаганимизда таълим мазмунининг белгиланган мақсадига эришиш натижаси кафолатланган.




Бундай лойиҳани амалга ошириш ҳамда қўллаш авваламбор вакт унумдорлигини ошириш, мавзуни ҳам назарий, ҳам амалий жиҳатдан мукаммал лойиҳалаш, бир вактнинг узида ҳам кўриш, ҳам эшитиш орқали олдингиларни такрорлаш, мукаммал қайта мустаҳкамлаш, янги мавзуни назарий ва амалий жиҳатдан пухта ва лўнда ўзлаштириш, кўпрок талабаларни ижодий ҳамфикрлиликка жалб қилиш имкониятини яратади. Электрон дарс ишланманинг афзаллик жиҳатларидан яна бири таьлим олувчиларнинг амалий машғулот жараёнидаги фаоллигини ошириш, бунда ҳар бир бажариладиган технологик операцияларни кўриб бажариш талабаларнинг амалий кўникмаларини ривожлантирибгина қолмай, уни мустақил фаолият жараёнида бажара олиш қобилиятларини шакллантириб боради.

Технологик таьлим йўналишининг сервис хизматида талабалар барча кас-ҳунар сирларини хусусан тикиш-бичишнинг техник жараёнларини, озиқ-овқатлар тайёрлашнинг технологик жараёнларини электрон ишланмалар асосида ҳам кўриб, ҳам эшитиб, ҳам бажариб етарлича билим, кўникма ва малакаларни эгаллайдилар.

Бундан ташқари электрон дарс ишланмани яратишда ҳам дарсни педагогик жиҳатдан мақсадли ташкил қилиш таьлимнинг ноаньанавий усулларидан фойдаланиш ҳам муҳим аҳамият касб этади.

«Ноанъанавий ўқитиш усулларидан фойдаланишдан мақсад, унинг афзалликлари, дарснинг самарадорлигини ошириш тамойиллари нимадан иборат?» деган саволга қуйидагича жавоб бериш мумкин:

1. Мустақил фикрлашни ўргатади.
2. Кўп тармоқли.
3. Содда ва осон.
4. Билимни оширади.
5. Вақтдан ютилади.
6. Қизиқарли ўтади.
7. Дарснинг самарадорлигини оширади.
8. Дунёқарашни кенгайтиради.
9. Тафаккурни ривожлантиради.
10. Талабаларнинг диққат-эътиборини тортади.
11. Ҳар бир талаба билан индивидуал муносабатда бўлишни таъминлайди. 12. Хотирани кучайтиради.
13. Изланишга ундайди.
14. Талабаларни ўз устида ишлашга ўргатади [2].

Бундай ўқитишдан кўзланган мақсад бу давлат таълим стандартлари асосида талабаларнинг билим, кўникмаларини тўғри ва оқилона ўзлаштириш имкониятини яратишдан иборат. Демак ахборот технологиялари асосида талабаларнинг ижодкорлик фазилатини шакллантиришда уларнинг бажариши лозим бўлган вазифаларида қуйидаги талабларни инобатга олиш лозим:

Билим олиш – асосий далилларни қидириш ва топиш, хотирада сақлай олиш, тавсифлаш, қайта жонлантириш, номини айтиш, изланиш, тузилишини билиш ва кўрсатиш кабилар орқали амалга ошади.

Тушуниш – қайта сўзлаш, моҳиятини тушуниш, тушунтириш, тасвирлаш ва бошқа усулда ҳамда бошқа сўзлар билан таърифлай олиш натижасида эришилади.

Ишлатиш (қўллаш) – олинган билимни бошқа шароитларда қўллаш (ишлатиш, ечиш, тажриба ўтказиш, қўллаш, кузатиш, олдиндан башорат қилиш, бирор-бир муаммони ҳал қилиш)ни ўз ичига қамраб олади.

Таҳлил (анализ) – тушунчалар орасидаги асосий муносабатларни аниқлаш ва уларнинг моҳиятини тушуниш, соҳа материалини (билим, ҳодиса, машина, маълумот) ташкил этувчиларга (таркибий қисмларга) бўлиб чиқиш ва уларнинг ҳар бирининг вазифасини тушуниб олиш [3,4].

Оддийдан мураккабга ва мураккабдан оддийга йўналишида таҳлил қила олиш (қисмлар орасидаги муносабатларни аниқлаш, бир-бирига улаш, бирлаштириш, бўлиб чиқиш, туркумларга ажратиш, гуруҳларга ажратиш, умумий қонуниятларни топиш, тоифаларга бўлиб чиқиш).

Синтез – янги нарсани (билим, предмет, машинани) унинг бир қанча қисмларидан (бўлакларидан) уларнинг хоссаларидан фойдаланган ҳолда ташкил қилиш (тузиш, конструкция йиғиш, комбинациялаш, янги фикр яратиш, янги фаразларни таклиф қилиш), уларни синашни амалга ошириш ва натижа асосида янгиларини мавжудларига рақобатчи сифатида ишлаб чиқиш.

Таблим-тарбия жараёнларида ахборот технологиялардан фойдаланишнинг методик мақсадга мувофиқлиги шундаки, турли шаклдаги ахборотларни глобал ва локал тармоқларда қидириш, уни қайд этиш, йиғиш, тўплаш, сақлаш, ишлов бериш ва узатиш, эксперимент натижаларни ишлаб чиқиш, реал обьектларни бошқаришни амалга ошириш, ўқув фаолиятини автоматлаштирилган ҳолатини ташкил этиш, турли педагогик воситаларни ишлаб чиқиш ҳамда дидактик ва методик материалларни яратишдан иборатдир.

Хулоса қилиб айтганда, бўлажак педагогларни тайёрлайдиган олий таълим масканларида, ахборот-коммуникация технологиялардан фойдаланиб ўқув жараёнларини ташкил этиш мураккаб вазиятларда тезкорлик билан бир қарорга келиш, ахборотни қидириш, уни олиш, коммуникатив билимларини ва бошқа шу каби қобилиятларини ошириш учун, энг қулай технологик имкониятлари бўлган шарт шароитлар яратилади ҳамда талабалар кўз олдида намойиш этилган медиамаҳсулотлари, кўргазмали материаллари асосида янада қизиқарли бўлиб, осон ўзлаштирилади ва уларда мустақил фикрлаш, ўз устида ишлаш малакалари мустаҳкамланади.

**Адабиётлар**

1. Фан ва таьлимда ахборот-коммуникация технологиялари: Республика илмий-амалий конференцияси маьрузалар тўплами. – Т.: ТАТУ.

2. Толипов Ў.Қ., Усмонбоев С.А. Педагогик технологияларнинг татбиқий асослари. Ўқув қўлланма. – Т: «Фан ва технология», 2006.

3. Мавлонова Р. Педагогика дарслиги. – Т.: «Ўқитувчи», 2008. 215-б.

4. Расулова З.Д. Меҳнат таьлими фанини инновацион таьлим технологиялари асосида ўқитиш педагогик муаммо сифатида. Педагогик маҳорат. 2019, 1-сон, 36-38-б.

**РЕЗЮМЕ**

Мақолада ахборот - коммуникация технологиялари асосида Технологик таьлими йўналишлари дарс жараёнларини самарали ташкил этишнинг назарий жиҳатлари келтирилган. Сервис хизмати фани мавзуси мисолида электрон дарс ишланма амалий жиҳатдан ишлаб чиқилган.

**РЕЗЮМЕ**

В статье приведены теоретические аспекты эффективной организации процесса преподавания предмета с использованием информационно- коммуникационных технологий по направлению «Технология». На примере предмета «Сервисное обслуживание» с практической стороны разработан конспект урока.

**SUMMARY**

The article describes the theoretical aspects of effective organization of the process of teaching a subject using information and communication technologies in the direction «Technology». On the example of the subject «Service» from the practical point of view, a lesson summary has been developed.

## МУСИҚАНИНГ ТАРБИЯВИЙ АҲАМИЯТИ ВА ЎЗБЕК МУМТОЗ МУСИҚА САНЪАТИ

**С.Романова -** *педагогика фанлари номзоди*

*Ажиниёз номидаги Нукус давлат педагогика институти*

**Таянч сўзлар:** мумтоз мусиқа, ижод, педагогик фаолият, мусиқий қобилият, дикция, асардаги алохида қочиримлар, безак, унли товуш.

**Ключевые слова:** классическая музыка, творчество, педагогическая деятельность, музыкальная способность, дикция, особенности отступления в произведениях, мелизмы, гласные звуки.

**Key words**: classical music, creative activity, pedagogical activity, musical ability, diction, particularities retreat in product, melizms, vowel sounds.

Мусиқа санъати инсон руҳияти ҳамда ижтимоий воқеликлар ҳолатини ифода этувчи восита, шунингдек, идрок этишнинг ўзига хос шакли ҳисобланади. Мусиқа асарини яратишда ижодкор муайян образлар воситасида юксак инсоний сифатларни ёритади. Мусиқа ва қўшиқларда табиат манзаралари, инсонларга хос хусусиятлар, ижтимоий муносабатлар, ижобий психологик ҳолатлар – хурсандчилик ёки аксинча, салбий ҳолат – ғам-алам, истироб, тушкунлик каби ҳодисалар ифодаланади.

Мусиқанинг тарбиявий аҳамияти шундаки, улар кишиларнинг онгини ўстириш, иродавий сифатларини ривожлантириш, ҳиссиётини бойитишга эмоционал таъсирини кўрсатади.Талабалик даврида гўзалликни тушуниш, мусиқий асарлардаги кайфият, ҳис-ҳаяжон, воқеликнинг мазмунини англаш онгли кечади. Мумтоз мусиқа асарлари воситасида талабаларда бадиий дидни шакллантириш энг аввало, асарнинг мусиқий матнини идрок этиш, оҳанг тузилиши, товушлар ранг-баранглигини ҳис қилишдан бошланади.

Оҳанглар таъсирида инсон руҳиятида муайян психологик ҳодисалар рўй бериб, ижобий ва салбий кайфиятларни юзага келтиради. Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, мумтоз асарлар инсон руҳиятида энг нозик ҳисларни юзага келишига таъсир этади. Юксак маҳорат билан билан ижро этилувчи мумтоз асарларнинг барчаси инсонда кўтаринки кайфиятни ҳосил қилади. Мумтоз асарларни доимий равишда ўрганиб бориш бўлажак мусиқа ўқитувчиларида ҳақиқий санъат асарларининг қийматини тўғри баҳолаш кўникмаларини шакллантиради, бадиий савияси паст бўлган, мазмунсиз куй ва қўшиқларни тинглаш учун вақтни сарфлашнинг олдини олишга уринганлар.

Шуни ёддан чиқармаслик лозимки, бўлажак мусиқа ўқитувчиларида бадиий дид мусиқий асарларнинг бадиий қиммати ва ижро даражасини баҳолай олиш кўникмасига эгаликдангина намоён бўлмай, уларни юксак маҳорат билан ижро эта олишларида ҳам намоён бўлади.

Мусиқий асарлардаги жозибани идрок этишда унинг ташқи мезонлари, хусусан, шакл тузилишидан хабардор бўлиш талаб этилади. Масалан, оддий куплетли қўшиқлардаги жозиба, энг аввало, унинг шеърий матни

тузилиши, мазмунини идрок этишдан бошланади. Шеърий матн қаторларининг ўзаро симметрик жойлашуви, улардаги бўғинлар талаффузи, туроқларнинг бир-бирига мос келиши, қаторлар охиридаги сўзларнинг ўзаро қофиядош бўлиши унинг жозибадорлигини идрок этишнинг асосий омиллари саналади. Яна бир омил – шеърий матннинг оҳанг билан симметрия ҳосил қила олиши, синхром равишда таъкидланишидир. Овоз ёки товуш бўғинларининг ёркин ифодавийлиги, оҳангнинг турли интервалларда ҳаракатланиши орқали шеър мазмунининг ифодаланиши ҳам муҳим омил сифатида эътироф этилади.

Мусиқий асарларни яратишда ички омиллар билан бирга ташқи деталларнинг таъсири ҳам инобатга олинади. Масалан, инсон кайфияти, табиат манзаралари ёки ижтимоий воқелик уларга хос бўлган хусусиятларнинг оҳанглар ёрдамида ифодаланиши асосида ёритиб берилади. Бунда оҳанг ритми, суръати, тонига алоҳида эътибор қаратилади. Образлар учун характерли хусусиятларнинг белгиланиши муҳим аҳамиятга эга.

Гўзалликни идрок этишнинг ижтимоий мезонлари ҳам мавжуддир. Бу ҳолат мусиқий асарларда муайян даврга хос ҳолатларнинг ифодаланишидан далолат беради. Ҳар бир даврда устивор ўрин тутувчи ижтимоий-сиёсий, иқтисодий зарурат улардан тўғри хулосалар чиқариб олишни тақозо этади. Мазмунида инсоний муносабатлар, халқнинг турмуш тарзи, инсон ва табиат бирлиги ифодаланган асарлар талабалар томонидан улар моҳиятининг англанишига ёрдам бериш билан бирга уларни мустақил ҳаётга тайёрлайди.

Мумтоз ўзбек мусиқаси воситасида талабаларда бадиий дидни шакллантиришда ижтимоий омилларнинг ҳам роли беқиёс. Чунончи: оилавий анъаналар; оммавий байрамлар; оммавий ахборот воситалари; таниқли қўшиқчи ва созандаларнинг иш тажрибалари ва ижро услублари ташқи ижтимоий омил саналса, магнит ёзувлар, миллий чоғу асбоблари, шеърий матнлар, ўқув адабиётлари-ўқув дастурлари, дарсликлар, қўлланмалар, дарс ишланмалари ва бошқалар ички ижтимоий омиллар сифатида муҳим аҳамиятга эга.

Талабалар бадиий дидини шакллатириш жараёнида ўқитувчи асосий ўрин тутади. Мутахассис-ўқитувчиларнинг бўлажак мусиқа ўқитувчилари бадиий дидини шакллатиришдаги асосий вазифалари мавжуд. Бунда ўқувчи талабаларнинг мумтоз ўзбек мусиқасига бўлган муносабатларини ўрганиш, уларнинг мумтоз куй ва қўшиқларни ўрганишга бўлган эҳтиёж ва қизиқишлари даражасини объектив баҳолаш, талабалар-нинг ёш хусусиятлари, шахсий имкониятлари ва алоҳида иқтидорлари тўғрисидаги маълумотларга эга бўлишдир. Шунингдек, талабаларнинг эҳтиёжлари, қизиқишлари, мумтоз мусиқа меросига бўлган муносабатлари, овоз имкониятлари, иқтидорлари, билим даражалари ҳамда ижро кўникмаларига мувофиқ улар томонидан ўрганилиши учун мумтоз куй-қўшиқлар мажмуини шакллантириш, уларни мумтоз асарлардан намуналар ижро этиш кўникмасини шакллантиришга ёрдам берувчи самарали методикага эга бўлиш ва машғулотни педагогик, психологик ҳамда методик талабларга мувофиқ тўғри ташкил этиш мақсадга мувофиқ.

Машғулот жараёнида кўргазмали методик воситалардан мақсадга мувофиқ фойдаланиш, талабалар томонидан ўзлаштирилган мумтоз мусиқа асарларининг назарий ва ижро асослари борасидаги билимларни, шунингдек, уларда шаклланган бадиий дид даражасини объектив баҳолаш уларда мумтоз асарларни севиш сингари тарбиявий мақсадларда амалга ошади.

Талабалар юксак бадиий савияга эга мумтоз асарларни ўрганишда уларнинг яратилиш тарихи ва ижро услубларига оид маълумотларни ўзлаштиришни истайдилар. Бундай истакнинг юзага келиши таълимни муваффақиятли ташкил этилишининг бошланғич омили ҳисобланади. Мумтоз асарларни ижро этиш учун талабаларнинг муайян кўникма ва малакаларга эга бўлишлари талаб этилади. Булар:

-Асарни катта қизиқиш ва ҳис-ҳаяжон билан тинглаш;

-мусиқани куйлаш ёки чалишга нисбатан эҳтиёжга эга бўлиш;

-асардаги нозик қочирим, безак ва нолаларни ижро эта олиш устида иш олиб бориш;

-сўздаги унли товушларни, бўғинлар ва сўзлар талаффузи устида ишлаш;

-куй ва қўшиқларни уларнинг мазмунига мувофиқ ижро этишга эришиш, ижро чоғида динамик ранг-барангликни таъминлаш;

-юксак маҳорат билан чалиш ва куйлаш кўникмаларини ўзлаштириш ва ҳоказо.

Бундан ташқари ўқитувчи талабаларга ўз имкониятидан келиб чиққан ҳолда ўзига мос репертуар танлай олиш ҳамда аудитория хусусиятидан келиб чиқиб куй ва қўшиқларни ижро этиш сирларини ҳам ўргатиб бориши лозим. Маҳорат билан шакллантирилган репертуар, мусиқий асарларни овоз диапазонига мос келишига эришиш кўникмалари ҳам талабаларда бевосита ўқитувчи ёрдамида шакллантирилади.

**Адабиётлар**


1. Ботиров Й. Бўлажак мусиқа ўқитувчиларининг касбий тайёргарлик самарадорлигини оширишда Ю.Ражабий мусиқий меросидан фойдаланиш. –Т.: // " Педагогик таълим". 2003. № 1, 43-б.



**РЕЗЮМЕ**

Мақолада бўлажак мусиқа ўқитувчилари юксак бадиий савияга эга мумтоз асарларни ўрганишда уларнинг яратилиш тарихи ва ижро услубларига оид маълумотларни ўзлаштириши таълимни муваффақиятли ташкил этишнинг бошланғич омили эканлиги, мумтоз асарларни ижро этиш учун уларда муайян кўникма ва малакаларга эга бўлишлари зарурлиги ҳақида сўз боради.

**РЕЗЮМЕ**

В статье будущие учителя музыки узнают, как создавать классические произведения высокого искусства, а также научатся создавать и воспроизводить их, что является основным фактором успешной организации обучения, описываются также способы их использования для исполнения классических произведений, требования к квалификации и навыкам.

**SUMMARY**

The article is of a great importance for future teachers in music, because it contains valuable information how to create classical works of a high artistic level and perform them. It is one of the main factors of successful teaching, the author also describes the ways of performing classical works, requirements to the qualification and skill.


## ЁШЛАР ЎРТАСИДА СОҒЛОМ ТУРМУШ ТАРЗИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ДАВЛАТ СИЁСАТИНИНГ УСТУВОР ЙЎНАЛИШИ СИФАТИДА


**А.И.Саидов -** *педагогика фанлари номзоди, доцент*

*Самарқанд давлат чет тиллари институти*



**Таянч сўзлар:** ёшлар, соғлом авлод, соғлом турмуш тарзи, соғлом турмуш психологияси,билим ва кўникма.
**Ключевые слова:** молодость, здоровое поколение, здоровый образ жизни, психология здорового образа жизни, знания и навыки.
**Key words:** youth, healthy generation, healthy lifestyle, the psychology of healthy lifestyle, knowledge and skills.


Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришган кундан бошлаб ҳукуматимиз кучли ижтимоий сиёсатни амалга ошириш тўғрисида ғамхўрлик қила бошлади. Бу ғамхўрлик албатта, оилада соғлом турмуш тарзини

шакллантиришда фарзандларни тарбиялашга эътибор билан бевосита боғлиқдир.

Ёшларда соғлом турмуш тарзини шакллантириш - Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатининг бош мақсадини асосини ташкил қилади. Мустақиллик йилларида баркамол авлод ғояси асосида мазкур давлат сиёсатига молик муаммонинг ижтимоий-ҳуқуқий негизи яратилди.

Бугунги кунда соғлом турмуш тарзининг негизи ҳисобланган психик саломатлик - қисқа муддат давомида йирик тадқиқотлар соҳасига айланиб улгургани айни ҳақиқатдир. Мазкур ҳолатни қуйидаги рақамлар исботлаб турганини қайд этишимиз лозим. Агар 1975 йили АҚШда психик саломатликни муҳофазасига оид 200 дастур татбиқ этилган бўлса, 1990 йилга келиб бундай дастурлар 5000 га ортган. Ҳозирги кунда улар салмоқли иқтисодий самарадорликни кўрсатмоқда[5]. Айни пайтда АҚШдаги психологларнинг ҳар ўн нафаридан биттаси психик саломатликнинг у ёки бу муаммоси билан шуғулланмоқда, шунингдек, инглиз забон психологик журналларда чоп этилаётган ҳар учта мақоладан биттаси ушбу соҳанинг турли жиҳатлари билан боғлиқлигини эътироф этиш жоиз [6].

Соғлом турмуш тарзи психологияси иборасининг заминида инсоннинг психофизиологик саломатлиги, қолаверса ёшларнинг келажаги ётар экан, бу масала жамият тараққиётининг юксалишида асосий ўринга эга бўлиши табиийдир.

Ўзбекистонда амалга оширилаётган туб ислоҳатлар жамият ва давлат манфаатларини ҳимоя қилиш, юрт равнақи, эл фаровонлиги йўлида фидокорона меҳнат қиладиган маънавий баркамол авлодни тарбиялаш, миллий ва умуминсоний қадриятларга асосланган демократик ҳуқуқий давлат барпо этишга қаратилган [2.Б.155].

Мамлакатимизда соғлом авлодни тарбиялашда оила-маҳалла-таълим муассасаси ҳамкорлигини кучайтириш самаралар гаровидир. Бу борада ҳукуматимиз томонидан амалга оширилаётган йўналишлар қуйидагилардан иборат:

- оила, маҳалла, таълим муассасалари ҳамкорлигини таъминлашнинг ҳуқуқий базасини такомиллаштириш, ҳамкорликни кучайтиришга қаратилган услубий таъминотни мустаҳкамлаш;
- оилада ёшлар ва ота-оналарнинг ижтимоий фаоллигини ошириш;
- оилаларда соғлом ижтимоий-психологик муҳитни шакллантириш;
- ҳар бир оила аъзоларининг онгида соғлом турмуш тарзи тушунчаси ва муносабатини шакллантириш;
- ижтимоий ҳимояга муҳтож оилаларни моддий ва маънавий қўллаб қувватлаш;
- баркамол авлодни тарбиялашга қаратилган маънавий-маърифий тадбирларни мазмунан такомиллаштириш, унинг самарадорлигини ошириш механизмини яратиш;
- соғлом авлодни тарбиялашда оммавий ахборот воситалари ва замонавий ахборот технологияларидан самарали фойдаланишни йўлга қўйиш.

Ёшлар ўртасидаги соғлом турмуш тарзи психологиясини шакллантириш – бу фаол меҳнат, кучли жисмоний ва руҳий ҳолат, кўтарики кайфият, ўта хавфли ва зарарли таъсир кўрсатувчи омилларни енга оладиган, етукликка интилувчан шахснинг шаклланиш жараёнидир[4.Б.217]. Шундан келиб чиқиб, бугунги кунда ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини шакллантиришнинг ижтимоий-сиёсий, ижтимоий-психологик ва маънавий-маърифий тарғибот ишларини самарали ҳамда таъсирчан услубда амалга ошириш мақсадида ҳар бир таълим муассасасида соғлом турмуш тарзи, шахсий гигиена, оила маънавияти, зарарли иллатларнинг соғлом бола туғилишига салбий таъсири ҳақидаги тиббий билимларини оширишга қаратилган ўқув-машғулотлари, давра суҳбатлари кенг жорий этилмоқда. Бу ёшларимиз онгида соғлом турмуш тарзи тамойилларини сингдиришда муҳим аҳамият касб этади.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳатлар аввало ёшларни ҳар жиҳатдан етук қилиб тарбиялашга йўналтирилмоқда. Хусусан, мамлакатимизда «оила-маҳалла-мактаб ҳамкорлиги концепцияси»нинг тадбиқ этилиши баркамол авлод тарбияси ислоҳатларининг янгича ёндашувларга асосланган модели бўлиб ҳизмат қилмоқда. Бу масаланинг бугунги кундаги аҳамияти ва долзарблиги шундаки, ёшларнинг хусусан, талабалар ижтимоий-сиёсий фаоллиги, баркамол авлод бўлиб етишиши, ҳар томонлама етук кадрлар бўлишида, уларнинг соғлом турмуш тарзига амал қилиб вояга этишида оила ва маҳалла институтлари ҳамкорлигининг янги имкониятларини кенгайтириш долзарб аҳамият касб этмоқда.

Ҳеч бир шубҳасиз айтиш мумкинки, оила фуқаролик жамиятининг таянч нуқтасидир. Чунки бу муқаддас даргоҳда нафақат инсон дунёга келади, балки у маънан ва ақлан тарбия топади. Оила қанчалик мустаҳкам бўлса жамият ҳам шунчалик барқарор бўлади ва тез ривожланади. Инсон ўзини ўраб турган дунё ҳақидаги билимларини маънавият ва ахлоқ ҳақидаги илк тушунчаларни яхшилик ва ёмонлик тўғрисидаги бошланғич тасаввурларни оиладан олади.

Ушбу вазифаларни амалга оширишда асосан профилактик текшириш, узоқ муддатли касалликларни аниқлаш ва даволаш, соғлом турмуш тарзини амалга ошириш, шу билан бирга зарарли кўникмалар бўлган чекиш, ичиш ва гиёҳвандлик, эрта ва қариндошлар ўртасидаги никоҳ, ОИТСнинг олдини олиш бўйича профилактика ишларини олиб боришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Маълумки, оила қуришдан мақсад нафақат икки ёшнинг бахтли ва бирга ҳаёт кечириши, балки соғлом фарзандларни дунёга келтириш ва мустаҳкам оила барпо этишдир. Ваҳоланки, соғлом муҳитни ташкил этишда кўплаб таркиб ва бирикмалар, шу билан бирга, икки ёшнинг саломатлиги муҳим аҳамият касб этади.

Аввало, оила мустаҳкам бўлиши учун тиббиётда қўлланадиган муҳим жиҳатлардан асосийси: никоҳланувчиларнинг қонини тубдан текшириш, биохимик ҳамда микробларни аниқлаш, ОИТС ва бошқа хатарли касалликлар бўйича ташҳис қўйиш ва текширувлар ўтказиш. Шу билан бирга, ёшларнинг ички аъзоларини ултратовуш тизими орқали текшириш, шунингдек, наркология, психология,урология ва гинекология бўйича мутахассислар ва албатта оила шифокорининг тавсияномалари таклиф этилади.

Оилада болани соғлом турмуш тарзини шакллантириш бўйича тўғри тарбиялашнинг асосий шартларидан бири-тарбиядаги бирликдир. Бундай улкан маъсулиятни, шарафли ишни оила, мактаб, маҳалла, кенг жамоатчилик билан ҳамкорликда олиб бориш муҳим ўрин эгаллайди. Оила бошқа тарбиявий муассасалардан фарқли равишда одамнинг бутун ҳаёти давомида унинг барча томонларига, қирраларига таъсир кўрсатишга қодирдир ва одатда таъсир кўрсатади. Оила тарбия вазифасининг бу улкан миқёси унинг мафкуравий ва психологик таъсир кўрсатишининг чуқур ўзига хослиги билан уйғунлашиб кетади. Бу эса уни олий даражада таъсирчан қилибгина қолмай, шу билан бирга шахсни шакллантириш жараёнининг зарур буғинига ҳам айлантиради.

Оила соғлом экан – жамият мустаҳкам, жамият мустаҳкам экан – мамлакат барқарордир. Маҳалла – инсонни жамият билан уйғунлашти-радиган ҳамда шу руҳда тарбиялайдиган энг катта саҳоватли гўша ва беқиёс Ватандир. Мустақиллик шарофати туфайли

қўшничилик ва маҳаллачилик анъаналари янги руҳда шаклланиб, оилавий маиший муносабатларни мустаҳкамловчи ҳамда барча тўй-ҳашамларда, маъракаларда ҳамдард, камарбаста бўлиб, ўзаро ёрдам бериб қўллаб-қувватлашда муҳим рол ўйнамоқда. Маҳаллачилик катта-кичикни ҳурмат қилиш, ёши улуғларни эъзозлаш, оилавий муносабатларда аҳилликни сақлаш каби фазилатларни назорат қилишда етакчи ўринда туради. Зеро, ҳар бир ўзбек фарзанди дастлабки тарбияни маҳалладан олади.

Таълим-тарбияни инсонпарварлаштиришнинг марказий масаласи ёшларда ор-номусни, ватан ва халқ олдидаги масъулиятни, юксак ахлоқ ва фуқаролик сифатларини ҳамда маънавий-руҳий фазилатларни сингдиришдан иборатдир. Шу маънода маҳалла, оилада соғлом муҳитни яратиш орқали жамият, хусусан ёшлар маънавиятини юксалтира оладиган бешик ҳисобланади. Мамлакатимизда тарбияни ҳозирги замон талаблари даражасида олиб боришда мавжуд барча имкониятлар ва воситалардан самарали фойдаланганимиздагина маънавияти юксак ёшларни тарбиялашга эришиш мумкин бўлади.

Ёшлар тарбияси маҳаллаларнинг жонажон ишидир. Ёш авлодни миллий истиқлол руҳида тарбиялашда маҳаллалар фаол иштирок этмоқдалар. Аҳоли турар жойларида ёшлар муаммоларига катта эътибор қаратилган. Уларни қизиқтирган мавзуларда кечалар, учрашувлар, суҳбатлар, спорт мусобақалари ва бошқа маданий-маърифий ҳамда кўнгилочар тадбирлар доимий равишда уюштириб борилади.

Фуқаролик жамиятининг бош вазифаларидан бири аҳоли тинчлиги, осойишталиги экан, бунда маҳалланинг аҳамияти муҳим. Маҳалла тегишли ҳудудда деярли ҳар нарсадан бохабардир. Демак ҳар қандай кўнгилсизликнинг олдини олиш-маҳалланинг қўлидан келадиган иш ва шу маҳалла одамлари учун керак. Бугунга келиб, айнан маҳалла фаоллари куч-ғайрати билан кўпгина жиноий ҳаракатларнинг олди олинаётганини, жиноятлар сони ошмаётганлигини бемалол айтиш мумкин. Бу ўринда айниқса, маҳаллада посбонлар гуруҳи кўрсатаётган фаолият кўпроқ асқотаяпти. Жиноятчиликка, экстремизм ва жаҳолатнинг барча кўринишларига қарши курашда аҳоли фаоллигини ошириш фақат маҳалланинг қўлидан келадиган иш эканлигини ҳам маҳалладошларимиз ўз фаолияти орқали исботлаб келишмоқда.

Фуқароларнинг ҳаёт тарзи, уларнинг оиладаги, жамоат ичидаги хулқ-атвори, мамлакатимизда юз бераётган улкан ижобий ўзгаришларга муносабати, бу ўзгаришлардаги шахсий иштироки, хуллас жамиятдаги ўрни маҳаллалар эътибордан четда қолдириб бўлмайдиган масалалардир[3:47]. Айниқса, маҳалланинг ёшларни тарбиялаш, уларда соғлом турмуш тарзини шакллантириш борасидаги масъулияти янада катта. Ҳозир ҳар бир маҳалла фуқаролар йиғинида фаолият кўрсатаётган ўнга яқин тузилма орасида ёшлар билан ишлайдиган тузилма энг фаолларидан бири бўлмоғи лозим. Аввало шу тузилмаларда миллатимизга хос бўлган хислатлар намоён бўлмоғини, «Бир болага етти маҳалла ота-она» қабилидаги нақлларнинг ҳаётий кўринишлари юзага чиқмоғи керак.

Кузатишларимизга қараганда, маҳаллаларда ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини шакллантириш бўйича олиб борилаётган тарбиявий ишлардаги ижобий натижалар билан бир қаторда ҳал қилиниши лозим бўлган вазифалар ҳам етарли. Хусусан, бизни ташвишга солаётган нарса бу ёшларимиз билан маҳалла фуқаролар йиғини, унинг катта-кичик мутасаддилари узвий алоқа боғлай олмаётганлигидир. Маҳаллада муҳокама қилинаётган ҳар бир масала асосан катта ёшдагилар иштирокида бўлади. Ҳатто ёшларнинг ўзига оид масалалар ҳам ана шундай иштирокчилар билан муҳокама этилади. Аммо ҳаётимиз воқеалари тафсилоти шуни кўрсатадики, ёшларимизнинг ўзи ҳали зичроқ ва мақсадга мувофиқ тарзда бирикишмаган. Тан олиш керакки, собиқ шўроларнинг ёшлар билан ишлаш усулидан воз кечганимиздан сўнг уларни шу тарбия «маҳсули» бўлган боқимандалик таъсиридан батамом халос эта олганимизча йўқ.

Ёшларда соғлом турмуш тарзи психологиясини шакллантириш борасида оила, маҳалла, таълим муассасалари ҳамкорлиги қуйидаги тамойилларга амал қилинганда самарадорлик янада юқори бўлади:

- таълим ва тарбия соҳасида ҳамкорлик жараёни иштирокчилари ҳаракатларининг иш бирлиги;
- тарбияланувчига ҳурмат ва талабнинг уйғунлиги;
- ҳамкорлик жараёни субъектларининг тенг ҳуқуқлилиги ва юксак масъулияти;
- фаолият жараёнида миллат ва давлат манфаатлари устуворлиги;
- ҳамкорликнинг илмий асосланганлиги.

Шунингдек, ёшларда соғлом турмуш тарзи психологиясини шакллантиришда оила, маҳалла, таълим муассасалари ҳамкорлигида амалга оширилиши мақсадга мувофиқ бўлади.

Ёш оилалар билан ишлаш. Ёш ота-оналарга фарзанд ва унинг тарбияси, соғлом турмуш тарзининг мазмун ва моҳияти ҳақида фалсафий, тиббий тушунчаларни бериш ва бу масалаларга тиббиёт ходимлари, психологлар, педагоглар обрули хотин-қизлар ва ота-оналарни жалб қилиб, «Ёш оналар ва оталар ўқув муассасасилари» фаолиятини йўлга қўйиш муҳим аҳамият касб этади.

Фарзанднинг ўқув муассасасигача бўлган давридаги жисмоний, психологик, ақлий ва маънавий ривожланишини таъминлаш борасида уларга расм чизиш, воқеаларни баён қилиш, эртак, матал, ривоят айтиб бериш, ўзига ўзи хизмат қилиш, тозалик ва озодаликка риоя қилиш, ҳарф таниш, қўшиқ, айтиш ва рақс тушиш, турли ўйинларда онгли қатнашиш тушунчаларини сингдириш ва мустақил равишда билим олиш кўникмаларини шакллантириш юзасидан ўқув муассасасига тайёрлаш гуруҳлари, «Якшанбалик ўқув масканлар» ишини ташкил қилиш.

Кичик ёшдагилар учун мўлжалланган (6-11 ёш) ўқув муассасаларида ўқувчилар шахсининг жисмоний, маънавий ва ижтимоий-психологик шаклланишини таъминлаш, унинг илк иқтидори, қизиқиши ва ақлий имкониятларини аниқлаш, ўз хатти-ҳаракатларига жавобгарлик ҳиссини тарбиялаш, бўш вақтини тўғри ташкил қилиш ва кун тартибига риоя қилишни ўргатиш, атроф-муҳитга онгли муносабатда бўлиб, дўстлик, байналмилаллик, ватанпарварлик ҳислатларини шакллантириш.

Ўсмирларнинг (11-16 ёш) қизиқишини, билимга чанқоқлик ва ақл заковатини ҳисобга олган ҳолда ижтимоий фаолиятга тортиш, жисмонан бақувват бўлишини таъминлаш, маиший меҳнат фаолияти орқали турли касбларга йўналтириш, ўсмирлар гуруҳлари ва жамоатчилик орасида ўз ўрнини топа олишига кўмаклашиш, ўз хатти-ҳаракатлари учун жамият, қонун ва ота-оналари олдида жавобгарлик туйғусини шакллантириш, ижтимоий фаоллиги ва мустақил дунёқарашини юзага келтириш.

Ёшларни (16 ёш ва ундан юқори) дунё андозаларига мос билим олишлари, касб танлашлари, мустақил ҳаётга тайёргарликларини таъминлаш. Уларнинг имкониятлари даражасида таълим олишларига, танлаган касблари бўйича иш билан таъминланишларига, иқтисодий мустақил бўлишларига шарт-шароит яратиш. Ватан, Давлат ва жамият олдидаги фуқаролик бурчларини адо этишга жавобгарлик ҳиссини тўла шакллантириш, мустақил оила қуришга тайёрлаш.

Ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзи психологи

ясини шакллантиришда ўтказиладиган тадбирлар ҳар томонлама пухта, шунинг билан бирга, қатнашчиларнинг ёшларига мос педагогик ва психологик мужассамлашган, мантиқан теран, қизиқарли ва кўргазмали, таъсирчан, оммабоп, амалий жиҳатдан қисқа ва лўнда, эстетик жиҳатдан кенг кўламли бўлиши керак.

Юқоридагиларни мухтасар қилиб қайд этиш мумкинки, кейинги йилларда юртимизда аҳоли орасида ва айниқса ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини шакллантириш борасидаги ҳаракатлар изчиллик билан олиб борилмоқда. Зеро, ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзи психологиясини шакллантириш бўйича ислоҳатлар жамият ва давлат манфаатларини ҳимоя қилиш, юрт равнақи, эл фаровонлиги йўлида фидокорона меҳнат қиладиган маънавий баркамол авлодни тарбиялаш, миллий ва умуминсоний қадриятларга асосланган демократик ҳуқуқий давлат барпо этиш ва мамлакатимизда соғлом авлодни тарбиялашда оила-маҳалла-таълим муассасаси ҳамкорлигини кучайтириш самаралар гаровидир.

**Адабиётлар**


1. Тўлаганов А.Т. Давлат ҳокимиятининг вакиллик ва ўзини ўзи бошқариш органларининг фаолиятини ташкил этиш. Рисола. –Т.: Университет, 1996. 155-б.
2. Йўлдошев Ж. Замонавий ўзбек оилаларида ўсмир болалар шахсининг шаклланиши. Ном дис., -Т.: 2002, 47-б.
3. Мусурмонова О. Оилада соғлом авлодни тарбиялашда оила-маҳалла-таълим муассасалари ҳамкорлигининг устувор йўналишлари // «Ёшларни оилапарвар, ота-оналикка тайёрлашда оиланинг роли» мавзусидаги Республика илмий-амалий анжуман материаллари. – Т.: 2013. 217-.
4. Bennet, G. (1987) The Wound and the Doctor: Healing Technology and Power in Modern Medicine. London: Seeker & Warburg.
5. Borril, C. S., Wall, M. A., West, G. E., et al (1996) Mental Health of the Workforce in NHS Trusts. Leeds: Institute of Work Psychology, University of Sheffield & Department of Psychology, University of Leeds.



**РЕЗЮМЕ**

Мақолада ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзи психологиясини шакллантириш давлат сиёсатининг устувор йўналиши сифатидаги мақсад ва долзарб вазифалар баён этилган. Шунингдек, мақолада саломатлик психологиясини таъминлаш борасидаги муаммолар ва тавсиялар ўрин олган.

**РЕЗЮМЕ**

В статье изложены цели и задачи развития психологии здорового образа жизни как приоритета государственной политики. В статье также рассматриваются вопросы психологии здравоохранения и даютсярекомендации.

**SUMMARY**

The article outlines the goals and objectives of developing a healthy lifestyle psychology as a priority of public policy. The article also discusses health care psychology issues and recommendations are given.


## ЎЗБЕК ТИЛИНИ ЎҚИТИШДА АДАБИЙ ЎҚИШ ВА МАТННИ ШАРҲЛАШ ТАМОЙИЛЛАРИНИ ЎРГАТИШ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ


**Ф.Сапаева** –*филология фанлари бўйича фалсафа доктори*

**Д.Ережепова** – *магистрант*

*Ажиниёз номидаги Нукус давлат педагогика институти*



**Таянч сўзлар**: педагогик маҳорат, ўзбек тили фани, мазмун, маъно, синфлардаги таълим мазмуни ва талаблари, матнни шарҳлаш, адабий ўқиш, методика фанининг олтин қоидаси

**Ключевые слова**: педагогические мастерство, предмет “Узбекский язык”, содержание, смысл, содержание и требования аудиторного образования, золотое провило методологии.

**Key words**: pedagogical skills, “the subject Uzbek language», content, meaning, content and requirements of classroom education, golden rule of methodology.


Ҳозирги кунда замонавий ўқитувчи ўзи машғулот олиб бораётган фаннинг назарий масалалари қобиғида қолиб кетмаслиги, аксинча, таълим-тарбия жараёнларини ташкил этишнинг қонун ва қонун ости ҳужжатларига таяниб ўзида касбий компетентлик сифатлари ва педагогик маҳорат элементларини шакллантириши, креативлик потенциалига эга бўлиши, чет тиллардан бирини талаб даражасида эгаллаб, хориж тажрибаларини ўрганган ҳолда инновацион технологияларни кўр-кўрона қабул қилмасдан, миллий ўзига хосликка эга бўлган таълим технологиялари ижодкорига айланиши, аксарият ҳолларда кузатилаётганидек, компьютернинг матн таҳрирловчисидангина эмас, балки уни дастурий воситалари ҳамда мультимедия қурилмалари билан яхлит ҳолда ўз фаолиятида худди анъанавий бўр ва хаттахтадан фойдалангандек эркин қўллай олиши, замонавий инновацион педагогика, ахборот-коммуникация технологияларини эгаллаши ва уларни ўқув жараёнига фаол татбиқ этиши, моҳир кейсолог, тестолог сифатида ўзини намоён қила олиш каби сифатларни ўзида мужассам қилиши тақозо қилинмоқда. Мана шу ғоялар тадрижий равишда ривожлантириб борилиб, 1995 йил 21 декабрда Ўзбекистон Республикасининг «Давлат тили ҳақида»ги Қонуни қабул қилиниб, давлат тили расмий амал қиладиган доираларда ўзбек адабий тилининг амалдаги илмий қоидалари ва нормаларига риоя этилиши, ўзбек тилининг бойитилиши ва такомиллаштирилишини ҳамма эътироф этган илмий-техникавий ва ижтимоий-сиёсий атамаларни жорий этиш ҳисобига таъминлаши, лавҳалар, эълонлар, нархномалар ва бошқа кўргазмали ҳамда оғзаки ахборот матнлари давлат тилида расмийлаштирилиши ва эълон қилиниши белгилаб берилди.

Ҳозирги кун ўқитувчиси таълим бераётган таълим муассасаларида, хусусан умумтаълим мактабларида ўзбек (давлат) тилини ДТС фан юзасидан қўйиладиган талабларни яхши билиши ва таълим жараёнини шунга йўналтириши, яъни мавзулар (хоҳ грамматик, хоҳ адабий матн) шу талаблардан келиб чиқиб лойиҳалаштириши керак бўлади.

Қўйилган таълим мақсадини амалга ошириш ва кўзда тутилган натижаларга эришиш бўйича фаолият тизими ва мазмунини ишлаб чиқиш учун ўқитувчи қуйи синфлардаги таълим мазмуни ва талабларини ҳам билиши, яъни таълим узлуксизлиги ва узвийлиги билан ҳам яхши таниш бўлиши талаб этилади. Шунингдек, албатта, ўзбек тили методика фанининг олтин қоидаси саналадиган кимга? нимани? нима мақсадда? қайтарзда? бериш кераклигини яхши англаб олиши, сўнгра ушбу режалаштирилган материалларни беришда замонавий таълим технологиялари воситасида ташкил этиладиган янги ўқитиш моделидан фойдаланиш тақозо этилади. Бунинг учун таълим жараёнида нафақат таълим берувчи ва таълим олувчилар ҳамкорлигидан иборат фаол усулларни, балки таълим олувчилар ўртасидаги ҳамкорликни ҳам таъминловчи интерфаол усуллардан ҳам фойдаланиши, яъни ўқув диалоги ва полилоги лойиҳасини ишлаб чиқиши керак бўлади. Яъни, тил таълимининг асосий вазифаси ўқувчилар (у ўзбекми, ё қорақалпоқ) ўзбек

тилидаги луғат бойлигини ошириш, ушбу луғат бойлигидан грамматик ва услубий жиҳатдан тўғри ва ўринли фойдаланиш, ўз фикрини аниқ, бехато, жўяли, мантиқли, асосли ва таъсирчан баён қила олиш кўникма-малакаларига эга бўлиш билан бир қаторда:

- таълимни тизимли ёндашув асосида ташкил этиш;
- таълим жараёнида ўқувчиларни ўқув фаолиятида адабий ўқиш ва матн шарҳлаш тамойилларини ўргатишга йўналтириш;
- ҳар бир таълим субъектига индивидуал ёндашиш;
- таълим жараёнида ўқувчиларни ўқув фаолиятида таълимни мустақил олиб борувчи тенг ҳуқуқли субъект сифатида;
- ўқитувчини эса ўқув фаолиятининг ташкилотчиси, ўқувчиларининг саводли маслаҳатчиси ва ёрдамчиси сифатида қабул қилиш;
- таълим жараёнида муаммоларни қидириш ва ечиш, билимларни амалда қўллашга йўналтирилган фаол ва интерфаол усулларни қўллаш;
- синф машғулотларида жамоа бўлиб ва кичик гуруҳларда ишлаш шаклини кенг йўлга қўйиш;
- таълим жараёнида таълимнинг анъанавий воситалари билан бир қаторда ахборот технологияларини ҳам кенг қўллаш;
- ўқувчиларни мустақил ишлашга (ёшга қараб) йўналтиришга қаратилган услубларни билиши ва фаол қўллаши талаб этилади.

Биз аждодлардан авлодларга ўтиб келаётган бебаҳо бойликнинг ворислари сифатида она тилимизни асраб-авайлашимиз, уни бойитиш, нуфузини янада ошириш устида доимий ишлашимиз зарур. Айниқса, фундаментал фанлар, замонавий коммуникация ва ахборот технологиялари, банк-молия тизими каби ўта муҳим соҳаларда она тилимизнинг қўлланиш доирасини кенгайтириш, ўзбек тилини илмий асосда ҳар томонлама ривожлантириш – миллий ўзликни, Ватан туйғусини англашдек эзгу мақсадларга хизмат қилиши шубҳасиз.

Ўқувчилар нутқини замон талаблари даражасига кўтариш умумтаълим мактабларидаги ўзбек тили машғулотларининг асосий вазифаларидан биридир. Ноўзбек гуруҳларда ўзбек тили дарсларини мавзу характерига қараб хилма-хил, қизиқарли ва фикрлашга даъват этувчи ўйин-топшириқлар, замонавий педагогик (интерфаол) технологиялар асосида ташкил этиш ўқувчиларда мустақил ижодий мушоҳада юритиш, ўз фикрини аниқ, равон, ихчам ҳолда ўзгаларга етказа билиш кўникма ва малакаларини шакллантириш ҳамда ривожлантиришга ёрдам беради.

Ушбу мақолада мактаб таълимида қорақалпоқ гуруҳларда 11-синф I чорак тақвимий иш режасига мувофиқ ўзбек тили (давлат тили) фани ўқув дастурида белгиланган 9-дарс *«Аждодлар мероси»* мавзуси бўйича тажрибаларимиз баён қилинади. Бу мавзуни ўргатишда ўқувчилар нутқини ўстириш, ўзбек тилида равон гапиришга ўргатиш, назарий маълумотларни пухта ўзлаштириш, сўз бойлигини ошириш, хотирада сақлаш, улар характерида ижобий сифатларни шакллантириш, аждодларимизга бўлган миллий эҳтиром туйғуларини уйғотишни мақсад қилиб олдик.

Дарсни буюк аждодларимизнинг ҳикматли сўзлари билан: («маънавият дақиқалари») *«Билади ва билишини ҳам билади, у олимдир, унга тобе бўлмоқ керак. Билмайди ва лекин билмаслигини ҳам билади, бу қобил инсондир, унга ўргатмоқ керак. Билар, лекин билишини билмас, у – уйқудадаир, уни уйғотмоқ керак. Билмас, лекин билмаслигини ҳам тан олмас, у – жоҳилдир, ундан қочмоқ керак»* – бошладим.

Бу, албатта, ўқувчилар диққатини жамлашга ёрдам беради.

Машғулотни ўтган мавзуни эслаш – «Зинама-зина» технологиясини қўллашдан бошладим. Бунинг учун ўқувчилар 3 гуруҳга бўлинди. Ҳар бир гуруҳдан бир жуфт ўқувчи хаттахта ёнига чақирилиб уларга топшириқ берилди. Топшириққа кўра, ҳар бир гуруҳдан чиққан вакил (ўқувчи)га биттадан ватман қоғози ва маркер берилди. Улар ўтган мавзу (тақвимий режа асосида) «Матн яратиш» ҳақида аниқ ва тўғри жавоб беришлари керак эди. Шарт шуки, биринчи жавоб берган гуруҳ айтган маълумот иккинчи гуруҳ томонидан такрорланмаслиги лозим. Бу топшириқни ўқувчилар қуйидагича бажарадилар:

*1-гуруҳ вакили:* Аслида таълим бошқа тилларда (қорақалпоқ, қозоқ, туркман, тожик...) олиб бориладиган мактабларда ва рус гуруҳларида ўзбек тилини ўқитишдан асосий мақсад талабаларга ўзбек тили грамматикасини ўргатиш эмас, балки уларда ўзбекча матн тузиш ва нутқий кўникмаларни ҳосил қилдиришдир. Бунинг учун турли гап қурилмаларини ўргатиш, зарур бўлган грамматик билимларни, сўз ва сўз бирикмаларининг боғланиш қоидаларини эса нутқий эҳтиёж, фикр ифодалаш мақсадидан келиб чиққан ҳолда ўргатиш талаб қилинади. Демак, тилни ўзбек тили сифатида ўқитиш билан иккинчи тил сифатида ўқитиш бир-биридан фарқли бўлиб, ўзига хосликларга эга.

*2-гуруҳ вакили:* Ҳақиқатан ҳам, тил бирликларини нутқий мулоқотда қўллаш даражасини ҳисобга олган ҳолда маълум тоифаларга тақсимлаш ва шу тақсимот асосида уларни ўқув материали таркибига киритиш таълимда такрорлар, қайтариқлар бўлмаслигига, тил таълимининг узвийлигини таъминлаш орқали таълимни босқичлараро узлуксизлик асосида ташкил қилинишига ва таълим самарадорлигига эришишга олиб келади.

*3-гуруҳ вакили:* Ўзбек тили фанидан ўқув дастурлари тузишда кўп миллатли республикамизнинг умумий ўрта таълим босқичида таълимнинг 7 тилда олиб борилиши, ушбу тилларнинг генетик жиҳатдан турли тиллар оилаларига мансублиги, рус ва тожик тиллари ҳинд-европа тиллари оиласига, қозоқ, қорақалпоқ, қирғиз ва туркман тиллари ўзбек тили каби туркий тиллар оиласига кириши, грамматик тузилиши жиҳатдан ҳам рус ва тожик тиллари флектив, туркий тиллар эса агглютинатив тузилишли тиллар эканлиги эътиборга олиниши, фаол ва нофаол лексик-грамматик минимумни белгилашда эса, аввало, шунга асосланиш лозим...

Мен жавобларни баҳолашдан аввал мавзуга оид ёритилмай қолган жиҳатларни ҳам айтиб ўтдим.

Сўнгра янги мавзу баёнига ўтдим. Талабалардан: *Буюк алломаларимиздан кимларни биласиз? Фанимиз, тилимиз заҳматкашларидан-чи?–* деб сўраганимда уларнинг жавоблари мени қониқтирди.

Янги мавзу баёни, аввало, мавзу номи, режа, таянч тушунчалар, тавсия қилинадиган адабиётлар рўйхати компьютер орқали электрон доскада ўқувчилар диққатига ҳавола қилинди. Кейин буюк аллома – туркий тиллар диалект ва лаҳжаларини, шу билан бирга оғзаки ва ёзма адабий ёдгорликларни ўрганган Маҳмуд Қошғарийнинг сиймоси экранда кўрсатилгач, ўқувчиларга шундай мурожаат қилдим: *«Маҳмуд Қошғарий фаолиятига доир матнни кузатинг ва электрон ўқитувчи талаффузига диққат билан эътибор қилинг. Ҳар бир гуруҳнинг маълумотларни қай даражада эслаб қолиши, услубий хатоларсиз, равон, ҳикоя қилиши баҳоланади».*

Компьютер технологиялари орқали овоз воситасида маълумотларни узатиш ўқувчиларда мавҳум тафаккурдан жонли мушоҳадага ўта билиш кўникмасини шакллантиради. Бир мавзу доирасида бир неча ахборот берилишини алоҳида таъкидлаш жоиз.

Ўқувчилар ҳам тинглаб, ҳам ёзадилар. Эсда қолиш қобилияти ўсади. Ҳар гуруҳдан бир вакил (ўқувчи) топшириқни бажаради. Уларни баҳолашдан олдин,

нутқидаги айрим жузъий нуқсонларни (масалан, қорақалпоқча сўзларни қўшиб ишлатиш: *атасы – отаси, маглыўматы – маълумоти, аўылында – қишлогида…*) тузатиб, алоҳида мавзу юзасидан луғат тузишларини тавсия қиламан.

Шу тариқа ўқувчиларга ўзлаштирган билимлари юзасидан «Ақл чархи» технологиясини қўллаб, ҳар гуруҳга учтадан назорат саволларини бераман. Жавоблар аниқ, қисқа ва лўнда бўлишини алоҳида таъкидлайман. Масалан, саволлар қуйидагича бўлади: *1.М.Қошгарий қайси даврда, қайси соҳа йўналиши бўйича машҳурликка эришди? 2.Буюк аллома нима учун ўз ватанини тарк этади ва қардош халқлар орасида юришга мажбур бўлган? 3.«Девону луготит турк» нечанчи йилларда ёзилган? 4.«Девон»да нималар баён қилинган? 5.«Девон» қайси тилда яратилган? Нима учун?...*

Равшанки, бу саволлар ўқувчиларни фикрлаш қобилиятларини ривожлантиришга, янада изланишга, ўрганишга, албатта, билим савияси чуқурлашишига ижобий таъсир кўрсата олади. Сўнгра ҳар учала гуруҳ вакилларига алоҳида-алоҳида биттадан (олдиндан тайёрланган) 3 та матн: «Маҳмуд Замахшарий фаолияти», «Алишер Навоий ҳаёт йўли», «Юсуф Хос Ҳожиб ҳақида» матнларини тарқатаман. Бу услубни турини «Галерея» деб номланишини айтиб, топшириқ бераман. Ўқувчилар матнларда буюк алломалар ҳаёти ва фаолитига доир, асарларига хос, ҳикматли сўзларига оид манбалар берилган бўлиб, ўша маълумотлар асосида хаттахтага илинган бир неча расмлар, картиналар, асарларидан парчаларни ўзларича йиғиб, бир бутун «Галерея» ҳосил қилишлари лозим бўлади. Бу топшириқни ҳар гуруҳдан бир ўқувчи хаттахта олдида бажаради ва ҳар бир жамлаган материалини изоҳлаши керак бўлади.

Масалан, *«Кимки бир кўнгли бузуғнинг хотирин шод айлагай, Онча борким, Каъба вайрон бўлса, обод айлагай»,… «Чиндан ҳам мен Хоразмда адиблар учун бир каъбаман…»,… «Ўз юртингда халқ ичида хизматда бўл, Ҳушёр бўл, ўсал бўлма, сезгир бўл»,…*каби.

Баҳолашдан олдин, албатта, янглиш йиғилган материал, манба бўлса, изоҳ бериб ўтаман.

Шундан сўнг яна компьютер орқали “Грамматик ёки лисоний матн яратиш”га оид маълумотлар слайдлар орқали намойиш қилинади. Шуни алоҳида таъкидлашимиз жоиз, мавзу қорақалпоқ тили билан қиёсланган ҳолда, мисоллар билан ёритилади.

Мисол учун, тил назарияси билан боғлиқ: “Белгилаш олмошлари ўзбек тилида: ҳамма, барча, бори, жами, бутун, ҳар ким, ҳар нима, ҳар нарса, ҳар бир,…каби ифодаланса, қорақалпоқ тилида мазкур олмош турининг ўзи икки ном билан: а) белгилеў алмасықлар: ҳәр, ҳәр бир, ҳәр ким, ҳәр нәрсе,… б) жәмлеў алмасықлар: барлық, гуллән, пүткил, ҳәмме, бәрше, жәми,…каби ифодаланиб, ўзбек тилидан айнан шу каби жиҳатлари билан фарқланади... Ўқувчиларга янги мавзуни ўтишимда, ушбу мавзудаги тегишли назарий ва амалий мустаҳкамловчи воситаларни келтириш ўринлидир:

- мавзу бўйича мавжуд маълумотларнинг тўлиқ баёни;
- мавзу юзасидан назорат саволлари ва топшириқлар;
- назарий маълумотлар акс этган слайдлар;
- анимацион ролик ва жадваллар;
- машқ дастури;
- таянч сўз ва иборалар;
- интернет маълумотлари;
- овозли матнлар;

Ўқувчининг қай даражада билим олганлиги ҳамда ўзлаштириши янги мавзуни ўзлаштириш жараёнида маълум бўлади. Амалий вазифалар жумласига машқ ҳамда назорат саволлари, тарқатма материаллар, анимацион ролик ва жадвалларга яширинган жумбоқли мақолларни киритиш мумкин. Шу жиҳатдан машқ бажариш дастурини мукаммаллаштиришга алоҳида эътибор бериш талаб этилади. Қуйидагича «Машқ» дастуридан фойдаланиш мазкур муаммони ҳал этишга кенг қулайлик яратиб беради. Бунда вақтни иқтисод қилиш ҳисобига кўпроқ ижобий натижага эришиш мумкин. Масалан, компьютер хотирасига киритилган қуйидаги машққа эътибор қаратайлик: *(Сўроқ сўзлар ўрнига берилган сўзлардан мосини қўйиб ўқинг. Сўроқ гапларни дарак гап шаклида кўчиринг )*

| | |
|---|---|
| *1. Ким ўзини мақтар?* | *Беш, буқа, огриқ, гавҳар, ахмоқ* |
| *2. Неча бармоқ баробар эмас?* | |
| *3. Қандай тишнинг давоси омбур?* | |
| *4. Нима семирса эгасини сузар?* | |
| *5. Нима ерда ётмайди?* | |

Машқнинг қоғоз вариантлари ҳам ҳар гуруҳга алоҳида тарқатилади. Бу топшириққа қўшимча, учала гуруҳга яна биттадан «Жадвалларга яширинган жумбоқли мақоллар» рукнидаги машқ материаллари тарқатилади. (Мақоллар сони 10-15 тача бўлиши мумкин) Машқ қуйидагича бўлади: *(Мақолни давом эттиринг, шу асосда кичик матн яратинг)*

| | |
|---|---|
| 1. Сен бўрини аясанг – | шунга бўласан зор |
| 2. Ўзингга эҳтиёт бўл – | сен тинч |
| 3. Бировга чоҳ қазиган – | қўшнингни ўғри тутма |
| 4. Ватанинг тинч – | бўри сени талайди |
| 5. Нимани қилсанг хор – | ўзи йиқилар |

Топшириқлар бажарилгач, гуруҳлар томонидан тақдимот қилинади.

Бажарилаётган машқ ёки назарий саволлар давомида ўқувчига рағбат (Баракалла!) ёки огоҳлантириш (Аттанг!) карточкалари бериб борилади. Бу, ўз навбатида, таълим олувчининг натижага қизиқиши орқали ўзлаштиришга бўлган интилишини янада орттиради.

Шундай қилиб, замонавий таълим тизимида ўзбек тилини ўқитишда адабий ўқиш ёки матн яратишни ташкил этишда интерфаол усулларни қўллаш, қолаверса, компьютер технологиялари асосида тайёрланган илмий-назарий манбалар, слайд ишланмалари ўқувчиларнинг фанларни замонавий техника воситаларидан фойдаланган ҳолда тез ва осон ўзлаштиришларига имкон яратади. Бундан ташқари, шу тарзда ташкил этилган дарслар қизиқарли ва самарали бўлиши табиий.

**Адабиётлар**

1. O‘zbekiston Respublikasining “Kadrlar tayyorlash milliy dasturi”, 1997- yil, 29-avgust. Barkamol avlod – O‘zbekiston taraqqiyotining poydevori.. Toshkent, “Sharq” nashriyot-matbaa konserni, 1997.
2. Uzluksiz ta’lim tizimi uchun o‘quv adabiyotlarining yangi avlodini yaratish konsepsiyasi. -T.: Sharq, 2002.
3. Абдураҳмонов, С.Мамажонов. Ўзбек тили ва адабиёти. Тошкент. “Ўзбекистон”, 2002.
4. Д.Рўзиева ва б. Интерфаол методлар моҳияти ва қўлланилиши. Тошкент. Низомий номидаги ТДПУ, 2013.
5. Ўзбекистон Республикаси ХТБ томонидан тавсия этилган умумтаълим мактаблари учун 2019-2020 ўқув йили учун ўқув-тақвим режаси.

**РЕЗЮМЕ**

Ушбу мақолада замонавий таълим тизимида ўзбек тилини ўқитишда адабий ўқиш ёки матн шарҳлашни ташкил этишда интерфаол усулларни қўллаш методлари, технологиялари ҳақида сўз юритилади.

**РЕЗЮМЕ**

В статье рассматривается использование интерактивных методов и современных технологий в обучений чтению и анализу художественного тексти по узбекскому языку.

**SUMMARY**

This article is devoted to using interactive methods and modern technologies in teaching reading and analysis of the literary text in the Uzbek language.

# РУЎХЫЙ ЖЕТИКЛИК ҲӘМ ОҒАН ЕРИСИЎ ЖОЛЛАРЫ

**М.Сейтов** – *магистрант*

*Әжинияз атындағы Нөкис мәмлекетлик педагогикалық институты*

**Таянч сўзлар:** инсон, оила, жамият, маънавийлик, адолат, тарбия, фалсафа, адоб-ахлоқ, баркамол шахс.

**Ключевые слова:** человек, семья, общество, духовность, справедливость, воспитание, философия, нравственность, зрелая личность.

**Key words:** man, family, society, spirituality, justice, education, philosophy, morality, mature personality.

Ҳәр ким бул дүньяны өзлери ғана көре алады. Яғный, өзиниң ишки дүньясының тәлийматы менен түсине алады. Тәлийматдегенде, оның алған билими, тәрбиясы десек болады. Адам баласы тәрбияны ең дәслеп шаңарақтан, сол шаңарағындағы ата-анасы, жасы үлкенлерден алады. Солар қандай тәрбия берсе, солай қәлиплесип бара береди. Жақсы, ибратлы тәрбия алса, онда ол, ишки дүньясы кеңейип, еле де жақсылар қатарына кирип бара береди. Ер жете келе абырайлы, әдеп-икрамлы, искер азамат болып жетилиседи. Оны халық тыңлайды ҳәм әлбетте оны ҳүрмет етеди. Ал, керисинше болса ше? Яғный шаңарақта жасы үлкен, ата-аналарының өзлериниң тәрбиясы сайыз болса онда не? Онда перзент барқулла тосықларға дуўшар болады. Ол өзиниң келте ойлығы менен дүньяны көре алады ҳәм тар пикири менен пикирлейди. Және, өзлери сүрнигип, жығылатуғын ўақыяларда да басқаларды айыплайды. Оның сол сүрнигип, жығылыўына ҳеш ким айыплы болмаса да, буны түсингиси келмейди, түсинип билмейди де. Солай етип, биреўлер ҳаққында жаман пикирлер айтады ҳәм өзлерин соның менен ақлайды. Бундай қубылыслар бәрқулла тәкирарланбақта ҳәм жәмийетте де ушыраспақта. Ҳәттеки, онлаған өмирди майырған жаўыз жынаятшыларда өзлериниң ислеген servers ислерин әжайып, салдамлы сөзлерди қолланып түсиндиреди, «бизлер айыплы емеспиз, олар өзлери айыплы» дейди олар. Көпшилик адамлар өзлериниң ерси ислериниң гүнә екенлигин ҳеш ўаққытта мойынлағысы келмейди. Ата-анадан қалатуғын уллы сыйлық – бул дурыс тәлим-тәрбия. Ата-ананың дәўлети, атақабырайы перзент ушын сыйлық емес. Соның ушын да перзент тәрбиясында руўхыйлық биринши фактор болып есапланады. Биз руўхыйлықтың инсан ҳәм миллет турмысындағы орнын анық билип алыў ҳәм сол тийкарда жәмийетти раўажландырыў ушын оның мазмунына дыққат қаратып, оны терең аңлап алыўымыз зәрүр. Адамның тек ғана илимий дүньясы емес, ал жәмийет ҳәм мәмлекет турмысы менен байланысын, жәмийетлик-сиясий искерлигинен баслап ҳәрекети менен умтылыўшылықларын өз ишине алатуғын руўхыйлық ҳаққында усы ўақытқа шекем, илим-пәнде терең ҳәм фундаменталь тийкарда илимий-изертлеў алып барылмаған. Әне, усы жағдайды терең аңлай билген Биринши Президентимиз И.Каримов ғәрезсизликтиң дәслепки жылларынан баслап-ақ, руўхыйлықтың мазмунын, жәмийетимиз ушын әҳмийетин бизиң миллийлигимизге тән тәреплерин сўўлелендирип бар дыққат-итибарын қаратты. Әсиресе, оның «Жоқары мәнаўият-жеңилмес күш» шығармасы оның көп жыллық бақлаўлары, ой-пикири, дүньяға деген көз-қарасы жәмленген болып, онда руўхыйлық тараўына байланыслы нызамлар, түсиниклер ҳәм принциплер бир система сыпатында талқыланған. Соның менен бирге, «Мәнаўият инсанның қанына, сүйегине жыллар даўамында ана сүти, шаңарақ тәрбиясы, ата-бабаларының нәсияты, Ўатан туйғысы бул турмыстың базы-базыда ашшы-душшы, гейде қуўанышлы сабақлары арқалы қатлам-қатлам болып сиңип барады. Әсиресе, тәбиятында (минезинде) адамларға жақынлық, бәрқулла жақсылықты ойлап жасаў, ҳадал мийнет етиў, дүньяның теңсиз инамлары, гөззаллықларынан заўық алып жасаў, руўхыятқа азық береди, оны және де күшейттиреди» дейди [1:28].

Руўхыйлықтың және бир принциплериниң бири – улыўма инсаныйлық қәдириятларға садықлық, әдалат пенен теңликте өз көринисине ийе болып, инсанның қәдир-қымбатын баҳалаўда әҳмийетли роль атқарады. Адам баласы әдалат ҳәм теңликке шаңарақта, мәҳәлледе, жәмийетшилик арасында, жумыс орнында, саўдасатық арасында ҳәм басқа да қәлеген жерде руўхыйлыққа әмел етип келеди. Бул нәрсе әсиресе, басшы лаўазымдағылардың мийнеткешлерге, административлик ҳуқықый органлардың пуқараларға қатнасында анық көринеди. Әдалат ҳәм теңлик сыяқлы улыўма инсаныйлық қәдириятларды жәмийетте орнатыў, бәрқулла оған әмел етип жасаў, ғәрезсизлигимизди беккемлеўде оғада әҳмийетли болып, оның бузылыўы, оны менсинбеў жәмийетлик турмыста үлкен зыян келтиреди. Руўхыйлық - бул инсанды баслы барлық жәнлик-жәниўарлардан ажыратып туратуғын ең күшли фактор. Ол инсанның психологиялық ҳәм ақыл-дүньясының жыйынтығы сыяқлы қурамалы қубылысқа ийе болып, ол көбирек инсанның ишки дүньясы, кеўил сарайы менен байланыслы болып табылады [2:18].

Шығыста белгили Ибн Сино, Беруний,Фарабий,Наўайы сыяқлы данышпанлардың жетик инсанды тәрбиялаў ҳаққында пикирлери әҳмийетли. Фарабий әдепли жақсы минез-қулықлы инсан дегенде илим билимге умтылатуғын, ҳақыйқат ҳәм әдиллик ушын гүресетуғын, наҳақ сөзлердиң душпаны, өз пикиринде тура алатуғын адамларды айтады [2:137].

Уллы өзбек шайыры Наўайының дөретпесинде ҳәм өмир жолында жетикликтиң барлық қырлары өз сәўлелениўин тапқан. «Инсан қәлбиниң қуўаныш ҳәм қайғысын, жақсылық ҳәм өмир мазмунын терең сәўлелендирген Наўайыдай шайыр дүнья әдебияты тарийхында кемнен кем табылады. Ана тилине муҳаббат, оның теңи-тайы жоқ байлығы ҳәм уллылығын аңлаў сезими бизиң санамызға, жүрегимизге ең дәслеп Наўайы дөретпелери арқалы кирип келди» [1:47].

Қарақалпақ халқының уллы шайыры Әжинияз да жетик инсан ушын жарасықлы пазыйлетлер туўралы баҳалы пикирлер билдиреди:

«Өтирикти рас етип айтпаған»; « Сөйлегенде сөздиң парқын билмеген, Адам деген билан инсан болурмыў»; «Өзиң дана болдың ҳәм ақылың жетик». Ол жетик инсанның ең ағла пазыйлети сыпатында халыққа муҳаббаты, халық ушын мийнет етиўди атап көрсетеди [2:137].

Сонлықтан, мәмлекет тәғдири менен келешеги жетик инсанлар қолында. Өз елине, халқына, мәмлекетине садық пуқараларды, излениўши, дөретиўши инсанларды, руўхый ҳәм физикалық жақтан жетилискен адамларды тәрбиялаў улыўма халықлық, улыўма мәмлекетлик көлемдеги кешиктирип болмайтуғын ҳәзирде заманның ең тийкарғы ўазыйпаларының бирине айланбақта. Инсан руўхыйлығын жоқарылатпай турып, халқымыз турмысының раўажланыўында, мәмлекет цивилизациясының өсиўинде табысларға ерисиў қыйын. Руўхый тәрбия бул – жәмийет турмысының жүдә нәзик, әҳмийетли тараўларының бири. Бул тараўда көз-боямашылық, немқурайлық ҳәм басқа да

дәмегөйлик сыяқлы иллетлерге жол қойылса онда биз тек өзимизди ғана емес, өз перзентлеримизди, мәмлекетимизди ҳәм де ақыр-ақыбет келешегимизди зәҳәрлеген боламыз. Ал, зәҳәрлениўдиң изи жаман кризислерге алып келеди. Адамларда әсиресе, жасларда жаңа руўхыйлықтың қәлиплесиўи қурамалы ҳәм қыйын процесс болып есапланады. Оны әмелге асырыў ушын жудә кең көлемде мәдений, тарийхый, ағартыўшылық, тәрбиялық ислерин алып барыў зәрүр [2:132].

Бул жолда ҳәттеки ислам дининен де пайдаланыўымыз мүмкин. Дин әзел-әзелден-ақ руўхыйлықтың қурам бөлеги сыпатында адамзаттың жоқары идеялары ҳақ ҳәм ҳақыйқат, инсап, диянат ҳәм әдалат туўралы арзыўәрманларын өзинде жыйнаған, оларды турақлы түрде қағыйдалар формасында беккемлеп киятырған идея ҳәм көзқараслардан ибарат бир система болып есапланады. Динлер әсиресе, ислам дини тәрбия қуралы, әдепикрамлылықтың тийкары, мәнәўият мектеби есапланады. Ол белгили қәдириятлар тийкарында халық ҳәм дүнья даналығынан дәрек алып пайда болған. Сонлықтан да оны, сондай-ақ басқа динлерде де ҳеш қашан бийкарлап болмайды. Ҳеш бир философия, идея ямаса идеология адамлардың кеўлиндеги қудайдың орнын оған тең келетуғын ҳақыйқатлықты бере алмайды. Ҳәттеки, ең әдалатлы нызамлар да инсан кеўлиндеги қудайға деген талапты қанаатландыра алмайды [2:81].

Әдеплилик адамның уллы баҳалықларға мияссар екенин, оған жетиўдиң жолларын изертлеп, инсанлардың әдеплиликти қәстерлеўи арқалы өзлериниң ишки сезимлерин оның булақларынан нәр алып, тәрбиялаўды нәзерде тутады [3:3].

Енди буннан шығып турған жуўмақ, руўхыйлығы жетик инсан жаўызлыққа ҳеш қашан бармайды. Ҳәттеки, әдепсизлик те етпейди дегени.Данышпан бабамыз Фарабий сөзи менен айтқанда «Халқы хош әдепке ийе болмаған мәмлекетте ҳәкимиятқа зәрүрлик сезиледи» [2:138].

Руўхыйлық бул инсанның ҳәр тәреплеме жетилисиўи, оның ақыл-парасатының күшейиўи, әдепикрамлылық категорияларын турмыстың ҳәр бир демлеринде жүзеге шығара алса ғана жәмийеттиң руўхый келбети ҳәм жетик шахстың жасаў тәризи жетилискен, еркинликлери шексиз болады.

**Әдебиятлар**


1. Каримов И.А. Жоқары мәнаўият жеңилмес күш. –Тошкент: 2008.
2. Базарбаев Ж. Руўхыйлык тийкарлары. –Нөкис: 2009.
3 Базарбаев Ж. Әдеп философиясы. –Нөкис: 2010.



**РЕЗЮМЕ**

Маънавият- бу инсонни барча жонли жониворлардан ажратиб турадиган энг кучли омил. У инсоннинг ички дунёси, кўнгил қасри билан боғлик бўлиб, одоб-икромлилик категорияларини хаётнинг ҳар бир вазиятларида юзага чиқарса, унда унинг маънавийлиги намоён бўлади.

**РЕЗЮМЕ**

Духовность – это природа самого человека. Духовности - это и мышление, и сознание, и воля человека, это единый целостный фактор, который составляет особенность человека. Человек теснейшим образом связан с мирозданием. Духовность же есть то, что отсутствует в природе. Духовность открывает нам доступ к любви, совести, чувству долга, к правосознанию и государственности, к искусству, науке и религии, указывает, что является в жизни главным и наиболее ценным.

**SUMMARY**

Spirituality is the nature of a man himself. Spirituality is both thinking, and consciousness, and the will of man, this is a single integral factor, peculiar to a man. Man is intimately connected with the universe. Spirituality is what is absent in nature. Spirituality gives us access to love, conscience, a sense of duty, to justice and statehood, to art, science and religion, indicates what is the main and most valuable thing in life.


# ТЕХНОЛОГИЯ ЎҚИТУВЧИЛАРИНИ ТАЙЁРЛАШДА УЛАРНИНГ ХАЛҚ ҲУНАРМАНДЧИЛИГИ БЎЙИЧА КОМПЕТЕНЦИЯЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ


**Ж.К.Тажиев -** *таянч докторант*

*Урганч давлат университети*



**Таянч сўзлар:** халқ ҳунармандчилиги, амалий санъат, бадиий лойиҳалаш, компетенция, технология.
**Ключевые слова:** народный промысел, прикладное искусство, художественное проектирование, компетенция, технология.
**Key words:** handicraft, applied art, artistic designing, competence, technology.


Кейинги йилларда мамлакатимизда таълим тизимини такомиллаштириш, рақобатбардош кадрлар тайёрлаш бўйича кенг кўламдаги ишлар амалга оширилди. Бу ишлар қаторида умумий ўрта таълим муассасаларидаги меҳнат машғулотлари 2017-2018 – ўқув йилидан бошлаб “Технология” деб ўзгартирилди [1]. Бу ўзгариш бўйича биринчи навбатда фан дастурининг мазмуни бутунлай қайта кўрилиб, эндиликда мактаблардаги технология машғулотлари 2 та – технология ва дизайн ҳамда сервис хизмати йўналишларида олиб бориладиган бўлди. Мазкур ўқув дастурида умумий ўрта таълим мактабларида Меҳнат (технология) фанини ўқитилиши 4 та даражалар асосида белгиланди. Дастурдаги 4 та даражада ҳам ўқувчиларнинг ёш хусусиятларини эътиборга олган ҳолда уларда халқ ҳунармандчилиги ва амалий санъат бўйича турли даражадаги компетенцияларни шакллантириш кўзда тутилган. Жумладан 2-даража **А1+** меҳнат (технология) фани бўйича халқ ҳунармандчилигининг бошланғич элементлари сингдирилган турини **ўрганишнинг кучайтирилган бошланғич даражаси** бўлиб, унда халқ ҳунармандчилиги йўналишлари бўйича устоз-шогирд анъаналари ҳақида маълумотларни эгаллай олиш; содда нақш элементларини чиза олиш; ҳунармандларнинг содда иш намуналарини бажара олиш; кичик ҳажмдаги буюмларни тўқий олиш; каштачилик йўналишида содда нақш элементларидан иборат композицияларни тика олиш; ҳунармандлар фаолиятига оид маълумотларни тўплаш ва тавсифлай олиш компетнция элементлари шакллантирилади. Учинчи – А2 даражасида халқ ҳунармандчилиги турлари бўйича буюмларни лойиҳалаш; буюмларни конструкциялаш ва моделлаштириш ишларини бажара олиш; замонавий ишлаб чиқаришда халқ ҳунармандчилиги билан уйғунлаштирилган буюмларни технологик лойиҳалаш ва тайёрлай олиш; ижодий ёндашиш, креатив фикрлай олиш каби компетенциялар шакллантирилади.

**А2+ (5-9 синф) –** меҳнат (технология) фанини бирор халқ ҳунармандчилиги турини **ўрганишнинг кучайтирилган таянч даражаси** бўлиб,... халқ ҳунармандчилиги соҳалари бўйича буюмларни технологик лойиҳалаш ва тайёрлашда технологик жараёнларни қўллай олиш; хом ашёларга бадиий ишлов бериш; халқ ҳунармандчилиги билан уйғунлашган касб-ҳунарларини содда иш усулларини қўллай олиш; ўз-ўзини касбий ривожлантириш дастурларини амалга ошира олиш компетнциялари шакллантирилади.

Умумтаълим мактаблари учун “Технология” фани ўқитувучилари тайёрлайдиган олий таълим муассаса-

ларида бу ўзгаришлар бирмунча кечикиб, 2018-2019 ўқув йилидан бошлаб янгиланган ўқув режа ҳамда фан дастурларига зарур ўзгартиришлар киритиш орқали амалга оширилди. Биз қуйида ушбу ўзгаришларга бевосита алоқадор бўлган йўналиш – талабаларни халқ ҳунармандчилигига ўргатишнинг мазмуни ва уни такомиллаштириш масалаларига тўхталамиз.

Умумий ўрта таълим мактабларидаги технология фанида ўқувчиларни бугунги кунда турмушга кенг кириб келган дизайн, сервис хизмати, ҳар хил замонавий жиҳозлар ва асбобларни содда таъмирлаш каби ишларга ўргатишга, турли топшириқлар орқали уларнинг ижодкорлик кўникмаларини шакллантиришга катта аҳамият қаратилган. Шулар билан бир қаторда таълимнинг барча босқичларида ўқувчиларда халқ ҳунармандчилиги бўйича маълум билим ва кўникмаларни шакллантириб бориш кўзда тутилган. Булардан кўриниб турибдики эндиликда мактаб технология фани ўқитувчисидан бу йўналишлар бўйича чуқур назарий билимлар, амалий кўникма ҳамда малакаларни эгаллаган бўлишлик талаб этилади.

Технология йўналиши талабаларини халқ ҳунармандчилиги ва дизайн соҳалари бўйича касбий компетенцияларини шакллантиришга қаратилган, бугунги кунда амалда бўлган “Халқ ҳунармандчилиги ва бадиий лойиҳалаш” фанидан намунавий дастур таҳлил қилинганида мактаб ўқувчиларига ўргатилиши зарур бўлган билим, кўникма ва малакаларнинг катта қисми фан мазмунидан жой олмаганлиги кўриниб қолади [2].

Фан дастурини тузишда ўқув режасидаги фанни ўрганишга ажратилган ўқув соатларининг миқдори (36 соат маъруза, ва 40 соат амалий машғулот) ҳам эътиборга олинмаган. Дастур таҳлилидан кўриниб турибди-ки, намунавий фан дастурида 36 соатлик маъруза машғулотлари учун жуда тор доирадаги 13 та мавзулар таклиф қилинган. Бу мавзуларда ҳунармандчилик ва амалий санъат, унинг ривожланиши, турли халқларда шаклланган турлари ва уларнинг бир-биридан фарқи, ўзбек миллий ҳунармандчилик ва амалий санъат турларининг ўзига хосликлари ҳақида маълумот бериш умуман кўзда тутилмаган. Биз бу ерда маъруза машғулотлари учун таклиф қилинган ҳар бир мавзуни таҳлил қилиб чиқмоқчи эмасмиз. Бу мавзулар олий таълим муассасалари эмас, балки, касб-ҳунар коллежлари ёки ҳунар мактабларига кўпроқ мос келишини шу соҳадан мутахассис бўлмаган одам ҳам тушуниб олиши мумкин. Бу мавзуларнинг мазмунида нафақат ривожланишнинг истиқболдаги йўналишлари, балки ҳозирги даврда миллий ҳунармандчилик ва амалий санъатдаги ўзгаришларга ҳам эътибор қаратилмаган.

Дастурдаги амалий машғулотлар бўйича кўрсатмалар ва тавсиялар бўлимида 22 та мавзу таклиф қилинган бўлиб, уларда асосан кашта тикиш, тикув буюмларини зардўзлик усули билан безаш, қуроқчилик ишларини бажариш, нақш турлари билан танишиш ва оддий нақш композицияларини бажариш, ёғоч ўймакорлиги, ганчкорлик ва кулолчилик санъатлари, уларда ишлатиладиган материаллар ҳамда асбоб-ускуналар билан танишиш режалаштирилган. Амалий машғулотларда буюмларни лойиҳалаш ва конструкциялаш, талабаларда миллий ҳунармандчилик ва амалий санъат бўйича амалий кўникма ва малакаларни, улардаги ижодкорлик қобилиятларини ривожлантиришга йўналтирилган амалий топшириқлар бажариш кўзда тутилмаган. Шунингдек бадиий лойиҳалаш, талабаларни ҳунармандчилик маҳсулотларини анъанавий ва замонавий услубларда бадиий безашга ўргатиш бўйича топшириқлар бажариш умуман кўзда тутилмаган. Биз дастурда тузувчиларнинг эътиборидан четда қолган, талабалар ўзлаштириши зарур бўлган компетенцияларни юқорида алоҳида таъкидлаб ўтдик. Чунки меҳнат таълими ўқитувчисининг юқоридаги йўналишлар бўйича эгаллаган билим, кўникма ва малакалари унинг касбий фаолиятида муҳим аҳамиятга эга.

Меҳнат таълими ўқитувчисининг касбий фаолияти, жамиятимиздаги ва таълимдаги замонавий ўзгаришларни эътиборга олиб, тайёрланаётган мутахассисларни замонавий ўзгаришларга тез мослаша олишларини таъминлашга кўмаклашиш мақсадида 2016-2017 ўқув йилидан бошлаб Урганч давлат университетининг “Меҳнат таълими” йўналишида “Амалий графика” фани танлов фани сифатида ўқитилиб бошланди. Бунда талабаларда ўзбек халқ ҳунармандчилиги ва амалий санъати турлари, тайёрланадиган маҳсулотлари ҳақида назарий маълумотлар бериш билан бир қаторда уларда қўлланиладиган нақш турлари ва мураккаб бўлмаган ҳар хил нақшларни бажариш, маҳсулотларни ёзув билан безашда қўлланиладиган шрифтлар (жумладан, ҳаттотлик ёзув) ва уларни бажариш тартибларини ўргатиш, таълим муассасалари, корхона ва фирмалар учун рамзий белгилар, фирма стиллари яратиш (лойиҳалаш), саноат маҳсулотлари учун ўрамлар лойиҳасини бажариш ҳамда макет тайёрлаш бўйича талабаларнинг назарий ҳамда амалий билим ва кўникмаларини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилди. Таълим жараёнида агар талабалар томонидан халқ ҳунармандчилиги ва амалий санъатининг бирор йўналишига алоҳида қизиқиш билдирилиб, ижодий иш бажариш бўйича таклифлар билдирилса уларга имконият яратилиб, қўшимча маслаҳатлар бериб борилди. Машғулотларнинг бундай мазмун ва тартибда ташкил қилиниши талабаларнинг қизиқиш ва фаоллигининг ортишига сабаб бўлди [3].

Халқ ҳунармандчилиги ва амалий санъати бўйича ОТМларидаги “Меҳнат таълими” йўналиши талабалари учун ҳозиргача дарслик ёки ўқув қўлланма нашрдан чиқарилмаганлигини эътиборга олиб ўқув-методик мажмуа (ЎММ) тайёрланди ва унинг электрон варианти талабаларга тарқатилди. ЎММда кафедрада тузилган дастурдаги мавзулар бўйича назарий маълумотлар, талабалар бажарадиган график ишлар вариантлари ҳамда уларни бажариш бўйича методик тавсиялар, мавзуга оид саволлар ва тест вариантларини кенгроқ ёритишга ҳаракат қилинди.

Нақшлар ўзбек миллий ҳунармандчилиги ва амалий санъатида жуда катта ўрин тутади. Миллий меъморчилик, ҳунармандчилик, амалий санъат объектлари ва маҳсулотлари кўп ҳолларда мамлакатимизнинг ҳар бир ҳудудига хос нафис нақшлар билан безатилади. Халқ ҳунармандчилиги ва амалий санъат бўйича нашр қилинган адабиётларда ўзбек миллий нақшлари асосан икки турга – гирихлар ва ислими ҳамда уларнинг комбинациялашган тури – аралаш нақшларга бўлиниши кўрсатилган. Лекин дунё халқлари нақшларининг турлари, қўлланилишида катта фарқ мавжуд. ЎММда шу бўйича ҳам назарий маълумотлар, нақшларининг турларига мисоллар келтирилди. Дастурдаги бошқа мавзулар бўйича ҳам назарий маълумотлар, уларнинг амалий қўлланиши бўйича маълумотлар ёритилди. Талабалар ушбу маълумотларни ўзлаштириб, амалий ва график ишларни бажаришда кўп ҳолларда ижодий ёндошишга ҳаракат қилишди. Қуйида 2016-2019 йилларда Урганч давлат университети “Меҳнат таълими” йўналиши талабалари томонидан “Амалий графика” (“Халқ ҳунармандчилиги ва бадиий лойиҳалаш”) фанидан бажарган амалий ишларидан намуналар келтирамиз.







Машғулотларни бу тартибда ташкил қилиниши талабалар ўртасида халқ ҳунармандчилиги ва амалий санъатга қизиқувчи, қобилиятли ёшлар кўплигини ҳам кўрсатди. Талабаларнинг ижодий ишлари университет ва вилоят миқёсида ўтказилган турли кўргазмаларда намойиш қилиниб келинмоқда. “Меҳнат таълими” йўналиши 4-курс талабаси Шоназарова Мавлуда 2018 йилда Самарқанд архитектура ва қурилиш институти томонидан ўтказилган “Янги аср истеъдодлари – 2018” номли республика кўрик-танловида ўзининг амалий санъатнинг наққошлик йўналишидаги ижодий ишлари билан қатнашиб келди.

Мамлакатимизда олий таълим тизимини такомиллаштириш бўйича олиб борилаётган ишлар ва кафедрада халқ ҳунармандчилиги ва амалий санъат йўналишида тўпланган тажрибаларни ҳисобга олиб 2018-2019 ўқув йилида Низомий номидаги ТДПУга “Халқ ҳунармандчилиги ва бадиий лойиҳалаш” фанидан намунавий фан дастурининг лойиҳаси тузиб тақдим қилинди [3].

Халқ ҳунармандчилиги ва бадиий лойиҳалаш фанидан таклиф қилинган дастурда талабаларнинг амалий машғулотларда бажарадиган график ҳамда амалий ишлари учун 30 та мавзу тавсия қилинган бўлиб, ўқув йилининг бошида кафедрадаги мутахассис ўқитувчилар шу рўйхатдан талабалар бажарадиган ишларнинг миқдори ва ҳажмини танлаб олишлари, зарур ҳолларда маҳаллий шароитларни эътиборга олиб ўзгартиришлари мумкинлиги такидланган. Талабаларнинг мустақил шуғулланишлари учун мавзулар, адабиётлар рўйхатлари келтирилган.

Кафедрада ўзбек халқ ҳунармандчилиги ва амалий санъати бўйича узоқ йиллар давомида тўпланган материаллар ҳамда миллий халқ ҳунармандчилиги ва амалий санъат бўйича мавжуд адабётлардан фойдаланган ҳолда “Халқ ҳунармандчилиги ва амалий санъат бўйича амалий машғулотлар”, “Шрифтлар бўйича амалий машғулотлар” ва “Саноат графикаси ва макет тайёрлаш бўйича амалий машғулотлар”номли методик қўлланмалар тайёрланниб нашрдан чиқарилди. Ушбу қўлланмаларда умумий ўрта таълим мактабларидаги “Технология” фанининг мазмуни ва “Технология” (меҳнат таълими) йўналиши талабаларини умумий ўрта таълим мактабларида шу фандан талаблар даражасида ўқув машғулотларини ташкил қилиш, ўқувчиларнинг ижодкорлик қобилиятларини ривожлантиришга кўмаклашишга алоҳида эътибор қаратилди.

Халқ ҳунармандчилиги ва бадиий лойиҳалаш фанини ўқитиш жараёнида таълимнинг замонавий методлари, жумладан, педагогик ва ахборот технологиялари қўлланилиши назарда тутилган. Бунда маъруза дарсларида замонавий компютер технологиялари ёрдамида тақдимот ва электрон технологиялардан фойдаланилса, амалий машғулот дарсларида эса “Ақлий хужум”, “6х6х6”, “Фикрлаш кенглиги шажараси”, “Кластер” ва бошқа педагогик технология методларини қўллаш назарда тутилади.

**Адабиётлар**

1. Умумий ўрта таълим муассасалари учун меҳнат (технология) фанидан ўқув дастур. Республика таълим маркази. –Т.: 2017.
2. Халқ ҳунармандчилиги ва бадиий лойиҳалаш. 5112100 – “Технологик таълим” йўналишининг ўқув дастури. ЎзР Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги. –Тошкент: 2019, 10 бет.
3. Рўзиев Э.И., Анорқулова Г.М., Тожиев Ж.К. Халқ ҳунармандчилиги ва бадиий лойиҳалаш фанидан дастур лойиҳаси. –Урганч: УрДУ, 2018, 20 бет.
4. Амалий графика фани бўйича ўқув дастури (тузувчилар: проф. Э.И.Рўзиев, к.ўқ. Ж.К.Тожиев). –Урганч: УрДУ, 2016,16-б.

**РЕЗЮМЕ**

Мақолада олий таълим муаассасаларидаги “Технология” (“Меҳнат таълими”) бакалавриат йўналишидаги “Халқ ҳунармандчилиги ва бадиий лойиҳалаш” фанидан таълим жараёнини ташкил қилишдаги мавжуд муаммолар ва уларнинг ечимлари бўйича амалга оширилаётган ишлар ҳақидаги маълумотлар келтирилган. Шу фандан таълим жараёнида бўлажак технология ўқитувчиларининг халқ ҳунармандчилиги ва амалий санъат бўйича компетенцияларини ривожлантиришда муаллифлик таклифлари берилган.

**РЕЗЮМЕ**

В статье рассматриваются некоторые проблемы при организации учебного процесса по преподаванию дисциплины «Народный промысел и художественное проектирование» по направлению бакалавриата «Технологическое обучение» («Трудовое обучение»), а также пути их решения. Из выводов автора вытекают предложения по усовершенствованию компетенций будущих учителей по технологии по народным промыслам и прикладному искусству.

**SUMMARY**

The article gives information about the work on solution of the problems that occur during the process of teaching the subject “Handicraft and artistic designing” in Bachelor direction of “Technology” in higher education. The author gives suggestions about development of future teachers’ competencies in technology of in handicraft and applied art.

## ӘЖИНИЯЗДЫҢ ЖАСЛАРҒА БИЛИМ БЕРИЎ УСЫЛЛАРЫ ҲАҚҚЫНДА

**Ж.К.Таспанова -** *еркин излениўши*

*Бердақ атындағы Қарақалпақ мәмлекетлик университети*

**Таянч сўзлар:** мактаб-мадраса, одатий ўқитиш, қараш, маданият, урф-одати, ёдлаш, шакллантириш.
**Ключевые слова:** школа, традиционное обучение, взгляд, культура, обычаи, выучить наизусть, формировать.
**Key words:** school, traditional teaching, opinion, culture, customs, to learn by heart, to form.

XIX әсирдеги Орта Азия халықлары мектеп, медреселеринде жасларға тәлим бериў усыллары тийкарынан Орта әсирлер заманындағы дүнья жүзине белгили шығыс алымлары тәрепинен теориялық ҳәм әмелий бағдарда исленилип шығылған оқытыў усылларына сүйенилип еди. Себеби, ертедеги Хорезмде дүньялық илимлерди изертлеў менен қатар, оны мектеп, медреселерде шәкиртлерге үйретиў усылларын сапалы әмелге асырыў ҳәрекетлери де жолға қойылғаны мәлим.

Әсирлер даўамында раўажланып келген мәдeният, илим, жетискенликлери жасларға билим бериў усылларының раўажланыўына да өз тәсирин тийгизди. Усындай дереклерди инабатқа ала отырып, Әжинияз мазмунына оғада баҳалы пикирлерди жәмлеген «Демишлер» қосығында орта әсирлерде Хорезм ели алымлардың жәмленген уллы орайы болып, гүлленип

турғанлығын, жәмийетлик ҳәм тәбийий пәнлердиң раўажланыўы менен қатар, бул илим тараўларын мектеп-медреселерде шәкиртлерге оқытыў усыллары да табыслы әмелге асырылып келингенлигин, оқытыў усылы илимниң өзиниң раўажланыўы менен тығыз байланыслылығын айрықша түсиндирген еди. Буны шайырдың: «Қарақум ийшан» медресесиниң «жетилген билими, услубы тәлим» [5] деп, жазғанынан да байқаймыз. Илим қанша сапалы раўажланса, бул жетискенлик оқытыў усылларының нәтийжели болғанлығынан деп есаплаған Әжинияз, илим менен оқытыў усылы, бири екиншисинен ажыралмайтуғын қубылыслар деп баҳалаған.

Үлкемизде XIX әсирде «Қарақум ийшан» медресесиниң билим тарқатып, илимди раўажландырыўдағы, оқытыў усылларын жетилистириўдеги, диний тәлиматлар менен қатар, дүньялық илимлерди халыққа ен жайдырыўдағы хызмети мол болғанлығы мәлим. Медресе устазлары шәкиртлерге тәлим бериў барысында өз тәжирийбелеринен келип шығып, утымлы оқытыў усылларын қолланыўы ақыбетинде балалардың ойлаўшылығы, түсиниги илимниң белгили бир тараўлары бойынша олардың исениминиң кәлиплесиўи орын алатуғынлығын, билими толысып, ақылы жетилисе баслайтуғынлығын жақсы түсинди. Шәкиртлердиң үйренген билимлери арқалы қоршап турған дүньяны және де серлилик пенен бақлаўы жүз беретуғынын, бул ушын устаз өз пәнин қанша дәрежеде аңсат усылда шәкиртлерге баянлап, түсиндирсе, билим мазмунын олардың сонша тез уғып, өзлестирип алыўы жүз бериўин жийи байқады.

Сөз етип атырған дәўирдеги мектеп, медреселердиң билим бериў дәрежеси пәс болды деп баҳа берсекте, оқытыўға қойылатуғын талаплар белгили дәрежеде дыққатқа миясар болғанлығын тән алыўымыз лазым. Буларда тәлим ҳәм тәрбияның өз ара байланыслылығы, оқытыўдың избе-излик пенен аңсаттан қыйынға қарай үйретилип барылыўы, оқытыў шәкиртлердиң жас өзгешелигине, ақыл түсинигине, жеке айырмашылығына сай үйретилиўи сыяқлы дидактикалық талаплар белгили дәрежеде жүзеге асырылып отырылғаны мәлим.

Әсиресе мектеп, медреселерде оқыў сабақлары мазмунын аўызеки баян етип, сабақты гүрриңлесиў арқалы алып барыў, шәкиртлерди китап пенен (сабақлық пенен) өзбетинше ислесиўге үйретиў, оқытыўда көрсетпели шынығыўларды алып барыў т.б. оқытыў усыллары устаз-уламалар тәрепинен жийи қолланылып отырылған. Бул усылларсыз, ҳәттеки, элементар түрдеги оқыў барысының әмелге асырылыўы да мүмкин емес еди. Ҳәр бир устаз өзи шәкирт болып тәлим алған дәўириндеги бурынғы устазынан көрген-билген оқытыў усыллары менен жеке өзине тән топлаған мүддәрис сыпатындағы шеберлигинен пайдаланған.

Усындай бағдардағы билим бериў тәжирийбелерине ийе болған оқыў орайы «Қарақум ийшан» медресесиндеги жетискенликлерди Әжинияз айрықша жоқары баҳалады. Сөз етип отырған «Демишлер» қосығында:

Қарақум ийшандур илим мәсканы,
Услубы бәлентдур, оқыр яш жаны [5] –

деп жазғаны тийкарсыз емес еди.

Ағартыўшы медресениң қарақалпақ ҳәм Хорезмдеги белгили билим дәргайына айналыўының тийкарғы себеби, ондағы устазлардың билимди ел ишине ен жайдырыўға қосқан үлеси ҳәм бул билим бериў ислерин шәкиртлерге үйретиў усылларының утымлы, қолайлылықларға ийе болғанлығынан деп түсинди. Сабақ мазмуны шәкиртлерге өзлестирилиўи ушын жеңил усылда усынылса, шәкиртлердиң оны тез меңгерип алатуғынлығын, билим алыўға қызығыўшы жаслардың қатары артатуғынын ескертти ҳәм билим бериўдиң нәтийжели болыўы оның мазмунына, оқытылыў усылларына тығыз байланыслы деген жуўмаққа келди.

Әжинияз «Демишлер» қосығында «Қарақум ийшан» медресеси жөнинде көп ғана пикирлерди баянлаған. Биз оның бул оқыў орайында сабақ берип, устазлық қылғанлығы туўралы ҳәзирше анық дереклерге ийе емеспиз. Бирақ жоқарыда аты аталған қосығының мазмунына қарағанда, ағартыўшының бул медреседеги билим бериў мазмуны, тәлим усылы, шәкиртлерге дүньялық илимлерди үйретиўи жөнинде жақсы мағлыўматларға ийе болғанлығын байқаў мүмкиншилигине ийемиз.

Шайыр билимлендириў тараўында тәлим бериў усыллары үлкен маңызға ийе деген уғымды нәзерде тута отырып, ол дәўирдеги көпқана мектеп, медреселерде «Қарақум ийшан» медресесиндегидей оқытыў усыллары жетилискен дәрежеде емес екенлигин жақсы байқады. Усындай унамсыз жағдайларды сезген шайыр, мектеплердеги оқытыў усылларына өзгерислер енгизип, саўат ашыўдың балаларға қолайлы жолларын излестирди. Ағартыўшының бул ойларына оның Оренбургта, қазақ, татар ҳәм башқурт халықлары арасында, бес жылдан аслам өмир сүрип, ол жерлердеги халықлардың мәденияты, үрп-әдети менен танысып, мектеплерин, жоқары оқыў орынларын (Оренбург) көриўи және 1874-1878-жыллары ашылған Төрткүлдеги (Петро-Александровскийдеги) рус мектеплеринен хабардар болыўы үлкен тәсир жасаған. Усы себепли, ол жасларды саўатлы етиў ушын мектеплерде китап оқытыўдан тысқары, жазыўды да, оның имлаларын, ҳәриплердиң дурыс жазылыў өзгешеликлерин де үйретиў зәрүрлигин талап етти. Жазыў имласын билмей, қуры китап оқытыўды өзлестиртип шәкирт таярлайтуғын моллаларды билимли устаз деп есапламады. Сонлықтан тек ядлатып китап оқытыўды үйретиўши айырым устазлардың саўат бермейтуғынын, бундай мүддәрислик етиўшилердиң жасларға хат жазыўды үйретиўге жаны ашымағанлығын сынға алып:

Аўам яқшы мундағ молла, хожадан,
Қәлем йонып язар хаты болмаса [1:83]

-деп айтты.

Мектеп устазларының, биринши гезекте, жасларға қолайлы, жеңил усыллар менен билим бериўин қуўатлап, мектептен бала алды менен хат жазыўды үйрениўи лазым деген көзқарасларды баянлады. Усы мақсетте шайыр жаслардың ҳәрипти аңсат үйрениўине жәрдем бериў ушын, алды менен альфавиттиң қатар, избе-из жайласыў тәртибин өзлестирип алыўын зәрүр санаған.

Шайыр «Бери кел», «Ай Әлип» атлы қосықларын араб альфабитиниң ретли түрде айтылыўы менен жазып («әлип, бе, те, се, жум, ҳа т.б.»), мектепте шәкиртлердиң ҳәрип үйрениў дәўирине тийисли болған, қайсы сөздиң қандай ҳәриптен басланатуғынына үлги мысаллар келтирип, араб тилинде неше ҳәрип бар екенлиги, олардың жайласыў избе-излиги ҳаққында мағлыўматлар береди. Мысалы «Ай» ҳәриби «әлип» деп айтылып «а», ҳәм «ә» сеслеринен басланатуғын «ақ», «әйне» сөзлерди жазған гезде қолланылатуғынын, «Бе» ҳәриби «бел» деген сөзди, «Те» ҳәриби «тис» сөзин жазарда дәслепки сеслер сыпатында келтирилетуғынын т.б. түсиндирген.

Әжинияз тәлим бериў барысында үйретилетуғын мағлыўматларды жаслардың дурыс түсинип ҳәм тыянақлы өзлестирип алыўы ушын оларды көз бенен көрип үйренсе, билимниң сапалы қабылланылыўы жүз беретуғынын ескертип, тәлимниң көрсетпели болыўы принципин усыныс етти. «Базы биреўлер» атлы қосығында қоршап турған дүньяны билиўде адамның сезиў ағзалары ҳәм ойлаўы айрықша әҳмийетке ийе екенлигин баянлап, көз жәрдеминде көрген затты адам қабыл етип, ол туўралы пикир жүргизеди, ойлайды, сезиў ағзалары арқалы берилген бул мағлыўматты адам ойы (мийи) жәрдеминде таллаў жасап, мазмунына

дыққат аўдарады, оны өзлестирип билимин кеңейтеди деди. Усыларды нәзерде тутып: «Адам ойы менен ибрат алар, ҳәр нәрсени көз көрип» [1:80] деп жазған еди.

Шайыр өз аўылында ҳәм қазақ елинде көп жыллық бала оқытыў тәжирийбелерин топлай отырып, жасларға билимди талап дәрежесинде өзлестирмеген жағдайында оларға дене жазасын қолланыўды тәлим-тәрбияны дурыс жүргизе алмаўшылық деп есаплады, Усы мақсетте «Бахыт» атлы қосығында дене жазасы балаларда руўхый таманнан қыйналыўшылықты пайда ететуғынын, шәкиртлерге сабақты билмегени ушын дене жазасын қолланыў надурыслығын, сабақтан үлгере алмаса, оған түсиндириў кереклигин ескертип, «Билмеске ыза берип болмас»лығын [3:184] айтады.

Әжинияз дәстүрий оқытыў усылы сыпатында өзлестирген билимди умытпай, ядта сақлаў ушын шәкиртлерге үйретилген сабақларды тез-тез тәкирарлатып турыў тәрептары болды. Ол берилген тапсырмаларды сорағанда ядлаў түринде айтып бериўди бийкар етпеген. Ядлаў баланың есте сақлаў қәбилетин жетилистирип, ядын шынықтырады деп есаплаған. Сабақ мазмунынан шәкиртлердиң түсингенин өз сөзи менен баянлап бериўин айрықша мақул санаған ҳәм сеслерди дурыс, ҳәриплердиң сеслик айтылыўын анық баянлаўды талап етип, жасларды жағымлы ҳаўаз бенен көркем әдебий қирәәтке түсирип китап оқыўға үйреткен.

Әжинияздың өзи күтә хош ҳаўаз, қирәәтхан еди. Балаларға сабақ үйретип атырғанда, оның сыңғырлаған ҳаўазын аўылдың қыз келиншеклери суўдан киятырып, суў қабақларын мешиттиң дийўалына сүйеп қойып, қапысының сыртынан тыңлап туратуғын болған.

Булардан тысқары, ағартыўшы өз мектебинде гейпара диний тәртиплерге итибар берместен, оқыў пәнлери мазмунына өзбетинше музыка, қосық сабағын енгизген. Музыка жаслардағы зейинди өткирлестирип, елеслетип ойлаўды жанландыратуғынын, адамның ишки машқалаларын шешиўге ақыл-парасат, сезим пайда ететеғынын, жасларды адамгершиликке, жаны пәкликке, елин сүйиўге тәрбиялаў уқыбына ийе екенлигин жақсы байқады. Усы себепли ол, мектеп оқыўшыларына өзи сөзин ҳәм музыкасын дөреткен «Бозатаў»ды және басқа да көплеген халық намаларын үйретип, мектепте шәкиртлерге эстетикалық тәрбия бериў жумысларын да алып барған. Әжинияз өзи ашқан мектебинде ул балалар менен қызларды бирге оқытқан. Ол усы ҳәрекетлери арқалы жәмийетлик турмыста ҳаял-қызлардың ҳуқықының теңлигине ерисиўге умтылғанын көрсетти.

Булар XIX әсир ақыры XX әсир басындағы Орта Азия аймағында қәлиплесип шыққан жаңа оқытыў усылы- жәдитше саўат ашыўдың үлкемиздеги дәслепки изленийлери еди. Биз Әжинияздың рус халқы арасында, Едил бойларында болғанлығын нәзерде тутсақ, шайырдың рус мектебинен, татарлар арасындағы жадитшилик ҳәрекетлеринен, ондағы оқытыў усылларынан белгили дәрежеде хабарлы болғанлығына гүманланбаймыз.

Усылай етип, Әжинияз, өз дәўириндеги мектеплерде жасларға билим бериў усылларына айрықша дыққат пенен қарап, оны жақсылаў илажларын излестириў кереклигине тоқтам жасаған. Илим менен оны үйретиў усылларының тығыз байланыслы екенлигин, билимди шәкиртлердиң сапалы өзлестириўи тәлим бериў усылынан ғәрезли екенлигин, мектепте шәкиртлер тек китап оқыўды емес, ал хат жазыўды да үйрениўи лазымлығын, тәлимниң көрсетпели усылда алып барылыўын талап еткенлигин байқаймыз. Әсиресе мектепте балаларға дене жазасын қолланыў надурыс екенлигин, мектеплерге музыка-қосық сабағын енгизиў зәрүрлигин, ул ҳәм қыз балаларды бирге оқытыў әҳмийетлилигин ҳәр бир устаздың оқытыў исин дөретиўшилик пенен алып барыўын талап еткенлигин көремиз.

Шайырдың оқытыў усыллары тараўындағы базы бир пикирлери жасларымызға бәркамал әўлад сыпатында тәрбия қәлиплестирип атырған мектеп муғаллимлерине өз жумысларын излениўшилик пенен алып барыўларына жедел, жигер, пайда етиў ислеринде ҳәзирги ўақытта да үлкен әҳмийетке ийе.

**Әдебиятлар**


1. Әжинияз. Таңламалы шығармалары. –Нөкис: ҚҚМБ. 1960, 180-б.
2. Әжинияз. Таңламалы шығармалары. –Нөкис: «Қарақалпақстан», 1965, 295-б.
3. Әжинияз. Таңламалы шығармалары. –Нөкис: «Қарақалпақстан», 1975, 252-б.
4. Әжинияз. Таңламалы шығармалары. –Нөкис: «Қарақалпақстан», 1988, 152-б.
5. Әжинияз. Демишлер. / «Қарақалпақстан жаслары», 1997-жыл 9-октябрь.



**РЕЗЮМЕ**

Мақолада Ажинияз Қосибай ўғлининг ёшларга берган таълим тарбияси ҳақида сўз юритилади. Шоир таълим соҳасида таълим бериш усуллари катта аҳамиятга эга эканлигини ва ўз давридаги мактабларда ёшларга билим бериш усулларига тўқтаб ўтади.

**РЕЗЮМЕ**

В статье показаны роль и место вопросов образования и воспитания в произведениях известного каракалпакского поэта-классика XIX века Ажинияза Косыбай улы. Высказывания поэта о методах обучения и воспитания молодого поколения представляют ценность и могут применяться и сегодня.

**SUMMARY**

The article deals with the role of issues of education and upbringing in the works of the famous Karakalpak poet-classic of the XIX-th century Ajiniyaz Kosibay uli. The ideas of the poet about methods of teaching and upbringing of young generation are still of a great importance and can be applied today.


## БЎЛАЖАК ЎҚИТУВЧИЛАРДА МЕНЕДЖЕРЛИК КЎНИКМАЛАРИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ


**Н.Тожибоева** – *таянч докторант*

*Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети*



**Таянч сўзлар:** бошқарув модели, замонавий менежмент, ижодий потенциал, психологик хусусият, ташкилотчи, ташаббускор, стратег, коммуникатор, таҳлилчи, шахсий ва касбий ўсиш, педагогик жараён, эффект, стратегия, концептуал бирлик, ички омил, таълим менежери.

**Ключевые слова:** модель управления, современное управление, творческий потенциал, психологический характер, организатор, инициатива, стратег, коммуникатор, аналитик, личностный и профессиональный рост, педагогический процесс, эффект, стратегия, концептуальное единство, внутренний фактор, менеджер образования.

**Key words**: management model, modern management, creative potential, psychological character, organizer, initiative, strategist, communicator, analyst, personal and professional growth, pedagogical process, effect, strategy, conceptual unity, internal factor, education manager.


Ривожланган мамлакатларда бошқарув модели доимий равишда ўзгариб туради ва янги методларни кашф этади. Уларнинг етакчи олимлари ҳақиқий бошқарув муаммоларини яратишда давом етмоқда. Янги бошқарув моделларининг хусусиятлари аҳолининг миллий хусусиятлари билан белгиланади: охиригача курашиш, уларнинг устунлиги ва ҳаётийлигини сақлаб қолиш қобилияти. Улар ўзларининг эксклюзивлигини таъкидлайдилар, тез ва катта

муваффақиятларга интиладилар. Уларнинг натижаларига катта эътибор берилади. Улар етакчилик учун кураш билан ажралиб туради. Масалан, Америка модели Буюк Британия, АҚШ, Австралия, Янги Зеландия, Канада ва бошқа бир қатор мамлакатлардаги корпорацияларда қўлланилади. Америка бошқаруви АҚШга Ғарбий дунё мамлакатлари ва Япония орасида етакчи мавқени эгаллашга имкон берди. Бундан ташқари, менежмент илк бор АҚШда фан ва амалиёт сифатида шаклланган. Бугунги кунда унинг дунёда етакчи аҳамияти назария ва амалиётнинг ривожланишига катта таъсир кўрсатмоқда.

Шунингдек, замонавий менежментнинг ўзига хос хусусияти унинг психологик билимларга тобора кўпроқ эътибор беришидир. Бунинг сабаби, менежерлар ташкилот ходимларининг ижодий потенциалини фаоллаштиришнинг янги, акмеологик усулларини топишга ҳаракат қилишлари, психологик хусусиятларни ўрганишга ва таъсир кўрсатишга ҳаракат қилишларидир. Замонавий жаҳон ижтимоий-иқтисодий жараёнларини мантиқ билан таҳлил қилиш шуни кўрсатадики, замонавий менежмент муаммолари энди қатъий табақалаштирилган интизомий ёндошувлар асосида ҳал қилинмаяпти, эски бошқарув услуби энди қониқарли натижаларни бермаяпти. Ўтмишдаги бошқарув парадигмаси (модел) кўп йиллар давомида ҳукмронлик қилмоқда. Бу ҳар қандай мураккаб тизимнинг хатти-ҳаракатларининг динамикасини тушуниш учун унинг қисмларининг хусусиятларини ўрганиш етарли деган ишончга асосланди. Янги парадигма барча ижтимоий жараёнларнинг жадал ривожланиши шароитида бутун тизим динамикасини таҳлил қилишга асосланган индивидуал элементларнинг функциялари ва ўзаро муносабатларини тушунишни талаб қилади.

Менежментнинг анъанавий модели менежернинг эътиборини деярли фақат иқтисодий мақсадларга қаратади. Иқтисодий ва ижтимоий жараёнларнинг ўсиб бораётган интеграциясини акс эттирувчи янги модел менежернинг диққат марказига ижтимоий вазифаларни ҳам қўяди.

Эски бошқарув тизими чексиз иқтисодий ўсиш принциплари асосида иш олиб борар эди, бу фақат миқдорий жиҳатдан фойда ва ялпи миллий маҳсулотнинг ўсиши сифатида тушунилган.Бошқарувнинг янги тизими "мувозанат" тушунчасидан фойдаланади, яъни ҳозирги эҳтиёжларни қондириш келажак авлодларнинг муносиб ҳаёт кечириш имкониятларини камайтирмаслиги керак бўлган жамиятнинг иқтисодий ривожланиш ҳолатини белгилаб беради.

Бугунги кунда замонавий ўқитувчининг функциялари ҳам яқин ўтмиш билан taққослаганда кенгайиб бормоқда. Ўқитувчи ҳозирги давр талабига кўра фойдаланадиган ўқув-услубий адабиётларни танлайди, ўқитиш ва тарбиялаш технологияларини намойиш етади, ўқувчиларни кузатиб бориш жараёнини амалга оширади, таълим сифатини назорат қилади, услубий ишларни олиб боради ва таълим дастурини ишлаб чиқишда қатнашади.

Ўқитувчи менежер сифатида бир-бири билан ўзаро боғлиқ бўлган ролларда ишлайди: ташкилотчи, ташаббускор, стратег, коммуникатор, таҳлилчи, маъмурият ходимларининг ёрдамчиси.

Самарали менежернинг юқоридаги ролларини ўқув муассасаси директори, ўқитувчи, методист, фан ўқитувчиси фаолиятида кўриш мумкин. Директор педагогик, иқтисодий ва ижтимоий тадбирларнинг ташкилотчиси бўлиб, у ривожланиш истиқболларини тузиши ва ҳамкорлик даражаларини белгилайди.

Ҳар бир тоифадаги ўқитувчиларнинг касбий етуклиги соғлом одамнинг асоси бўлган акмеологик позициянинг мавжудлиги, фаоллик, ташаббускорликни ижодий, касбий ва шахсан ўзини ўзи англаши, инсонпарварлик асосидаги фаолиятда ютуқларга интилиши билан намоён бўлади. Ўқитувчи бу янгиликларни таклиф қилишга ва ўз қарорларининг натижалари учун жавобгарликни ўз зиммасига олишга тайёр бўлган ташаббускор менежердир.

Таълим муассасаси директори ташаббускор сифатида таркибий ва стратегик даражадаги инновациялар йўналишини белгилайди. Инновациялар сони таркибий функционал ўзгаришларнинг тахминан 10% га тенг бўлиши керак, фақат юқори даражада ташкил этилган тизимдагина инновацияларни сифатли ва самарали ўзлаштириши мумкин.

Ҳар бир ўқитувчи ўз услубий мавзусини, тасдиқланган дастур доирасидаги ўқув материалининг мазмунини, ўқувчиларни ўқитиш ва қўллаб-кувватлаш технологиялари, шу жумладан касбий фаолияти натижалари сифатини аниқлаш усулларини танлаш даражасида ташаббус кўрсатиши лозим.

Таълимда стратегия деганда ривожланишнинг етакчи вектори, ноаниқлик шароитида менежер хатти-ҳаракатларини танлашни белгилайдиган қоидалар тўплами тушунилади. Стратегик менежмент - бу таълимни ривожлантириш дастурларида акс эттирилган талабларнинг бажарилиши ва самарадорлиги учун жавоб берадиган мақсадлар тизимидир. Бунда ўқитувчи таълим муассасаларини ривожлантиришнинг умумий стратегиясини ишлаб чиқишда қатнашиб, ўз йўналиши бўйича стратегик қарашларни шакллантиришда ва кутилмаган омиллар ва фаолият натижалари билан боғлиқ вазиятли стратегияларни моделлаштиришда фаол қатнашади.

Ўқитувчи шахсий ва касбий ўсиши ва ривожланиши бўйича шахсий дастурини ишлаб чиқиш, талабаларга ўзини такомиллаштиришнинг устувор йўналишларини танлашда ёрдам бериш, индивидуал таълим йўналишлари ва талабаларни ривожлантиришнинг умумий стратегиясини амалга оширадиган ўқитувчилар учун ўқув дастурини ишлаб чиқишда иштирок этиш билан тавсифланади.

Ўқитувчи коммуникатор, педагогик жараён субъектларининг мувофиқлаштирувчиси сифатида кўпинча ўқитувчи-талаба, талаба-талаба, ўқитувчи-ота соҳаларида педагогик ўзаро таъсирнинг самарадорлиги учун жавобгардир.

Бўлажак ўқитувчиларда менеджерлик кўникмаларини шакллантиришда уларда қуйидаги шахсий фазилатларни шакллантириш аҳамиятлидир:

Акмеологик мавқе, ўз ишининг муваффақиятига ишониш, фаоллик ва ўқитувчилар ёки талабаларнинг содиқ жамоаси, некбинлик, ташаббускорлик, фаоллик, бадиийлик, бағрикенглик, ҳиссий барқарорлик, ижодкорлик, масъулият, ютуқларга интилиш, ҳиссий сезгирлик, мутаносиблик, ҳаракатчанлик, мослашувчанлик, ташкилотчилик ва инсонпарварлик.

Ўқитувчининг акмеологик кўмаги, шу жумладан психологик ва услубий блоклар акмеологик технологияларни ўқитиш жараёнида намоён бўлади, уларда кўрсатилган хусусиятларни мақсадли ривожлантириш, шунингдек, жамоада ишлаш ва бир-бирини тўлдириш назарда тутилади.

Таълим масканининг барча турларида бошқарув фаолиятининг ҳар хил турларининг бир-бирига уйғунлиги мустаҳкамловчи эффект беради, бутун ташкилот ишининг самарадорлигини белгилайди.

Таълим менежменти самарадорлиги нуқтаи назаридан таълим муассасаси раҳбарининг касбий етуклигининг муҳим кўрсаткичларидан бири акмеологик бошқарув стратегиясини шакллантириш, амалга ошириш ва самарадорлигини баҳолашга тайёрлиги ҳисобланади.

Акмеологик стратегиянинг белгилари қуйидагилардир:

- Умумий ва вазиятли стратегияларнинг концептуал бирлиги, уларнинг педагогик тизимдаги барча иштирокчиларни ривожланишининг шахсий ва касбий, индивидуал ва жамоавий чўққиларига синергистик, олдиндан кутиш ҳаракатларига йўналтирилганлиги;
- акмеологик ўқув муҳитини шакллантиришга эътибор қаратилганлиги, у ерда яхши ўқиш, жисмоний тарбия билан шуғулланиш, соғлом турмуш тарзини олиб бориш, ўз ватани-

нинг фуқароси бўлишни тарғиб этиш;

- ҳар бир киши учун акмеологик позицияни қўллаб-қувватлашни ва соғлом одамнинг асосини ташкил этувчи шахсий фаолиятга ёндашиш, каттароқ ижтимоий тизим манфаатларининг устуворлигига қаратилган ижтимоий ёндашув;

- доимий равишда ўзини такомиллаштириш, шахснинг ижодий ўзини намоён қилиши ва шахснинг, ташкилотнинг, мамлакатнинг рақобатбардошлиги учун интилиш;

- ижтимоий алоқаларни, таълим муассасаси томонидан бажариладиган функцияларни кенгайтириш;

- натижалар ва ўқув жараёни сифати учун профессор-ўқитувчилар ва талабаларнинг жавобгарлигини кучайтириш.

Менежернинг ишлаб чиқаришдаги самарадорлиги фойда, бозорни кенгайтириш ва товарлар сифатини яхшилаш, товарлар нархини пасайтириш, тақдим этилаётган хизматлар сифатини яхшилаш, янги товарлар ва хизматларни ишлаб чиқиш ва чиқариш ва бошқалардир. Таълим менеджери эса таълимнинг обрўси, мақоми, мазкур таълим муассасасида ишлаш ва ўқишни истаганлар сонининг ошишини таъминловчи шахсдир.

Бунда таълим менеджери иқтисодий самарани молиялаштириш ва пуллик таълим хизматларини ривожлантириш, шунингдек, профессор-ўқитувчиларнинг тижорат фаолиятидаги иштироки, масалан, грант мавзуларини ишлаб чиқиш, сотиш учун фаолиятини мувофиқлаштиради.

Бунда таълим берувчи ва таълим олувчиларнинг шахсий хусусиятлари сифатида жамоанинг таълим муассасаси фаолиятидан қониқишига эришиш мезон сифатида белгиланади.

Менеджер фаолиятинининг синалган босқичи қуйидагича: менежерлар кўп ва ҳар ким маълум бир функцияни бажаради. Шундан сўнг, битта мутахассис менежер яна бўлиниб кетади ва унинг ўрнига мутахассислар жамоаси пайдо бўлади. Энди менежер махсус мувофиқлаштириш воситаларидан фойдаланган ҳолда мутахассислар ишини мувофиқлаштиради ва ҳ.к.

Таълим менеджери учун меҳнатни илмий ташкил этиш бир қатор ютуқларни олиб келади:

- таълимнинг илмий асослари, кадрларни билим даражасигакўра танлаш ва ўқитиш;

- менежерлар-ўқитувчилар ўртасидаги ўзаро дўстона ва рақобат муносабатларини ташкил этиш;

- таълим жараёни элементларини пировард самарали мақсадга асосланган ҳолда ўрганиш учун аниқ талабларни қўйиш;

- бутун жараённи минимал қисмларга бўлиш, ушбу элементларнинг барчасини ва улар бажариладиган шароитларни кузатиш ва ҳисобга олиш, ушбу элементлар учун вақт ва куч сарфлашда аниқликка эришиш;

- ижро ишларининг вақт меъёрларини белгилаш.

Таълимда муваффақиятининг яна бир гарови бу илғор технологияларни жорий етишдир. Бунда таълим берувчи ва таълим олувчилараро муносабатлар ва таълим олувчиларни бошқариш масалаларини ўрганиш тақозо этилади.

## ҲАКИМ ТЕРМИЗИЙНИНГ ТАБИАТ ЎЗГАРИШЛАРИНИНГ ИНСОН РУҲИЯТИГА ТАЪСИРИ ХУСУСИДАГИ ҚАРАШЛАРИ


**А.Б.Қодирова** – *катта ўқитувчи*

*Термиз давлат университети*



**Таянч сўзлар:** руҳий олам, маърифат, фалакиёт, астрономия, астрология, мучал йиллар, бурж, тўрт фасл, табиат, об-ҳаво, наврўз кирган кун, инсон тақдири, мижози.

**Ключевые слова:** духовный мир, духовность просвещение, астрономия, астрология, гороскоп, зодиак, четыре времени года, погода, день Навруза, судьба человека, клиент.

**Key words:** the spiritual world, spirituality, astronomy, enlightenment education, space science, astrology, zodiac, four seasons, of the year nature, weather, day of arrival, of holiday Navrus, fate of a man, client.


Ҳаким Термизий кўпгина қомусий олимлар каби умрининг охирларида илми қол – дунёвий илмлар билан ҳам жиддий шуғулланган. Аллома бу соҳадаги тадқиқотларида ҳам тасаввуф ғоялари ва ақидаларига амал қилган: моддий (касрат) олам руҳий оламнинг маҳсули, тажаллиси, зуҳури, жилваланиши, яъни моддий олам руҳий оламнинг мавжудлигини тасдиқловчи ашёлар, шакллар, илми қол, илми ҳол билан узвий боғлиқ, у руҳий оламни – моҳиятини англамоқ, маърифатни эгалламоқ, ҳақиқат (руҳи мутлақ)га эришмоқ учун моддият (табиат, жамият, ҳайвонот, наботот кабилар)ни ўрганиш, билиш зарур, бу жараён айни замонда, инсон билан Аллоҳ ўртасидаги ҳижоб (тўсиқ)ни олиб ташлаш, инсонни руҳий оламга йўналтириш (уруж)га имкон берадиган восита ҳамдир, деб тушунади. Демоқчимизки, Ҳаким Термизийнинг табиат, фалакиёт ва табобатга бағишланган асарлари, жумладан, “Наврўзнома” ва “Солнома” рисолалари тасаввуфий қарашдан ажралган – соф дунёвий асарлар эмас, унда “ваҳдат ул - вужуд” ғояси бевосита ўз аксини топган [3:61].

Бир қарашда “Наврўзнома” ва “Солнома” рисолалари бирор бир мантиқий қоида-қонуниятга асосланиб тузилмаган, “фолбин”лик, тахминий фикрлардан иборат асарларга ўхшайди. Қолаверса, бу рисолалар ўзбекчалаштирилиб, кирилл алифбесида нашр этилгандан кейин ҳам ўқувчилар эътиборини у қадар жалб этмади, шекилли. Ҳолбуки, бу асарлар ўн бир аср умр кўрган, узоқ тарихий даврни кечиб, катта тўсиқлардан ўтиб, бизгача етиб келган; одамларнинг яшаш тарзини енгиллатишда қўлланилган, ҳаётнинг кўпгина “сиру синоати” яширинган китоб – “фолнома” сифатида эъзозланиб сақланган, ўз соҳиби учун даромад манбаи бўлиб ҳам хизмат қилган; ҳатто душман вилоятларга ошкор этилмаган, бир неча марта, бир қанча тилларга таржима қилинган ва ҳ.к. бу масалада, яъни “Наврўзнома” ва “Солнома”ни баҳолашда бизнингча, кўпчилигимиз ҳам тайёр эмасмиз. Чунки бу соҳани тушуниш – фалакиёт, астрология, география, физика, математика, химия, анатомия, биология, ҳаттоки, илоҳиётшунослик каби қатор фанлардан хабардорликни тақозо қилади [3:62].

Нақл қилибдурларким, бир замонда бир ҳаким бор эрди, унинг номини хожа Али Ҳаким Термизий дер эрдилар. Аллоҳ таоло анга бир юз йигирма йил умр бериб эрди. Олим фозил ва муттақий (художўй) эрдилар. Илми ҳикматда ниҳоят даражада комил ва жамии фунун (ҳамма фан)лардан олим эрди. Кўп йиллар умр кўриб, вужудоти ихтилоф (низо, зиддият) замонларни кўп кўриб, тўрт фасл йилларидан кўп тажриба қилган эрди. Ҳаттоки, ўз замонидаги подшоҳ ва деҳқонлар ҳар иш қилсалар ва нарса эксалар, ушбу ҳакимнинг маслаҳатига мувофиқ қилиб иш қилсалар ва эксалар кўп фойда ва манфаат топар эрдилар[3:62-63].

Шул жиҳатдан подшоҳи замон ул ҳакимга илтижо қилиб буюрдиким: “Сиз бизларга бир рисола жам қилиб берсангиз, ўзингизда ниҳоят даражада тажриба бўлган умри зарурият (зарурий иш)ларни ёзиб борсангиз, токи ғоибона ва ҳозирона (тириклигингизда ҳам, йўқлигингизда ҳам), ҳаттоки, қиёматгача сиздан

ёдгор бўлиб, жамии ўқиган ва эшитган одамларга тўлиқ фойда бўлиб, садақаи жория бўлса,” - деб илтимос қилди.

Подшонинг амрига қулоқ солиб, хўжа Ҳаким Али Термизий ушбу фойдани (рисолани) ўз забони (тили) бирлан баён қилди. Айтдиларки, Аллоҳ таоло менга юз йигирма йил умр берди, аксарини илми нужум (астрономия) ва ҳикматга сарф этдим, замон ўзгариши ва кунларнинг ўтишидан кўп тажрибалар ҳосил қилдим. Ҳаракати афлок ва кавокиб (осмон ва юлдузлар ҳаракати), сайёра ва нужум (ёритқич)ларнинг ҳар қайсисини тулуъ (чиқиш) вақтини ва ғуруб (ботиш) вақтини, қайси фалакда турар ва қайси буржда ва қайси вақтда чиқиб ва қайси вақтда ботиб ва қайси нарсага далолат қилур, қайси нарсани тарбият қилур ва қайси нарсага саъд (яхши) ва қайси нарсага наҳс (ёмон) бўлурини хўб яхши тажриба қилдим ва кўп машаққатлар тортиб, наврўзи олам янги бўлиши билан шул йил ичинда бўладурган нарсаларнинг аломатларидан фаҳм қилиб, аҳволларидан хабар берур эрдим, то илми нужумни бир ҳафтага келтирдим ва ҳар куннинг аҳволи нечук бўлурини топдим ва тажриба қилиб, ушуб нусхани ёздим, токи мусулмонлар наф олсунлар, хусусан, деҳқонлар кишти кор (экин-тикин)ларини шунга қараб эксалар, биладурларки, бу йил қайси экин яхши бўлур ва қайси экинлар қиммат ва қайси ҳаллари арзон бўлур, шунга қараб амал қиладилар [3:63].

Ва аҳволи кўҳ (тоғ) ва дашт ва аҳволи подшоҳ ва фуқаролар ва савдогарлар ва ҳаннот (дон олиб сотувчи савдогарлар) ва чорпо (ҳайвон)ларни не аҳволи йилнинг аввалида, ўртасида, охирида қандай бўлурини тажриба юзасидан ёздим, токи ҳар ким ўқиса, тақвим (календарь)га муҳтож бўлмас ва ҳар қанча замон ўтса ҳам, бу нусха эскирмас [3:63].

Шундан сўнг олим наврўзи олам якшанба куни дохил бўлса (кирса), Шамс (Қуёш)га, душанба куни дохил бўлса, Қамар (Ой)га, сешанба куни дохил бўлса, Миррих (Марс)га, чаҳоршанба куни дохил бўлса, Аторуд (Меркурий)га, панжшанба куни дохил бўлса, Муштарий (Юпитер)га, жума куни дохил бўлса, Зуҳра (Венера)га, шанба куни дохил бўлса, Зуҳал (Сатурн)га тааллуқли бўлишини ва бу йилларда қандай самовий, заминий воқеалар, яхши-ёмон, бахтли-бахтсиз ҳодисалар юз бериши формулага солиниб қоидалаштирилган [3:63-64].

Масалан, наврўзи олам шанба куни дохил бўлган (Зуҳал юлдузи таъсирида) 1998 йилда юз берган воқеликларни “Наврўзнома” матнининг мазмунига қиёслайлик: “Ушбу йил (1998 йил) баъзи шаҳарларда қаҳатчилик бўлгай, ёмғир кўп ёғгай, хунрезлик (қон тўкишлик) ҳам кўп бўлгай. Жануб соридин (томонидин) лашкар пайдо бўлур, уруш ва суқуш, ўғри ва қароқчи кўп бўлгай, фитна ва ёлғон фош бўлгай. Кузги экинлар яхши бўлгай ва мевалар камроқ бўлгай, йил охирида совуқ қаттиқ бўлгай, қиши узоқ бўлгай” [3:64].

Ҳаким Термизий “Солнома” яратишда наврўзи олам ҳафтанинг қайси кунида дохил бўлишига эмас, у (наврўзи олам) мучалнинг қайси йилига тўғри келишига – қайси мучалда дохил бўлишига эътибор берган.

Маълумки, мучал йиллари ўн икки йилда наврўзи олам (21 март) билан бир мартадан учрашади. Бунда олимни наврўзи олам кирган йил (масалан, ҳамдуна) қизиқтиради: мана шу йилда (12 ойда) юз берган барча воқеликлар (ер, қуёш, юлдузлар ҳаракати, кеча, кундуз ва фасллар алмашуви кабилар) муттасил текширилиб, кузатилиб хулосага келинган. Англашиладики, бунда бирор йил (масалан, ҳамдуна) 12 йилда бир марта, 24 йилда икки марта,... 48 йилда тўрт марта (бошқалари ҳам шундай) таҳлилдан ўтади. “Солнома”да бир йил учга: йил аввали, йил ўртаси ва йил охиридаги воқеаларга бўлиб баён қилинган. Қуйида паланг (йўлбарс) йили (1998 йил) кирган наврўзи олам воқеликларини “Солнома” матни билан қиёслайлик: “Бу йилда подшоҳлар ўртасида адоват ва гина кўп бўлгай, жанг-жадал (уруш) ва хунрезлик (қон тўкиш) кўп бўлгай, хусусан, эрон тарафида мухолифат (зиддият) кўп бўлгай, чаҳорпо (ҳайвон)ларга ҳалокат кўп бўлгай. Тоғларда дарранда (йиртқич ҳайвон)лар кўп бўлгай, дарёда кишти (кема)ларга офат етгай (бу кўпроқ ҳаво ҳалокатларига тўғри келади) ва мевалар кам бўлгай, сол (йил) охири яхшилик бўлгай”[3:64].

Англашиладики, йилнинг асосий воқеликлари матн мазмунини акс эттирган. Маълумки, ер қимирлаши, ой, қуёш тутилиши, юлдуз (комета, метеорит)лар тушиши, сув тошқинлари, об-ҳаво қандай бўлиши, вабо, очарчилик, қурғоқчилик каби ҳодисаларни ҳозирги фан кўп ҳолларда олдиндан сезиб, хабар бера олади. Инсоният бу масала билан қадимдан шуғулланган. Фолбинлар, коҳинлар, қуръачилар, таъбирчилар, кейинчалик пайғамабарлар, авлиёлар, муллолар самовий жисмларга, юлдузлар авзойига қараб, бўлажак воқеликлар ҳақида хабар берганлар. Бўлажак воқеликлардан хабардор бўлишга ҳамма қизиққан, хусусан, бундан подшоҳлар, савдогару деҳқонлар, сайёҳу денгизчилар, чорвадорлар жуда манфаатдор бўлганлар [3:64-65].

“Наврўзнома” ва “Солнома”ни яратишда Ҳаким Термизий, Аҳмад Фарғоний ёки Улуғбек каби бирор астрономик қурилма ясаганми, йўқми, бизга номаълум, албатта. Лекин олим шарқ астрономик мактабидан яхши хабардор бўлган, ҳинд фалакиётшунослигини ўрганган. Олимнинг замондоши ва ҳамюрти Муҳаммад Сағоний Устурлобий ҳам йирик астроном бўлган ва ўзи бир қанча янги астрономик асбоблар (устурлоб) кашф этган [3:65].

Ҳаким Термизийнинг яна бир буюклиги шундаки, у инсон замон ва макон билан узвий – унинг бўлаги, шу сабаб заминни ва самовотни ҳам ўрганиш зарур эканлигини тушунган. Фаслларни ўрганмоқ учун вақтнинг миқдор жиҳатдан дақиқа, соат, кун, ҳафта, ой ва йилга ажралишидан, айни замонда, дақиқалар соатга, саотлар кунга, кунлар ойга, ойлар йилга жамланишидан ва буларнинг номланишлари (масалан: кунлар якшанба, душанба, ...; ойлар: барот, рамазон, ... ; йиллар: муш, бақар, ...)дан фойдаланади. Олим: “Чексиз машаққат тортиб, илми нужумни бир ҳафтага келтирдим. Ўн икки ойни ўн икки жониворга бирлаштирдим”, дейди [3:65].

Англашиладики, Ҳаким Термизий ҳужрада ўтириб “Наврўзнома” ёзмаган. Фасллар хусусиятини, юлдузлар ҳаракатини, кун ва тун ҳолатларини ўрганишда ҳам амалий, ҳам назарий жиҳатдан жиддий кузатувлар, риёзий таҳлил, ҳисоб-китоблар олиб борган, албатта. Афғон шамолининг қачон бўлиши: бошланиши, қанча давом этиши, қачон тугашини бир ҳафта олдиндан айтганлигини баъзилар авлиёликка йўйса, баъзилар мушрикликда айблаганлар. Ёки баъзи табиий офатларни олдиндан айтганлиги учун кофирликда айбланиб, Термиздан уч марта бадарға қилинганлиги , бир мартасида Нишопурга кетиб, ҳакимияга асос солганлиги ҳақида хабарлар мавжуд [3:65].

Шуни ҳам айтиш керакки, одамлар кўп вақт “Наврўзнома” ва “Солнома”дан фолнома, толеънома сифатида фойдаланганлару, унинг моҳиятни – мантиқий асосини баъзи бир реал воқелик билан боғлиқ бўлмаган томонларидан фарқлай олмаганлар. Ҳаким Термизийнинг ўзлари ҳам ҳар бир баён охирида “валлоҳу аълам биссавоб” (“Тўғрисини Аллоҳнинг ўзи билади”) деб ёзгандир. Бу камтарлик. “Наврўзнома” ва “Солнома”да ер ҳаёти саайёралар ҳаракати билан боғлиқ ҳолда ўрганилган. Бошқача айтганда, ер ҳаёти, одамлар тақдири ва бошқалар наврўзи олам ҳафтанинг

қайси кунида дохил бўлишига қараб белгиланган. Бу бир қарашда асоссиз гапларга ўхшайди. Лекин олим ҳафтанинг "фалон" куни дохил бўлган йил "фалон" сайёрага таалluқлидир деб таъкидлайдики, астролог назари билан қаралса, бунинг заминида жиддий донишмандлик мавжудлиги сезилади. Чунки ер, жумладан одам етти хил бошқа-бошқа сайёралар (Қуёш, Ой, Миррих, Аторуд, Муштарий, Зуҳра, Зуҳал) тасаррруфида, демак, етти йил бир-бириданфарқли воқеликлар таъсирида, бир-биридан фарқли муҳит қуршовида яшайди. Ҳаким Термизий на шу муҳит таъсирида ерда, жумладан, инсон тақдирида, мижозида юз берадиган ўзгаришларни тақвимлаштирган [3:65-66].

"Солнома"ни ёзишда наврўзи олам ҳафтанинг қайси кунида эмас, қайси мучал йилида дохил бўлишига, яъни бўлажак янги йил қандай бўлиши – бу йилнинг қайси жонивор номи билан аталганлигига қараб белгиланган. Бизнингча, бу ерда кираётган йилнинг қайси жонивор номи билан аталганлиги аҳамиятсиздир. Ердаги ҳаётни, йил фаслларини ёки инсон хусусиятини, фаолиятини ҳайвон хусусиятидан, мучалидан келтириб чиқариш ғайритабиийдир. Инсон билан унинг мучали (ҳайвон) ўртасида фазилат, мижоз, хусусият жиҳатидан ҳеч қандай боғланиш йўқ. Ном предметни, чунончи, инсон моҳиятини акс эттирмайди [3:66].

Ҳаким Термизийнинг донишмандлиги шундаки, у мучалдаги 12 йил самовий 12 бурж таъсиру тасарруфида бўлишини, ер ҳаёти ана шу бурж томонидан бошқарилишини аниқлаган. Дарҳақиқат, инсон бирор бурж остида туғилиб, унинг таъсирида яшар экан, гени (уруғи, зуваласи, нутфаси) шу муҳитда йўғрилади, шаклланади. Бу унинг мижози, ақл-заковати, яшовчанлиги кабиларга салбий ё ижобий таъсир қилади. Ҳаттоки, олим инсоннинг қандай бўлишини бурж остидаги йилнинг бошида, ўртасида ва охирида туғилишига ҳам боғлиқлигини таъкидлайди. Ҳаким Термизийнинг ер ҳаёти самовий олам томонидан бошқарилиши ҳақидаги бу таълимоти ҳозир космоснинг ерга, атмосфера (иқлим)нинг бузилиши, инсон мижозига таъсири тўғрисидаги олимларимиз фикрига ҳамоҳангдир.

Табиб Абдулазиз: "Асабийлашиш вужуд соғлиғидан ташқари иқлим шароитига, ойнинг қайси кунлигига, мавсумга, юлдузлар ҳаракатига ва ҳар бир одамнинг мучали билан ҳам боғлиқлиги бор" деганда, назаримизда, одамнинг мучали фалон жониворлигига эмас, қайси бурж остида туғилганлигини назарда тутган бўлса керак [3:66].

Саида Бону "Даҳо" мучаллар мақоласида ёзади: "Мучаллар ҳам даҳо ёки буюк бўладими? Одатда инсоннинг ақл-заковати уни буюкликка элтмайдими? Ёки қайси бурж остида туғилиши ҳам одамнинг келажагига дахлдор бўла оладими? Қарама-қарши шундай саволлар туғилиши мумкин. Қачонки биров "даҳо" мучаллар бўлади, деган фикрни айтса, у ҳақми? Албатта, шундай фикрловчиларни мутлақо ноҳақ демоқчи эмасман". Муаллиф мана шундай мулоҳазалар ва қизиқарли саволлар қўйгандан кейин, кўпгина тождорлар: Мао Цзедун, Гитлер, Чингизхонлар, 42 та Америка президентларининг 10 таси илон ва тўнғиз йилларида туғилганлигини ҳисобга олиб, шу икки йилни "даҳо" мучаллар деб айтади. Биз юқорида инсон тақдири, буюклиги, бахтсизлиги қайси бурж остида туғилганлиги билан алоқадор, йил-мучал (жонивор номи) билан боғлиқ эмаслигини Ҳаким Термизий ғояларига асосланиб таъкидладик [3:67].

Қачонлардир йиллар номсиз айланаверган. Лекин ўн икки бурж доимий мавжуд. Ўшанда ҳам, ҳозир ҳам кўплаб нокасу норасолар "даҳо" мучалларида туғилганки, бу исбот талаб эмас. Маълумки, қадимги турк ҳоқонларидан бири йиллар ҳисобини олиш, тарихни унутмаслик, одамлар ёшини белгилаш мақсадларида мучални кашф этган. Манбаларда, ривоятларда 12 йилнинг номланиши, масалан, мучалда қатнашадиган ҳозирги 12 жонивор номининг олиниш тарихи, уларнинг тартибланиши, мучалнинг сичқондан бошланиши (йил боши) айни замонда, инсон ёшини ҳисоблашдаги аҳамияти ҳақида фикрлар баён этилган [3:67].

Маълумки, ҳар бир ижодкор ўз даврининг фарзанди, уни у яшаган даврдан ажратиб ўрганиб бўлмайди; унга ўзи яшаган даврдан туриб баҳо берилади. Ҳ.Термизий яшаган тарихий, фалсафий-мафкуравий муҳитни англашда, ўйлаймизки, профессор Н.Комиловнинг яна қуйидаги фикрлари бизга ёрдам беради; олим IX аср бошларига келиб тасаввуфнинг назарий асослари ишлаб чиқилганлигини, сўфийларнинг руҳий, психологик машқлари ўз-ўзини тарбиялаш ва чиниқтириш тадбир-усуллари шаклланганлигини, тариқат, маърифат ва ҳақиқат тушунчалари юзага келиб, тасаввуфнинг ушбу уч қисмига оид қарашлар мажмуи тузилган – тасаввуф махсус фан сифатида қарор топганлигини, сўфийни тарбиялаш вазифаси, пир-муридлик қоидалари одобини яратиш зарурати туғилганлигини, натижада шариат ва тариқат, зоҳидлик ва орифлик орасидаги муносабатлар, сўфийларнинг одам ва одам моҳияти, алоқа муомаласи, тавҳид каби масалалар мунозарага сабаб бўла бошлаганлигини, дин арбоблари билан сўфий шайхлар, айниқса, фалсафийлашган тасаввуф тарафдорлари жиддий мафкуравий тортишувларга борганликларини, тасаввуф бутун ислом оламини забт этиб, барча қадимий шаҳарларда хонақоҳлар, йўлларда работлар қурилганлигини ва бунда кўплаб шогирдлар тайёрлана бошлаганлигини, тасаввуфнинг илк даврида мақомат ва тариқат асосларини ишлаб чиқиш, сўфийлик йўриқларини, вазифаларини белгилаш ва бунда илоҳий ҳақиқатларни эл орасида ёйишда, хусусан, Зуннун Мисрий (796-861), Боязид Бастомий (вафоти 875 йил), Ҳаким Термизий (вафоти тахм. 932) ва Мансур Ҳаллож (858-922) нинг хизматлари беқиёс бўлганлигини, бу даврда Бағдод, Басра, Нишопур, Термиз, Балх шаҳарлари тасаввуф ва тариқат марказлари сифатида муҳим ўрин тутганлигини алоҳида таъкидлайди [3:39].

**Адабиётлар**


1. Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. –Тошкент: "Ўзбекистон", 2016. 56-б.
2. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажагимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамиз. -Тошкент: "Ўзбекистон" 2016.
3. Омонтурдиев Ж. Ал-Ҳаким ат-Термизий таълимоти. -Тошкент: Университет, 2000.
4. Муртазоев Б. Ал-Ҳаким ат-Термизий илм зикрида.// Термиз Давлат университети илмий тўплами. –Тошкент: 2003.
5. Убайдулло Уватовнинг «Ал-Ҳаким ат-Термизий"(ҳаёти ва мероси). -Тошкент: 2001, 35-37-б.



**РЕЗЮМЕ**

Ал-Ҳаким ат-Термизий умрининг охирларида илми қол – дунёвий илмлар билан ҳам жиддий шуғулланган. Аллома бу соҳадаги тадқиқотларида ҳам тасаввуф ғоялари ва ақидаларига амал қилган: моддий олам руҳий оламнинг маҳсули, жилваланиши, яъни моддий олам руҳий оламнинг мавжудлигини тасдиқловчи ашёлар, шакллар, илми қол, илми ҳол билан узвий боғлиқ, у руҳий оламни – моҳиятини англамоқ, маърифатни эгалламоқ, ҳақиқатга эришмоқ учун моддият (табиат, жамият, ҳайвонот, наботот кабилар)ни ўрганиш, билиш зарур, бу жараён айни замонда, инсон билан Аллоҳ ўртасидаги ҳижоб (тўсиқ)ни олиб ташлаш, инсонни руҳий оламга йўналтиришга имкон берадиган восита ҳамдир, деб тушунади.

**РЕЗЮМЕ**

Ал-Хаким-ал-Термизий к концу своей жизни серьёзно занимался естествознанием. Учёный в исследованиях этой отрасли опирался на представляемые идеи и нравоучения. Это является средством материального мира, отблеском, то есть доказатель-

ством, формой подтверждающей о существовании психологического мира, которые взаимосвязаны с духовными науками. Он считал, что психологический мир – это осознание сущности, освоение нравственности, достижение истины путём познания и изучения материальности (природы, общества, животного и растительного мира). Этот процесс в данное время воспринимается как средство, дающее возможность направить человека в психологический мир, и убрать преграду между человеком и Аллахом.

**SUMMARY**

At the end of his life, al Khakim at-Termizi was engaged in secular science. The scholar adhered to the ideas and beliefs of mysticism in his research's. The material world is a product of the spiritual world and it's glitters, namely, the material world is inextricably linked with the objects, forms, knowledge which confirms the existence of the spiritual world, its substance (nature, society, animals, plants); to understand the spiritual realm; It is also necessary to understand the process which means to remove the veil between man and God, and to direct man to the spiritual realm.

## БРОНХИАЛ АСТМА БИЛАН КАСАЛЛАНГАН БЕМОРЛАРНИНГ ПСИХО-ЭМОЦИОНАЛ ХУСУСИЯТЛАРИ

**Ю.К.Нарметова -** *психология фанлари бўйича фалсафа доктори*
*Тошкент тиббиёт академияси*

**Таянч сўзлар:** касаллик, стресс, рухий-эмоционал ҳолат, аллерген, психоген, соматогения, хуруж, таъсирчанлик, қўрқув, сезгирлик, атопик.

**Ключевые слова:** болезнь, стресс, психоэмоциональное состояние, аллергены, психогенные, соматогенные, приступ, чувствительность, страх, чувствительность, атопия.

**Key words:** illness, stress, psycho-emotional state, allergens, psychogenic, somatogenic, attack, sensitivity, fear, sensitivity, atopic.

Тиббиёт ҳодимлари томонидан бронхиал астманинг психологик таркибий қисмлари тадқиқ этилиши, узоқ тарихга эга. Аллергия феномени очилгунга қадар, астма биринчи ўринда асаб тизими касалликлари тоифасига кирган бўлиб, тиббиётга доир эски манбаларда «asthma nervosa» деб номланган.

З.Фрейд [1] ўзининг дастлабки изланишларида алмашинув жараёнини тасвирлаб, унга кўра, ушбу жараён инкор қилинган психик мазмунни тана феноменларига айлантиради. Босилган, мажбуран сиқиб чиқарилган аффектлар, айрим сабабларга кўра, амалга оширилмаган ҳохиш-истаклар психик қувватнинг соматик соҳага кўчиши ва бир шаклдан иккинчи шаклга ўтиши, "нишон" аъзоларнинг касалликлари орқали юзага келиб, моҳиятан конверсия жараёнининг ички аъзога ўтиши ҳисобланади.

Сўнгра, иммунологиянинг тараққий этиши, ҳамда анафилаксия иборасининг ишлаб чиқилганлиги, диққат-эътиборнинг барчасини астманинг аллергик компонентига қаратилган, "руҳий-эмоционал назария" эса орқа даражага ўтиб, эскириб қолган дея ҳисобланди. Бироқ психосоматик тиббиётнинг тараққий этиши билан астманинг этиологияси жонланади [2]. Турли хил олимлар (Ф.Данбар, Виттковер) бронхиал астманинг (БА) ривожланишида кўплаб эмоционал омилларнинг ўрни бўлиб, бу ерда ҳар қандай турли кутилмаган интенсив эмоционал қўзғатувчилар – жинсий ҳохиш, хавотир, рашк ва ёрқинлик. J.Halliday ўз эътиборини астманинг йиғи билан боғлиқлигига қаратмоқда.

Ф.Александера ўзига хослик назарияси нуқтаи назаридан, низоли вазиятларда ривожланаётган вегетатив невроз, сурункали даражада қайтарилаётган эмоционал ҳолатга тана аъзосининг физиологик жавоби дея кўриб чиқмоқда. Шу билан бирга муаллифнинг тахмин этишича, кўпинча парасимпатик иннервация орқали юзага келадиган аффектлар БАга олиб келади [3]. Бироқ, шу вақтнинг ўзида Ф. Александер шуни таъкидлайдики, БАнинг этиологиясида эмоционал омилларни тан олган ҳолда, аллергик омилларнинг таъсири ҳақида ҳам унутмаслик лозимдир. Шундай қилиб, этиологик омилларнинг икки тоифаси – эмоционал ва аллергик (психологик ва физиологик) ҳолатлар марказий муаммо бўлиб қолмоқда. Психологик омилларнинг муҳимлиги ҳақида Ф.Александер келтирилган маълумотлар ҳам кўрсатмоқдаки, Чикаго психоанализ институтида текширувдан ўтган кўп сонли астматикларда, маълум бир аллергик сезгирлик тоифаси аниқланган бўлиб, шу билан бирга, айрим касалларда аллергик сезгирлик даволаниш муддати якунлангандан сўнг, астма ўтиб кетса ҳам, тери текширувларида эса аллергия аломатлари сақланган

Бугунги кунда, БА полиэтиологик касаллик ҳисобланади. Бу билан бирга, тиббий адабиётларда кўрсатилишича, БА болаларга юқумли бўлмаган этиологик (атопик) шакли кўпроқ учрайди

БАнинг атопик шаклининг асосий сабаблари, юқумли бўлмаган аллергенлар, физиологик, метеорологик, ҳамда асаб-психик, стресс таъсирлар ҳисобланади [4, 5].

Сўнги пайтларда касалликнинг вужудга келиши ва тараққий этишида психоэмоционал ёки психоген омилнинг ўрни юқорилиги таъкидламоқда. Бу ўткир ёки сурункали ташки таъсирнинг психик соҳа орқали когнитив ва эмоционал аҳамиятга эга бўлиб, унинг таъсири остида психогеник вазифани бажарадилар [3]. Клиник кузатишлар шуни кўрсатдики, БА билан касалланганларнинг кўпчилигида психоген қўзғатувчилар ва бўғилиш хуружлари ўртасида узвий алоқа мавжуд экан. Психогениянинг таъсири астмани намоён бўлиши турли хил усуллардан, шунингдек, кўр ва иккиламчи кўр усулларидан фойдаланиб, текшириб исботланган. Бундай тадқиқотларнинг прототиплари И.А.Булнинг кузатишлари бўлган, унга кўра, астма билан касалланган инсонни астма бўғилишини қўзғатиш ва тўхтатиш учун гипнотик таъсир билан амалга ошириш мумкин. Адабиётларда БАнинг оғирлашуви, айниқса кўп ҳолатларда сурункали психик зарбалар билан боғлиқ [3]. Хусусан, П.И.Буль бир аёлнинг касаллик тарихини тасвирлаганда унда биринчи хуруж, немис босқинчилари томонидан опаси, поччаси ва фарзандлари отиб ташанганлиги битилган мактубни ўқиш жараёнида бошланди. Хуружларнинг тезлашувига янги психик зарбалар (фронтда турмуш ўртоғининг ҳалок бўлиши), мураккаб ҳаётий вазиятлар (ҳалок бўлган деб ҳисоблаган турмуш ўртоғининг қайтаётганлиги ҳақидаги хабарлар) сабаб бўлди.

П.К.Булатов БАни аллерго-юқумли касаллик деб билиб, унинг хуружини ташқи ва ички патоген қўзғатувчиларга жавобан шартли ёки шартсиз рефлекс сифатида намоён бўлади, деб таъкидлаган. У бир воқеликни тасвирлаб, унда БА билан касалланган аёлда шартли қўзғатувчи "Ялта" сўзи бўлган. Айнан Ялтада аёлда ёқимсиз хотира сифатида биринчи хуружи бўлган. P. Morawitz бир касални кузатган, унда атиргулларнинг ифорини хидлаганда касали хуруж қилган. Шу билан бирга унинг хуружи шунчалик тез бўлардики, ёнига олиб келинган атир гул қоғоздан бўлса ҳам, уни англашга улгурмасдан хуружи тутарди.

Психо-физиология нуқтаи назаридан астманинг этиологияси нейроэндокрин тизимнинг ҳолати билан изоҳланади. Стресс ва иммун тизими ўртасидаги бевосита алоқа мавжудлиги исботлаган. Стрессга жавоб

реакцияси “ташқи муҳитнинг турли ҳил патоген омилларнинг носпецифик натижаси” ҳисобланиб [4], айни дамда ушбу реакциянинг организм эҳтиёжларига мос келмаган ҳолларда иммун тизими функцияларининг бузилиш омили сифатида хизмат қилади. Ноадекватлилик тоифалари турли хил бўлади. Мавжуд бўлиши мумкин бўлган кўриниши бу – ҳаддан ортиқ ва давомийлиги бўйича узун бўлган, ҳамда тез-тез вужудга келаётган стрессли вазиятлардир. Бошқа мавжуд бўлган стресс реакциясининг ноадекват кўриниши эмоционал стресс кўринишида бўлади. Амалий тадқиқотлар шуни кўрсатадики, стрессли таъсир, ҳақиқатдан ҳам иммун тизимини сустлашувига олиб келади, унинг натижасида эса, касалланиш эҳтимоли кўтарилади.

Касаллик одатда болаликда ёки ўсмирлик даврида бошланади. Тўлиқ давоси йўқ. БАнинг тўлиқ назорати узоқ муддатли (бир неча йилгача) ремиссия жараёнига эришиш деб ҳисобланади, халқаро маълумотларга қараганда, 5 % беморлардагина кузатилар экан. Айрим ҳолатларда тўсатдан кутилмаган ремиссиялар бўлиб, уларнинг давомийлиги бир неча йил бўлади, қизиғи шундаки, тиббиёт ходимлари ушбу вазиятга “айбдор” аллерген билан бўлган контактни тўхталиганлиги деб изоҳ бериш ҳар бир вазиятда тўғри келмайди. Атопик БАнинг ўзига хос жиҳати шундаки, бўғилиш ҳуружлари одатда, уй шароитида ривожланади, уй ташқарисида эса кескин камаяди ёки тўхтайди [5]. Келтирилган маълумотлар касалликнинг эмоционал (оилавий) таркибий қисми эканлигини тасдиқлайди.

БА вақти-вақти билан рўй берадиган экспиратор бўғилишлар сифатида намоён бўлади, шу билан давомийлиги, тавснифи, ҳамда экспиратор бўғилишларини даврий ҳуружлари сифатида намоён бўлиб, шу билан бирга, оғирлик даражаси қараб, касалликнинг патологик даражаси аниқланади. Оғирлик даражасига қараб, енгил, ўрта оғир, ва оғир шакллари фарқланади.

Ҳуружларнинг давомийлиги турли хил. Катта ёшдаги болаларда қисқа муддатли ҳуружлар содир бўлади, ёш болаларда эса астматик ҳуружларнинг давомийлиги узунроқ бўлади. Ҳуруж давомида бронхларнинг ўтказувчанлиги бузилиб, силлиқ тўқималарнинг қисилиши (спазми) билан шартланади, шилиқ пардани керкканлиги ва бронхларнинг йўлига экссудутнинг ажралиши билан содир бўлади**.**

Катта ёшдаги болаларда касаллик ҳуружининг ривожланишида асосий патогенетик бўғин бу – айнан бронх мушакларини спазмидир. Яъни, вегетатив нерв тизимининг (ВНТ) шу спазм орқали намоён бўлиб,маълум қўзғатувчига нисбатан жавоб реакцияси ҳисобланади. Тахмин қилинишича, ушбу қўзғатувчи психоген тавсифга эга.

Астматикнинг умумий психологик портрети қуйидагича: у:

• Ёлғизликни яхши кўради, ўзини ўзи яккалаб қўйишга мойил.

Нафас қисилиши билан кечадиган бошқа ўпка касалликлари билан оғриган беморлар мулоқотга осон киришади ва астматикга қараганда камроқ аломатланишади. Астма касаллигининг сурункали даврида одамнинг ўзини ўзи изоляцияси кучаяди.

• Астматик инжиқ, уни мамнун қилиш ва ёқтириш қийин, чунки кундалик ҳаётда у ҳаддан ташқари хаёлпараст. У воқеалар йўналиши унинг прогнозига кўра содир бўлишини афзал кўради ва агар бу содир бўлмаса, у жуда хафа бўлади.

• Қарор қабул қилиш қийин.

Можаро ёки қийин вазиятда, бронхиал астма билан оғриган одам узоқ вақт давомида нима қилиш кераклигини ҳал қила олмайди. Агар у рақибнинг нуқтаи назарини қабул қилиши керак бўлса, у буни фақат ташқи томондан қабул қилади ва қалбида чуқур фикрича, у ҳамон ўз фикри билан қолади. Астматик стрессни енгишга қодир эмас, натижада бу психикага салбий таъсир қилади ва астманинг доимий кучайишига олиб келади.

• Асабий, таъсирчан.

Асабий ҳаяжонланиш ҳатто бундай одамнинг ёнида бўлганда ҳам сезилади ва бундан ташқари у мулоқотда ўзини намоён қилади. Астматик бошқаларга тушунарсиз бўлиб қолгандек туюлади ва буни бутун кўриниши билан ифодалайди.

Психологларнинг фикрига кўра, астма кўпинча болалик даврида, боланинг ҳимоясизлиги ва ота-она қарамоғининг етишмаслиги ёки ортиқча бўлиши, ота-оналарнинг ўртасидаги зиддиятлар каби омиллар сабаб бўлади. Аммо касаллик балоғат ёшида одамга мустақиллик, масъулият, жасорат ёки ёлғизликдан, қайғудан омон қолиш учун зарур бўлган ҳолатларда кучаяди.

Астматикнинг ўзига хос хусусияти шундаки, улар бошқа одамларга қараганда кўпроқ салбий ҳис-туйғуларни бошдан кечирадилар ва ифодалайдилар. Шунингдек, улар стрессга, инфантилизмга етарлича қаршилик кўрсатмайдилар. Бундан ташқари, улар ўзларини паст баҳолайдиган ва бошқаларнинг фикрига юқори даражада қарамликда намоён бўладиган ўз-ўзини имиджининг етишмаслиги билан ажралиб туради.

Астматиклар кўпинча ҳидларга нисбатан юқори сезувчанликни намоён этадилар, бу физиологик жиҳатдан ҳеч нарса билан белгиланмайди. Шуни таъкидлаш керакки, бундай ўта сезгирлик, биринчи навбатда, қандайдир тарзда нопоклик ва эгилувчанлик билан боғлиқ бўлган ҳидларга, шунингдек, юмшоқ ва нопок хулқ-атворга тегишли. Нохуш ҳидларни сезгирлиги юқори бўлган одамлар, шунингдек, атрофдаги одамларнинг фикрларига ва жуда боғлиқдир.

Аммо бронхиал астманинг пайдо бўлиши учун фақат психологик сабаблар этарли эмас. Аллергия мойиллиги ҳам жуда муҳимдир. Аллергик ва психологик омилларнинг тасодифийлиги билан бронхиал астма пайдо бўлиши мумкин.

Бўғилишда эмоционал томони ниҳоятда муҳим ҳисобланади. Унинг энг бош белгиларидан биттаси ўлимдан қўрқув, ундан кучлироғи миокард инфаркти натижасидаги ўлимдан қўрқувдир.

Ундан ташқари, тадқиқотларнинг кўрсатишича, “БА билан касалланган ўсмирлар ва ундан катта ўспиринларда вегетатив ҳолатнинг (статус) бузилиши қайд этилади, бу ўз навбатида БА касаллик даврига салбий таъсир қилиб, организмнинг мослашув имкониятларига таъсир этиб, касалликнинг ўткирлашувига сабабчи бўлиб, резистентликни пасайтириб болаларни БА триггерларига нисбатан мослашувини пасайтиради [6]. БА билан касалланган катта ёшли болаларда кўп ҳолатларда руҳий зўриқишни ёки сурункали ҳавотирланишни кузатиш мумкин. Айнан келтирилган тадқиқотлар ВНТнинг касаллик патогинези ва катта ёшдаги болаларда ҳуружлар жараёнининг ўзига ўрни ҳақидаги хулосаларни тасдиқлайди. Бўғилиш ҳуружини қўзғатувчи этиологияси ҳақидаги тахмини, ушбу тадқиқотнинг нуқтаи назаридан тасдиқланган.

Ухтомскийнинг фикрича [7], бронхларнинг интерорецепторлар томонидан таъсир этувчи патологик турки кучларнинг(импульсларнинг) узоқ муддатли таъсири натижасида оралиқдаги ва чўзинчоқ мияда, ҳамда катта ярим шарлар қобиғида турғун ҳаяжон ҳолати вужудга келиши мумкин. Марказий асаб тизимининг турли босқичларида жойлашган ҳаяжони қўзғатилган бундай марказларни констелляцияси патологик устунлик бўлиб, унинг таъсири остида

бронхларнинг мушак ва патологик фаол даври турғун бўлиши мумкин.

Т.В.Константинович (2007) томонидан БА билан касалланганларда психоэмоционал соҳанинг бузилишлар эпидемиологик тадқиқоти ўтказилди. Тадқиқотларнинг натижаларига кўра, нафас тизимининг обструктив патологиясига эга, шу ўринда БА билан касалланганлар ҳам, соғлом инсонлардан психоэмоционал статуснинг барча кўрсаткичлари бўйича салбий томонга фарқ қилади: уларда невротик, ҳавотир ва дипрессив белгиларнинг юқорилиги тавсифлидир.

Тадқиқот муаллифи томонидан яққол намоён бўла-ётган психик тизимларнинг бузилиш соматоген омили билан шартланган бўлиб, мия тўқималарининг нейрон-лар ва глиал элементлар даражасида иккиламчи ўзга-ришлари билан боғлиқ МНТнинг узоқ муддатли ва қай-тарилаётган гипоксия ва гиперкапния натижасидир [8].

Шундай қилиб, нафас олишда ноқулайлик ҳис қилаётган касаллар бу – беморларнин алоҳида тоифаси бўлиб, психик турғунликдаги оғир ўзгаришларига эга, айниқса БАнинг ўткир хуружларида психоэмоционал дезаптациядан азият чекаётганликларини тасдиқлашга етарлича асослар бор.

Келтирилган маълумотларга асосланиб, шуни таъкидлаш мумкинки, БА – касаллиги, моҳиятан, бир томондан турли хил психологик омиллар билан қўзғатилади ва вужудга келинишига турки бўлувчи омиллар мавжуд бўлса, аслида, касал шахс ҳолатида вегетатив невроз ҳисобланади, иккинчи томондан ҳар қандай оғир касаллик каби, БА билан касалланган бемор руҳиятига психик зарба сифатида таъсир этиб, нозогения (психогени) ролини бажаради, морфо-физиологик бузилишлар соматогенияни шартлайди, шу шаклда ўз моҳиятига кўра, психосоматик мутаносиб-ликларнинг барчасини ўзида жамлайди.

**Адабиётлар**


1. Фрейд З. Психология бессознательного / З. Фрейд. СПб. –Питер: 2010, -С. 400.
2. Александер Ф. Психосоматическая медицина. Принципы и практическое применение. / Ф.Александер. - М.: Эксмо-Пресс, 2002, -С. 352.
3. Михайлов Б.В. Психосоматические расстройства как общесоматическая проблема. Б.В.Михайлов. // DOCTOR. 2002, № 6.
4. Пыцкий В.И. Аллергические заболевания / Пыцкий В.И., Адрианова Н.В., Артомасова А.В. - М.: «Медицина», 1984.
5. Рачинский С.В. Болезни органов дыхания у детей: Руководство для врачей. / Рачинский С.В., Таточенко В.К., Артамонов Р.Г. и др.; Под ред. Рачинского С.В., Таточенко В.К. - М.: «Медицина», 1987, -С. 496.
6. Беш Л.В. Оцінка психовегетативного статусу дітей пубертатного віку, хворих на бронхіальну астму. / Беш Л.В., Цьорох А.О. // Інф-й лист про нововведення в системі охорони здоров'я. - К.: «Укрмедпатінф», 2007. –С. 3.
7. Ухтомский А.А. Доминанта. / А.А. Ухтомский. СПб. –Питер: 2002, -С. 448.
8. Константинович Т.В. Психосоматичні та соматопсихічні синдроми у клініці захворювань органів дихання. / Т.В.Константинович. // Здоров'я України: 2008, №9. -С. 48-49.
9. Козачун В.Л., Психосоматика бронхиальной астмы.



**РЕЗЮМЕ**

Мазкур мақолада бронхиал астма билан касалланган беморларнинг психо-эмоционал холатлари хақида тўхталинган. Бронхиал астмаси бор беморнинг ўзига хос хусусияти шундаки, улар бошқа одамларга қараганда кўпроқ салбий ҳис-туйғуларни бошидан кечирадилар ва ифодалайдилар. Шунингдек, улар стрессга, инфантилизмга етарлича қаршилик кўрсатмайдилар, ўзларини паст баҳолайдиган ва бошқаларнинг фикрига юқори даражада қарамликда намоён бўладиган, ўз-ўзининг имиджининг етишмаслиги билан ажралиб туради.

**РЕЗЮМЕ**

В статье раскрывается психоэмоциональное состояние пациентов с бронхиальной астмой. Характерной особенностью пациента с бронхиальной астмой является то, что он испытывает и выражает больше негативных эмоций, чем другие люди. Они также недостаточно устойчивы к стрессу и инфантилизму, характеризуются отсутствием самооценки, которая является в основном низкой самооценкой и сильно зависят от мнения других.

**SUMMARY**

The article touches on the psycho-emotional state of patients with bronchial asthma. A characteristic feature of a patient with bronchial asthma is that they experience and express more negative emotions than other people. They are also insufficiently resistant to stress and infantilism, characterized by a lack of self-esteem, which is mainly low self-esteem and is highly dependent on the opinions of others.


## ОСНОВНЫЕ ПСИХОЛОГИЧЕСКИЕ ФОРМЫ РАБОТ С КОНФЛИКТАМИ


**Э.Ж.Нурымбетова** – *старший преподаватель*

*Нукусский государственный педагогический институт имени Ажинияза*



**Таянч сўзлар:** низо, ҳамкорлик, муроса, рақобат, қочиш, мослашиш.

**Ключевые слова:** конфликт, соперничество, сотрудничество, компромисс, избегание, приспособление.

**Key words:** conflict, rivalry, cooperation, compromise, avoidance, adaptation.


Личность в процессе своего развития сталкивается с проблемными и конфликтными ситуациями, которые не всегда могут разрешиться самостоятельно, это может стать причиной частых стрессов, депрессий, которые оказывают негативное влияние на жизнедеятельность. Однако в большинстве случаев человек не решается обратиться за помощью к своим близким, к окружающим людям, тогда в их роли может выступить профессиональная психологическая помощь. Если своевременно не оказать профессиональную психологическую помощь, то это может привести к более серьезным последствиям.

Профилактика и прогнозирование конфликтов явля-ется более необходимым способом в их урегу-лировании, чем разрешение конфликтных ситуаций конструктивного характера в жизнедеятельности.

В настоящее время, в психологической науке становится общепринятым положение о том, что нивелирование конфликта невозможно, особенно во взаимоотношениях людей, поскольку, сами конфликты могут рассматриваться, как неотъемлемая часть жизнедеятельности людей. Поэтому как мы полагаем, человек не должен избегать конфликтных ситуаций, а находить более приемлемые варианты и стратегии разрешения их.

Как свидетельствуют теоретический обзор исследо-ваний по конфликтологии, высокая конфликтоус-тойчивость зависит от ряда факторов: психофизиологи-ческих (степень эмоционально-волевых устойчивости), мотивационных (общая направленность личности и мотивы в данной ситуации) и социально-психологические особенности (социально-психологи-ческие особенности личности) [1,4, 5, 6].

В исследованиях, посвященных изучению этого явления, имеется достаточно богатый эмпирический материал, где в большинстве из них межличностный конфликт описывается как столкновение противоположных целей, интересов, позиций, мнений людей, взглядов оппонентов или субъектов взаимодействия [2,5,6].

Конфликтной ситуации некоторые авторы приписывают и инцидент или «столкновение сторон», который является прорывом конфликта, активным действием, где конфликт трактуется как борьба за лидерство или достижение какого-либо места в коллективных отношениях [5,7]. Например, при взаимодействии сотрудника с коллегами, руководством или родственниками будет проявляться специфика реагирования, обусловленная характером диадических отношений, но фундаментальным фактором во всех этих видах взаимоотношений будет выступать такая его личностная особенность, как стиль поведения в конфликтной ситуации.

Во всём многообразии существующих концепций конфликта в юридической и военной психологии среди причин их возникновения выделяют любые противоречия: новаторство и консерватизм; групповые интересы, т.е. отстаивание интересов своей группы, а в некоторых из них формально – властное, неуважительное, безразличное общение командира с подчиненными, которые обостряют отношения и доводят до конфликта [5,10]. Приверженцы другого подхода понимают конфликт, как наиболее деструктивный способ развития и завершения противоречий, в ходе социального взаимодействия и видят возможность налаживания их, которое ведет к концепции урегулирования [1,2].

В настоящее время понимание конфликта в психологических исследованиях, основывается на более широкой и глубокой интерпретации этого феномена:

- конфликты сами по себе могут нести не только негативные последствия, они могут иметь деструктивный и конструктивный характер, всё зависит от выполняемой ими функции и их нормы; конфликтное противоречие - основа саморазвития индивида и социальных систем [1, 3, 4].

Для выявления типов взаимоотношений в сложных условиях и определения способов реагирования человека в конфликтных ситуациях применительно личностный опросник, разработанный К.Томасом, позднее адаптированный Н.В.Гришиной. Методика используется для изучения адаптационных и коммуникативных особенностей личности в межличностном взаимодействии. Также при помощи этой методики можно выяснить насколько человек склонен к соперничеству или сотрудничеству в коллективе сотрудников, стремится ли он к компромиссам, избегает ли конфликты или, наоборот, старается обострить их. При изучении конфликтных ситуаций К.Томас акцентирует внимание на изменение традиционного отношения к конфликтам [3].

В последнее время с увеличением числа исследований, указывающих на позитивные функции конфликтов, по мысли автора управление конфликтами более подходящий вариант, чем элиминирование ими [3,4].

Широко известны и стратегии поведения в конфликте и их реализация в тактиках взаимодействия предложенная К.Томасом. Стратегии поведения, избираемые участниками конфликта, имеют решающее значение для его последующего развития, а зачастую и для конечного результата. К.Томас выделил следующие способы регулирования конфликтов:

1. Соперничество, как стремление добиться удовлетворения своих интересов в ущерб другому;
2. Приспособление, означающее в противоположность соперничеству принесение в жертву собственных интересов ради другого;
3. Избегание, для которого характерны как отсутствие стремления к кооперации, так и отсутствие тенденции к достижению собственных целей;
4. Сотрудничество, когда участники ситуации приходят альтернативе, полностью удовлетворяющей интересы обеих сторон.
5. Компромисс, когда действия участников направлены на поиски решения за счёт взаимных уступок, на выработку промежуточного решения, устраивающего обе стороны, при котором особенно никто не выигрывает, но и не теряет [3].

Принципиальная возможность сотрудничества в рамках конфликтного взаимодействия допускается и другими авторами. Так, Л.А. Петровская указывает: «Конфликтная компетентность сегодня – это, прежде всего, освоение позиции партнёрства, сотрудничества на фоне владения, конечно, и другими поведенческими стратегиями тоже» [9].

Согласно, исследованиям конфликторазрешающих факторов, было отмечено, что прогнозирование и профилактика являются важными способами управления ими. Предупредить конфликты гораздо легче, чем их разрешение. Профилактика конфликтов требует меньше затрат сил, средств и времени и может предупредить самые минимальные деструктивные последствия [4].

Известно, что любая профессия предъявляет к личности профессионала соответствующие требования, которые могут у человека не вполне соответствовать уровню этих требований. Так как каждая деятельность предполагает общение с разными людьми, сотрудники должны иметь навыки построения конструктивного диалога, уметь подбирать такой способ реагирования на конфликтные ситуации, который наибольшей степени соответствует сложившейся ситуации. При конфликтной ситуации человек не всегда может правильно оценить ситуацию, и выбрать определенный стиль поведения, поэтому целесообразно было бы учитывать знания психологии людей.

В психолого-педагогической практике к эффективным способам технологий относят социально-психологические тренинги развития личности (интеллектуальный тренинг, тренинги рефлексии и уверенности в себе, тренинги креативности и др.), которые широко применяются в системе профессионального и последипломного образования. Таким образом, важность социально-психологического тренинга состоит в том, что эта психолого-педагогическая технология помогает самораскрытию скрытых возможностей и потенциала человека. В ходе тренинговых занятий, профессионально-значимые личностные качества могут развиться.

В настоящее время социально-психологический тренинг является одним из развивающихся видов психологической работы и относится к ряду методов активного группового обучения.

Традиционно, социально-психологический тренинг рассматривается как ситуация, в которой участники в первую очередь получают необходимые знания о тех профессионально-значимых личностных характеристиках, которые предопределяют профессиональную успешность человека. Далее, на тренинге предоставляются условия для формирования профессионально значимого умения, а затем и навыка. Эти три основных компонента: знание, умение и навык – есть общепризнанный путь формирования и развития профессионально значимых личностных характеристик, обеспечивающих эффективность профессиональной деятельности.

Также социально-психологический тренинг может рассматриваться как эффективный способ формирования коммуникативных умений и навыков, в том числе и управление конфликтными ситуациями. Возможности социально-психологического тренинга включают и способствуют снятию нервно-психического напряжения. Социально-психологический тренинг предполагает овладение эффективной техникой

общения, навыками глубокого понимания себя, партнёра по общению, которыми может выступать группа, способствует к умению быстро и адекватно ориентироваться в различных коммуникативных ситуациях. Такая социально-психологическая компетентентность личности делает её подготовленной, более защищённой в практике межличностного общениях.

Специфика тренинга по сравнению с другими методами обучения, состоит в том, что они направлены «не только на решение ныне существующих проблем участников, но и на профилактику их возникновения в будущем, в частности, за счёт предоставляемой им возможности «научиться решать проблемы».

В этом ракурсе, социально-психологический тренинг выступает в своеобразной форме обучения знаниям и умениям в сфере взаимодействия людей, а также их развитию и при необходимости соответствующей коррекции.

**Литература**


1. Анцупов А.Я., Шипилов А.И. Конфликтология. -М.: 1999
2. Анцупов А.Я. Изучение проблемы конфликта. // Материалы третьей научной конференции по советской военной психологии. -М.: ВПА, 1991. -С. 92-96.
3. Большая энциклопедия психологических тестов. -М.: «Эксмо», 2007, -С. 416.
4. Вачков И. В. Психология тренинговой работы.- М.: 2007.
5. Гришина Н.В. Психология конфликта. СПб. –Питер: 2009, -С. 544.
6. Канатаев Ю.А. Конфликтные явления в воинских коллективах. –Москва: 1989, -С.52.
7. Караяни А.Г., Перевалов В.Ф., Сыромятников И.В. Психология и педагогика профессиональной деятельности офицера. –М.: Воениздат, 2006, -С.488.
8. Смирнов В.Н. Психология управления персоналом в экстремальных условиях: учеб. пособие для студ. высш. учеб. Заведений. / В.Н.Смирнов. – М.: Издательский центр « Академия», 2007, -С. 256.
9. Суннатова Р.И. Психологическая диагностика детского развития (руководство пользователя и карточный инструментарий). Под. ред. Р.И.Суннатовой. –Москва - Ташкент.- ИТД «СМИ - АЗИЯ» - Издательство журнала «San'at», 2008.
10. Подоляк. Я. В. Личность и коллектив: Воениздат, 1989, -С. 350.



**РЕЗЮМЕ**

Мазкур мақолада «конфликт» тушунчасининг моҳияти ва психологнинг конфликт билан олиб борадиган асосий ишлари очиб берилган. Автор, шу психологик қаторда ижтимоий-психологик тренингни ажратиб кўрсатади. Шунинг билан, шахснинг низоли вазиятларда жавоб бериш типларига: «ҳамкорлик», «муроса», «рақобат», «қочиш», «мослашиш» масалаларига тўхталинган.

**РЕЗЮМЕ**

В статье раскрывается содержание понятия «конфликт», а также основной работы психолога с конфликтами. Среди психологических форм работ с конфликтами автор выделяет социально-психологический тренинг (СПТ). Также автором сделан акцент на стратегии поведения личности, разработанный К.Томасом: соперничество, сотрудничество, компромисс, избегание, приспособление.

**SUMMARY**

The article reveals the content of the concept «conflict» and basic work of a psychologist with conflicts. Among the psychological forms of work with conflicts, the author distinguishes socio- psychological training (SPT). The author also focuses on personality's behavior strategy developed by K. Thomas: rivalry, cooperation, compromise, avoidance, adaptation.


# MAKTABGACHA VA BOSHLANG'ICH TA'LIMINING UZVIYLIGINI PSIXOLOGIK-PEDAGOGIK QO'LLAB-QUVVATLASH


**K.Tleumbetova** - *psixologiya fanlari nomzodi, dotsent*

**X.Shamuratova** - *magistrant*

*Ajiniyoz nomidagi Nukus davlat pedagogika instituti*



**Tayanch so'zlar:** maktabgacha ta'lim, boshlang'ich ta'lim, rivojlanishning psixologik tomoni, ko'nikma, malaka, uzviylik, psixologik-pedagogik qo'llab-quvvatlash.

**Ключевые слова**: дошкольное образование, начальное образование, психологические аспекты развития, навыки, компетентность, преемственность, психологическая и педагогическая поддержка.

**Key words:** preschool education, primary education, psychological aspects of development, acquirement, competence, continuity, psychological and pedagogical support.


Maktabgacha ta'lim-bola shaxsini maktabgacha yoshdagi bolalarning ta'lim–tarbiyasiga qo'yıladigan davlat talablariga muvofiq sog'lom va komil, maktabda ta'lim olishga tayyorlash – asosiy maqsadi hisoblanadi. Bolani bolalar jamoasiga olib kirish - bu tarbiyachi-pedagogning vazifasi hisoblanadi [1]. Bu jarayon bosqichma-bosqish amalga oshiriladi: bunda bolani bog'chaning kunlik rejimiga yaqinlastirish, uni bog'cha hayotidagi rejimga faol qatnastirish, chiniqtiruvchi usullardan keng foydalanish, bola organizmining faolligini rivojlantirish uchun zarur harakat faoliyatini oshirish bilan amalga oshiriladi.

Maktabgacha ta'lim uzluksizligini samarali amalga oshirish muammosi zamonaviy psixologik-pedagogik fan va amaliyotning diqqat markazida bo'lib kelgan va shunday bo'lib qolmoqda. Bugungi kunning vazifasi davlat darajasida maktabgacha ta'lim muassasalari va boshlang'ich maktablar o'rtasidagi uzviylikni o'rnatishdir. Zamonaviy olimlar va amaliyotchilar maktabgacha tarbiya muassasalari va maktablarning pedagogik jarayoni mazmuni, usullari va tashkil etish shakllariga e'tibor berishadi. Natijada, boshlang'ich maktabda bolalarning maktabgacha ta'lim muassasalarida olgan ko'nikmalari to'liq amalga oshirilmaydi, bu o'quvchilarning bilimga bo'lgan qiziqishini pasayishiga olib keladi va maktab sharoitlariga moslashishni qiyinlashtiradi. O'qitish usullari o'rtasidagi uzviylikni amalga oshirishda ko'plab muammolar mavjud: boshlang'ich maktabda o'qitish usullari muammosi keng qo'llaniladi, bolalar bog'chasida esa, vizualizatsiya va o'yin usullarining turli shakllariga afzallik beriladi.

Bugungi kunda, maktabgacha ta'limning amaldagi qonunchilik bazasini belgilovchi me'yoriy hujjatlarning asosiy qoidalarini amalda bajarish masalalari: "Maktabgacha ta'lim to'g'risida"gi qonun, "Maktabgacha yoshdagi bolalarni rivojlantirishga qo'yiladigan davlat talablari" va "Ilk qadam" o'quv dasturi bo'lib hisoblanadi. Maktabgacha ta'lim uzluksizligi, maqbul vositalar, shakllar, usullarning samarali tatbiqini topish muammolari psixologik va pedagogik nazariya va amaliyotning diqqat markazida qolmoqda. Afsuski, zamonaviy psixologik-pedagogik adabiyotlarda birinchi bosqich - bolalar bog'chasidan boshlab uzluksiz ta'lim tizimida bolalarning rivojlanishidagi uzluksizlikni psixologik qo'llab-quvvatlash mexanizmlarini ochib beradigan nashrlar juda kam.

Zamonaviy tadqiqotlar tahlili natijalari psixologik yordamning nafaqat maktabgacha yoshdagi bolalarni maktabga talim olishga tayyorlashga va ularning noto'g'ri tushuchalarining oldini olishga, balki ta'limni modellashtirishga ta'sirini o'rganish dolzarbligi ekanligini ko'rsatadi. Maqolaning maqsadi: maktabgacha ta'limning psixologik va pedagogik rahbarlik usullarida, bolalar

bog'chasida guruhlarni tashkil etish shakllari o'rtasidagi uzviylikning tashkiliy va uslubiy asoslarini ko'rib chiqish; "maktabga tayyorgarlik" bosqichida bolalarning rivojlanishiga psixologik yordamning asosiy yo'nalishlari va shakllarini aniqlash lozim. O'zaro bog'liq ta'lim aloqalari ishida uzluksizlik zarurati olimlar va tadqiqotchilar faoliyatida asoslanadi. Maktabgacha ta'limning uzviy bog'liqligini ta'minlaydigan asos - bu psixologik va didaktik tamoyillardir. Bu munosabatlar bolaning psixofiziologik rivojlanishi, uning shaxs sifatida shakllanishi bilan bog'liq bo'lib, ta'lim va tarbiya mazmuni, shakllari va usullarida izchillikni talab qiladi. Ta'lim va rivojlanishning uzluksizligi, ketma-ketligi ikkita ketma-ket ta'lim tizimining o'zaro bog'liqligi va o'zaro yo'nalishini ta’minlaydi. Uzluksizlik bolalar bog'chalari va maktablarining pedagogik jarayonida birlashtirilgan, dinamik va istiqbolli ta'lim va tarbiya tizimini joriy etish uchun sharoit yaratadi, katta maktabgacha yoshdagi va boshlang'ich maktab yoshidagi bolalarni tarbiyalash va tarbiyalash shartlarining yaqinlashishiga yordam beradi. Shu munosabat bilan, maktab ta'limining yangi sharoitlariga o'tish bolalar uchun eng kam psixologik qiyinchiliklar bilan amalga oshiriladi. O'qitish va ta'limda uzluksizlikni ta'minlashning asosiy sharti - bolalar bog'chasining pedagogik jarayonini bolaning shaxsiyatini har tomonlama rivojlantirishga yo'naltirishdir. Shuni hisobga olgan holda, bu bolalar bog'chasi va boshlang'ich maktab dasturlari, usullari va ta'lim shakllari o'rtasidagi zaruriy bog'liqlikdir. Biroq, bolalar bog'chasida o'quv jarayonining tuzilishi o'ziga xos xususiyatlarga ega. Shuning uchun darsni sun'iy ravishda maktabgacha ta'lim muassasasiga o'tkazish yoki maktabda darslarni o'tkazish uchun o'yin uslublari natija bermaydi. Shu bilan birga, maktabgacha ta'lim muassasalarida olib boriladigan mashg’ulotlarida o'quv jarayonida o'quv faoliyati elementlari shakllanadi, bu esa mashg'ulotlarning muvaffaqiyatini ta'minlaydi. Maktab ta'limi bolalar bog'chasida olingan bilim va ko'nikmalarni o'zaro bog'lash, kengaytirish, chuqurlashtirish va takomillashtirishni ta'minlashi kerak. Pedagogik lug'atda o'qitishning uzluksizligi "o'quv materiallarini tashkil etishning ketma-ketligi va izchilligi, o'quv ishlarining bosqichlari va ular o'rtasidagi o'zaro bog'liqlik va ketma-ketlik" deb ta'riflanadi. Ushbu jarayon materiallarni yangi shaklda, yuqori darajada tushunish bilan tavsiflanadi - olingan bilimlarni yangi ochiq aloqalar bilan mustahkamlash, buning natijasida bilim va ko'nikmalar ongli, tabaqalashtirilgan va umumlashtirilgan bo'lib, ularning qamrovi doimiy ravishda kengayib boradi. Maktabgacha ta'limning uzluksizligini talqin qilishning tavsiflangan yondashuvlarini xulosa qilganda shuni ta'kidlash kerakki, bolaning maktabga tayyorligi ushbu jarayonning asosiy toifasi hisoblanadi. Shu munosabat bilan biz bolalarni maktabga tayyorlanishiga bir nechta yondashuvlarni aniqlaymiz.

O'qishga tayyorlikni aniqlashning turli yondashuvlarini tahlil qilish natijalariga ko'ra ushbu muammoga aloqador to'rtta asosiy yondashuvni ajratish mumkin:

1. Didaktik yondashuv - maktabgacha yoshdagi bolalarda maktabda o'qish uchun zarur bo'lgan ma'lum ko'nikmalarni shakllantirish; Ushbu yondashuv psixologiya va pedagogikada maktabda erta yoshdan o'rganish imkoniyati to'g'risidagi savollarni hal qilishda juda yaxshi rivojlanadi.

2. Ijtimoiy-psixologik - bolaga maktabga qo'yiladigan talablarni aniqlash, uning maktabgacha yoshgacha bo'lgan davrda kuzatiladigan ruhiyatidagi o'zgarishlarni o'rganish; maktabga kelgan bolada kognitiv qiziqishlarning rivojlanishi, ijtimoiy etukligi ma'lum darajada ajralib turishi kerak.

3. Intellektual-psixologik - bilim qobiliyatlari, bolalarning aqliy faolligi, ob'ekt va hodisalarning mohiyatini tushunish uchun ramziy vositalar bilan ishlash qobiliyatlarini rivojlantirish asoslari.

4. Integratsiyalashgan - maktabda va ta'lim faoliyatida uning rivojlanishi va manbai nuqtai nazaridan o'qishga tayyorlik - bu ta'lim faoliyatining barcha tarkibiy qismlarini o'ziga xosligi va munosabatlarida belgilab beradigan yagona, yaxlit psixologik ta'lim.

Psixologik va pedagogik tadqiqotlarni xulosa qilganda shuni ta'kidlash kerakki, maktabga tayyorlanish, birinchi navbatda, ko’nikma va malakalarning paydo bo'lishi. Ayniqsa, bolaning axloqiy va ixtiyoriy rivojlanishi, fikrlash, aqliy jarayonlarning mustaqilligi, ijodiy xayol, kognitiv faoliyat, ramziy vositalar yordamida tushunish va ishlash ta'lim faoliyati elementlari bilan o'rganish istagini shakllantiradi. Bu maktabgacha yoshdagi bolalar hayotning yangi bosqichiga moslashishini aniqlaydigan va ta'minlaydigan o'ziga xos faoliyat turlarining rivojlanishidir.

Bolani maktabda o'qishga va uning rivojlanishiga to'liq tayyorlash uchun tarbiyachi-pedagoglar, shuningdek ota-onalar katta maktabgacha yoshdagi bolalarning psixologik va pedagogik xususiyatlarini bilishlari kerak [1]. Bolalar bog'chalari jamoalari bir-biri bilan yaqin aloqada va bolalarning ota-onalari bilan birgalikda ishlaydigan joylarda, o'qitish usullari va ikkita ta'lim bo'limining birgalikdagi ishlashi ta'minlanadi. Bolalar bog'chasining o'zaro ta'siri muammolari, uning shakllari va usullari zamonaviy sharoitda yanada dolzarb bo'lib qolmoqda.

Ta'lim tizimida tub o'zgarishlar yuz bermoqda: asoratlar, maktab ta'limi mazmunini yangilash, uning muqobil shakllarini qabul qilish, o'quv dasturlarini farqlash, innovatsion texnologiyalarni takomillashtirish va tasdiqlash, chet el tajribalarini o’rganish va h. Ota-onalarning bolani eng obro'li muassasalarda va ta'lim muassasalarida ilg'or dasturlar va texnologiyalar bo'yicha, bolaning xohishini, uning psixologik va fiziologik xususiyatlarini inobatga olmagan holda o'qitish istagida bo’ladi. Boshlang'ich sinf o'qituvchilari va maktabgacha ta’lim muassasalari tarbiyachilarning ta'lim texnologiyalarini o'zgaruvchanligiga, ularni to'g'ri o'zlashtirishga psixologik va pedagogik tayyorgarligi hisobga olinmaydi. Uzluksizlikning psixologik tomoni maktabgacha va boshlang'ich maktab yoshidagi bolaning rivojlanish bosqichlari o'rtasida ajralmas aloqalarni o'rnatishni o'z ichiga oladi; bolaning bilim darajasi, ko'nikmalari, rivojlanish xususiyatlarini va xulq-atvor qoidalarini o'zlashtirib, bolaning rivojlanishining maqbul darajasini ta'minlash uchun psixologik-pedagogik sharoitlarga qo'yiladigan talablarni aniqlash lozim.

Avvalo, qo'llab-quvvatlash bolalarning yoshiga va individual xususiyatlariga asoslanishi kerak. Shunday qilib, psixologik qo'llab-quvvatlash bolalar bog'chasidagi bolalarning maktabga umumiy va maxsus tayyorgarligini ta'minlaydi. O'quv jarayonini o'quvchilarning aqliy rivojlanish darajasi va ularning imkoniyatlarini hisobga olgan holda, shuningdek sog'liqni saqlash me’yorlarini joriy etishda yordam beradi. Maktab o'quvchilarining aqliy va jismoniy sog'lig'ini kuzatish oldindan o'rnatilgan munosabatlarning uzluksizligini ta'minlash uchun zaruriy qismdir. Aslida, bu psixologik yordamning axborot funktsiyasidir. Nazariy o'rganish natijalariga ko'ra, maktabgacha va boshlang'ich ta'lim o'rtasidagi uzluksizlikni ta'minlash muammosi nazariy va amaliy ahamiyatga ega deb ta'kidlash mumkin. Bugungi kunda ta'lim ustuvorliklari nuqtai nazaridan eng muhim vazifa maktabgacha yoshdagi va boshlang'ich maktab o'quvchisi uchun aqliy va intellektual rivojlanishining yagona yo'nalishini ta'minlashdir. Shunday qilib, maktabgacha va boshlang'ich maktab yoshidagi bolalarni tarbiyalashda uzluksizlik tamoyilini amalga oshirish bilan bog'liq bo'lgan barcha masalalarni yanada chuqurroq o'rganishning ob'ektiv zarurligini ko'rsatishi mumkin.

**Adabiyotlar**

1. Sadikova Sh. Maktabgacha pedagogika. T.: 2018.

**REZYUME**

Ushbu maqola uzluksiz ta'lim tizimida maktabgacha va boshlang'ich ta'lim uzluksizligini psixologik qo'llab-quvvatlash muammosiga bag'ishlangan. Ta'lim texnologiyalari, psixologik-pedagogik faoliyatning mazmuni va usullari bo'yicha izchillikka erishish zarurligi masalasi. Maktabgacha ta'limning metodik yo'nalishlarining alohida ahamiyati, ular nafaqat uzluksizlikni amalga oshirish tamoyillarini hisobga oladi, balki shaxsni maktabgacha ta'lim bosqichida uzluksizligini ta'minlashning tegishli jihatlarini yanada rivojlantirishni ta'minlaydi.

**РЕЗЮМЕ**

В статье рассматривается проблема психологического обеспечения преемственности дошкольного и начального образования в непрерывной системе образования. Говорится необходимости достижения согласованности в содержании и методах образовательных технологий, психологической и педагогической деятельности. Важность методологии дошкольного образования заключается в том, что в них учитываются не только принципы преемственности, но и разработка соответствующих аспектов обеспечения преемственности в дошкольном образовании.

**SUMMARY**

The article discusses the problem of psychological support for the continuity of preschool and primary education in the continuons education system. The author states about the need to achieve consistency in the content and methods of educational technologies, psychological and educational activities. The importance of the methodology of preschool education lies in the fact that they take into account not only the principles of continuity, but also the development of relevant aspects of ensuring continuity in preschool education.

# ТАЛАБАЛАР ҚИЗИҚИШЛАРИНИ ФАОЛЛАШТИРИШ ЖАРАЁНИНИНГ ПСИХОЛОГИК ЖИҲАТЛАРИ

**С.Т.Юлдашева –** *педагогика фанлари номзоди*

*Самарқанд давлат чет тиллар институти*

**Таянч сўзлар:** дунёқараш, бадиий қадрият, умуминсоний қадрият, маънавий эхтиёж, темперамент.
**Ключевые слова:** мировоззрение, художественная ценность, универсальная ценность, духовная потребность, темперамент.
**Key words:** worldview, artistic value, universal value, spiritual need, temperament.

Муаммони ҳал этиш мақсадида педагогик жараёнда психологик жиҳатларни кўриб чиқиш шундан далолат берадики, психологик талқин қилиш талабаларнинг психологик характеристикаси – ушбу тадқиқотда муҳим ҳисобланган ёши, шу жумладан индивидуал-типологик хусусиятларини ажратиб кўрсатиш муҳимдир.

Замонавий психология фанида шахсни талқин қилиш қуйидагилардан иборат: «Индивиднинг тизимли сифатлари шаклланадиган, шахсни ўзгариши ва ташкил топиши содир бўладиган ижтимоий муносабатлар ва онгли фаолият жараёни субъекти».

Тадқиқот доирасидаги таҳлиллар натижасида шахснинг фаоллиги – аҳамияти, иш бажаришга қобилияти, маънавий соҳада, ижодиётда, муносабатларда экани аниқланди.

Унинг интеграл характеристикаси: фаол ҳаётий позицияси нуқтаи назари, принципиаллиги, изчиллиги (қарашлари, сўзи, иши). Фаол шахс деганда аниқ мақсадли, мотивацияли, мақсадга йўналган қизиқишлари, ишончи, эҳтиёжлари ва шу кабилар асосидаги онги, хулқи, муносабати мажмуаси тушунилади.

Олим Ш.Э. Қурбонов фикрича, «шахс – субъектнинг индивидуаллигини кўрсатувчи, унинг сифатлари ва мотивлари, интилишлари, қизиқишлари, кўрсатмалари, эҳтиёжи, диди, идеали, характери, темпераменти, қобилиятлари ва шу кабиларнинг – уларнинг ижтимоий алоқаларда иштироки ҳисобланади»[2:51].

Талабаларнинг бадиий қадриятларга қизиқишларини эстетик эҳтиёж даражасигача фаоллаштириш учун талабалар шахсида қуйидаги сифатлар ва хусусиятларни ажратиш мумкин: қизиқишлари, маънавий эҳтиёжлари, билимга чанқоқлиги, интеллектуаллик даражаси, ижтимоий, ҳаётий ва бошқа вазиятлардаги масалаларни ҳал этишга қобилияти, ўзининг истиқболларини «кўра билиши», шаклланган дунёқараши, ижтимоий етуклиги ва фаоллиги, қадриятли – йўналганлик фаолияти, мезонлар, меъёрлар ва баҳолар тизимига интилиши, ўзига баҳо беришга қодирлиги.

Талабаларда бадиий ҳодисаларга қизиқишни фаоллаштириш, уларнинг эстетик эҳтиёжини шакллантириш, индивидуал-типологик хусусиятларини ўрганиш орқали амалга оширилади .

Маълумки, мотив талабалар шахсини йўналганлигига сабаб бўлади. Талабаларни бадиий қадриятларга қизиқишини, кейинчалик эстетик эҳтиёжига йўналтирувчи ва фаоллаштирувчи мотив кўзда тутилади.

Мотив – эҳтиёжни қониқтириш учун ҳаракатга сабаб бўлувчи англаб етилган рағбатдир.

Мотив – истак, тилак сифатида, эҳтиёжга айланувчи, англаб етилган қизиқиш. Ташқи омиллар – уқтириш, ишонтириш, қўзғатиш, маънавий-психологик кўрсатмалари – эмоционал-ижобий кўринишдаги, келажакда эҳтиёж билан боғлиқ фаолияти кўрсатмалари асосида юзага келади. Мотив шахснинг ривожланиши истиқболи билан боғлиқ талабаларнинг истаклари, қизиқишлари ва эҳтиёжларига таянишни талаб этади.

Мотивация – организмнинг фаоллигини келтириб чиқарувчи ва унинг йўналганлигини белгиловчи қўзғатишдир.

Мотивация – шахснинг ривожланиши рағбати. Унинг янада ривожланиш омили. Ўзини ривожлантириш ички қўзғатувчиси. Шахснинг кўплаб муҳим сифатлари кўрсаткичи.

Юқорида таъкидланганидек, мотив ва мотивация ҳақида тадқиқот учун муҳим бўлган қуйидаги қоидаларни кўрсатиш мумкин:

мотив ташқи талаблар ва шахсий истаклар, таклифлар, қизиқишлар ва эҳтиёжлар таъсири остида юзага келади;

мотивлар мотивация томонидан қўллаб-қувватланишга муҳтож бўлади;

мотивация талаба шахси тузилишига киради, ривожланиш ва бойитиш узоқ йўлини босиб ўтади;

ташқи талаблар актуал эҳтиёжига таянса (ҳамда янгиларни келтириб чиқарувчиларга) ижобий мотивациянинг шаклланиши тезроқ содир бўлади;

талабалар шахси қизиқишлари ва эҳтиёжлари, асосий интилишлари ва афзалликлари бирлиги уларнинг бадиий дунёдаги идрок этиш фаолиятларини ифода этади;

бадиий қадриятларда мустаҳкам идрок этиш йўналиши юксак эмоциясига хосдир. Эҳтиёжларнинг қондирилиши эмоционал-ижобий кайфиятга хослиги билан белгиланади. Мотивация жараёнида талабалар фаоллик ҳолатига келадиган, фаоллик манбаи сифатида эҳтиёжли қизиқиши намоён бўлади, ҳамма ҳаракатлари, хулқи, қизиқиши, эҳтиёжини фаол қониқтиришга йўналтирилади. Эмоциялари, ҳаяжонлари (интилиши, истаклари ва бошқалар) бу жараёнда муҳим роль ўйнайди; улар (эмоциялар) хулқини гўёки бошқаради ва шу билан бирга аввал

қизиқишини, кейин эса эҳтиёжини ифода этиш субъектив шакли ҳисобланади.

Шундай қилиб, уларни қондириш бўйича эмоциялар, фаолият, қизиқишлари, қатор эҳтиёжларнинг барқарорлигига сабаб бўлувчи мустаҳкам сезгиларга (истак, интилиш, қизиқиш кабиларга) эришиш муҳимдир.

Шу билан бир қаторда, шахсдаги ўзгаришлар учун умумий эмоционал шароит яратиб, уни истиқболли "кўра билиш" туйғуси билан қўзғатиб, талабаларнинг ижобий кайфиятини эътиборга олиш муҳимдир [1:6]. Бунда қуйидагиларни инобатга олиш зарур: бўлажак фаолиятга эмоционал – ижобий муносабатни аниқлаб олишга ёрдам бериш – ижобий баҳолаш (бўлажак қувончи, юксалиш ҳолати, эмоционал таъсирланиш, кутиладиган қониққанликни, эмоционал ҳаяжонланиш ва тассуротини фаоллаштириш билан; санъат асарлари билан танишиш натижасида эмоционал маданиятини истиқболли бойитиб, уларни идрок этишда юзага келадиган хурсандчиликни, тасвирий санъат дурдоналари ҳақида мулоҳаза юритиш, фикр билдириш, муҳокама қилишда талаба билан юзага келадиган таъсирланиши); бўлажак фаолиятининг алоҳида аҳамиятга эга эканлигини талабаларга уктириш (умумий, эстетик, бадиий маданиятнинг қадриятли йўналишларининг эстетик бой, дунёқарашини улар учун муҳимлигини).

Талабаларнинг бадиий қадриятларга қизиқишларини фаоллаштириш – ёшларнинг шахсини шакллантириш ва ривожлантиришда марказий вазифалардан бири ҳисобланади. Талаба ёшларнинг бадиий қизиқишлари турли-туман бўлиши, эстетик бой дунёқарашлари шаклланишига асос бўлувчи уларнинг доимий-барқарор эстетик эҳтиёжлари сифатида белгиланади. Мана шу асосда жаҳон ва миллий бадиий қадриятларнинг аҳамияти ўта солмоқлидир. Ички тайёрлик асосида – эмоционал даражада ушбу қизиқишни шакллантириш талабаларга кенг доирадаги идрок этиш-бадиий қизиқишларини тақдим этиш; эстетик бой дунёқараш истиқболини очиб бериш (жаҳон ва миллий буюк бадиий қадриятлари материалларида эстетик эҳтиёжларини қониқтириш жараёнида шакллантирувчи) талабаларга ўзларининг маънавий-эстетик қиёфаларини кўра билиш имкониятларини беради[3:332].

Тасвирий санъатда бадиий қадриятларга талабаларнинг фаол қизиқишлари мезонларни ишлаб чиқиш зарурлигини инобатга олиб, тасвирий санъат бадиий қадриятларига талабалар қизиқишларини шакллантириш қуйидаги тартибда эканлиги аниқланди:

I. Бадиий қадриятлар ҳақидаги, хусусан тасвирий санъат ҳақидаги тасаввурлари (мавжуд: 1) етарлича асосли, 2) унчалик аниқ эмас; 3) тасаввури яққол эмас, 4) тасаввури йўқ)

II. Тасвирий санъатга идрок этиш қизиқиши (бор: 1) фаол, 2) етарлича фаол эмас; 3) баъзан пайдо бўлувчи).

III. Тасвирий санъатга – билимларни аниқ – идрок этиш қизиқиши:

1. Тарихий.
2. Назарий.
3. Рассомлар ҳаёти ва ижодига бўлган қизиқиш даражаси
4. Санъат асарлари ҳақида а) рассомлик, б) графика, в) ҳайкалтарошлик, г) архитектура;
5. Тасвирий ижодкорлик асарларини идрок этиш – таҳлил қилиш бўйича; рассомлар асарларини бадиий-эстетик таҳлил қилиш, улардаги ғоявий мазмун моҳиятини англаш;
6. Бадиий билимлар доирасини кенгайтириш орқали умумий маданият даражасини ўстириш.

IV. Тасвирий санъатга қизиқиши қандай?

1. Мақсадга йўналтирилган ва идрок этиш фаолиятига йўналтирилган
2. Фаол ва барқарор.
3. Кенг ва чуқур
4. Доимий ва давомли

V. Тасвирий санъатга қизиқиши – эҳтиёжга айла нувчи лаёқат сифатида.

Демак, талабаларнинг дастлабки даражасига асосан эстетик эҳтиёжлари қуйидагиларда намоён бўлди:

– Эстетик эҳтиёж ҳақида тасаввури бўш, лекин бундай талабнинг намоён бўлиши бор (лекин етарлича англаб етилган эмас);

Идрок этиш ва ҳатто мустақил билим олиш фаолиятига интилиш, ушбу эҳтиёжни қондириш истаги (ҳозирги пайтда бу асосан мақсадга йўналмаган ҳолда ва вақт-вақти билан содир бўлмоқда);

-Талабаларнинг ҳаётда, муносабатларда, ўзини такомиллаштиришда эстетик билимлари ва таассуротларидан фойдаланиш бўйича кўрсаткичлар ҳам паст.

Талабаларнинг эстетик эҳтиёжларини ўрганиб чиқиб, ушбу эҳтиёж намоён этилса ҳам, англаб етилган мотивацион асосга эга эмаслигини, барқарор қизиқишда қурилмаслигини кўрсатди; талабалар бадиий қадриятлар дунёсида билимларини тўла қондиришга тайёр эмаслар; ушбу эҳтиёжнинг шахсий аҳамиятлилигига ишонч ҳосил қилмаганлар; санъат дунёсига идрок этиш қизиқишлари кўриниб турибди, лекин етарлича фаол эмас; ҳар томонлама идрок этиш фаолияти ёрдамида уни қониқтиришга ишончли интилиш йўқ; талабалар эстетик эҳтиёжининг, ўз шахси, ўз онгини, дунёқарашини, ижтимоий ҳаёти учун уни қондирилиши аҳамиятини аниқ тасаввур этмайдилар. Улар керакли мотивацияга, эстетик эҳтиёжни шакллантириш жараёнини педагогик ташкил этишга, раҳбарлик қилиш ва назорат қилинишига муҳтожлар, бу ишни "Эстетика асослари" курсини ўрганишда жаҳон ва миллий бадиий қадриятларни янада чуқурроқ ўрганишда аудиториядан ташқари ишлар жараёнида илмий педагогик асосларда амалга ошириш мумкин бўлади.

**Адабиётлар**


1. Маҳмудов М. Комил инсон шахси ва ижтимоий тажриба. // Педагогик маҳорат. 2002, 4-сон, 6-б.
2. Курбанов Ш.Э. Социально-педагогические особенности Национальной модели и Программы по подготовке кадров: Автореф. дисс. … докт.пед.наук. – Т.: 2000. –С. 51.
3. Ибрагимов Х.И, Зарипов Т.З. Узлуксиз таълим: бошқариш, ички назорат назарий асослари, шакл, методлари ва технологияси. Т.: 2005, Ўзбекистон фанлар академияси «Фан» нашриёти, 332-б.



**РЕЗЮМЕ**

Ушбу мақолада талабаларнинг қизиқишларини фаоллаштириш жараёнининг психологик жиҳатлари ҳақида сўз боради. Талабаларнинг ҳаётда, муносабатларда, ўзини такомиллаштиришда эстетик билимлари ва таассуротларидан фойдаланиш бўйича кўрсаткичлар ҳақида маълумотлар таҳлил қилинган.

**РЕЗЮМЕ**

В статье рассматриваются психологические аспекты процесса активизации студенческого интереса. Проанализированы данные о показателях использования студентами своих эстетических знаний и впечатлений в жизни, отношениях, самосовершенствовании.

**SUMMARY**

The article discusses the psychological aspects of the process of activating student's interest. Data on indicators of students' use of their aesthetic knowledge and impressions in life, relationships, self-improvement were analyzed.

# USTAZLAR SHEJIRESI

## ИЛИМ ШЫҢЫНА ЖЕТКЕН ПЕДАГОГ АЛЫМ

**Д.М.Курбанбаева -** *ассистент оқытыўшы*
*Әжинияз атындағы Нөкис мәмлекетлик педагогикалық институты*

**Таянч сўзлар:** рус тили, билим, мактаб, морфология, дарслик, педагогика, ўқитиш методикаси.
**Ключевые слова:** русский язык, знание, школа, морфология, учебник, педагогика, методика обучения.
**Key words:** Russian language, knowledge, school,morphological, textbook, Pedagogy, methods of teaching.

Қарақалпақстан Республикасына мийнети сиңген илим ғайраткери, көрнекли илимпаз, педагогика илимлериниң докторы, профессор Нағмет Урумбаев пүткил өмир бойы даўамында илим изертлеў жумысларын өзиниң педагогикалық, жәмийетлик жумыслары менен қатар алып барды. Илимпаздың республикамыздың илимий ислери тараўындағы хызметлериниң ишинде, биринши гезекте, оның қарақалпақ мектеплеринде рус тили сабақлығы мәселелерин хәр тәреплеме изертлеўге қосқан үлеслери айрықша көзге түседи. Қайсы илим пидайысының өмир жолына нәзер тасласақ та, келешек әўлад ушын ислеген мийнетлерин мақтаныш тутасаң.

Нағмет Асқарович Урумбаев 1921-жылы Шымбай районында, ҳәзирги «Қостерек» МПЖ аймағындағы белгили ахун - Асқар қазы шаңарағында туўылған. Тәғдир соқпақлары себеп жас өспирим дәўиринде ағасы Жүмек пенен Москва қаласына кетип, көп қыйыншылықларды бастан кеширип, сол жердеги мектеп интернат да бир неше жыл даўамында тәлим алады.

Арадан бираз жыллар өтип, елимизге қайтып келген Нағмет Урумбаев орта мектепти питкергеннен соң Төрткүлдеги Қарақалпақ мәмлекетлик муғаллимлер институтына оқыўға киреди. Сол жерден урысқа шақыртылып, саўашларға қатнасады. Қайтып келгеннен соң оқыўын даўам етип, 1948-жылы Ташкент қаласындағы Орта Азия мәмлекетлик университетиниң рус филологиясы бөлимин табыслы тамамлап Қарақалпақ мәмлекетлик педагогикалық институтының «Рус тили ҳәм әдебияты» кафедрасында аға оқытыўшы болып жумыс ислеўди баслайды. Рус тили бойынша жергиликли халық ўәкиллеринен шыққан биринши кәнигелер қатарында қарақалпақ мектеплеринде рус тили әлипбесин дүзиў, рус тилин оқытыў бойынша оқыў - методикалық қолланбалар таярлаў ислеринде белсендилик көрсетти. Бул қолланбалар рус тилин аңсат оқый алыўға үйрениўге , сондай-ақ рус тилиндеги әдебиятларды оқыў арқалы халықтың мәдениятын үйрениўге, мәдений байланысларды раўажландырыўға мүмкиншилик туўдырды. Соның менен бирге, рус тилинде оқытылатуғын мектеплер ушын қарақалпақ тилин оқытыў бойынша сабақлықларды баспадан шығарды.

1953-1957-жыллары Москва қаласындағы Педагогикалық Илимлер Академиясының изертлеў институтының аспирантурасында оқыйды ҳәм 1959-жылы рус тилин оқытыў методикасы бойынша кандидатлық диссертациясын табыслы жақлап педагогика илимлериниң кандидаты, соң доцент болады. 1960-жыллары Өзбекстан Илимлер Академиясы Қарақалпақстан филиалының Тарийх, тил ҳәм әдебият институтында аға илимий хызметкер, сөзликлер секторының баслығы болып мийнет жолын даўам еттиреди. Нағмет Урумбаев рус тили грамматикасы тараўында изертлеўлер жүргизип, үлкен мийнет жазып қалдырды. Илимпаз 1960-жыллары «Қарақалпақстан» баспасынан «Пособие по сопоставительной грамматике (морфология) русского и каракалпакского языков» атамада муғаллимлер ушын қарақалпақ мектеплеринде оқытылатуғын рус тили қолланбасын шығарды [1]. Бул қолланба қарақалпақ мектеплериниң рус тили грамматикасы бойынша берилетуғын теориялық мағлыўмат ҳәм әмелий көнликпени тереӊ өзлестирип алыў уқыплылығын тәмийинлейди. Бул қолланбада қарақалпақ тилинде оқытылатуғын мектеплерде рус тили ҳәм қарақалпақ тили грамматикасы (морфология)сы бойынша түсиник берилген. Грамматикалық категориялар барлық тиллерде бир түрли болмай, хәр түрли болады. Мәселен, рус тиллериндеги род категориясы түркий тиллерде жоқ. Қарақалпақ тилиндеги тартым категориясы арнаўлы аффикслер арқалы билдирилетуғын болса (китаб-ым, китаб-ын, китаб-ы), рус тилинде бундай категория жоқ. Рус тилинде бул мәни алмасықлар арқалы билдириледи (моя книга, твоя книга, его книга). Рус тили муғаллими бул қолланбаны пайдаланыў арқалы рус ҳәм қарақалпақ тилиниң грамматика тараўларын жақсы үйренип шығады. Бул қолланба баслаўыш класс муғаллимлерине рус грамматикасын үйретиўдиң нәтийжелилигине имканият береди. Нағмет Урумбаевтың 1963-жылы «Изучение рода русских имён существительных в каракалпакской школе» китабы баспадан шықты. Ол профессор Н.А.Баскаковтың басшылығында Москвада басып шығарылған биринши қарақалпақша - русша ҳәм 1967-жылы үлкен русша – қарақалпақша сөзликлерди дүзиўге ҳәм оларды редакторлаўға белсене қатнасды. Илимпаз 1969-жылы Н.Н.Баскаков редакторлығында жәрияланған «Основы методики русского языка в каракалпакской школе» деген илимий мийнетин жәриялады. Бул илимий мийнетиниң кирисиў бөлиминде рус тили оқытыўдың мақсети, ўазыйпасы ҳәм изертлеў методлары жазылған. Китаптың биринши бөлими «Общие вопросы методики преподование русской грамматики в каракалпакской школе» деп аталады. Ол үш баптан турып, биринши бабында рус мектеплери ушын қолланылатуғын рус тилиндеги грамматиканы оқытыўдың тарийхый раўажланыў методикасы ҳаққында сөз етиледи. Екинши бабында қарақалпақ мектеплери ушын рус тили грамматикасын оқытыўдың методикасы ҳаққында сөз етиледи. Үшинши бабында қарақалпақ мектеплериндеги рус тили сабақлығында улыўма грамматиканы оқытыўдың усыллары ҳаққында сөз етиледи [1]. Оқыўшылар рус тилин оқытыў арқалы сөзлерди дурыс таңлаў, оларды күнделикли әмелий жумысларында орынлы қоллана бериў, гәплерди дурыс дүзе алыў, яғный сөзлерди бир-бири менен байланыстырыў өзгешелигин өзлестирип алыў көнликпелери қәлиплеседи.

Илимий изертлеў жумысларын үзликсиз даўам еттирген Нағмет Урумбаев 1973-жылы «Научные основы методики преподования морфологии русского языка в каракалпакской школе» деген атамада докторлық диссертациясын да табыслы жақлады. Бул мийнетинде қарақалпақ билим бериў мектеплеринде рус тили сабақлығында морфологияны оқытыўдың мазмуны, ўазыйпалары, усыллары берилген. Бул китап үш баптан ибарат болып, онда рус тили морфологиясын оқытыўдың лингвистикалық, психологиялық ҳәм педагогикалық тийкарлары берилген. Ол көп жыллар даўамында «Русский язык и литература в узбекской школе» журналының редколлегия ағзасы, сондай-ақ бир қатар республикалық газеталардың штаттан тыс белсене ағзасы болды. Оның мақалаларының көпшилиги рус тили ҳәм қарақалпақ жазыўшыларының дөретиўшилигине, рус тилиндеги әдебий шығармалардың қарақалпақ тилине аўдарылыў мәселелерине арналды.

Профессор Н.Урумбаевтың исми тек ғана Қарақалпақстан ҳәм Өзбекстанға емес, ал Орайлық Азияның илимий жәмийетшилигине кеңнен мәлим. Оның авторлығында 200ден аслам илимий мийнетлер баспадан шыққан. Соның ишинде, монографиялар менен сабақлықлар талабалар ушын оқыў қолланбалары, баҳалы көрсетпелер, оқыў бағдарламалар, халық аралық ҳәм республикалық илимий конференция және симпозиумларда (Москва, Ленинград, Баку, Ашхабад, Кишинев, Рязан, Ташкент, Самарқанд) жасаған баянатлары, республикамыз газеталардағы мақалалары илимпаздың мийнетлери ҳәзирги күнге дейин басланғыш, орта ҳәм жоқары оқыў орынларында және изертлеўшилердиң илимий жумысларында кең қолланылмақта. Илимге болған пидайы хызметлери ылайықлы баҳаланып, «Қарақалпақстан Республикасына мийнети сиңген илим ғайраткери» хүрметли атағына еристи. Оған екинши дүнья жүзилик урыс қатнасыўшысы болғанлықтан бир қанша орден ҳәм медаллар, Өзбекстан Республикасы халық тәлим және жоқары тәлим ағласы, Қарақалпақстан Республикасы Жоқарғы Кеңесиниң хүрмет жарлықлары, «Мийнет ветераны» белгиси хүрметли атақлары берилди.

«Жақсылардың исми умытылмайды», - дегениндей, оның илим тараўындағы мийнетлерин қанша мақтасақ та, қанша жазсақ та көплик етпейди. Бул илим пидайысының өмир жолы келешек әўлад ушын баҳалы сабақ. Сонлықтан да, олардың салып кеткен нурлы соқпағы еле берин руўхый азық болып хызмет ете береди.

**Әдебиятлар**

1. Урумбаев Н. «Пособие по сопоставительной грамматике (морфология) русского и каракалпакского языков». «Қарақалпақстан», 1960.
2. Урумбаев Н. «Основы методики русского языка в каракалпакской школе» (под ред.Н.Баскакова ) 1969.
3. Алеуов У. Қарақалпақстанда тәлим-тәрбиялық ойлардың қәлиплесиўи ҳәм раўажланыўы. –Н.: «Билим», 1993.
4. Утебаев Т. «Қоракалпоғистонда XX аср иккинчи ярмида XXI аср бошида таьлим тарбиявий фикрларнинг ривожланиши. –Нукус: «Билим», 2015.

**РЕЗЮМЕ**

Мақолада Қорақалпоғистонда миллий педагогиканинг ривожланишига салмоқли хисса қўшган таниқли методист олимлардан бири педагогика фанлари доктори профессор Н.А.Урумбаевнинг рус тилини миллий мактабда ўқитиш методикасининг самарадорлигини оширишга бағишланган илмий-педагогик фаолияти ва таьлим-тарбиявий фикрлари ҳақида сўз юритилади.

**РЕЗЮМЕ**

Статья посвящена освещению трудовой деятельности одного из видных учёных-методистов доктора педагогических наук профессора Н.А.Урумбаева который внёс свой весомый вклад в развитие национальной педагогики в Каракалпакстане, повышению эффективности методики преподавания русского языка и литературы в каракалпакской национальной школе, значительности его образовательно-воспитательных взглядов.

**SUMMARY**

The article deals with the description of the creative work of one of the out standing scholars-Doctor of Pedagogical sciences, professor N.A.Urumbaev, who made a great contribution to the development of national Pedagogy in Karakalpakstan, to the improvement of methods of teaching Russian and literature in Karakalpak national schools. His points of view on education and upbringing remain important today.

# M A Z M U N Í

## PEDAGOGIKA ILIMLERI

### Pedagogika teoriyası hám tariyxı

**Абдисаттарова Э.** Қарақалпақстан мектеплеринде химия пәнин оқытыў тарийхынан ... 3
**Алламбергенов Е.К.** Қарақалпақ халық дәстаны «Шәрияр»дағы шаңарақ тәлим-тәрбиясы ҳаққында этнопедагогикалық көзқараслар 5
**Алламбергенов Е.К.** «Шәрияр» дәстанында мийнет тәрбиясы мәселелери ... 7
**Айтымбетов М.З.** Қорақалпоғистон умумий ўрта таълим мактаблари ривожланиши тарихидан ... 9
**Хатамов Т.А**. Мустақиллик йилларида таълим ислоҳотлари: муаммолар ва тажриба (тарихий таҳлил) ... 10
**Joldasbaev P.M**. J.Bazarbaevtıń dástúrler, ruwxıylıq hám ádep - ikramlılıq haqqındaǵı tárbiyalıq kózqarasları ... 13
**Курбанбаева А.Ж.** Халық педагогикасында жасларға әдираспан өсимлигиниң емлик қәсийетин үйретиў дәстүрл ... 15
**Қанглибеков Қ.Д.** Профессионал тәлимниң абзаллықлары ҳәм экономикалық тәреплери ... 16
**Қоржовов Б.Ж.** Ёшлар тарбиясида тасвирий санъат асарларини бадиий таҳлил қилиш асосларининг долзарб масалалари ... 18
**Отамуродов Ғ.Р., Эргашев Ё.С.** Таълимни ахборотлаштириш шароитида раҳбар кадрлар бошқарув компетенлигини ривожлантиришнинг назарий-методик асослари ... 20
**Оразымбетов Е.К**. Глобаллашув даврида ёшларнинг ватанпарварлик туйғусини такомиллаштиришда халқ педагогикасининг аҳамияти ... 23
**Сулаймонова Н.** Замахшарий асарларида сабр ва қаноат тушунчалари талқини ... 25
**Тажиева А.У., Бекмуратова Н.А.** Инглиз тили дарсларида мутахассисликка оид материаллардан фойдаланиш тажрибасидан ... 27

### Tálim - tárbiya teoriyası hám metodikası

**Абдимуратов Ж.П.** Оилада болаларда гўзаллик фазилатларини ривожлантириш ... 29
**Абдуллаева Р.М.** Сетевое образование в вузе: медицинская терминология русского языка ... 31
**Алламбергенов К., Юсупов К.А**. Академиялық лицейлерде Ө.Хожаниязов дөретиўшилигин оқытыў ... 32
**Аҳмедов Ф.К., Кулбоев Н.С.** Олий таълим муассасалари талабаларининг жисмоний маданиятини ривожлантириш масалалари ... 35
**Атажанова Г.Ю.** Филологик таълимдан бошқа гуруҳларда рус тилига оид дидактик материаллардан фойдаланиш методикаси ... 37
**Ашурова Д.Н.** «Таянч масала»лар ёрдамида талабалар фаоллигини ошириш методикаси ... 39
**Бабашева Г.Б.** "Она тили" дарсларида ижодий тафаккурни ривожлантириш методикасига доир ... 41
**Баллиева Р., Гайпова Р.Т, Есбергенова С.А.** Мектеп география пәниниң методикалық машқалалары ... 43
**Байманова У.Ш., Бердимуратова Р.Е.** Стиль педагогических взаимоотношений будущего учителя английского языка ... 44
**Бахриддинов Ҳ.З.** Мактаб ўқувчилар жисмоний тайёргарлигининг йиллик динамикаси ... 46
**Бахриддинов Ҳ.З.** 5-7-синф ўқувчилари умумий жисмоний тайёргарлигининг йиллик динамикаси ... 48
**Ешбаева М.** Астрономия курсини ўқитиш жараёнида педагогик технологияларнинг ўрни ва аҳамияти ... 50
**Ходиев Р.Х., Саидбоев Б.Ж**. Ҳарбий хизматчиларнинг педагогик маданиятини шакллантиришнинг айрим жиҳатлари ... 52
**Исақулов М.Р.** Юқори синф ўқувчилари билан "жаҳолатга қарши – маърифат" борасидаги тушунчалар устида ишлаш технологияси .. 55
**Калимбетов К**. Қатъиймас мантиқ принциплари асосида талабалар билимини комплекс баҳолаш тизимини яратиш ... 57
**Карлыбаева Г.Е**. Бўлажак физика ўқитувчисининг методик тайёргарлигини компетенциявий ёндашув асосида ривожлантириш ... 59
**Куттибекова Г.Т.** Диагностика и определение направлений применения арт-педагогических технологий в эстетическом воспитании младших школьников ... 61
**Qurmanov A., Shamuratova T., Amanbaev M.,Yuldasheva N.** Ulıwma bilim beriw mekteplerinde klasstan tısqarı jumıslardı shólkemlestiriwdiń ayırım máseleleri ... 63
**Моянов Ы.Ж.** Умумий ўрта таълим мактабларида қорақалпоқ халқ мусиқа санъатини урганишнинг педагогик аҳамияти ... 65
**Набиев А.** Замонавий дарсликларда муаммоли вазиятларни баён этиш ("Материаллар қаршилиги" ва "Техник механика" фанлари мисолида) ... 67
**Нуриддинова М.** Мактабгача ёшдаги болаларнинг жисмоний кўникма ва малакаларини ривожлантиришда ҳаракатли ўйинларни қўллаш ... 69
**Нурланов А.** Мектеп билимлендириўи сыпаты ҳәм нәтийжелилигин асырыў мәселелери ... 71
**Оразбаева Г.Ж.** Взаимодействия семьи и школы, направленное на самореализацию учащегося ... 73
**Оразов Ш.Б., Мамутов К.Т.** Методология контроля и оценки методологии в системе слуха ... 74
**Pazılov A.K, Ilyasova Z.U.** Oqıwshılardıń ózbetinshe kitap oqıw mádeniyatın qáliplestiriw usılları ... 76
**Пазылов М.А**. Шаңарақта баланың жас өзгешеликлерине ылайық тәрбия бериў машқалалары ... 78
**Пирманова Г.Н.** Художественное наследие англии в обучении английскому языку ... 79
**Prenov B.B., Atabaeva B.J.** Zamanagóy bilimlendiriwde modulli-kredit sistemaları haqqında ... 81
**Рахимов В.** Мактабгача таълим тизимида жисмоний тарбияни ташкил этишнинг имманент хусусиятлари ... 83
**Расулова З.Д**. Технологик таълим йўналиши ўқув жараёнларида ахборот - коммуникация технологияларидан фойдаланиш ... 85
**Романова С**. Мусиқанинг тарбиявий аҳамияти ва ўзбек мумтоз мусиқа санъати ... 87
**Саидов А.И**. Ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини шакллантириш давлат сиёсатининг устувор йўналиши сифатида ... 88
**Сапаева Ф., Ережепова Д**. Ўзбек тилини ўқитишда адабий ўқиш ва матнни шарҳлаш тамойилларини ўргатиш технологиялари ... 91
**Сейтов М.** Руўхый жетиклик ҳәм оған ерисиў жоллары ... 94
**Тажиев Ж.К.** Технология ўқитувчиларини тайёрлашда уларнинг халқ ҳунармандчилиги бўйича компетенцияларини ривожлантириш 95
**Таспанова Ж.К.** Әжинияздың жасларға билим бериў усыллары ҳаққында ... 97
**Тожибоева Н.** Бўлажак ўқитувчиларда менеджерлик кўникмаларини шакллантириш технологиялари ... 99
**Уразимова Т.В.** Қарақалпақстан сүўретлеў өнери тийкарында талабалардың көркем-дөретиўшилик уқыбын раўажландырыў жоллары 102
**Юнусов Д.Р**. Ахборот ва телекоммуникацион воситалар ёрдамида талабаларда педагогик ҳурфикрлиликни шакллантириш ... 104
**Юсупов К.А**. Академиялық лицейлерде Т.Қабуловтың өмири ҳәм лирикасын үйрениў ... 106
**Юсупов Г.А.** Физкультурно-спортивная деятельность – как базовый фактор физической подготовленности студенческой молодёжи 110

## PSIXOLOGIYA ILIMLERI

**Акрамова Ф.А.** Психологическая помощь семье: семейно-брачные трансформации и неформальные браки ... 113
**Бабашева Г.Б.** Бошланғич синф ўқувчиларининг ижодий фикрлаш жараёнига психологик ва педагогик ёндашувлар ... 114
**Қодирова А.Б.** Ҳаким Термизийнинг табиат ўзгаришларининг инсон руҳиятига таъсири хусусидаги қарашлари ... 116
**Нарметова Ю.К**. Бронхиал астма билан касалланган беморларнинг психо-эмоционал хусусиятлари ... 119
**Нурымбетова Э.Ж.** Основные психологические формы работ с конфликтами ... 121
**Tleumbetova K., Shamuratova X.** Maktabgacha va boshlang'ich ta'limining uzviyligini psixologik-pedagogik qo'llab-quvvatlash ... 123
**Юлдашева С.Т.** Талабалар қизиқишларини фаоллаштириш жараёнининг психологик жиҳатлари ... 125

## USTAZLAR SHEJIRESI

**Курбанбаева Д.М.** Илим шыңына жеткен педагог алым ... 127